

№3 (19)  
Март-Сентябрь

20  
22



ISSN 2181-0567  
ISSN 2181-1830

# IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

ЭКОНОМИКА:  
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

ECONOMY:  
ANALYSIS AND FORECASTS



Журнал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
кискартириш вазирлиги билан ҳамкорликда нашр этилмоқда

ISSN 2181-0567



9 772181 056008



# IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

**ЭКОНОМИКА:  
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ**

**ECONOMY:  
ANALYSIS AND FORECASTS**

№ 3 (19)

Июль-Сентябрь, 2022 йил

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

- Ж.Қўчқоров** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, таҳрир хайъати раиси  
**И.Норқулов** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари, таҳрир хайъати раиси ўринбосари  
**У. Абидхаджаев**, и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори  
**З. Халдаров**, PhD – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари  
**Т.Ахмедов**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари – Илмий марказ директори  
**Д.Курбанова**, и.ф.н., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти илмий котиби  
**С.Чепель**, и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими  
**Н.Расулов**, и.ф.д., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари  
**Д.Каримова**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари  
**Р.Хасанов**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари  
**Х. Сайдалиев**, и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти гуруҳ раҳбари  
**Н.Ибрагимова**, PhD., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари  
**Ё.Файзуллаев**, и.ф.н. – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бўлим бошлиғи

**ТАҲРИРИЯТ:**

- Бош муҳаррир – **Т. Аҳмедов**  
Масъул муҳаррир – **А. Юлдашев**  
Техник муҳаррир – **И. Одашев**  
Компьютер графикаси дизайнери – **И. Саидов**  
Нашр учун масъул – **Н. Примов**

**Журнал Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 29 июндаги 266/8-сонли қарорига асосан ОАК диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига ва Россия Федерациясининг Илмий иқтибос индекси (РИНЦ) рўйхатига киритилган.**

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2021 йил 22 апрелда 1043-сонли гувоҳнома бўйича қайта рўйхатга олинган.

Босма ISSN 2181-0567; Электрон ISSN 2181-1830.  
Формат 84/60, 1/8, 12,3 б.т.  
Чоп этишга 30.09.2022 йилда рухсат этилди.

Журналнинг «Matbuot tarqatuvchi» АК обуна каталогидagi индекси – 1360.  
Журнал уч ойда бир марта чоп этилади. Баҳоси келишилган нархда.

«Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar» журналидан қўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Таҳририят фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиги мумкин. Мақоладаги далилларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар шахсан масъул ҳисобланади.  
Тақдим қилинган мақолалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Таҳририят манзили:**

100011, Тошкент ш., Хадра массиви, 33<sup>А</sup>. Тел.: (+998 71) 244-05-42. E-mail: jurnal@ifmr.uz

Тарқатиш бўлими телефони: (+998 71) 244-05-42

## Мундарижа / Содержание / Contents

### Макроиктисодиёт ва прогнозлаштириш / Макроэкономика и прогнозирование / Macroeconomics and forecasting

- 4 *Сергей ЧЕПЕЛЬ*. Оценка уровня стабильности ключевых параметров моделей «Затраты – Выпуск» для Узбекистана
- 11 *Бобир ТУРСУНОВ*. Мамлакат тўқимачилик саноати ўсишининг прогноз сценарийлари  
*Хабибулло ИБАДУЛЛАЕВ, Нурбек ОМОНОВ, Жасур ЖАЛОЛОВ*. Трансмиссионный механизм
- 22 денежно-кредитной политики при трех режимах (режим инфляционного таргетирования, режим фиксированного обменного курса, гибридный режим)
- 37 *Konstantin KURPAYANIDI*. Methodological approaches to the analysis of the institutional environment of entrepreneurship
- Iqboljon QOSIMOV, Shahina ASHUROVA*. Aniqlangan qiyosiy ustunliklar va raqobatbardoshlik:
- 47 Yevrosiyo iqtisodiy ittifoqiga a'zo bo'lishning O'zbekistonning tashqi savdo ko'rsatkichlariga ta'siri

### Саноат, аграр ва ҳудудий иқтисодиёт / Промышленность, сельское хозяйство и региональная экономика / Industry, agriculture and regional economy

- 64 *Меҳри ВОХИДОВА*. Махсус иқтисодий зоналарда солиқ сиёсати
- 71 *Комилжон ҚЎЗИЕВ*. Ҳудуднинг ер ва сув ресурслари салоҳиятини баҳолаш асосида ўсиш драйверларини аниқлаш (Бўка тумани мисолида)
- 76 *Мирзоҳид АБДУЛЛАЕВ*. Андижон вилояти енгил саноат корхоналарида персоналдан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили
- 87 *Алексей КИМ*. Воздействие производства мяса на окружающую среду
- 91 *Сухроб МАХМУДОВ*. Қашқадарё вилояти иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар: ҳудудий ва тармоқ таҳлили
- 99 *Баҳромжон РЎЗИМОВ*. Андижон вилоятида озиқ-овқат кластерлари корхоналарининг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар
- 107 *Дарья ИЛЬИНА, Алексей КИМ*. Мировая продовольственная ситуация: как реагировать Узбекистану?
- 112 *Дониёрбек САРИМСАҚОВ*. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини ошириш

**Инвестиция, рақамли ва инновацион технологиялар /**  
**Инвестиции, цифровые и инновационные технологии /**  
**Investment, Digital and Innovative Technologies**

- 122 *Дилором ТАДЖИБАЕВА.* Хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш имкониятларининг тенденцияси: институционал ёндашув
- 132 *Kiran NASEER, Ramsha Nazeer MEMON, Muhammad JUNAID, Nawaz AHMAD.* Trend Analysis of Cryptocurrency using Time Series
- 140 *Фарҳад РАҲИМОВ, Назимахон ЗАРИПОВА.* Технопарклар фаолиятининг айрим жihatлари
- 147 *Нилуфар САФАРОВА.* Тенденции цифровой инклюзивности в Узбекистане
- 153 *Иқболжон КАСИМОВ, Баходир МАМАТОВ, Зоҳиджон МАҲМУДОВ.* Марказий Осиёда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш
- 163 *Музаффар КАРИМОВ.* Оценка эффективности инвестиций в промышленность Узбекистана
- 172 *Дилноза ИБОДОВА, Фарҳад РАҲИМОВ.* Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш устуворликлари ва истикболлари

**Ижтимоий масалалар, фан, таълим ва камбағалликни қисқартириш /**  
**Социальные вопросы, наука, образование и сокращение бедности /**  
**Science, education poverty reduction, and Social issues**

- 177 *Дилдора КАРИМОВА.* Государственная политика по борьбе с бедностью в Узбекистане: история, текущая ситуация и перспективы
- 184 *Шахло МАХКАМОВА.* Зарубежный опыт механизма государственного финансирования высшего образования
- 192 *Ботир АБДУЛЛАЕВ.* Аҳоли фаровонлик даражаси ва эҳтиёжларининг қондирилишини баҳолаш (Фарғона вилояти мисолида)

**Макроиқтисодиёт ва прогнозлаштириш / Макроэкономика и прогнозирование /  
Macroeconomics and forecasting**

УЎК: 330.53.(045)

**Сергей ЧЕПЕЛЬ,**  
*доктор экономических наук,  
главный научный сотрудник Института прогнозирования  
и макроэкономических исследований,  
E-mail: swchep@mail.ru*

## **Оценка уровня стабильности ключевых параметров моделей «Затраты – Выпуск» для Узбекистана**

**Введение.** Актуальность проблемы стабильности параметральной базы моделей, формируемых в рамках подхода 3-В обусловлена тем, что обладая значительным аналитическим потенциалом, этот подход сталкивается с проблемами верификации результатов, получаемых на его основе. Отличительной особенностью процесса формирования информационной основы подхода является длительный срок разработки новых отчётных таблиц, достигающий 2-3 года. В результате ряд экспертов высказывают сомнения в отношении реалистичности результатов, получаемых на основе этого подхода, аргументируя это быстрыми изменениями, происходящими в экономике республики, особенно в последние годы.

В мире существуют различные методические наработки к оценке актуальности статистической отчётности с позиции возможности её использования для построения прогнозных моделей. Это могут быть различные статистические методы анализа стабильности (стационарности) временных рядов, подходы к оценке качества моделей на основе использования ретроспективных данных и ряд других. Применительно к моделям 3-В одним из основных подходов к корректировке коэффициентов прямых затрат  $a_{ij}$  является метод RAS. Он обеспечивает «обновление» этих коэффициентов на прогнозный период при наличии фрагментарной информации по некоторым из отраслей экономики (например, ожидаемые на прогнозный период

затраты по отрасли в целом, отдельные оценки по потреблению продукции отрасли, ожидаемые изменения относительных цен и т.д.).

По состоянию на начало 2022 года в республике имелись отчётные таблицы 3-В за 2016, 2017, 2018 и 2019 годы, разработанные с учётом требований современных международных статистических стандартов. Единый отраслевой разрез этих таблиц включает в себя 78 отраслей и секторов экономики, из которых 44 отрасли сферы услуг.

Пополнение отчётной базы подхода 3-В таблицами за 2018-2019 гг. позволило впервые оценить устойчивость коэффициентов прямых затрат  $a_{ij}$  для национальной экономики. Исходя из своей природы, они могут меняться под воздействием большого числа факторов - изменение цен на продукцию отраслей  $i$  и  $j$ , уровня охвата предприятий этих отраслей при проведении статистических обследований, совершенности применяемых при этом методик. Важнейшим же является технологический фактор, определяющий пропорции, в которых используется промежуточная продукция (например, соотношение между объёмом затрачиваемого сырья в тоннах и потреблением газа в куб. м. при производстве одной тонны цемента). Эти соотношения довольно стабильны и меняются только при глубокой модернизации производства и перехода к новым технологическим способам производства.

**Этапы анализа уровня стабильности коэффициентов включают:**

- определение порогового значения потоков промежуточного потребления  $Z_{kl}^*$  как критерия для выявления важнейших коэффициентов прямых затрат;
- выявление для каждой отрасли  $I$  по данному критерию важнейших коэффициентов  $a_{kl}^*$ , для которых промежуточное потребление превышает пороговое значение  $Z_{kl} > Z_{kl}^*$ ;
- оценка среднего значения выявленных коэффициентов и вариации относительного среднего за отчётный период;
- анализ полученных оценок и обоснование выводов.

**Результаты использования этого методического подхода состоят в следующем.** Важнейшие коэффициенты  $a_{kl}^*$  были выявлены на примере 2018 года для порогового значения в 200 млрд. сум, а полученные при этом их координаты (соответствующие отрасли  $k$  и  $l$ ) были использованы для всех оставшихся лет отчетного периода (2016, 2017, 2019 гг.).

При этом условии в число важнейших попало 197 из 6084 коэффициентов по **40** из **78** отраслей экономики. На них пришлось **82%** от всего объёма потоков промежуточной продукции 2018 года, что показывает высокий уровень репрезентативности совокупности отобранных коэффициентов.

Вместе с анализом устойчивости, важнейшие коэффициенты и их распределение по сферам и отраслям экономики даёт объективную картину о приоритетах и уровне технологического развития страны. Полученные результаты показали, что наибольшее число важнейших коэффициентов сосредоточено в традиционных видах сферы услуг (третичный сектор): оптовая розничная торговля и автосервис – 23 коэффициента, управление и оборона – 19, сооружения и работы строительные – 18.

В меньшем количестве такие коэффициенты выявлены в отраслях первичного сектора (сельское хозяйство, добывающая промышленность и первичная переработка): сельское хозяйство -15 (см. табл. 3), металлы основные -11, изделия минеральные неметаллические (в т.ч. цемент) – 9.

Меньше всего таких коэффициентов оказалось в сфере средне и высокотехнологичной промышленности: автотранспортные средства -7, оборудование электрическое – 6, другие машины и механизмы – 3, лекарственные средства -1, компьютерное и электронное оборудование – 1. Это свидетельствует об отсутствии системной долгосрочной технологической политики, ориентированной на новые

перспективные отрасли экономики, а также о малой эффективности сложившихся механизмов её реализации (СП, СЭЗ, программы локализации, система подготовки инженерно-технических кадров и т.д.), что создаёт существенные риски для обеспечения устойчивости роста в условиях неизбежного перехода к новому технологическому укладу и низкому углеродному развитию.

Первичный анализ динамики полученных коэффициентов свидетельствует об их достаточной устойчивости. Например, затраты химической продукции (удобрения) на единицу выпуска сельхозпродукции  $a_{151}^*$  менялись в отчётном периоде в диапазоне от 0,012 до 0,018 со средней оценкой 0,015 и дисперсией 0,05 в процентах к средней оценке (табл. 3).

Обобщение полученных оценок дисперсии по каждой отрасли в целом и их последующие сопоставления позволили сделать следующие выводы.

---

**Вместе с анализом устойчивости, важнейшие коэффициенты и их распределение по сферам и отраслям экономики даёт объективную картину о приоритетах и уровне технологического развития страны. Полученные результаты показали, что наибольшее число важнейших коэффициентов сосредоточено в традиционных видах сферы услуг (третичный сектор): оптовая розничная торговля и автосервис – 23 коэффициента, управление и оборона – 19, сооружения и работы строительные – 18.**

---

Таблица 1.

Фрагмент таблицы важнейших коэффициентов прямых затрат за 2016-2019 гг. с оценками их устойчивости

Динамика коэффициентов прямых затрат по отраслям (I) с наибольшими колебаниями по сравнению с потребителями					Тенденция	Средняя	Дисперсия	
Отрасль (потребитель)	2016	2017	2018	2019			Абсолют.	% к средней
<b>I-1 Сельское хозяйство</b>								
I1 Производство сельского хозяйства, охоты, оленеводства в этих областях	0,3248	0,3075	0,3405	0,3312		0,3341	0,0000	0,02
I6 Производство мяса и	0,0029	0,0059	0,0058			0,0049	0,0000	0,05
I12 Текстиль и текстильные изделия	0,0030	0,0070	0,0068			0,0069	0,0000	0,05
I15 Древесина и изделия из древесины и пробки (кроме мебели); изделия из соломы и растительных волокон	0,0034	0,0014	0,0017		↑	0,0011	0,0000	0,04
I18 Косметика и продукты легкой химии	0,0037	0,0025	0,0040			0,0031	0,0000	0,02
I19 Производство напитков	0,0020	0,0038	0,0044	0,0063		0,0051	0,0000	0,05
I21 Изделия резиновые и пластмассовые	0,0004	0,0014	0,0013			0,0010	0,0000	0,03
I22 Изделия минеральные неметаллические прочие	0,0011	0,0019	0,0020			0,0017	0,0000	0,01
I24 Изделия металлические прочие и изделия из керамики и фарфора	0,0025	0,0015	0,0018			0,0013	0,0000	0,04
I27 Машины и оборудование, не включенные в другие группы	0,0011	0,0015	0,0017			0,0011	0,0000	0,07
I28 Электроэнергия, газ, пар и горячая вода (кроме электростанций)	0,0049	0,0045	0,0042		↓	0,0045	0,0000	0,00
I38 Услуги оптовой и розничной торговли, ремонт транспортных средств и мотоциклов	0,0026	0,0038	0,0030	0,0002		0,0028	0,0000	0,50
I40 Услуги по перевозкам	0,0047	0,0052	0,0054			0,0045	0,0000	0,02
I42 Услуги по страхованию, перестрахованию и таксационным операциям, финансовые услуги по обязательному социальному страхованию	0,0004	0,0004	0,0018			0,0008	0,0000	0,08
I43 Услуги по аренде жилья	0,0026	0,0012	0,0013			0,0011	0,0000	0,01
<b>I-2 Производство легкого текстиля, текстильных изделий и изделий из кожи</b>								
I6 Производство текстильных изделий, текстильных изделий и изделий из кожи	0,0011	0,0026	0,0016		↑	0,0015	0,0000	0,05
<b>I-3 Нефтедобыча и газопереработка</b>								
I6 Нефтедобыча и газопереработка	0,0408	0,0786	0,0780	0,0804	↑	0,0802	0,0012	1,43
I19 Производство химических	0,0367	0,0057	0,0061			0,0362	0,0000	0,00
I20 Металлы основные	0,0076	0,0033	0,0146		↑	0,0038	0,0000	0,12
I28 Электроэнергия, газ, пар и горячая вода (кроме электростанций)	0,0428	0,0015	0,0020	0,0440		0,0344	0,0000	0,29
I40 Услуги оптовой и розничной торговли, ремонт транспортных средств и мотоциклов	0,0215	0,0070	0,0034			0,0028	0,0000	0,04
I42 Услуги по перевозкам	0,0355	0,0057	0,0030	0,0002	↓	0,0028	0,0000	1,46
I43 Услуги финансовые, аренда услуг по страхованию и пенсионному обеспечению	0,0010	0,0056	0,0011			0,0040	0,0000	0,21
<b>I-4 Руды металлов</b>								
I28 Электроэнергия, газ, пар и горячая вода (кроме электростанций)	0,0725	0,0072	0,0815	0,0009	↓	0,0635	0,0013	2,00
<b>I-5 Услуги бытового назначения</b>								
I1 Производство сельского хозяйства, охоты, оленеводства в этих областях	0,2573	0,3046	0,3525	0,4008	↑	0,3337	0,0018	0,52
I6 Производство мяса и	0,1307	0,1889	0,1730	0,2872	↑	0,1867	0,0005	0,29
I18 Бумага и изделия из бумаги	0,0019	0,0019	0,0020		↑	0,0018	0,0000	0,01
I19 Производство химических	0,0084	0,0050	0,0063		↑	0,0069	0,0000	0,00
I28 Электроэнергия, газ, пар и горячая вода (кроме электростанций)	0,0025	0,0057	0,0080		↑	0,0071	0,0000	0,01
I38 Услуги оптовой и розничной торговли, ремонт транспортных средств и мотоциклов	0,0418	0,0015	0,0010		↓	0,0211	0,0000	0,37
<b>I-10 Иные</b>								
I1 Производство сельского хозяйства, охоты, оленеводства в этих областях	0,3484	0,3012	0,2940	0,2200		0,2859	0,0011	0,40
I6 Производство мяса и	0,0729	0,0780	0,0681		↓	0,0786	0,0000	0,01
I21 Изделия резиновые и пластмассовые	0,0805	0,0818	0,1781			0,0787	0,0000	0,02
<b>I-11 Текстиль и текстильные изделия</b>								

Источник: Расчёты автора на основе модели «Затраты-Выпуск».

Наибольшая средняя по отрасли дисперсия в динамике важнейших коэффициентов прямых затрат характерна для таких отраслей как древесина и продукция из неё 8,1%, лекарственные препараты 5,7%, прочие машины и оборудование 4,8%, нефтепереработка 2,6%, изделия металлические 1,5%. Однако на долю отраслей с средней дисперсией выше 1% пришлось всего 9,7% от выпуска по экономике в целом, что показывает незначительное

влияние отраслей с нестабильными коэффициентами на экономику в целом.

Наиболее стабильными, с дисперсией в динамике коэффициентов менее 1%, в отчетном периоде были коэффициенты по сфере розничной и оптовой торговли 0,03%, телекоммуникаций 0,03%, строительства 0,06%, сельского хозяйства 0,07%, транспорта 0,07%, образования 0,1%, производства одежды 0,1%, изделий минеральных неметалличе-

ских 0,1%, пищевой продукции 0,2%, текстильной продукции 0,2%, металлов основных 0,2%, электроэнергии 0,8%, автотранспортных средств 0,9%. На долю этих отраслей и сфер, динамика важнейших коэффициентов прямых затрат по которым отличается высокой степенью стабильности, пришлось 86,4% от выпуска по экономике в целом, что служит весомым аргументом в пользу стабильности параметральной базы подхода 3-В для экономики в целом<sup>1</sup>.


Результаты обобщения оценок стабильности коэффициентов в графическом виде представлен на рис. 1. В левой его части показано частотное распределение числа отраслей от уровня волатильности (дисперсии) коэффициентов. Оно показывает, что количество отраслей, где эта дисперсия не достигает 1%, составило 29 из 40 отраслей, для которых выявлено 197 важнейших коэффициентов  $a_{kl}^*$ .

Для целей нашего анализа важно не только число отраслей, но и вес, который они занимают в экономике. В правой части рис.1 показан накопленный вес этих отраслей, отсортированных по возрастанию дисперсии коэффициентов, при переходе от отраслей с наименьшими оценками среднеотраслевой дисперсии, к отраслям с более высокими оценками. Так, если для первых 4-х отраслей с оценками дисперсии 0,03, 0,04, 0,06 и 0,06 соответственно суммарный вес этих отраслей по валовому выпуску в общем выпуске составил 14,3%, то для 10-ти отраслей - уже 52,1%, а для всей группы из 29 отраслей – 86,4%.

Для отраслей с высокой волатильностью динамики коэффициентов  $a_{kl}^*$  (отрасли от 30-й до 40-й) накопленная доля их выпуска в объёме выпуска по экономике растёт медленнее и не достигает 10% по совокупности из этих 11 отраслей. Там же и показана динамика роста дисперсии при переходе от одной накопленной группе отраслей, к другой, которая возрастает от 0,03% (для первой отрасли) до 8,06% (для последней точки из всех 40 отраслей).

Вывод о высокой степени стабильности параметральной базы моделей 3-В для Узбекистана получает дополнительный аргумент при сопоставительном анализе оценок отраслевых мультипликаторов за 2016 и 2018 годы (рис.2), которые показывают,

насколько увеличиться выпуск по экономике в целом, если конечное потребление по конкретной отрасли увеличиться, например, на 1 млрд. сум. В большинстве случаев оценки мультипликаторов за эти годы незначительно отличаются друг от друга, особенно в первичном и третичном секторах. По крупным отраслям отклонения также незначительны. Так, мультипликатор выпуска по спросу на продукцию сельского хозяйства в 2016 году оценивался величиной в 1,60. То в 2018 г. в 1,61. По текстильной отрасли 2,11 и 2,09 соответственно, по металлам основным 1,368 и 1,228, по изделиям минеральным неметаллическим 1,572 и 1,432. В целом по экономике сумма этих оценок отличаются также незначительно: 116,9 в 2016 г. и 110,6 в 2018 г., или 1,499 и 1,418 в среднеотраслевом исчислении.




**Рис.1.** Распределение отраслей по уровню вариации коэффициентов  $a_{kl}^*$  (рис. 1а) и по доле этих отраслей в совокупном выпуске (рис.1б)

Источник: расчёты автора по данным табл.3.



Надёжность и обоснованность прогнозных расчётов с использованием подхода 3-В может быть ещё выше, если учесть тенденции, сложившиеся в динамике коэффициентов прямых затрат по некоторым позициям (колонка «тенденции» табл.3). Анализ показал, что для 97 из 197 важнейших коэффициентов, т.е. почти по половине из них, в отчётном периоде сложилась строго возрастающая / убывающая динамика, экстраполяция которой на прогнозный период может повысить качество прогнозных оценок.

Полученный вывод о возможности использования моделей 3-В для оценки реакции национальной экономики на внутренние и внешние шоки в кратко и среднесрочном периодах в целом согласуется и с результатами аналогичных исследований по другим странам, в частности по Румынии<sup>2</sup>, где были протестирована устойчивость аналогичных коэффициентов в отчётном периоде.



**Рис.2. Значения мультипликаторов выпуска по конечному продукту по всем 78 отраслям экономики за 2016 и 2018 годы**


**Примечание:** первичный сектор – сельское хозяйство и добывающая промышленность.

**Источник:** расчёты автора на основе отчётных таблиц 3-В за 2016 и 2018 годы.

Наиболее перспективным направлением корректировки коэффициентов прямых затрат является их увязка с инвестиционной политикой. Если имеется надёжная информация о ожидаемых вводах новых мощностей в ключевых отраслях экономики. Как правило, следствием реализации крупных инвестиционных проектов являются эффекты ресурсосбережения. В одном из последних исследований в сфере зелёной трансформации национальной

экономики показано, что внедрение современных парогазовых и газотурбинных технологий (ПГУ и ГТУ) на семи действующих ТЭС республики приведёт к сокращению удельных расходов газа на единицу выработки электроэнергии. При этом исходный коэффициент прямых затрат газа (отрасль 5) на единицу выпуска электроэнергии (отрасль 33)  $a_{5,33} = 0,145$  уменьшается на 29,3% (с учётом масштабов внедрения новых технологий) или до  $a_{5,33} = 0,103$ .

В общем виде, процесс формирования и использования моделей 3-В с корректировкой коэффициентов прямых затрат в увязке с инвестиционной программой представлена на рис.3.



**Рис.3. Логическая схема расчёта последствий реализации инвестиционных проектов с использованием подхода «Затраты-выпуск»**

**Полученный вывод о возможности использования моделей 3-В для оценки реакции национальной экономики на внутренние и внешние шоки в кратко и среднесрочном периодах в целом согласуется и с результатами аналогичных исследований по другим странам, в частности по Румынии<sup>2</sup>, где были протестирована устойчивость аналогичных коэффициентов в отчётном периоде.**

<sup>2</sup> Среднеотраслевая оценка дисперсии по экономике в целом составила 1,12%, что не превышает статистическую погрешность оценки индикаторов на макроуровне. Так, пересчёт ВВП, выполненный в 2018 году, изменил значение этого индикатора на 17,5% за 2017 г., на 18,4% за 2016 г. и на 17,7% за 2015 год.

В её основе – снижение значений коэффициентов прямых затрат  $a_{ij}$  для конкретных отраслей  $ij$  при внедрении конкретных, например, низкоуглеродных инвестиционных проектов с последовательным пересчётом связанных с ними параметров модели (коэффициенты полных затрат, мультипликаторы, коэффициенты импортозависимости и т.д. [5]. При этом величина снижения затрат конкретных видов промежуточной продукции будет зависеть от объёма инвестиций  $I_j$  и количественных характеристик конкретного проекта.

### **Источники и литература**

1. W. Greene *Econometric Analysis, 8th Edition. Stern School of Business, New York University.* 2018.
2. Gorr, W. L., *Forecast accuracy measures for exception reporting using receiver operating characteristic curves. International Journal of Forecasting* 25, p. 48-61. 2009.
3. R. Miller P. Blair. (2009). *Input–Output Analysis Foundations and Extensions. Second Edition (point 7.4 Updating and Projecting Coefficients: The RAS Approach and Hybrid Methods).*
4. «Оценка социально-экономических последствий от повышения обязательств Узбекистана по определяемому вкладу в сокращение выбросов парниковых газов для секторов энергетики, сельского и водного хозяйства». Ташкент, ПРООН, 2021. [https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/library/environment\\_energy/assessment-of-social-and-economic-impacts-of-increased-ambition-.html](https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/library/environment_energy/assessment-of-social-and-economic-impacts-of-increased-ambition-.html)
5. С.Чепель. *Возможности метода затраты-выпуск в оценке импортозависимости национальной экономики. Ежегодник «Россия: тенденции и перспективы развития». Выпуск 17, Часть 1. РАН, ИНИОН, Москва, 2022 (стр.558-564).*

### **Оценка уровня стабильности ключевых параметров моделей «Затраты – Выпуск» для Узбекистана**

**Сергей Чепель,**

доктор экономических наук,  
главный научный сотрудник Института  
прогнозирования и макроэкономических исследований

**Аннотация:** метод «Затраты-выпуск» представляет очень широкие возможности для при-

кладных макроэкономических и отраслевых исследований. Однако существенным барьером на пути расширения его использования является длительный срок разработки новых отчётных таблиц, достигающий 2-3 года, что поднимает вопросы о надёжности прогнозных результатов, получаемых на их основе. В статье раскрываются существующие подходы к анализу уровня стабильности коэффициентов прямых затрат, составляющих основу параметральной базы современных моделей «Затраты-выпуск» (З-В). Обсуждаются возможности их прогнозирования. Предложена схема оценки уровня стабильности этих коэффициентов, реализованная на основе отчётных таблиц З-В по республике за 2016,2017,2018,2019 гг. Проанализирована динамика 197 из 6084 коэффициентов по 40 из 78 отраслей экономики, на которые пришлось 82% от всего объёма потоков промежуточной продукции 2018 года. Сделаны оценки их волатильности. Обоснован вывод о достаточном уровне стабильности этих коэффициентов и возможности использования соответствующих моделей при оценке последствий реакции экономики и её основных отраслей на различные шоки. Предложена схема корректировки коэффициентов на основе информации о крупных инвестиционных проектах.

**Ключевые слова:** метод «Затраты-выпуск», коэффициенты прямых затрат, волатильность, промежуточная продукция, тенденции, мультипликаторы выпуска.

### **O'zbekiston uchun "xarajat-ishlab chiqarish" modellarning asosiy parametrlarining barqarorlik darajasini baholash**

**Sergey Chepel,**

iqtisodiyot fanlari doktori,  
Prognozlashtirish va makroiqtisodiy  
tadqiqotlar instituti ilmiy xodimi

**Аннотация:** «Xarajat-ishlab chiqarish» usuli amaliy makroiqtisodiy va sanoat tadqiqotlari uchun juda keng imkoniyatlarni yaratib beradi. Biroq, uni qo'llashni kengaytirish uchun muhim to'siq yangi hisobot jadvallarini ishlab chiqish jarayoni 2-3 yilgacha bo'lgan uzoq muddatni tashkil etib, ular asosida olingan prognoz natijalarning ishonchligi haqida savollar tug'diradi. Maqolada "Xarajat-ishlab chiqarish" zamonaviy modellarining parametrik

bazasining asosini tashkil etuvchi to'g'ridan-to'g'ri xarajatlar koeffitsientlarining barqarorlik darajasini tahlil qilishning mavjud yondashuvlari ochib berilgan. Ularni prognoz qilish imkoniyatlari muhokama qilinadi. Respublika bo'yicha 2016, 2017, 2018, 2019 yillar uchun X-I hisobot jadvallari asosida amalga oshirilgan ushbu koeffitsientlarning barqarorlik darajasini baholash sxemasi taklif qilingan. 2018-yilda oraliq mahsulot oqimi umumiy hajmining 82 foizini tashkil etgan iqtisodiyotning 78 ta tarmog'idan 40 tasi bo'yicha 6084 koeffitsientdan 197 tasining dinamikasi tahlil qilindi. Ularning o'zgaruvchanligini baholash amalga oshiriladi. Ushbu koeffitsientlarning etarli darajada barqarorligi va iqtisodiyot va uning asosiy tarmoqlarining turli xil zarbalarga reaksiyasi oqibatlarini baholashda tegishli modellardan foydalanish imkoniyati to'g'risidagi xulosa asoslanadi. Yirik investitsiya loyihalari bo'yicha ma'lumotlar asosida koeffitsientlarni tuzatish sxemasi taklif etiladi.

**Kalit so'zlar:** xarajat-ishlab chiqarish usuli, to'g'ridan-to'g'ri xarajatlar nisbati, o'zgaruvchanlik, oraliq ishlab chiqarish, tendensiyalar, multiplikatorlar.

#### **Assessment of the stability level of key parameters of Input–output models for Uzbekistan**

**Sergey Chepel,**

*DsC (in Economic),*

*Chief Scientific Officer of the Institut for forecasting and makroeconomic researh*

**Abstract:** the input-output method provides a very wide range of opportunities for applied macroeconomic and industry research. However, a significant barrier to the expansion of its use is the long period of development of new statistical tables, reaching 2-3 years, which raises questions about the reliability of the forecast results obtained on their basis. The article reveals the existing approaches to the analysis of the level of stability of technological coefficients that form the basis of the parametric base of modern Input-output models. The possibilities of their forecasting are discussed. A scheme for assessing the level of stability of these coefficients is proposed, implemented on the basis of the reporting tables for the republic for 2016,2017,2018,2019. The dynamics of 197 out of 6084 coefficients for 40 out of 78 sectors of the economy, which accounted for 82% of the total volume of intermediate product flows in 2018, was analyzed. Estimates of their volatility are made. The conclusion about a sufficient level of stability of these coefficients and the possibility of using appropriate models in assessing the consequences of the reaction of the economy and its main industries to various shocks is substantiated. A scheme for adjusting coefficients based on information about large investment projects is proposed.

**Keywords:** input-output method, technological coefficients, volatility, intermediate consumption, trends, output multipliers.

УЎК: 330.677.07

**Бобир ТУРСУНОВ,**  
*иқтисодиёт фанлари доктори, доцент,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
“Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси мудири,  
E-mail: b.tursunov@tsue.uz*

## Мамлакат тўқимачилик саноати ўсишининг прогноз сценарийлари

**Кириш.** Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши алоҳида корхоналар даражасида ҳам, умуман саноат учун ҳам молиявий хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартидир, бу эса Ўзбекистондаги тўқимачилик саноатининг юқори рақобатбардош салоҳияти билан боғлиқ.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг ташқи бозорда рақобатбардошлигининг юқори даражаси 2019 йилги Жаҳон банки гуруҳи бюллетенида қайд этилган: «Ўзбекистон озиқ-овқат, тўқимачилик ва тикувчилик саноатида рақобатбардош устунликка эга. Жаҳон нархларида (хом ашё ва материаллар учун ҳам, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун ҳам) ҳисоблаб чиқилганда ялпи маҳсулотга қўшилган қийматнинг нисбати озиқ-овқат, тўқимачилик ва тикувчилик саноатидаги ички нархларда ҳисобланган кўрсаткичга нисбатан анча юқори» [1].

Статистик рақамларга кўра, 2020 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра мамлакатимизда саноат корхоналари ва ташкилотлари сони 78,5 мингтага етган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,7 фоиз юқори кўрсаткич. Хусусан, тўқимачилик саноатимиз Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланаётган сегментларидан бирига айланган. Қолаверса, бу чет эл инвестицияларини жалб қилиш, маҳсулот экспорти борасида етакчи соҳа ҳамдир. Аммо 2020 йил бутун дунё учун синовлар йили бўлди. Коронавирус нафақат инсонлар саломатлиги, балки жаҳон иқтисодиётини ҳам катта таҳдид остида қолдирди. Оқибатда барча соҳада танг вазият вужудга келди. Жумладан, пандемия туфайли жаҳон бозорида пахта нархи пасайиши, экспорт ва импорт

ҳажми камайиши, етказиб бериш занжири узилиши ва ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши каби салбий ҳолатлар кузатила бошлади. Шу туфайли мамлакатлар коронавирус тарқалишига қарши курашиш учун фавқулодда чораларни кўришга мажбур бўлди. Ушбу жараён, табиийки, Ўзбекистон тўқимачилик саноатини ҳам четлаб ўтмади. Натижада ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, корхоналар фаолияти қайта тикланди ва барча иш ўринлари сақлаб қолинди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт суръатлари ўсишда давом этди. Мамлакат тўқимачилик саноати ўсишининг прогноз сценарийларини пандемия шароитини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш молиявий менежментини такомиллаштириш йўли билан уни босқичма-босқич амалга ошириш, корхоналар молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш ва молиявий барқарорликни баҳолашнинг методологик асослари хорижий муаллифларнинг илмий асарларида кенг тадқиқ этилган. Молиявий хавфсизлик назарияси масалалари билан А.Маршалл [2], Ж.Милль [3], Д.Рикардо [4], А.Смит [5] ва бошқа кўпгина классик иқтисодий назария мактаби вакиллари шуғулланганлар.

Тармоқнинг ўсишига таъсир этувчи омиллар Амаде С.М. [6], Амирселе А. [7], Аморе Л.[8], Ахмад С.[9], де Дериян [10], В.Делас [11], Заров Е.В. [24] ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

**Макро-, мезо- ва микро** даражаларда саноат тармоғининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш,

уларни баҳолаш ва бошқариш масалалари мамлакатимиз олимлари – А.Бурханов [12], Пардаев М.К. [14], Д.И.Истамов [16], А.Э.Ишмухаммедов [17] ва бошқаларнинг ишларида ҳам ўз аксини топган. Кўрсатиб ўтилган муаллифларнинг ишлари, шубҳасиз, корхонанинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш назариясига катта улуш қўшади. Аммо корхонанинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг мураккаблиги ва кўп қирраллиги туфайли мазкур тадқиқотларда унинг барча жиҳатлари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлаш ва уни баҳолаш, хорижий малакатлар тажрибасини Ўзбекистон шароитига мослаштириш, корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлаш методологиясини мамлакатимиз корхоналарига мослаб ишлаб чиқиш мақсадида бошқарувнинг умумий қабул қилинган усуллари қўллашни илмий асослаш зарурияти мавжуд [15].

Бирок, мамлакат тўқимачилик саноати ўсишининг прогноз сценарийлари пандемия шароитини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилмаган. Айниқса, Ўрта Осиё тўқимачилик тармоғи етакчи бўлиб ривожланган мамлакатимиз корхоналари молиявий хавфсизлигининг пандемиядан кейинги даврдаги прогнозларини аниқлаш зарурияти мавжуд.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот методикаси уч босқичда STATISTICA пакетида амалга оширилди. Биринчи босқичда Ўзбекистон Республикасидаги тўқимачилик корхоналарининг 2000-2020 йиллардаги статистик маълумотлар асосида ARIMA (autoregressive integrated moving average), иккинчи босқичда эса ARIMA тенденцияларнинг синишини инобатга олган ҳолда моделлаштириш асосида прогноз сценарийлар ишлаб чиқилди. Ҳар бир босқичда автокорреляция функцияси (АКФ) ва хусусий автокорреляция функциялари (ХАКФ) таҳлил қилинди. Тадқиқотнинг учинчи, якуний босқичида экспоненциал силлиқлаш (Exponential smoothing and forecasting) усули асосида мамлакатимизда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ойлик ўсиш суръатларини 2021 йилга прогнозлаш натижалари ўтган йилнинг мос ойларига нисбатан фозда ҳисобланди.

**Таҳлил ва натижалар.** Маълумки, пандемия шароитида тўқимачилик маҳсулотлари учун ички ва ташқи бозорларнинг беқарорлиги қисқа муддатда (6 ойгача) тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни прогноз қилишнинг юқори даражадаги

аҳамиятини белгилайди. Ишнинг ушбу бўлими ойлик частотали дастлабки маълумотларга асосланиб, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси прогнозини тузиш бўйича услубий ечимларга, шунингдек, улар асосида олинган тахмин қилинган қийматларнинг ишончилигини баҳолашга бағишланган [13]. 1-расмдаги маълумотларга қараганда 2018 йил январидан 2021 йил мартгача ўтган йилнинг мос ойига нисбатан Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини кўрсатади. Ушбу расмда келтирилган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси ушбу бўлимда келтирилган усуллар ва прогноз қилиш натижаларининг дастлабки маълумот базаси ҳисобланади. Прогноз қилиш моделларини ишлаб чиқиш (спецификация)нинг дастлабки босқичи дастлабки вақт қаторлари хусусиятини аниқлашдан иборат.




**1-расм. Ўтган йилнинг тегишли ойига нисбатан 2018 йил январидан 2021 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари**

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Ушбу даврда тезлаштирилган ўсиш тенденцияси, унга нисбатан динамиканинг юқори тебранишлари билан ишлаб чиқаришнинг секин ўсиш тенденцияси билан алмаштирилди (1-расм).

2-расмдаги қизил квадрат тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикасини 2020 йил "ковид" йилидан бошлаб ойлар бўйича кўрсатади. Расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, тўқимачилик саноатида коронавирус инкирозининг тўқимачилик билан боғлиқ инкирозли турғунлик нукталари 2020 йил февраль ва сентябрь ойларига тўғри келди, бу ушбу соҳани умуман саноатдан ажратиб туради.



**2-расм. Ўтган йилнинг мос ойига нисбатан 2018 йил январидан 2021 йил мартигача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсишининг дастлабки қаторларининг график таҳлили натижалари**


**Манба:** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Иккинчисида, тегишли минимал кўрсаткичлар 2020 йил апрель ва август ойларига тўғри келди. Бутун коронакризис даврида секин, аммо ўсиш, биринчи тўлқиннинг чақириқларига жавобан пандемия ва кейинчалик иккинчи тўлқинга жавоб бериш ушбу sanoat барқарорлигининг ташқи бозор шароитларига сезиларли боғлиқлигини кўрсатади. Буни 2021 йил февралдаги ишлаб чиқаришдаги тикланиш ўсиши фонида "автошок" турғунлиги ҳам тасдиқламоқда.

Ўтган йилнинг мос ойига нисбатан 2018 йил январидан 2021 йил мартигача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсишини ҳисоблашда, Ўзбекистон Республикаси давлат статистикаси қўмитасининг sanoat маҳсулотларининг ойлик ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиб боровчанлигини инобатга олган ҳолда, ойма-ой sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини алоҳида ҳисобланди. 2-расмда маҳаллий минимал қийматнинг ушбу нуқтаси қора ўқ билан белгиланади ва жаҳон бозоридаги талабнинг пасайишига тўғри келади, унинг таъсири ўз вақтида биринчи ва иккинчи даражадаги ички талабнинг пасайишига қараганда коронавирус инкирозининг тўлқинлари секинроқ бўлиб чиқди. Унинг моделини спецификация қилиш учун ўсиш суръатларининг ойлик қийматларининг бошланғич вақт қаторлари тузилишини юқоридаги "обзор"

таҳлилидан ташқари, автокорреляция функциясини ва хусусий автокорреляция функциясини таҳлил қилиш керак.

3-расмда коррелограмма кўрсатилган – АКФ графиги, унда 1 дан 15 гача бўлган лаг кетма-кетлиги учун автокорреляция коэффицентлари (ва уларнинг стандарт хатолари) кўрсатилган бўлиб, 3-расмдаги автокорреляция коэффицентларининг қийматлари ўтган ойдаги қийматларнинг жорий қийматлари (1 лаг), сўнгра ушбу боғланиш хусусиятларининг синусоидал ўзгариши, унинг ижобий қийматлари 6 ойлик лаг билан салбийга ўзгарган.




**3-расм. Коррелограмма - иккита стандарт хато (қизил чизик) қиймати билан ифодаланган АКФнинг боғланган корреляция коэффицентларининг қийматлари ва уларнинг ишончлилиги чегаралари**

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

АКФнинг ушбу хусусиятлари тадқиқотларда белгиланганини тасдиқлайди: мавсумийликнинг ишлаб чиқариш динамикасига таъсири тури 1 ва 2-чорак ҳамда 3 ва 4 - чоракларнинг мавсумий таъсири иккита яширин (латент) омиллар асосида (асосий компонентлар) белгиланади.

АКФнинг ўзига хос хусусияти корреляция коэффицентларининг бир-бирининг кетма-кет кечикишларига боғлиқлигидир. "Вақт сериясини таҳлил қилиш" нашрида тўғри таъкидланганидек, "Агар сериянинг биринчи муддати иккинчи, учинчиси билан чамбарчас боғлиқ бўлса, унда биринчи элемент ҳам қандайдир тарзда учинчисига боғлиқ бўлиши керак ва хоказо. Бу биринчи даражали ав-

токорреляцияни олиб ташлаганидан кейин даврий боғлиқлик сезиларли даражада ўзгариши мумкинлигига олиб келади, яъни, фарқни лаг билан олганидан кейин" [24].



**4-расм. ХАКФ асосида аниқланган кечиктирилган таъсирнинг турли кечикишларида қисман корреляция коэффицентларининг қийматлари.**

Уларнинг ишончлилиги чегаралари қизил рангда кўрсатилган бўлиб, иккита стандарт хато қиймати билан ифодаланади

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Одатда эффект таъсирини йўқ қилиш учун вақт оралиғи элементлари орасидаги ўзаро боғлиқликнинг аниқлигини маълум бир кечикиш билан аниқлигини кўрсатадиган хусусий автокорреляция функцияси ишлатилади, бу оралиқ элементларнинг ушбу муносабатларга таъсирини истисно қилади (оралиқ кечикишларга таъсири).

4-расмда кўрсатилган ХАКФ қийматлари кўрсатилгандек, кетма-кетликнинг жорий қийматига энг кучли "аниқ" таъсир олдинги қиймат томонидан амалга оширилади (кечкикиш 1 га тенг). Юқорида айтиб ўтилган АКФ уланишларининг қолган қисми бир-бирининг устига тушган автокорреляцияларнинг 1 кечикиш билан тўпланган таъсири ва мавсумий тебранишлар таъсири билан боғлиқ бўлиб, бу олти ойлик даврийлик билан статистик аҳамиятга эга<sup>1</sup>.

**Натижалар муҳокамаси.** Ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг ойлик кўрсаткичларининг дастлабки вақт қатори тузилишининг юқоридаги хусусиятлари прогнозлаш учун статистик моделларни танлашни олдиндан белгилаб беради. Моделларнинг спецификациясида асосий тенденциянинг аниқланган хусусиятларини ва унга нисбатан тебранишларни акс эттириш зарурлигига мувофиқ, Ўзбекистонда тўқимачилик ишлаб чиқариш динамикасини прогноз қилиш учун қуйидаги моделлар қўлланилди:

ARIMA (autoregressive integrated moving average) – авторегрессиянинг интеграллашган модели – Жорж Бокс ва Гвилим Дженкинс томонидан ишлаб чиқилган ўртача сирпанчик; [21]

ARIMA тенденцияларнинг синишини инобатга олган ҳолда моделлаштириш;

Экспоненциал силлиқлаш (Exponential smoothing and forecasting).

Ушбу моделларнинг параметрларини баҳолаш, шунингдек улар асосида тўқимачилик ишлаб чиқариш динамикаси прогнозларини тузиш STATISTICA тўплами (StatSoft) ёрдамида амалга оширилди.

Қуйида моделлаштириш босқичлари ва прогнозлаштириш натижалари келтирилган.

**1- вариант: ARIMA - моделлаштириш**

ARIMA модели иккита жараёни бирлаштиради: [29]

Вақтли қаторларнинг кетма-кетлигини ифодаловчи авторегрессия жараёни. Бу боғланиш қуйидагича ифодаланади:

$$x_t = \xi + \phi_1 * x_{(t-1)} + \phi_2 * x_{(t-2)} + \phi_3 * x_{(t-3)} + \dots + \varepsilon$$

бу ерда:

$\xi$  - константа (эркин ҳад),

$\phi_1, \phi_2, \phi_3$  - авторегрессия параметрлари.

Ҳар бир элемент олдинги хатоларнинг йиғиндисига тенг бўлган таъсирга эга ўртача сирпанчик жараёни.

**Ушбу жараённинг кўриниши қуйидагича:**

$$x_t = \mu + e_t - \theta_1 * e_{(t-1)} - \theta_2 * e_{(t-2)} - \theta_3 * e_{(t-3)} - \dots$$

бу ерда:

$\mu$  - константа,

$\theta_1, \theta_2, \theta_3$  - ўртача сирпанчик параметрлари.

1. Мавсумий таъсирнинг чораклик даврийликда статистик жиҳатдан унчалик аҳамиятсиз ва ярим йиллик оралиқларда муҳимроқ эканлиги аниқланди – бу кетма-кетликнинг дастлабки тури – ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ойлик ўсиш суръатлари, уларнинг мақсади расмий статистика ваколатлари мавсумийлик таъсирини тенглаштиришга қаратилган

ARIMA моделини қуриш шarti унинг турғунлиги талабидир. Умумий таърифга мувофиқ, "элементлар доимий математик кутиш ва доимий дисперсияга эга бўлган тасодифий ўзгарувчилар бўлган бундай вақт қаторлари сифатида стационар вақт қатори тушунилади" [30].


ARIMA ёки ARMA моделни қўллашдан аввал авторегрессион жараёни тадқиқ этиш лозим бўлади ва стационарликка Дикки-Фулер тести орқали текширилади.

Агар олинган маълумотлар стационар бўлса ARMA модель қўлланилади, акс ҳолда эса ARIMA моделни қўллаймиз.

$$x_t = \phi_1 * x_{(t-1)} + \varepsilon$$

бунда агар  $|\phi| < 1$  бўлса жараён стационар ҳисобланади.

5-расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш омиллариининг дастлабки вақт қатори (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан) юқоридаги иккала мезон бўйича стационарлик талабларига жавоб бермайди.




**5-расм. Тренд ва ўзгарувчан дисперсиянинг схематик кўрсаткичи**

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

5-расмда дастлабки қаторлар (нуқталар) ва унинг таркибида тренд (қизил чизик) ва ўзгарувчан дисперсия (тасвирлар) мавжудлигининг схематик кўрсаткичи, бу бошланғич қаторнинг турғунлигини тасдиқлайди.

Стационар кетма-кетлик турига яқинлашишни биринчи (ёки кейинги бир нечта) фарқларни олиш орқали таъминлаш мумкин. 5-расмда асл қаторни унинг элементлари логарифмини олиш ва иккинчи фарқларни олиш орқали ўзгартириш натижаси кўрсатилган. 5-расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, амалга оширилган ҳаракатлар нати-

жасида бошланғич қатор стационар қатор турига сезиларли даражада яқинлашади (тенденция йўқ қилинади, дисперсиянинг силжиши сезиларли даражада камаяди).



**6-расм. Дастлабки қаторни унинг қийматлари логарифмини (силлиқлаш мақсадида) олиб, иккинчи фарқларни чиқариб олиш натижасида ўзгартириш натижалари (натижада қатор стационарга яқин)**

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ARIMA моделини қуришнинг дастлабки босқичида (моделнинг тартибини аниқлаш босқичи) қуйидагиларни аниқлаш керак:

- 1- авторегрессия параметри ( $p$ );
- 2- ўртача сирпанчик параметри ( $q$ );
- 3- турғунлик талабини таъминлаш учун фарқларни қабул қилиш параметри ( $d$ ).

Таниқли иқтисодчи-олимлар Pankratz [25], Hoff [26] and Vandaele [27] ҳамда академик И.И. Елисеевалар томонидан қуйидаги тавсиялар берилган [22]:

АКФ экспонент равишда камайиб бораётган бўлса,  $p=1$  авторегрессив параметри ўрнатилади; ХАКФ 1 ва 2-лағларда кескин ажраладиган қийматларга эга, бошқа лағлар бўйича ўзаро боғлиқлик йўқ.

АКФ синусоид шаклга эга бўлса ёки экспонент равишда камайса,  $p=2$  авторегрессив параметри ўрнатилади; ХАКФ 1, 2-кечкишларда кескин фарқ қилди, бошқа кечикишларда ўзаро боғлиқлик йўқ.

Ҳаракатланувчи ўртача  $q=1$  параметри, агар АКФ 1-кечкишда кескин фарқланадиган қийматга эга бўлса, бошқа кечикишларда ўзаро боғлиқлик бўлмаса ўрнатилади, ХАКФ экспоненциал равишда камаяди.

Ҳаракатланувчи ўртача  $q=2$  параметри, агар АКФ 1,2-кечкишларда кескин фарқланадиган



қийматларга эга бўлса, бошқа кечикишларда ўзаро боғлиқлик бўлмаса, ХАКФ синусоидли ёки экспоненциал равишда камаяди.

АКФ лаг 1 дан экспоненциал равишда камайиб кетса, авторегрессия параметри  $p=1$  ва ҳаракатланувчи ўртача параметр  $q=1$  ўрнатилади; ХАКФ – 1-лагдан экспоненциал равишда камаяди.

Ушбу тавсияларга, шунингдек кейинги баҳолаш учун иккинчи фарқларни чиқариб, дастлабки туркумни стационар турга айлантиришнинг юқоридаги асосли эҳтиёжга мувофиқ, қуйидаги параметрларнинг комбинациялари билан ARIMA моделининг вариантлари қабул қилинди:

- а)  $p, q, d (1,1,2)$
- б)  $p, q, d (1,2,2)$


**1-жадвал**

**ARIMA-моделини баҳолаш параметрлари натижалари (1,2,2)**

Параметр-нинг белгила-ниши	ARIMA-моделининг параметрлари (1,2,2)					
	Параметрнинг ка-йиши	Стандарт хатолиги	t-қий-мат	p-қий-мат	Нисбат инверсиялашган кўйи ка-йиши	Шартли интеграллашган натижа ка-йиши
p(1)	0,09342	0,1886	2,21	0,013	0,09344	0,985045
q(1)	0,00698	0,1099	0,89	0,378	-0,114328	0,352322
q(2)	0,00005	0,1812	7,78	0,000	0,588924	0,985245

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Юқоридаги 1-жадвалдаги ARIMA-моделини баҳолаш параметрлари натижалари кўра,  $q(1)$  нинг  $p$ -қиймати 0,1 дан каттадир (0,379). Модел параметрларини баҳолаш, унинг асосида 2021 йилнинг 10 ойи давомида (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан) Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг прогноزلанган қийматларини олишга имкон берди), шунингдек, ишонч оралиқларининг чегараларини ўрнатиш имконини берди (7-расм).




**7-расм. Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоизда**

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

7-расмдаги маълумотларга асосан, Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари қуйидагича акс этган:

- ҳақиқий (2018 йил январь - 2020 йил декабрь) қийматлари (кўк чизик),
- 2021 йилгача прогноз қийматлари (қизил чизик),
- ARIMA модели асосида экстраполяция натижасида олинган ишонч оралиғи чегаралари (1,2,2).

Олинган моделнинг сифати қолдиқлар тақсимотининг нормал тақсимот қонунига мувофиқлиги билан тасдиқланади (7-расм).



**8-расм. ARIMA модели (1,2,2) ёрдамида асл раднинг яқинлашиши натижаларига кўра, назарий жиҳатдан нормал тақсимотни акс эттирувчи қолдиқлар ва тўғри чизик қийматларининг мослиги**

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

11. David, P. A. (1985). *Clio and the Economics of QWERTY. The American economic review*, 75(2), 332-337.
12. Arthur, W. B. (1994). *Increasing returns and path dependence in the economy. University of Michigan Press*.

13. Vogel, R., Göbel, M., Grewe-Salfeld, M., Herbert, B., Matsuo, Y., & Weber, C. (2022). Cross-sector partnerships: Mapping the field and advancing an institutional approach. *International Journal of Management Reviews*, 24(3), 394-414.
14. Vogel, R., Göbel, M., Grewe-Salfeld, M., Herbert, B., Matsuo, Y., & Weber, C. (2022). Cross-sector partnerships: Mapping the field and advancing an institutional approach. *International Journal of Management Reviews*, 24(3), 394-414.
15. Тамбовцев, В. Л. (2021). Институционализмы в экономической науке: что стоит за их разнообразием? *Journal of Institutional Studies*, 13(1), 20-36.
16. Шаститко, А. Е. (2019). Институты имеют значение "vs." только (формальные) институты имеют значение. *Вопросы экономики*, (12), 90-110.
17. Клейнер, Г.Б. (2005). Институциональные изменения: проектирование, селекция или протезирование? *Постсоветский институционализм. Донецк, Капитан*, С. 408 – 432.
18. Латов, Ю. В. (2021). Институциональное доверие как социальный капитал в современной России (по результатам мониторинга). *Polis: Journal of Political Studies*, (5).
19. Нуреев, Р. М., & Ореховский, П. А. (2021). Дискуссии об азиатском способе производства (Политэкономия социализма: когнитивный тупик 1970-х). *Journal of Economic Regulation*, 12(2), 6-21.
20. Курдина-Чэндлер, С. Г., & Круглова, М. С. (2019). «Общество», «государство» и институциональные матрицы: опыт междисциплинарного мезоанализа. *Социологические исследования*, (10), 15.
21. Бессонова, О. Э. (2019). Контрактный раздаток и солидаризм-новая веха российской матрицы. *Мир России. Социология. Этнология*, 28(1), 7-31.
22. Тарасевич, В. Н. (2005). Институциональная теория: методологические поиски и необходимые гипотезы. *Постсоветский институционализм/под ред. Р.М. Нуреева, В.В. Дементьева. —Донецк: Капитан*, 480, 30-48.
23. Buchanan, J. M., & Tullock, G. (2003). What is public choice theory. *Rationalizing capitalist democracy: The cold war origins of rational choice liberalism*, 133.
24. Demsetz, H. (1988). *The theory of the firm revisited. JL Econ. & Org.*, 4, 141.
25. Williamson, O. E. (1985). *Reflections on the new institutional economics. Zeitschrift für die gesamte Staatswissenschaft/Journal of Institutional and Theoretical Economics*, (H. 1), 187-195.
26. Jensen, M. C., & Meckling, W. H. (1994). *The nature of man. Journal of applied corporate finance*, 7(2), 4-19.
27. Harsanyi, J. C. (2013). *Papers in game theory (Vol. 28). Springer Science & Business Media*.
28. Meyer, J. W., & Rowan, B. (1977). Institutionalized organizations: Formal structure as myth and ceremony. *American journal of sociology*, 83(2), 340-363.
29. DiMaggio, P. J., & Powell, W. W. (1983). *The iron cage revisited: Institutional isomorphism and collective rationality in organizational fields. American sociological review*, 147-160.
30. Hass, J. K. (1999). *The great transition: The dynamics of market transitions and the case of Russia, 1991-1995. Theory and Society*, 28(3), 383-424.
31. Минервин, И. Г. (2011). Культура и этика в экономике: социокультурные факторы экономического роста. *Культура и этика в экономике: социокультурные факторы экономического роста*, (2011), 1-245.
32. Hardy, C., & Maguire, S. (2017). *Institutional entrepreneurship and change in fields. The Sage handbook of organizational institutionalism*, 2, 261-280.
33. Belyaeva, N. (2011). Analysts: "Consultants" or "Independent Policy Actors". *Politička misao: časopis za politologiju*, 48(5), 125-140.
34. Bruton, G. D., Ahlstrom, D., & Li, H. L. (2010). *Institutional theory and entrepreneurship: where are we now and where do we need to move in the future? Entrepreneurship theory and practice*, 34(3), 421-440.
35. Козловская, В. Н. (2015). Институциональная теория и предпринимательство в современной науке. *Вестник БДУ. Серия 3, Гісторыя. Эканоміка. Права. — Мінск: БДУ*, 2. - С. 49-53.
36. Auzan, A. A. (2020). *The economy under the pandemic and afterwards. Population and Economics*, 4(2), 4-12.
37. Williamson, O. E. (2000). *The new institutional economics: taking stock, looking ahead. Journal of economic literature*, 38(3), 595-613.
38. Цветкова, Г. С. (2013). Взаимодействие формальных и неформальных институтов рынка: теоретико-методологические аспекты. *Теория и практика общественного развития*, (9), 287-292.
39. Hamilton, W. H. (2007). *Institutional approach to economic theory. Terra Economicus*, 5(2), 110-117.
40. Сухарев, О. С. (2019). Экономическая теория эволюции институтов и технологий (проблемы моделирования в эволюционной теории и управлении).
41. Аuzan, А. (Ed.). (2021). *Институциональная экономика. Новая институциональная экономическая теория. Litres*.

## Methodological approaches to the analysis of the institutional environment of entrepreneurship

**Konstantin Kurpayanidi,**

*PhD (in economics),*

*Professor of the Department of Economics,*

*Fergana Polytechnic Institute*

**Abstract:** *the article attempts to study the methodological aspects of the study of the institutional environment. Methodological approaches to the study of the institutional environment of small-scale entrepreneurship are considered. The systematic, evolutionary, and synergistic approaches to the analysis of the institutional environment of the enterprise sector of the national economy have been systematized and described. The theoretical basis of institutional theory and its influence on entrepreneurial activity are examined.*

**Keywords:** *institutionalism, institutional theory, institutional environment, institute, institutional economy, institutional environment of small entrepreneurship.*

## Tadbirkorlikning institutsional muhitini tahlil qilishga uslubiy yondashuvlar

**Konstantin Kurpayanidi,**

*PhD (iqtisodiyot fanlari bo'yicha),*

*Farg'ona politexnika instituti iqtisodiyot kafedrasida*

*professori*

**Annotatsiya:** *maqola institutsional muhitni o'rganishning uslubiy jihatlari o'rganishga harakat qilingan. Kichik tadbirkorlikning institutsional muhitini*

*o'rganishning metodologik yondashuvlari ko'rib chiqilgan. Milliy iqtisodiyotning korxonalar sektorining institutsional muhitini tahlil qilishda tizimli, evolyutsion va sinergetik yondashuvlar tizimlashtirildi va tavsiflandi. Institutsional nazariyaning nazariy asoslari va uning tadbirkorlik faoliyatiga ta'siri tahlili amalga oshirildi.*

**Kalit so'zlar:** *institutsionalizm, institutsional nazariya, institutsional muhit, institut, institutsional iqtisodiyot, kichik tadbirkorlikning institutsional muhiti.*

## Методологические подходы к анализу институциональной среды предпринимательства

**Константин Курпаяниди,**

*PhD (по экономическим наукам),*

*профессор кафедры экономики Ферганский*

*политехнический институт*

**Аннотация:** *в статье предпринята попытка изучения методологических аспектов изучения институциональной среды. Рассмотрены методологические подходы к изучению институциональной среды малого предпринимательства. Систематизированы и описаны системный, эволюционный и синергетический подходы к анализу институциональной среды предпринимательского сектора национальной экономики. Проведен анализ теоретических основ институциональной теории и ее влияния на предпринимательскую деятельность.*

**Ключевые слова:** *институционализм, институциональная теория, институциональная среда, институт, институциональная экономика, институциональная среда малого предпринимательства.*

УЎК: 339.924.334.75

**Iqboljon QOSIMOV,**  
*Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti*  
*ljiha rahbari,*  
**Email: ikboljon.kasimov@hotmail.com,**  
**Shahina ASHUROVA,**  
*Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti tayanch doktoranti,*  
**Email: angel99-92@mail.ru**

## **Aniqlangan qiyosiy ustunliklar va raqobatbardoshlik: Yevrosiyo iqtisodiy ittifoqiga a'zo bo'lishning O'zbekistonning tashqi savdo ko'rsatkichlariga ta'siri**

**Kirish.** Bugungi kunda jahonda globallashtirish jarayonlari jadal rivojlanib borayotganligi, integratsion jarayonlarni ham jadallashtirmoqda. Dunyo mamlakatlari integratsion birlashmalarga a'zo bo'lgan holda, mamlakat iqtisodiyotini yuksaltirish hamda jahon bozorlariga to'siqlarsiz kirib borishga harakat qilishmoqda. Bugun biz tahlil qilmoqchi bo'lgan integratsion birlashmalardan biri Yevrosiyo Iqtisodiy Ittifoqidir (YeOII). Ushbu ittifoq 2014-yil 29-mayda tashkil etilgan. Ittifoqqa a'zo mamlakatlar: Rossiya, Belarus, Qozog'iston, Qirg'iziston va Armaniston davlatlari. Yevrosiyo Iqtisodiy Ittifoqi a'zo davlatlarning bir-biri bilan xalqaro va o'zaro birlikni kuchaytirishni o'z ichiga oladi. YeOII davlatlar o'rtasida mahsulotlar, xizmatlar, ishchi kuchi va kapitalning erkin harakatlanishini ta'minlaydi va makroiqtisodiy soha, transport, sanoat va qishloq xo'jaligi, energetika, tashqi savdo va investitsiyalar, bojxona, texnik tartibga solish, raqobat va boshqa sohalarda umumiy siyosatni ta'minlaydi. Yevrozonani tashkil etuvchi shartnomadan farqli o'laroq, YeOII ni tashkil etuvchi shartnoma hozirgacha yagona valyutani o'rnatmagan. A'zo mamlakatlardan tashqari kuzatuvchi maqomiga ega bo'lgan mamlakatlar ham bo'lib, ular O'zbekiston, Moldova va Kuba davlatlaridir.

O'zbekiston uchun YeOII da kuzatuvchi mamlakat sifatida o'zaro hamkorlikning aniq va izchil natijalariga erishishni ta'minlash muhim ahamiyatga

ega. Shu maqsadda tizimli hamkorlikni, shu jumladan mahsulotlar, kapital, mehnat resurslari va xizmatlar harakati tartibini soddalashtirish masalalarini izchil rivojlantirish zarur.

**Davlatlar iqtisodiyoti haqida umumiy ma'lumotlar O'zbekiston.** 2020-yilda O'zbekiston yalpi ichki mahsuloti bo'yicha dunyoda 79-o'rinni, eksport hajmi bo'yicha 77-o'rinni, import hajmi bo'yicha 73-o'rinni, aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot bo'yicha 155-o'rinni va Iqtisodiy murakkablik indeksi (ECI) bo'yicha 84-o'rinni egalladi. O'zbekistonning eng yuqori eksporti oltin (\$6.52 mlrd), chakana bo'lmagan sof paxta ipi (\$936 mln), neft gazi (\$631 mln), tozalangan mis (\$587 mln) va etilen polimerlari (\$281 mln) bo'lib, asosan Buyuk Britaniya (\$6.06 mlrd), Rossiya (\$1.74 mlrd), Xitoy (\$1.29 mlrd), Turkiya (\$1.01 mlrd) va Qirg'iziston (\$757 mln) ga eksport qilindi. 2020-yilda O'zbekiston dunyodagi eng yirik ipak chiqindilari eksportchisi bo'ldi (\$37 mln). O'zbekistonga avtomobil qismlari (\$933 mln), qadoqlangan dori vositalari (\$925 mln), bug'doy (\$598 mln), tozalangan neft (\$573 mln) va avtomobillar (\$2.14 mlrd) asosan Xitoy (\$475 mlrd), Rossiya (\$4.88 mlrd), Qozog'iston (\$4.29 mlrd), Janubiy Koreya (\$1.85 mlrd) va Turkiya (\$1.18 mlrd) davlatlaridan import qilingan.

**Armaniston.** 2020-yil barcha Yevrosiyo iqtisodiy Ittifoqi (YeOII) a'zo davlatlari uchun inqiroz yili bo'ldi.



Natijada o'zaro savdo ham zarar ko'rdi. Armaniston 2020-yilda umumiy eksportning 3.9% pasayishiga duch keldi, ammo o'sha yili YeOII ga a'zo davlatlarga eksport 8.3% pasayishni yanada keskinlashtirdi. Haqiqatan ham, YeOII ga a'zo davlatlar ichki bozorlarda duch kelgan to'siqlar ham o'zaro savdoga ta'sir ko'rsatdi. 2020-yilda Armaniston YaIM bo'yicha dunyoda 132-o'rinni, umumiy eksportda 128-o'rinni, umumiy importda 136-o'rinni, aholi jon boshiga YaIM bo'yicha 112-o'rinni, iqtisodiy murakkablik indeksi bo'yicha esa 77-o'rinni egalladi. Armaniston uchun YeOII ga a'zo davlatlar bilan tashqi savdoning pasayishi Rossiya va Qirg'iziston bilan bog'liq. Biroq, Belarus va Qozog'iston bilan savdo o'sgan. Xususan, Arman konservalangan meva va sabzavotlarini Belorussiyaga, zargarlik buyumlarini Qozog'istonga eksport qilish hajmi o'sdi. Armaniston eng yetakchi eksport mahsulotlari mis rudasi (\$739 (\$241 mln), qattiq likyor (\$202 mln), va ferroqotishmalar (\$149 mln) ni tashkil qiladi. Asosiy eksportyor mamlakatlar Rossiya (\$671 mln), Shveysariya (\$594 mln), Xitoy (\$323 mln), Iroq (\$164 mln) va Bolgariya (\$151 mln). Armaniston yetakchi import mahsulotlari neft va gaz mahsulotlari (\$392 mln), qayta ishlangan neft (\$223 mln), radioeshittirish uskunalar (\$114 mln), qadoqlangan dori (\$102 mln), va olmos (\$82.9 mln) hisoblanadi. Asosiy importyor mamlakatlar Rossiya (\$1.48 mlrd), Xitoy (\$550 mln), Eron (\$295 mln), Germaniya (\$229 mln) va Turkiya (\$225 mln).

**Belorussiya.** Yana bir YeOII a'zo mamlakati Belorussiya bo'lib, 2020-yil 1-yanvarda Belorussiya Respublikasi YeOII organlarida (Oliy Yevroosiyo iqtisodiy Kengashi, Yevroosiyo hukumatlararo Kengashi, Yevroosiyo iqtisodiy komissiyasi Kengashi (YeOIKK)) raislik qildi. Rotatsiya tamoyiliga muvofiq, Belorussiya vakili 2020-yil 1-fevraldan 2024-yil 31-yanvargacha bo'lgan davrda Yevroosiyo iqtisodiy komissiyasi (millatlararo ijroiya organi) boshqaruviga rahbarlik qiladi. 2020-yilda Belorussiya YaIM bo'yicha dunyoda 78-o'rinni, umumiy eksportda 64-o'rinni, umumiy importda 60-o'rinni, aholi jon boshiga YaIM (hozirgi AQSh dollari) bo'yicha 92-o'rinni va Iqtisodiy murakkablik indeksi bo'yicha 33-o'rinni egalladi. Belorussiya eng ko'p eksport qilgan mahsulotlar qayta ishlangan neft (\$2.78 mlrd), mineral o'g'itlar (\$2.44 mlrd), pishloq (\$1.06 mlrd), yuk tashish mashinalari (\$637 mln) va traktorlar (\$597 mln)ni tashkil qilgan. Asosiy eksportyor mamlakatlar Rossiya (\$12.8 mlrd), Ukraina (\$3.15 mlrd), Polsha (\$1.26 mlrd), Litva (\$1.05

mlrd) va Germaniya (\$934 mln). Belorussiya eng ko'p import qilgan mahsulotlar neft (\$3.87 mlrd), neft va gaz (\$2.31 mlrd), oltin (\$1.16 mlrd), avtomobillar (\$746 mln) va qadoqlangan dori (\$558 mln) mahsulotlaridir. Asosiy importyor mamlakatlar Rossiya (\$15.8 mlrd), Xitoy (\$3.07 mlrd), Polsha (\$1.71 mlrd), Germaniya (\$1.6 mlrd) va Ukraina (\$1.34 mlrd).

**Qozog'iston.** Qozog'iston G'arbiy Yevropaga teng yer maydoniga ega, ammo aholi zichligi bo'yicha dunyodagi eng past ko'rsatkichlardan biriga ega. Strategik jihatdan u Xitoy va Janubiy Osiyoning yirik va tez rivojlanayotgan bozorlarini avtomobil, temir yo'l va Kaspiy dengizidagi port orqali Rossiya va G'arbiy Yevropa bozorlari bilan bog'laydi. Qozog'istonning ham YeOII, ham JST a'zoligini birlashtirishi uchun Yevroosiyo ittifoqi a'zolari mamlakatga alohida bojxona maqomini berishga kelishib oldilar. Shunday qilib, Qozog'iston uchun amaldagi rejim doirasida "Yevroosiyo iqtisodiy ittifoqining Yagona bojxona tarifiga nisbatan 17 import bojxona to'lovlarining pastroq stavkalarini qo'llash bilan Qozog'iston Respublikasida erkin muomalaga chiqarilgan mahsulotlarga" istisno shartlar qo'llaniladi. Bunday mahsulotlardan faqat Qozog'iston Respublikasi hududida foydalanishga ruxsat beriladi. 2020-yilda Qozog'iston yalpi ichki mahsulot bo'yicha dunyoda 52-o'rinni, eksport hajmi bo'yicha 47-o'rinni, import hajmi bo'yicha 55-o'rinni, aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot bo'yicha 74-o'rinni va Iqtisodiy murakkablik indeksi bo'yicha 72-o'rinni egalladi. Qozog'istonning asosiy eksporti xom neft (25,2 milliard dollar), tozalangan mis (2,86 milliard dollar), neft gazi (2,64 milliard dollar), radioaktiv kimyoviy moddalar (1,98 milliard dollar) va ferroqotishmalar (1,68 milliard dollar) bo'lib, asosan Xitoyga (9,42 milliard dollar), Italiya (6,76 milliard dollar), Rossiya (5,18 milliard dollar), Niderlandiya (3,14 milliard dollar) va Turkiya (2,34 milliard dollar)ga eksport qilinadi. 2020-yilda Qozog'iston radioaktiv kimyoviy moddalar (1,98 milliard dollar) va xrom oksidi va gidroksidlari (101 million dollar) bo'yicha dunyodagi eng yirik eksportchi bo'ldi. Qozog'istonning asosiy importi boshqa isitish uskunalar (1,54 milliard dollar), qadoqlangan dori vositalari (1,21 milliard dollar), radioeshittirish uskunalar (1,07 milliard dollar), avtomobillar (909 million dollar) va kompyuterlar (648 million dollar) bo'lib, asosan Rossiya (13,8 milliard dollar), Xitoy (10,3 milliard dollar), Janubiy Koreya (2,31 milliard dollar), Germaniya (1,8 milliard dollar) va Turkiyadan (1 milliard dollar) import qilinadi.

**Qirg'iziston.** Qirg'iziston iqtisodiyoti pul o'tkazmalariga (YaIMning 30 foizi) va oltin ishlab chiqarishiga (YaIMning qariyb 10 foizi va eksportning 35 foizi) qaramligi tufayli tashqi ta'sirlarga nisbatan zaifdir. Kuchli va barqaror iqtisodiy o'sish institutsional mustahkamlash va xususiy sektorni rivojlantirish, xalqaro savdoni rag'batlantirish va moliyaviy barqaror energiya ishlab chiqarishni rag'batlantirish siyosatini talab qiladi. 2011-yil 12-aprelda Qirg'iziston Respublikasi Belorussiya Respublikasi, Qozog'iston Respublikasi va Rossiya Federatsiyasining Bojxona ittifoqi va Yagona iqtisodiy makoniga qo'shilish jarayonini boshlashga tayyorligi haqida bayonot berdi. 2020 yilda Qirg'iziston yalpi ichki mahsulot bo'yicha dunyoda 147-o'rinni, eksport hajmi bo'yicha 131-o'rinni, import hajmi bo'yicha 114-o'rinni, aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot bo'yicha 169-o'rinni va Iqtisodiy murakkablik indeksi bo'yicha 71-o'rinni egalladi. Qirg'izistonning asosiy eksporti oltin (1,86 milliard dollar), qimmatbaho metal rudasi (122 million dollar), quritilgan dukkaklilar (66,8 million dollar), qayta ishlangan neft (47,7 million dollar) va paxta xom ashyosi (27,1 million dollar) bo'lib, asosan Buyuk Britaniya (1,8 milliard dollar), Rossiya (254 million dollar), Qozog'iston (254 million dollar), O'zbekiston (155 million dollar) va Turkiyaga (71 million dollar) eksport qilinadi. Qirg'izistonning asosiy importi: Qayta ishlangan neft (501 million dollar), trikotaj bo'lmagan ayollar paltolari (250 million dollar), radioeshittirish uskunalari (235 million dollar), yengil kauchukli trikotaj mato (179 million dollar) va qadoqlangan dori-darmonlar (176 million dollar) Xitoy (2,6 milliard dollar), Rossiya (1,5 milliard dollar), O'zbekiston (757 million dollar), Qozog'iston (581 million dollar) va Turkiya (420 million dollar) dan import qilinadi.

**Rossiya.** Rossiya iqtisodiyoti 2021-yilning birinchi yarmida kuchli tiklanishni amalga oshirdi va 4,3 foizga o'sdi. Biroq, yilning ikkinchi yarmida o'sish sur'ati sekinlashgan. Rasmiy ravishda, Ittifoqning ulkan iqtisodiy maqsadi bor – bu besh a'zo davlat va ularning fuqarolari uchun umumiy qoidalarga asoslangan bozor yaratish hisoblanadi. 2020-yilda Rossiya yalpi ichki mahsulot bo'yicha dunyoda 11-o'rinni, eksport hajmi bo'yicha 13-o'rinni, import hajmi bo'yicha 21-o'rinni, aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot bo'yicha 70-o'rinni va Iqtisodiy murakkablik indeksi bo'yicha 43-o'rinni egalladi. Rossyaning asosiy eksporti xom neft (74,4 milliard dollar), qayta ishlangan neft (48 milliard dollar), neft gazi (19,7 milliard dollar),

oltin (18,7 milliard dollar) va ko'mir briketlari (14,5 milliard dollar), asosan Xitoy (49,3 milliard dollar), Buyuk Britaniya (25,3 milliard dollar), Niderlandiya (22,5 milliard dollar), Belarus (15,8 milliard dollar) va Germaniya (14,2 milliard dollar) ga eksport qilinadi. 2020-yilda Rossiya bug'doy (10,1 milliard dollar), yarim tayyor temir (4,5 milliard dollar), filetosiz muzlatilgan baliq (2,58 milliard dollar), xom nikel (2,26 milliard dollar) va cho'chqa (1,34 milliard dollar) bo'yicha dunyodagi eng yirik eksportchi bo'ldi. Rossyaning asosiy importi avtomobillar (7,75 milliard dollar), avtomobil qismlari (7,28 milliard dollar), radioeshittirish uskunalari (7,15 milliard dollar), qadoqlangan dori-darmonlar (7,06 milliard dollar) va kompyuterlar (4,1 milliard dollar), asosan Xitoydan (50,7 milliard dollar), Germaniyadan (\$26,1 mlrd), Belarus (\$12,8 mlrd), Janubiy Koreya (\$7,93 mlrd) va Italiya (\$7,71 mlrd) dan import qilinadi. 2020-yilda Rossiya alyuminiy (1,38 milliard dollar), cho'kma mis (525 million dollar), o'tga chidamli sement (164 million dollar), devor qog'ozi (138 million dollar) va gidravlik turbinalar (74,8 million dollar) bo'yicha dunyodagi eng yirik importyor bo'ldi.

**Tahliliy qism.** Ilgarigi adabiyotlarda O'zbekistondan eksport qilinadigan mahsulotlar raqobatdosh mamlakatlarga nisbatan, xususan, qishloq xo'jaligi mahsulotlari bo'yicha sezilarli narx ustunliklariga ega ekanligini ko'rsatmoqda. Bu Rikardning raqobat nazariyasini tasdiqlaydi, bu mamlakatlar qiyosiy xarajatlar ustunligiga ega bo'lgan sohalarga ixtisoslashishi kerakligini ta'kidlaydi. Shu bois mazkur tadqiqotda O'zbekistondan eksport qilinadigan pomidor, uzum, poliz, olma, o'rik mahsulotlarining raqobatbardoshligi narx ustunligi bilan bog'liqlik yoki yo'qligini o'rganadi.



**Jadval 1.**

**O'zbekistonning YeOII davlatlariga nisbatan aniqlangan qiyosiy ustunlik ko'rsatkichlari (foizda)**

Davlatlar	2016	2017	2018	2019	2020
<b>Don va don mahsulotlari</b>					
Armaniston	42,3	5,1	2,07	2,8	2,01
Belorussiya	1,06	0,22	0,25	0,4	0,35
Qozog'iston	0,28	0,07	0,06	0,07	0,07
Qirg'iziston	0,67	0,12	0,08	0,09	0,06
Rossiya	0,8	0,11	0,08	0,09	0,08
<b>Sabzavotlar, sabzavot ildizi va undan tayyorlangan hamda konservalangan mahsulotlar</b>					
Armaniston	2,04	0,15	0,2	0,5	0,3
Belorussiya	12,6	0,7	0,9	1,5	1,1
Qozog'iston	65,1	4,4	4,3	6,2	6,9
Qirg'iziston	35,06	2,7	4,8	6,2	3,2
Rossiya	12,2	0,9	1,2	1,7	1,4
<b>Ipak</b>					
Armaniston	0	0	0	0	0
Belorussiya	0	0	0	0	0
Qozog'iston	9,04	0	0	0	0
Qirg'iziston	0	0	0	0	90,8
Rossiya	0	0	0	343,06	213,01
<b>Noorganik moddalar</b>					
Armaniston	254,5	77,8	14,2	9,03	10,8
Belorussiya	24,05	4,3	3,4	3,4	3,7
Qozog'iston	0,7	0,3	0,5	0,10	0,2
Qirg'iziston	7,13	10,8	7,6	4,03	8,2
Rossiya	4,9	1,06	0,7	0,7	0,7
<b>Radioaktivlar va unga tegishli materiallar</b>					
Armaniston	0	0	0	0	0
Belorussiya	24081,9	16,7	14,4	20,1	16,9
Qozog'iston	0,4	0,002	0,001	0,0008	0,001
Qirg'iziston	3,9	0	0	0	0
Rossiya	404,6	0,6	0,6	0,7	0,6
<b>Mineral O'g'itlar</b>					
Armaniston	0	0	1022,5	0	55,4
Belorussiya	12,3	3,6	3,3	4,5	7,2
Qozog'iston	6,9	4,9	2,1	3,6	3,3
Qirg'iziston	133,3	487,2	238,2	76,2	60,4
Rossiya	6,4	5,0	2,4	2,7	2,5

<b>Asosiy shakldagi plastmassalar</b>					
Armaniston	17,8	36,4	46,8	39,9	29,6
Belorussiya	2,1	3,6	4,5	4,9	6,8
Qozog'iston	6,5	14,03	13,6	14,3	17,8
Qirg'iziston	10,1	31,6	56,7	70,9	101,9
Rossiya	2,1	4,07	4,09	4,6	4,5
<b>Trikotaj yoki trikotaj matolar</b>					
Armaniston	12,6	49461,7	2,2	144,2	20,9
Belorussiya	10,3	22,6	5,4	6,7	4,7
Qozog'iston	3015,1	6,4	1778,7	1594,4	1196,9
Qirg'iziston	13,1	599,2	27,8	29,2	30,7
Rossiya	150,3	44,1	57,3	1,1	57,9
<b>Ohak,sement,fabrikatlar va qurilish materiallari</b>					
Armaniston	0,5	0,5	0,2	0,5	0,5
Belorussiya	1,3	0,6	0,6	0,6	0,6
Qozog'iston	2,7	0,8	0,6	0,5	0,6
Qirg'iziston	0,7	1,1	0,7	0,6	0,5
Rossiya	2,2	1,3	0,9	0,8	0,8
<b>Rangli metallar</b>					
Armaniston	204,5	15,3	36,08	346,5	70,7
Belorussiya	5,7	6,02	3,6	4,5	4,5
Qozog'iston	0,7	0,9	0,7	0,6	0,8
Qirg'iziston	121,6	25,6	5,8	12,4	9,4
Rossiya	2,2	2,4	1,4	1,9	1,7
<b>Mis</b>					
Armaniston	55768,5	895,5	402,07	6227,9	1094,6
Belorussiya	25,4	14,0	17,8	30,0	31,4
Qozog'iston	1,2	0,4	1,7	1,05	1,3
Qirg'iziston	31,05	4,7	3,1	10,09	7,3
Rossiya	1,9	1,03	2,3	2,8	2,4
<b>Ruh</b>					
Armaniston	0	0	0	0	0
Belorussiya	557,7	688,0	168,9	269,3	503,3
Qozog'iston	1,4	3,9	3,9	0,7	1,6
Qirg'iziston	0	597,4	0	11029,4	523,2
Rossiya	36,9	57,6	24,5	58,5	39,3
<b>Kiyim-kechak buyumlari va aksessuarlari</b>					
Armaniston	0,9	0,7	0,4	0,9	0,9
Belorussiya	3,5	3,6	2,7	3,5	4,2
Qozog'iston	10,5	43,2	33,9	77,2	55,2

Qirg'iziston	0,8	0,7	0,6	1,08	0,8
Rossiya	11,01	11,7	10,3	10,3	10,06
<b>Oyoq kiyim</b>					
Armaniston	1,1	1,3	0,9	2,9	2,08
Belorussiya	0,8	0,3	0,2	0,3	0,3
Qozog'iston	0,2	3,1	2,8	12,9	5,3
Qirg'iziston	0,2	0,1	0,2	0,7	0,4
Rossiya	0,8	1,04	0,7	0,8	0,8

**Manba:** <https://comtrade.un.org/> ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan hisoblangan

Aniqlangan qiyosiy ustunlik – bu xalqaro iqtisodiyotda ma'lum bir mamlakatning mahsulot yoki xizmatlarning ma'lum bir sinfidagi nisbiy afzalligi yoki kamchiliklarini hisoblash uchun ishlatiladigan indeks. Bu Rikardian qiyosiy ustunligi konsepsiyasiga asoslangan. U manfaatdor mamlakatning savdo profilini jahondagi o'rtacha ko'rsatkich bilan solishtirish orqali iqtisodiyot qiyosiy ustunlikka ega bo'lgan tarmoqlarni aniqlash uchun foydalaniladi. Birinchi marta Liesner (1958) bunday indeksni yaratgan va o'zining empirik tadqiqotini o'tkazgan. Hozirgi kunda keng qo'llanilayotgan indeksning an'anaviy shakli birinchi marta Balassa (1965) tomonidan taqdim etilgan. Hozirgi vaqtda global Vollrath (1991), mintaqaviy Balassa (1989) va ikki tomonlama savdo darajasida Dimelis and Gatsios (1994) savdoning qiyosiy afzalliklarini o'lchash uchun Aniqlangan qiyosiy ustunlik (RCA) indeksi tuzilgan (Bacchetta et al., 2012).

**U quyidagi formula orqali aniqlanadi:**

$$RCA = \frac{\ln\left(\frac{X_{iB}}{X_B}\right)}{\frac{X_{iA}}{X_A}}$$

$X_{iB}$  - O'zbekistonning i mahsulot bo'yicha YeOII ga eksporti;

$X_B$  - O'zbekistonning YeOII ga umumiy eksporti;

$X_{iA}$  - raqib mamlakatning i mahsulot bo'yicha YeOII ga eksporti;

$X_A$  - raqib mamlakatning YeOII ga umumiy eksporti;

Ushbu indeks qiymati bir birlikdan kattaroq ( $RCA > 1$ ), ya'ni i mamlakatning k mahsulot guruhining eksport ulushi xuddi shu mahsulot guruhining jahon eksportidagi ulushidan katta bo'lsa, i mamlakat k mahsulotni eksport qilishda qiyosiy ustunlikka ega.

Aksincha, agar ushbu indeks qiymati bir birlikdan kichik bo'lsa ( $RCA < 1$ ), bu i mamlakatning mahsulot/sanoat bo'yicha qiyosiy kamchilikka ega ekanligini anglatadi. Quyidagi jadvalda aniqlangan qiyosiy ustunlik formulasi bo'yicha hisoblangan natijalar keltirilgan (Bacchetta M, Beverelli C, Fugazza M, et al., 2012).

1-jadvaldan ko'rinib turibdiki, "Don va don mahsulotlari" bo'yicha O'zbekiston Armanistonga nisbatan sezilarli darajada qiyosiy ustunlikka ega. "Sabzavotlar, sabzavot ildizi va undan tayyorlangan hamda konservalangan mahsulotlari" bo'yicha O'zbekiston 2016-yilda YeOII a'zo mamlakatlariga nisbatan yuqori qiyosiy ustunlikka ega bo'lib, 2020-yilga qadar bu ko'rsatkich pasayib borgan. "Meva va yong'oqlar, yangi va quritilgan" va "Ipak" mahsulotlari bo'yicha Rossiyaga nisbatan eng yuqori qiyosiy ustunlikka erishgan bo'lsa, "Noorganik moddalar" bo'yicha Armanistonga nisbatan qiyosiy ustunligi yuqori, ammo Qozog'istonga nisbatan ushbu ko'rsatkich past, ya'ni Qozog'istonning qiyosiy ustunligi yuqori.

"Radioaktivlar va unga tegishli materiallar" ko'rsatkichida Qozog'iston YeOII mamlakatlari orasida qiyosiy ustunlikka ega. "Mineral o'g'itlar" bo'yicha 2016-yilda Rossiya qiyosiy ustunlikka erishgan bo'lsa, 2017-2018 yillarda Qozog'istonning qiyosiy ustunligi yuqori bo'lgan.

"Asosiy shakldagi plastmassalar" bo'yicha O'zbekiston Armaniston va Qirg'izistonga nisbatan, "Ohak, sement, fabrikatlar va qurilish materiallari" bo'yicha Rossiyaga nisbatan yuqori qiyosiy ustunlikka ega.

**Qiyosiy eksport ko'rsatkichlari** – bu yana bir qiyosiy ustunlikni belgilovchi ko'rsatkichlardan biri

bo‘lib, Balassa indeksining o‘zgartirilgan versiyasi hisoblanadi. Quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$$RCA = \frac{\ln\left(\frac{X_{iB}}{X_B}\right)}{\frac{X_{iA}}{X_A}}$$

Bu yerda:  $X_{iB}$  – B mamlakatning i mahsulot eksporti;  
 $X_B$  – B mamlakatning umumiy eksporti;  
 $X_{iA}$  - i mahsulotning umumiy jahon eksporti miqdori;  
 $X_B$  - umumiy jahon eksporti (Serin and Civan, 2008).  
 Yuqoridagi formula orqali hisoblash ishlari bajarilib, quyidagi jadval ma‘lumotlari olindi.

**Jadval 2.**

**O‘zbekiston va YeOII davlatlari o‘rtasidagi qiyosiy eksport ko‘rsatkichlari (foizda)**

Davlatlar	2016	2017	2018	2019	2020
<b>Don va don mahsulotlari</b>					
Armaniston	0,06	0,1	0,05	0,04	0,09
Belorussiya	1,3	0,02	0,2	0,5	0,6
Qozog‘iston	0,6	0,4	0,5	0,9	0,3
Qirg‘iziston	0,2	0,4	0	0	0,5
Rossiya	0,5	0,7	1,3	1,2	1,0
O‘zbekiston	0	0	0	3,02	1,2
<b>Sabzavotlar, sabzavot ildizi va undan tayyorlangan hamda konservalangan mahsulotlar</b>					
Armaniston	1,2	1,5	1,6	1,3	2,4
Belorussiya	0,7	0,8	0,8	1,03	1,3
Qozog‘iston	0,03	0,04	0,05	0,07	0,07
Qirg‘iziston	0,5	0,4	0,3	0,6	0,4
Rossiya	0,2	0,2	0,2	0,3	0,3
O‘zbekiston	2,8	0,5	0,8	1,4	1,3
<b>Yangi va quritilgan meva va yong‘oqlar</b>					
Armaniston	1,5	0,7	1,06	1,04	1,8
Beloarussiya	0,6	0,8	0,5	0,5	0,4
Qozog‘iston	0,05	0,2	0,2	0,2	0,2
Qirg‘iziston	2,1	3,3	2,6	2,6	3,2
Rossiya	0,04	0,04	0,04	0,05	0,05
O‘zbekiston	10,2	8,1	9,2	8,3	8,9
<b>Ipak</b>					
Armaniston	0	0	0	0	0
Belorussiya	0	0	0	0	0
Qozog‘iston	0,2	0,6	0,1	0,2	0,5
Qirg‘iziston	10,3	12,1	10,7	29,8	22,8
Rossiya	0	0	0	0,001	0,002
O‘zbekiston	67,6	72,7	93,3	141,3	194,7
<b>Noorganik moddalar</b>					
Armaniston	0,02	0,02	0,04	0,03	0,09
Belorussiya	0,4	0,4	0,4	0,4	0,6

<b>Qozog‘iston</b>	3,5	3,2	2,5	2,9	2,9
<b>Qirg‘iziston</b>	0,09	0,1	0,06	0,03	0,04
<b>Rossiya</b>	2,5	2,1	2,3	2,7	3,3
<b>O‘zbekiston</b>	2,07	0,5	0,2	0,3	0,3
<b>Radioaktivlar va unga tegishli materiallar</b>					
<b>Armaniston</b>	0,0001	0	4,5	0,1	0
<b>Belorussiya</b>	0,0009	0,003	0,003	0,004	0,003
<b>Qozog‘iston</b>	104,4	79,1	65,5	71,7	85,4
<b>Qirg‘iziston</b>	2,7	0	0	0,007	0
<b>Rossiya</b>	1,2	1,09	0,9	0,9	1,2
<b>O‘zbekiston</b>	57,6	24,1	18,01	17,8	18,9

**Manba:** <https://unctadstat.unctad.org/> va <https://comtrade.un.org/> ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan hisoblangan.

2-jadval ma'lumotlariga ko'ra, "Don va don mahsulotlari" bo'yicha 2016-yilda Belorussiya, 2017-2018 yillar davomida Rossiya, 2019-2020 yillar davomida esa O'zbekiston eksport ustunligiga erishgan. "Sabzavotlar, sabzavot ildizi va undan tayyorlangan hamda konservalangan mahsulotlar" eksportida 2016 va 2019-yillarda O'zbekiston ustunlikda bo'lsa, 2017-2018 va 2020-yillarda Armaniston yetakchilikni qo'lga kiritgan. Bu yetakchilik biz yuqorida qayd etib o'tganimizdek, konservalangan mahsulotlar hisobiga ortgan deb ta'riflashimiz mumkin.

"Yangi va quritilgan meva va yong'oqlar" eksportida YeOII mamlakatlari orasida yaqqol ustunlik O'zbekistonga tegishli ekanligini ko'rishimiz mumkin. "Ipak" mahsulotlari eksportida ham O'zbekiston yaqqol ustunlikka erishgan bo'lsa, "Noorganik moddalar" eksportida Rossiya yetakchi o'rinda. "Radioaktivlar va unga tegishli materiallar" eksportida mos ravishda 2016-2020 yillar davomida Qozog'iston va O'zbekiston birinchi va ikkinchi o'rinlarda eksport ustunligini qo'lga kiritgan.

O'zbekiston va Yevrosiyo Iqtisodiy Ittifoqiga a'zo davlatlarning eksport ko'rsatkichlarini solishtirish uchun biz mustaqil namunalar t-testi (independent samples t-test) dan foydalandik. Ushbu test natijalari ikki mustaqil guruhning bog'langan populyatsiyasi o'rtacha sezilarli darajada farq qilishini statistik dalillar bilan ta'minlaydi. 1-jadvalda 2016-2020 yillar davomida eksport ko'rsatkichlari indeksi orqali aniqlangan 13 ta mahsulot guruhi bo'yicha test natijalari keltirilgan. Test natijalari shuni ko'rsatdiki, O'zbekiston tuxum, sabzavot, meva, ziravorlar, to'qimachilik iplari, paxta va trikotaj matolar, mis kabi mahsulotlar

guruhlari bo'yicha eksport ko'rsatkichlari sezilarli darajada yuqori. Bu shuni anglatadiki, O'zbekiston ushbu mahsulotlarni eksport qilishda YeOII ga a'zo davlatlardan farqli o'laroq ustunlikka ega. Statistik jihatdan ahamiyatli bo'lmasa-da, test natijalari YeOII mamlakatlari bug'doy, o'g'itlar va kiyim-kechak aksessuarlarini o'z ichiga olgan bir qancha mahsulotlar bo'yicha yaxshiroq eksport ko'rsatkichlariga ega ekanligini ko'rsatadi. Test natijalarini inobatga oladigan bo'lsak, O'zbekiston mahsulot eksportining aksariyat qismi bo'yicha o'rtacha eksport ko'rsatkichlari sezilarli darajada yaxshilangani yaqqol ko'rinib turibdi. Bu natijalar 5 va 1 foizlik ahamiyatlilik darajasida statistik ahamiyatga ega.

---

**“Sabzavotlar, sabzavot ildizi va undan tayyorlangan hamda konservalangan mahsulotlar” eksportida 2016 va 2019-yillarda O‘zbekiston ustunlikda bo‘lsa, 2017-2018 va 2020-yillarda Armaniston yetakchilikni qo‘lga kiritgan. Bu yetakchilik biz yuqorida qayd etib o‘tganimizdek, konservalangan mahsulotlar hisobiga ortgan deb ta‘riflashimiz mumkin.**

---

Jadval 3.

O'zbekiston va YeOII eksport ko'rsatkichlaridagi o'rtacha farqlar (2016-2020)

Mahsulot turi	O'zbekiston	YeOII	O'rtacha farq
Tuxum	3.186	1.348	1.837*
Bug'doy	1.949	3.928	-1.979
Sabzavotlar	7.362	3.486	3.875**
Mevalar	8.951	0.960	7.990***
Ziravorlar	3.773	0.083	3.689***
O'g'itlar	5.292	9.525	-4.233
Teri	4.093	1.910	2.183
To'qimachilik iplari	29.565	0.618	28.947***
Paxta matosi	6.552	0.246	6.305***
Trikotaj matosi	3.810	0.318	3.492***
Temir va po'lat panjaralar	3.068	1.912	1.156
Mis	11.444	2.799	8.645***
Kiyim aksessuarlari	0.877	1.211	-0.334

\*\*\*, \*\*, va \* mos ravishda p qiymat < 1%, p qiymat < 5% va p qiymat < 10% ni ifodalaydi.

**Manba:** <https://unctadstat.unctad.org/> va <https://comtrade.un.org/> ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan hisoblangan.

**Savdoni to'ldiruvchi indeks** – bu o'zaro bog'liqlik indeksining bir turi bo'lib, bir mamlakatning eksport modeli boshqasining import modeliga qanchalik mos kelishini o'lchaydi (Bacchetta et al., 2012). Quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$$TCI = \left( 1 - \left( \frac{\left( \frac{M_i}{M_t} \right)}{\frac{I_{exp}}{Tot_{exp}}} \right) \right) * 100;$$

Bu yerda:  $M_i$  – M mamlakatning i mahsulot bo'yicha importi;

$M_t$  – M mamlakatning umumiy importi;

$I_{exp}$  – I mamlakatning i mahsulot bo'yicha eksporti;

$Tot_{exp}$  – I mamlakatning umumiy eksporti (Hoang, 2018).

Ushbu formuladan foydalangan holda, dastlab tahlilimiz uchun YeOII mamlakatlarining importi va O'zbekistonning eksportini tanladik. Mahsulot turlariga O'zbekistonning eng ko'p eksport qilinadigan mahsulotlari tanlandi. Natijalar esa quyidagicha:

Jadval 4.

O'zbekiston va YeOII davlatlari o'rtasida o'zaro savdoni to'ldiruvchi indeks

Mahsulotlar	2016	2017	2018	2019	2020
Don va don mahsulotlari	99,94	99,53	99,50	99,57	99,42
Sabzavotlar, sabzavot ildizi va undan tayyorlangan hamda konservalangan mahsulotlar	99,88	99,86	99,92	99,97	99,95
Yangi va quritilgan meva va yong'oqlar	97,19	98,02	97,61	97,77	97,30
Ipak	99,87	99,87	99,85	99,79	99,78
Noorganik moddalar	97,70	99,41	99,71	99,74	99,60



Radioaktivlar va unga tegishli materiallar	97,98	99,37	99,62	99,62	99,51
Mineral o'g'itlar	99,11	98,66	99,03	99,29	99,00
Asosiy shakldagi plastmassalar	99,05	98,14	98,20	98,60	97,86
Trikotaj yoki trikotaj matolar	99,68	99,79	99,77	99,61	99,62
Ohak,sement,fabrikatlar va qurilish materiallari	99,93	99,95	99,92	99,98	99,96
Rangli metallar	93,15	94,72	94,70	93,17	92,63
Mis	94,76	96,05	96,03	94,91	94,55
Rux	98,84	98,67	98,83	98,69	98,51
Kiyim-kechak buyumlari va aksessuarlari	98,00	98,46	98,53	99,33	99,34
Oyoq kiyim	98,85	98,88	99,00	99,08	99,04

**Manba:** <https://unctadstat.unctad.org/> va <https://comtrade.un.org/ma'lumotlari> asosida mualliflar tomonidan hisoblangan.

Ushbu tanlangan mahsulot turlari bo'yicha tahlilda O'zbekistonning eksport qiladigan mahsulot turlari YeOII mamlakatlari import qiladigan mahsulotlariga to'la mos keladi.

Endi YeOII ga a'zo mamlakatlarning har biri bo'yicha savdoni to'ldiruvchi indeksni hisoblaymiz:

**Jadval 5.**

**O'zbekistonning YeOII davlatlariga nisbatan savdoni to'ldiruvchi indeksi**

Mahsulotlar	Mamlakatlar	2016	2017	2018	2019	2020
Birlamchi mahsulotlar, yoqilg'idan tashqari	Armaniston	88,7	97,6	97,8	94,9	98,1
Birlamchi mahsulotlar, yoqilg'idan tashqari	Belorussiya	88,6	98,8	97,9	95,6	94,6
Birlamchi mahsulotlar, yoqilg'idan tashqari	Qozog'iston	82,0	94,1	94,4	91,1	90,4
Birlamchi mahsulotlar, yoqilg'idan tashqari	Qirg'iziston	83,5	96,3	95,7	94,5	93,8
Birlamchi mahsulotlar, yoqilg'idan tashqari	Rossiya	83,9	94,3	94,1	91,9	90,9
Oziq-ovqat, choy, qahva, kakao va ziravorlardan tashqari asosiy mahsulotlar	Armaniston	99,0	98,0	99,0	100,0	97,1
Oziq-ovqat, choy, qahva, kakao va ziravorlardan tashqari asosiy mahsulotlar	Belorussiya	96,3	96,5	98,8	99,3	99,9
Oziq-ovqat, choy, qahva, kakao va ziravorlardan tashqari asosiy mahsulotlar	Qozog'iston	98,0	99,8	98,9	98,3	98,0
Oziq-ovqat, choy, qahva, kakao va ziravorlardan tashqari asosiy mahsulotlar	Qirg'iziston	99,0	97,8	100,0	99,2	99,1
Oziq-ovqat, choy, qahva, kakao va ziravorlardan tashqari asosiy mahsulotlar	Rossiya	100,0	99,3	99,3	98,9	98,7
Ichimliklar va tamaki	Armaniston	96,9	97,8	97,6	97,5	97,0
Ichimliklar va tamaki	Belorussiya	99,8	99,6	99,6	99,5	99,4
Ichimliklar va tamaki	Qozog'iston	99,4	99,2	99,2	99,2	99,2
Ichimliklar va tamaki	Qirg'iziston	98,9	97,9	97,7	97,8	97,8
Ichimliklar va tamaki	Rossiya	99,4	99,2	99,3	99,3	99,3

Ishlab chiqarish mahsulotlari	Armaniston	80,3	79,4	72,2	78,5	67,0
Ishlab chiqarish mahsulotlari	Belorussiya	71,7	69,0	66,8	66,0	66,3
Ishlab chiqarish mahsulotlari	Qozog‘iston	69,0	62,4	60,9	58,5	51,0
Ishlab chiqarish mahsulotlari	Qirg‘iziston	61,2	57,3	50,1	56,6	64,6
Ishlab chiqarish mahsulotlari	Rossiya	54,9	53,5	59,8	61,1	58,0
Temir va po‘lat	Armaniston	99,1	99,3	98,9	98,7	98,0
Temir va po‘lat	Belorussiya	97,3	97,0	96,8	96,5	96,8
Temir va po‘lat	Qozog‘iston	96,3	96,6	96,5	95,7	95,2
Temir va po‘lat	Qirg‘iziston	96,9	97,4	96,6	96,2	95,5
Temir va po‘lat	Rossiya	99,2	99,0	99,2	98,7	99,0
To‘qimachilik tolalari, iplar, matolar va kiyimlar	Armaniston	86,3	92,4	94,9	91,6	91,4
To‘qimachilik tolalari, iplar, matolar va kiyimlar	Belorussiya	84,7	91,9	93,6	91,2	90,2
To‘qimachilik tolalari, iplar, matolar va kiyimlar	Qozog‘iston	83,0	90,3	92,2	89,9	89,4
To‘qimachilik tolalari, iplar, matolar va kiyimlar	Qirg‘iziston	92,8	98,5	95,7	98,0	94,0
To‘qimachilik tolalari, iplar, matolar va kiyimlar	Rossiya	87,0	93,5	94,8	92,2	91,7

**Manba:** <https://unctadstat.unctad.org/> va <https://comtrade.un.org/ma'lumotlari> asosida mualliflar tomonidan hisoblangan.

Bu tahlilda tanlangan mahsulot turlari O‘zbekiston eksporti va YeOII ga a‘zo mamlakatlar importida ham yuqori ulushga ega bo‘lgan mahsulotlar hisoblanadi. Natijalarni tahlil qilsak, O‘zbekistonning “Birlamchi mahsulotlar, yoqilg‘idan tashqari” eksporti Armanistonga nisbatan yildan yilga oshgan, ammo Belorussiya, Qozog‘iston, Qirg‘iziston va Rossiya davlatlariga nisbatan 2016-2017 yillarda ortgan bo‘lishiga qaramay 2018-2020 yillarda ko‘rsatkichlar yildan yilga pasaygan. “Oziq-ovqat, choy, qahva, kakao va ziravorlardan tashqari asosiy mahsulotlar” ning O‘zbekistondan Belorussiya importi 2016-2020 yillar davomida ko‘paygan bo‘lsada, Armaniston, Qozog‘iston, Qirg‘iziston va Rossiya davlatlari tomonidantalab2018-yildanboshlabkamayaboshlagan. 5 yil davomida “Ichimliklar va tamaki” mahsulotlariga Qozog‘iston bozorlaridagi talab deyarli o‘zgarmagan. Ammo, Armaniston, Qirg‘iziston, Belorussiya va Rossiya mamlakatlariga eksport miqdori 2016-yildan 2020-yilgacha kamaygan. 5 yil davomida “Ishlab chiqarish mahsulotlari” ga YeOII mamlakatlarining import talabi kamayib borgan. Armanistonning “Temir va po‘lat” mahsulotlari importi 2016-2017 yillarda ortgan bo‘lishiga qaramay, 2018-yildan talab kamaygan. Shu o‘rinda ushbu mahsulotga bo‘lgan

Belorussiya, Qozog‘iston, Qirg‘iziston va Rossiya mamlakatlari importi ham kamayganligini ko‘rishimiz mumkin. Tahlil natijalarimiz yana shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekistonning “To‘qimachilik tolalari, iplar, matolar va kiyimlar” mahsulotlariga Armaniston, Belorussiya, Qozog‘iston va Rossiya mamlakatlarining talabi 2016-2018 yillarda ortgan, keyingi ikki yillikda esa talab pasaygan. Qirg‘iziston importi esa 2018-yildan boshlab kamayib borgan.

**Regressiya.** Eksport narxlarini O‘zbekistonning YeOII bozoridagi raqobatbardosh korxonalariga nisbatan raqobatbardoshligini belgilaydi degan gipotezani sinab ko‘rish uchun ushbu tadqiqotda YeOII ga a‘zo bo‘lgan raqobatdosh davlatlar, xususan Belorussiya va Qozog‘istondan pomidor, uzum, poliz, olma va o‘rikga YeOII import talabi baholangan.

Tobe o‘zgaruvchi – O‘zbekiston, Belorussiya va Qozog‘istondan pomidor, uzum, poliz, olma va o‘rikning YeOII importi. Regressiyada foydalaniladigan mustaqil o‘zgaruvchilar o‘z bahosi, raqobatdosh mamlakatlardan import qilinadigan narxlar (o‘rnini bosuvchi), YeOII o‘rtacha daromadi va YeOII aholisi. Agar O‘zbekiston raqobatbardosh narx ustunligiga ega bo‘lsa, YeOII ga a‘zo davlatlar eksporti O‘zbekistondan eksport narxlarini hisobiga sezilarli ta‘sir ko‘rsatishi kerak. Shunday

qilib, O'zbekiston eksportini YeOII eksportida Belarus va Qozog'istonning o'rnini bosuvchi deb hisoblash mumkin. Ma'lumotlar 2010-yildan 2020-yilgacha yillik mahsulot eksporti va importi bo'yicha COMTRADE ma'lumotlar to'plamidan foydalangan holda tuzilgan. 6-jadvalda ekonometrik modelda qo'llaniladigan o'zgaruvchilar ro'yxati, ularning tavsifi va ma'lumotlar manbalari keltirilgan.

Shunga o'xshash makroiqtisodiy sharoitlar YeOIIning raqobatdosh mamlakatlarning har bir mahsulot guruhiga import talabiga ta'sir qilishi mumkin, bu ikki raqib mamlakatning beshta mahsulot guruhining import tenglamalarining buzilishi o'zaro

bog'liq bo'lishi mumkinligini anglatadi. Shu sababli, beshta mahsulot guruhi bir-biriga bog'liq bo'lmagan regressiya (SUR) tenglamalariga ega bo'lishi kutilmoqda: YeOII dan pomidor, uzum, qovun, olma va o'rikning raqobatdosh YeOII a'zo davlatlaridan import qilinadigan SUR tenglamalari. SUR baholovchisi qoldiqlar o'zaro bog'langanda samaraliroq bo'ladi, chunki u barcha tenglamalarning butun korrelyatsiya matrisasini hisobga oladi (Zellner, 1963). Avvalgi tadqiqotlar, masalan, Topal et al. (2018), Sun et al. (2019), Chen et al. (2020) va Peng and Pu (2020) savdo bilan bog'liq tadqiqotlarda ushbu baholash usulidan foydalanganlar.

Jadval 6.

## O'zgaruvchilar tavsifi va ma'lumotlar manbalari

O'zgaruvchilar	Tavsifi	Ma'lumotlar manbalari
YeOII daromadlari	Joriy narxlarda YeOII yalpi milliy mahsuloti jurnali	Jahon banki, Jahon taraqqiyotko'rsatkichlari
YeOII aholisi	YeOII aholisi jurnali	Jahon banki, Jahon taraqqiyot ko'rsatkichlari
O'zbekistondan qilingan eksport miqdori	O'zbekistondan YeOII ga pomidor, uzum, olma va o'rik eksportining umumiy hajmi	UN-COMTRADE ma'lumotlar bazasi
Belorussiyadan qilingan eksport miqdori	Belorussiyadan YeOII ga pomidor, uzum, olma va o'rik eksportining umumiy hajmi	UN-COMTRADE ma'lumotlar bazasi
Qozog'iztondan qilingan eksport miqdori	Qozog'istondan YeOII ga pomidor, uzum, olma va o'rik eksportining umumiy hajmi	UN-COMTRADE ma'lumotlar bazasi
O'zbekistonning narxi	O'zbekistondan YeOII ga eksport qilingan pomidor, uzum, qovun, olma va o'rikning eksport narxlari	UN-COMTRADE ma'lumotlar bazasi
Belorussiyaning narxi	Belorussiyadan YeOII ga eksport qilingan pomidor, uzum, qovun, olma va o'rikning eksport narxlari	UN-COMTRADE ma'lumotlar bazasi
Qozog'iztonning narxi	Qozog'istondan YeOII ga eksport qilingan pomidor, uzum, qovun, olma va o'rikning eksport narxlari	UN-COMTRADE ma'lumotlar bazasi

**Manba:** <https://data.worldbank.org/> va <https://comtrade.un.org/> ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan hisoblangan.

7-jadvalda narx o'zgarishining O'zbekistondan YeOII bozoriga eksport qilinadigan mahsulotga ta'siri bo'yicha SUR regressiya natijalari keltirilgan. Birinchi modelda O'zbekistondan pomidor eksportiga Qozog'iston va Belorussiyadagi eksport narxlarining

o'zgarishi ta'sir ko'rsatishi aniqlangan. Koeffitsientlar shuni ko'rsatadiki, Qozog'istonning pomidor eksportidagi narxlarning oshishi O'zbekiston eksportini kamaytiradi, Belorussiyada esa O'zbekistondan eksport hajmini oshiradi. Narxlar oshishining

Qozog'istonga g'ayrioddiy ta'siri Qozog'iston O'zbekistondan pomidor import qilishi va keyinchalik YeOII davlatlariga eksport qilishi mumkinligini ko'rsatadi. Bu xulosa YeOII tomonidan O'zbekistondan pomidor va qalampir importiga qo'yilgan cheklovlarni ko'rib chiqishda mos keladi. Daromadlar va aholi koeffitsientlari O'zbekiston eksporti bilan ijobiy va sezilarli bog'liqligini ko'rsatadi. Bu daromad darajasining ortib borayotgani va aholi sonining o'sishi pomidorga bo'lgan talabning oshishini anglatadi. Shunga qaramay, O'zbekistonning pomidorning o'z eksport narxi uning umumiy eksportiga sezilarli ta'sir ko'rsatmaydi.

Uzum eksportining ikkinchi modeli shuni ko'rsatadiki, O'zbekistonning o'z narxining oshishi uzum eksportining umumiy hajmiga statistik jihatdan sezilarli salbiy ta'sir ko'rsatadi. Boshqa tomondan, Belorussiyaning uzum eksporti narxi O'zbekiston eksportiga ijobiy va sezilarli ta'sir ko'rsatadi, bu esa Belorussiya eksportidagi narxlarning oshishi o'zbek uzumiga talabning oshishiga olib kelishidan dalolat

beradi. Shuningdek, qovun eksportining uchinchi modelidagi hisob-kitoblar O'zbekiston, Belorussiya va Qozog'istonda narxlarning oshishi O'zbekiston qovun eksportiga ijobiy ta'sir ko'rsatayotganini ko'rsatmoqda. Ajablanarli bo'lsa-da, bu natija Belorussiya va Qozog'iston qovunlarining o'rnini bosuvchi ta'siri O'zbekiston qovunlarining narxi va ta'mi afzalliklari tufayli sezilarli darajada past ekanligini ko'rsatadi. Shu sababli, O'zbekistondan qovun eksporti narxining oshishi YeOII bozoriga jami eksport hajmiga salbiy ta'sir ko'rsatmaydi.

4-model O'zbekistondan olma eksporti uchun regressiya hisob-kitoblarini bildiradi. Natijalar shuni ko'rsatadiki, faqat Belorussiyadan olma eksporti narxi O'zbekiston olma eksportiga ijobiy va sezilarli ta'sir ko'rsatadi. O'rikning oxirgi modeli shuni ko'rsatadiki, o'rik narxining oshishi O'zbekistondan eksport hajmining pasayishiga olib kelishi mumkin. Modellar shuni ko'rsatadiki, YeOII O'zbekistondan uzum va o'rik importiga ularning import narxlari sezilarli darajada ta'sir qiladi.

**Jadval 7.**

**Narxlar o'zgarishining O'zbekistonning YeOII ga eksportiga ta'siri**

<b>Eksport qilingan miqdori</b>	<b>Pomidor</b>	<b>Uzum</b>	<b>Qovun</b>	<b>Olma</b>	<b>O'rik</b>
<b>O'zbekiston narxi</b>	-0.032 (0.261)	-1.379*** (0.374)	2.722*** (0.935)	-0.562 (0.548)	-1.378** (0.503)
<b>Qozog'iston narxi</b>	-0.843*** (0.138)	0.034 (0.712)	11.679*** (4.007)	-0.815 (0.869)	1.448 (1.380)
<b>Belorussiya narxi</b>	2.224*** (0.433)	0.922** (0.370)	2.874** (1.490)	4.768*** (1.402)	0.531 (0.788)
<b>YeOII daromadi</b>	1.459** (0.587)	-0.006 (0.864)	-0.937 (1897)	0.063 (1.748)	0.417 (1.572)
<b>YeOII aholisi</b>	32.481*** (8.308)	25.462 (19.772)	-3.291 (20.781)	99.672*** (27.593)	71.457** (31.292)
<b>O'zgarmas qiymat</b>	-588.316*** (157.404)	-464.549 (375.673)	82.700 (49.947)	-188.160*** (52.165)	-134.060*** (58.743)
<b>Kuzatishlar soni</b>	11	11	11	11	11
<b>R-kvadrat</b>	0.914	0.842	0.698	0.653	0.563
<b>Chi2</b>	116.91***	58.52***	25.42***	20.70***	19.19***

\*\*\*, \*\*, va \* mos ravishda  $p$  qiymat < 1%,  $p$  qiymat < 5% va  $p$  qiymat < 10%, ni ifodalaydi. Standart xatoliklar qavs ichida berilgan.

**Manba:** <https://unctadstat.unctad.org/> va <https://comtrade.un.org/> ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan hisoblangan.

8-jadvalda narx o'zgarishining Belorussiyadan YeOII ga mahsulot eksportiga ta'siri bo'yicha regressiya natijalari ko'rsatilgan. Pomidor, uzum, qovun va olma bo'yicha hisob-kitoblar shuni ko'rsatadiki, ushbu mahsulotlarning eksporti YeOII ga ko'p jihatdan ularning import narxlariga bog'liq, chunki koeffitsientlar sezilarli va salbiy, bu narxlarning oshishi eksportning pasayishiga olib kelishi mumkinligini anglatadi. Raqobatchi mamlakatlarning eksport narxlariga kelsak, Qozog'istonning eksport narxlari pomidor va uzumga, O'zbekistonning eksport

narxlari esa faqat uzumga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Ushbu assotsiatsiyalar O'zbekistonning uzum eksporti YeOII uzumining Belorussiyadan importi o'rnini egallashi haqidagi oldingi xulosani tasdiqlaydi. Demak, O'zbekiston va Belorussiya uzum eksportining YeOII bozoriga raqobatbardoshligi nisbiy narxlarga bog'liq. Eksport narxlari YeOII ning Belorussiyadan o'rik importiga ta'sir ko'rsatmaydi, chunki Belorussiya, Qozog'iston va O'zbekistonning o'rike ksporti narxlari statistik jihatdan ahamiyatli emas.

Jadval 8.

## Narxlar o'zgarishining Belarusiyaning YeOII ga eksportiga ta'siri

Eksport qilingan miqdor	Pomidor	Uzum	Qovun	Olma	O'rik
Belorussiya narxi	-3.190*** (0.496)	-3.591** (1.402)	-18.553*** (5.724)	-4.664** (2.412)	-1.615 (3.394)
Qozog'iston narxi	0.293** (0.148)	6.155** (2.700)	14.288 (14.023)	-2.370 (1.627)	-5.116 (5.941)
O'zbekiston narxi	0.177 (0.299)	2.778** (1.319)	1.211 (4.951)	-0.716 (1.026)	-1.864 (2.168)
YeOII daromadi	0.688 (0.672)	8.923*** (3.275)	-0.185 (7.026)	7.444** (3.271)	11.596** (4.766)
YeOII aholisi	20.437** (9.508)	188.037** (74.963)	-183.062 (113.630)	0.397 (51.632)	116.925 (134.721)
O'zgarimas miqdor	-374.189** (180.137)	352.648** (142.357)	350.207 (220.861)	-51.535 (97.695)	-231.102 (253.088)
Kuzatishlar soni	11	11	11	11	11
R-kvadrat	0.876	0.738	0.732	0.611	0.601
Chi2	77.69***	30.95***	27.25***	17.27***	16.89***

\*\*\*, \*\*, va \* mos ravishda  $p$  qiymat  $< 1\%$ ,  $p$  qiymat  $< 5\%$  va  $p$  qiymat  $< 10\%$ , ni ifodalaydi. Standart xatoliklar qavs ichida berilgan.

**Manba:** <https://unctadstat.unctad.org/> va <https://comtrade.un.org/> ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan hisoblangan.

Narxlar o'zgarishining Qozog'istonning YeOIIga eksportiga ta'siri bo'yicha regressiya natijalari 9-jadvalda keltirilgan. Qozog'iston eksportiga kelsak, O'zbekiston eksport narxlari YeOII ning Qozog'istondan uzum, olma va o'rik importiga statistik jihatdan muhim ta'sir ko'rsatadi. Qozog'istondan uzum eksporti bo'yicha hisob-kitoblar shuni ko'rsatadiki, o'z narxlarining oshishi YeOII bozoriga eksport hajmining pasayishiga olib keladi, Belorussiya va O'zbekiston eksportidagi narxlarning o'sishi esa Qozog'iston uchun

bozor ulushining oshishiga olib keladi. Xuddi shunday natijalarni Qozog'istonning pomidor, olma va o'rik eksportida ham kuzatish mumkin. O'zbekistonning olma va o'rik eksportidagi narxlarning o'zgarishi Qozog'istonning ushbu mahsulotlarni YeOIIga a'zo davlatlarga eksport qilishiga sezilarli ta'sir ko'rsatmoqda. Shu sababli, O'zbekistondan import qilinadigan mahsulotlar narxi Qozog'iston narxlaridan past bo'lsa, O'zbekistonning YeOII bozorida ulushi oshishi kutilmoqda.

Jadval 9.

Narxlar o'zgarishining Qozog'istonning YeOIIga eksportiga ta'siri

Eksport qilingan miqdor	Pomidor	Uzum	Qovun	Olma	O'rik
Qozog'iston narxi	-2.951*** (0.510)	-3.098** (1.556)	3.770 (5.795)	-4.663*** (1.340)	-2.615** (1.255)
Belorussiya narxi	6.070*** (1.087)	2.596*** (0.808)	-2.065 (2.160)	0.598 (2.160)	1.375* (0.717)
O'zbekiston narxi	-0.609 (0.633)	1.643** (0.817)	1.498 (1.353)	2.647*** (0.845)	0.913** (0.458)
YeOII daromadi	-2.097 (1.604)	3.330* (1.887)	0.241 (2.743)	6.010** (2.694)	-1.112 (1.430)
YeOII aholisi	171.006*** (21.163)	155.899*** (43.194)	130.601*** (30.052)	99.688** (42.525)	251.135*** (28.466)
O'zgarish miqdor	-322.728*** (39.887)	-297.972*** (82.721)	-247.961*** (57.403)	-193.878** (80.394)	-475.602*** (53.438)
Kuzatishlar soni	11	11	11	11	11
R-kvadrat	0.968	0.935	0.722	0.866	0.969
Chi2	306.83***	158.75***	28.59***	70.92***	351.48***

\*\*\*, \*\*, va \* mos ravishda p qiymat < 1%, p qiymat < 5% va p qiymat < 10%, ni ifodalaydi. Standart xatoliklar qavs ichida berilgan.

**Manba:** <https://unctadstat.unctad.org/> va <https://comtrade.un.org/> ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan hisoblangan.

**Xulosa.** Yuqorida qilingan tahlillar bo'yicha qisqacha xulosa qiladigan bo'lsak, O'zbekistonning aniqlangan qiyosiy ustunlik ko'rsatkichi "Don va don mahsulotlari" bo'yicha Armaniston, "Sabzavotlar, sabzavot ildizi va undan tayyorlangan hamda konservalangan mahsulotlari" bo'yicha Belarusiya, Qozog'iston, Qirg'iziston va Rossiya davlatlariga nisbatan qiyosiy ustunlikka egaligini ko'rsatmoqda. "Meva va yong'oqlar, yangi va quritilgan", "Ipak", "Mis", va "Rux" mahsulotlari bo'yicha O'zbekiston YeOII mamlakatlari orasida eng yuqori ustunlikka ega. "Kiyim-kechak buyumlari va aksessuarlari" bo'yicha O'zbekistonning qiyosiy ustunligi Armaniston hamda Qirg'izistondan pastroq. "Oyoq kiyim" mahsulotlari bo'yicha esa qiyosiy ustunlik Qozog'istonga nisbatan yuqori. O'zbekiston "Don va don mahsulotlari" hamda "Sabzavotlar, sabzavot ildizi va undan tayyorlangan hamda konservalangan mahsulotlari" bo'yicha 2019-yilda, "Meva va yong'oqlar, yangi va quritilgan" bo'yicha 2016-2020 yillarda qiyosiy eksport ko'rsatkichlari yuqori, "Ipak" hamda "Radioaktivlar va unga tegishli materiallar" bo'yicha YeOII mamlakatlari orasida yaqqol ustunlikka ega bo'lganligini ko'rishimiz

**Yuqorida qilingan tahlillar bo'yicha qisqacha xulosa qiladigan bo'lsak, O'zbekistonning aniqlangan qiyosiy ustunlik ko'rsatkichi "Don va don mahsulotlari" bo'yicha Armaniston, "Sabzavotlar, sabzavot ildizi va undan tayyorlangan hamda konservalangan mahsulotlari" bo'yicha Belarusiya, Qozog'iston, Qirg'iziston va Rossiya davlatlariga nisbatan qiyosiy ustunlikka egaligini ko'rsatmoqda.**

mumkin. Shuningdek, savdoni to'ldiruvchi indeks tahliliga ko'ra, "Birlamchi mahsulotlar, yoqilg'idan tashqari" O'zbekiston eksporti YeOII mamlakatlari importiga to'la mos keladi. "Oziq-ovqat, choy, qahva, kakao va ziravorlardan tashqari asosiy mahsulotlar" ga Rossiyaning talabi kamayganligiga qaramay, YeOII a'zo mamlakatlarning qolgan qismi ushbu mahsulot turi importini yildan yilga oshirib borgan.

YeOII mamlakatlari bilan pomidor, uzum, qovun, olma va o'rik mahsulotlari bo'yicha savdo aloqalari regression tahlil qilinganda, Qozog'istonning pomidor eksportidagi narxlarning oshishi O'zbekiston eksportini kamaytiradi, Belarusiyada esa O'zbekistondan eksport hajmini oshiradi. O'zbekistonning o'z narxining oshishi uzum eksportining umumiy hajmiga statistik jihatdan sezilarli salbiy ta'sir ko'rsatishi yaqqol namoyon bo'ldi. Belorussiyaning uzum eksporti narxi O'zbekiston eksportiga ijobiy va sezilarli ta'sir ko'rsatishini ko'rishimiz mumkin. Shuningdek, O'zbekiston, Belorussiya va Qozog'istonda narxlarning oshishi O'zbekiston qovun eksportiga ijobiy ta'sir ko'rsatishi, Belorussiyadan olma eksporti narxi O'zbekiston olma eksportiga ijobiy va sezilarli ta'sir ko'rsatishi ma'lum bo'ldi. O'rik narxining oshishi O'zbekistondan eksport hajmining pasayishiga olib kelishi mumkinligini ko'rishimiz mumkin.

Yuqorida keltirilgan xulosadan so'ng o'z takliflarimizni keltirib o'tmoqchimiz. Avvalambor, O'zbekistonning qaysi sohalar ustunligi hamda qaysi sohalar qo'llab-quvvatlashga muhtoj ekanligini tushinib oldik. Tahlilimiz natijasiga ko'ra, O'zbekistonning YeOII ga a'zo bo'lishi "Sabzavotlar, sabzavot ildizi va undan tayyorlangan hamda konservalangan mahsulotlari", "Meva va yong'oqlar: yangi va quritilgan", "Ipak" hamda "Radioaktivlar va unga tegishli materiallar" kabi sohalar iqtisodiy yo'qotishga uchramasligi va aksincha ushbu sohalar o'sish kuzatilishi mumkin. Qolgan sohalar esa qo'llab-quvvatlash orqaligina raqobatbardoshlikka erisha olishimiz mumkinligini ayta olamiz. Shuningdek, yuqorida tahlil qilingan 5 mahsulot turi kabi qolgan mahsulot turlarini ham chuqur tahlil qilish va ushbu taklifni yanada kengaytirish maqsadga muvofiq bo'ladi. Kelgusidagi ilmiy ishlarimizda boshqa sohalar ham mahsulot turlari bo'yicha chuqur tahlil etib, xulosa hamda takliflarimizni berish rejalashtirilgan.

### **Manba va adabiyotlar**

1. Bacchetta M, Beverelli C, Fugazza M, et al. (2012) *A Practical guide to trade policy analysis*.
2. Balassa B. (1965) *Trade Liberalisation and "Revealed" Comparative Advantage*. *The Manchester School* 33: 99-123.
3. Balassa BA. (1989) *Comparative Advantage, Trade Policy and Economic Development: Harvester Wheatsheaf*.
4. Chen CT, Crespi JM, Hahn W, et al. (2020) *Long-run impacts of trade shocks and export competitiveness: Evidence from the US BSE event*. *Agricultural Economics* 51: 941-958.
5. Dimelis SP and Gatsios K. (1994) *Trade with Central and Eastern Europe: the case of Greece*. *Centre for Economic Policy Research*.
6. Hoang V. (2018) *Assessing the agricultural trade complementarity of the Association of Southeast Asian Nations countries*. *Agricultural Economics (Zemědělská ekonomika)* 64.
7. Liesner HH. (1958) *The European Common Market and British Industry*. *The Economic Journal* 68: 302-316.
8. Peng X and Pu Y. (2020) *Trade openness and pollutant emissions in China: the role of capital abundance and income*. *Environmental Science and Pollution Research* 27: 35661-35674.
9. Serin V and Civan A. (2008) *Revealed Comparative Advantage and Competitiveness: A Case Study for Turkey towards the EU*.
10. Sun H-p, Tariq G, Haris M, et al. (2019) *Evaluating the environmental effects of economic openness: evidence from SAARC countries*. *Environmental Science and Pollution Research* 26: 24542-24551.
11. Topal MH, Bölükbaş M and Bostan MK. (2018) *The Public Debt and Unemployment Growth Nexus in the PIIGS (Portugal, Ireland, Italy, Greece and Spain) Countries and Turkey: Empirical Evidence*. *Studies on Balkan and Near Eastern Social Sciences* 2: 1-16.
12. Vollrath TL. (1991) *A Theoretical Evaluation of Alternative Trade Intensity Measures of Revealed Comparative Advantage*. *Weltwirtschaftliches Archiv* 127: 265-280.
13. Zellner A. (1963) *Estimators for Seemingly Unrelated Regression Equations: Some Exact Finite Sample Results*. *Journal of the American Statistical Association* 58: 977-992.

**Aniqlangan qiyosiy ustunliklar va raqobatbardoshlik: Yevrosiyo iqtisodiy ittifoqiga a'zo bo'lishning O'zbekistonning tashqi savdo ko'rsatkichlariga ta'siri**

**Iqboljon Qosimov,**

*Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari,*

**Ashurova Shahina,**

*Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti tayanch doktoranti*

**Annotatsiya:** *integratsion jarayonlar jahon miqyosida jadal rivojlanib borayotgan iqtisodiy munosabatlarda muhim ahamiyatga ega. Mamlakatning integratsion jarayondagi ishtiroki o'z navbatida ushbu mamlakat iqtisodiyotiga ham o'z ta'sirini o'tkazadi. Ushbu maqolada integratsion jarayonlarda O'zbekistonning ishtirokini ta'minlash, qaysi sohalarga qanday ta'sir qilishini ko'rsatib berish maqsadida tahliliy natijalarni keltirdik.*

**Kalit so'zlar:** *aniqlangan qiyosiy ustunlik, Savdoni to'ldiruvchi indeks, Qiyosiy eksport ko'rsatkichlari, Yevrosiyo iqtisodiy ittifoqi, integratsiya.*

**Выявленные сравнительные преимущества и конкурентоспособность: влияние вступления в евразийский экономический союз на внешнюю торговлю Узбекистана**

**Икболжон Касимов,**

*руководитель проекта*

*Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Ашурова Шахина,**

*базовый докторант Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** *интеграционные процессы имеют важное значение в бурно развивающихся экономических отношениях в глобальном масштабе. Участие страны в интеграционных процессах, в свою очередь, влияет на экономику страны. В этой статье мы привели аналитические результаты, чтобы обеспечить участие Узбекистана в интеграционном процессе и показать, как это влияет на какие отрасли.*

**Ключевые слова:** *выявленное сравнительное преимущество, индекс торговой взаимодополняемости, сравнительные показатели экспорта, Евразийский экономический союз, интеграция.*

**Revealed comparative advantage and competitiveness: the impact eurasian economic union accession on uzbekistan's foreign trade**

**Iqboljon Kasimov,**

*Project Manager of the Institute of Forecasting and Macroeconomic Research,*

**Ashurova Shahina,**

*PhD student of Institute of Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** *integration processes are important in rapidly developing economic relations on a global scale. The country's participation in the integration process, in turn, affects the country's economy. In this article, we have provided analytical results in order to ensure Uzbekistan's participation in the integration process and to show how it affects which sectors.*

**Keywords:** *Revealed comparative advantage, Trade complementarity index, Comparative export performance, EuroAsian Economic Union, integration.*



**Саноат, аграр ва ҳудудий иқтисодиёт / Промышленность, сельское хозяйство и  
региональная экономика / Industry, agriculture and regional economy**

**УЎК: 332.122.336.2**

**Меҳри ВОХИДОВА,**  
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича)*  
*Тошкент давлат шарқишунослик университети ўқитувчиси,*  
**E-mail: mehrioxidova@gmail.com**

## **Махсус иқтисодий зоналарда солиқ сиёсати**

**Кириш.** Замонавий шароитда давлатнинг иқтисодий тизимини ривожлантириш йўналишларидан бири махсус иқтисодий зоналар (кейинги ўринларда – МИЗ) бўлиб, улар мамлакатнинг айрим ҳудудларини ривожлантиришни назарда тутди. Махсус иқтисодий зоналар ўзига хос фаол "давлат сиёсати қўлида" бўлиб, бу, биринчи навбатда, муайян ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий даражасини ошириш имконини беради. МИЗларни ташкил этиш давлатга бир қатор аниқ вазифаларни ҳал қилиш имконини беради, уларни умуман қуйидагиларга жамлаш мумкин:

- ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва ҳарбий-сиёсий жиҳатдан муваффақиятли ривожланиш омилини яратиш;

- маҳаллий ресурслардан кўпроқ фойдаланиш ҳисобига фуқароларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва тадбиркорлик ташаббусини ошириш учун шароит яратиш;

- ўз маблағларини киритиш истагида бўлган хорижий инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун махсус восита ташкил этиш;

- муайян ҳудудни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган тажрибанинг барча ижобий ва салбий томонларини амалда кўрсата олиш.

**Махсус иқтисодий зона мамлакатга ва унинг ажратилган алоҳида ҳудудига фойда олиб келиши, унинг ривожланишига ҳисса қўшиши билан бирга, унинг иштирокчилари давлат томонидан имтиёз ва преференциялар тақдим этилишини кутади. Яъни МИЗларнинг жозибдорлик омили ана шундай имтиёз ва преференциялар ҳисобланади. Ушбулар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:**

- ер ижарасининг имтиёзи ёки бепул тақдим этилиши;

- солиқ ва божхона имтиёзлари;

- имтиёзли кредитлар тақдим этиш ва банк хизматларининг имтиёзли асосда тақдим этилиши;

- ривожланган инфратузилма ва бошқалар.

Имтиёз ва преференциялар орасида солиқ ва божхона имтиёзлари алоҳида жозибдорликка эга. Хусусан, ҚҚС, акциз, фойда солиғи ставкаларининг пасайтирилган даражаси ҳамда божхона божи ва йиғимларининг қўлланилмаслиги инвесторлар томонидан МИЗларни танлаш жараёнида аҳамият касб этадиган асосий ҳолатлар ҳисобланади.

Дунёнинг 140 мамлакатада 5 мингдан ортиқ эркин иқтисодий зоналар фаолият олиб борса [1], ҳар бирида алоҳида солиқ ва божхона сиёсати қўлланилади. Шу жумладан, Ўзбекистондаги 18 та махсус иқтисодий зонанинг [15] ҳам алоҳида белгиланган солиқ сиёсати мавжуд.

Аммо сўнгги даврда махсус иқтисодий зоналар ҳуқуқий асосларининг ўзгариши, қўшилган қиймат солиғининг зона ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нисбатан қўлланиши инвесторлар ва экспертлар томонидан ижобий баҳоланмаяпти. Шу сабабдан ҳам, Ўзбекистон МИЗлари солиқ сиёсатини хорижий мамлакатларда қўлланиладиган солиқ сиёсати ва ставкалари билан қиёслаган ҳолда илмий асосланган таклиф ва тавсиялар бериш ушбу илмий мақоланинг асосий мақсади ҳисобланади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Махсус иқтисодий зоналарнинг солиқ сиёсати илмий доира вакиллари орасида доимий муҳокамада бўлган мавзулардан бири ҳисобланади.

Жумладан, Сулейманов М.М. ва Кравцова Н.И. томонидан келтирилишича, МИЗларда самарали солиқ сиёсатини олиб бориш учун, энг аввало, ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, МИЗ резидентлари мақомини аниқлаштириш, МИЗларни молиялаштиришни ва молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, хорижий ва маҳаллий инвесторларга солиқ имтиёзлари тақдим этишнинг шартлари ва муддатларини аниқ белгилаш, солиқ мониторингини олиб бориш зарур [2].

**В.В. Громовнинг таҳлилларига кўра, МИЗ резидентларини солиққа тортишни ривожлантиришнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:**

- инвесторлар учун махсус иқтисодий зоналарнинг жозибдорлигини ошириш;
- солиқ солиш шартларини МИЗ доирасида ҳам, муқобил солиқ режимлари ўртасида ҳам оқилона чегараларда бирлаштириш;
- қонунчиликнинг соддалиги ва солиққа тортиш самарадорлигини таъминлаш.

Шу билан бирга, солиққа тортишнинг ривожланиши бюджет тизимидаги йўқотишлар билан боғлиқ бўлмаслиги керак. Бундан ташқари, ривожлантириш учун давлат томонидан катта миқдорда бюджет маблағлари сарфланган МИЗлар соҳасидаги мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, кўрилаётган чора-тадбирлар, биринчи навбатда, имтиёзларни миқдорий кенгайтиришга эмас, балки сифат жиҳатидан тартибга солишга асосланиши керак [3].

Магдалена Жасиниак, Жакуб Козипски Польша махсус иқтисодий зоналарида солиқ сиёсатини ўрганиши натижасида қуйидаги хулоса шаклланган: “Махсус иқтисодий зоналарга сармоя киритишнинг кўплаб афзалликлари орасида энг муҳимларидан бири тадбиркорларни даромад солиғи ёки маҳаллий солиқлардан озод қилишдан иборат солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятидир. Солиқ ставкасини камайтириш сиёсати жаҳон амалиётида солиқлардан озод қилишдан кўра кенг тарқалган” [4].

Юқоридаги илмий хулосалардан келиб чиққан ҳолда, таҳлилларни 3 қисмга бўлган ҳолда олиб бордик. Жумладан, хорижий мамлакатлар МИЗларида солиқ сиёсати ва ставкалари, Ўзбекистон МИЗларида солиқ сиёсати ва унинг янгиланган кўринишлари, Ўзбекистон МИЗларига хорижий мамлакатларнинг солиқ сиёсатидаги ижобий жиҳатларни жорий этиш имкониятлари.

**Таҳлил ва натижалар. Хорижий мамлакатлар МИЗларида қўлланиладиган солиқ сиёсати.**

Махсус иқтисодий зоналар – имтиёзли шартларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун яратилган алоҳида ҳудудлар. КППМГ аудиторлик компанияси ҳисоботига кўра, МИЗлар Польша ривожланишини белгиловчи ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб, Европадаги энг жозибадор инвестиция иқлимига эга ҳудудлардан бири сифатида тавсифланади.

Польшада 14 та МИЗ мавжуд бўлиб, умумий майдони тахминан 19 837 га ни ташкил этади ва барча соҳаларни қамраб олади. Инвестицион тузилмада Германия капитали 19% ни, АҚШ капитали 12% ни ва Нидерландия капитали 10% ни ташкил этгани ҳолда, Польша капитали умумий капиталнинг 20 фоизи билан устунлик қилади [5].

**Муайян шартларга кўра, инвесторлар махсус тайёрланган ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши ва уни даромад солиғи камайтирилган ҳолда амалга ошириши мумкин. Польша МИЗнинг сармоядорлар олишлари мумкин бўлган имтиёзлари қуйидагилардир:**

- 1) солиқдан озод қилиш (ПИТ (Personal Income Tax) - жисмоний шахслар учун, СИТ (Corporate Income Tax) - юридик шахслар учун - маълум бир компаниянинг ҳуқуқий шаклига қараб);
- 2) рақобатбардош нарҳда таклиф қилинадиган тўлиқ тайёрланган инвестиция майдони;
- 3) инвестиция билан боғлиқ маъмурий тартиб-қоидаларда бепул ёрдам кўрсатиш;
- 4) мулк солиғидан озод қилиш (айрим муниципалитетлар ҳудудида) [6].

Солиқ имтиёзлари кўплаб ривожланаётган мамлакатларда кенг қўлланиладиган инвестиция имтиёзлари бўлиб, кўпинча иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун ишлатилади. МИЗларда берилган солиқ имтиёзлари давлат томонидан молиялаштириладиган ҳудудий ёрдам сифатида қаралади. Ушбу маблағлар янги инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва натижада янги иш ўринларини яратиш орқали ЕИнинг кам ривожланган минтақалари ўсишини яхшилашга хизмат қилади.

Польша мисолида, давлат томонидан молиялаштириладиган минтақавий ёрдам, шу жумладан даромад солиғидан (йўналиши аниқ бўлган ва маълум мақсадда тўғри сарфланган) озод қилиш - инвестор томонидан амалга ошириладиган мақбул ха-

ражатлар миқдори ва инвестиция соҳасига боғлиқ бўлган ёрдам интенсивлиги билан чекланади, яъни:

1) йирик компаниялар учун - мақбул харажатларнинг 15% дан 50% гача;

2) ўрта компаниялар учун - мақбул харажатларнинг 25% дан 60% гача;

3) кичик компаниялар учун - мақбул харажатларнинг 35% дан 70% гача.

МИЗларни ҳуқуқий тартибга солишга мувофиқ, солиқ имтиёзлари кўринишидаги давлат ёрдами куйидаги харажатларни ўз ичига олади:

1) янги инвестициялар (инвестиция харажатлари),

2) янги иш ўринларини яратиш (янги ишга қабул қилинган ишчиларнинг икки йиллик меҳнат харажатлари давлат томонидан қоплаб берилади) [5].

СИТ ёки ПИТ озод қилиш миқдори янги инвестициялар ҳажмига (сарфланган харажатлар миқдори ва янги иш ўринлари учун икки йиллик иш билан таъминлаш харажатлари), компаниянинг ҳажмига (кичик, ўрта ёки йирик) ва инвестицион жойлашувга боғлиқ. Ҳар бир компаниянинг мақоми молиявий маълумотлар ва унинг кўпчилик ва миноритар акциядорлари сони асосида белгиланади.

**Белоруссияда ҳам МИЗ резидентларини солиқ имтиёзлари орқали қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд. Ҳозирги вақтда Беларуссияда олти та махсус иқтисодий зоналар мавжуд (ҳар бир вилоят маъмурий марказида биттадан, шу жумладан Минскда):**

"Брест" МИЗ;

"Гомель-Ратон" МИЗ;

"Минск" МИЗ;

"Витебск" МИЗ;

"Могилев" МИЗ;

"Гродноинвест" МИЗ.

**Белоруссиянинг барча МИЗлари учун ягона махсус ҳуқуқий режим ўрнатилган. МИЗ резиденти мақомини олиш учун куйидаги шартлар бажарилиши керак:**

- лойиҳани амалга оширишдаги инвестициялар ҳажми камида 1 миллион евро;

- экспортга йўналтирилган ва (ёки) импорт ўринини босувчи ишлаб чиқаришни яратиш ва (ёки) ривожлантириш.

МИЗ резидентларига куйидаги фаолият турлари билан шуғулланиш тақиқланади:

- курул, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портловчи қурилмаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, сотиш;

- радиоактив ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар;

- шампан, узум винолари ва пиводан ташқари алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқариш;

- тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

- қимматли қоғозлар, банкнотлар ва тангалар, почта маркалари ишлаб чиқариш;

- лотерея фаолияти;

- радио ва телевидение дастурларини тайёрлаш ва эфирга узатиш, радио ва телевидениега техник хизмат кўрсатиш бундан мустасно;

- аҳоли саломатлигига хавф туғдирадиган касалликларга чалинган шахсларни даволаш;

- ҳайвонларни ўта хавфли касалликлардан даволаш;

- Беларусь Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини, Беларусь Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларни чет элда ишга жойлаштириш билан боғлиқ фаолият.

**МИЗ резидентларига куйидаги имтиёз ва преференциялар тақдим этилади:**

1) МИЗ резидентларининг ўзлари ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) экспорт қилиш ёки Беларуссия МИЗнинг бошқа резидентларига сотишдан олган фойдалари ўн йил муддатга даромад солиғидан озод қилинади, келгусида даромад солиғининг 50% га камайтирилган ставкаси қўлланилади (лекин 12% дан ошмаслиги керак);

2) кўчмас мулк солиғини тўлашдан озод қилиш:

- ушбу даврда вужудга келган (сотиб олинган) бино ва иншоотлар эркин иқтисодий зонада рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб уч йил ичида;

- тегишли МИЗ худудида жойлашган бинолар ва иншоотлар учун, улардан фойдаланиш йўналишидан қатъий назар (махсулотларни экспорт қилиш ва (ёки) Беларуссия МИЗнинг бошқа резидентларига сотиш шарт билан);

3) ер участкалари учун ер солиғини тўлашдан озод қилиш:

- объектларни лойиҳалаш ва қуриш даврида, лекин МИЗ резиденти сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга;

4) ер участкалари учун ижара ҳақини тўлашдан озод қилиш:

- объектларни лойиҳалаш ва қуриш даврида, лекин МИЗ резиденти сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатда;

- улардан фойдаланиш йўналишидан қатъий назар (махсулотларни экспорт ва (ёки) Беларуссия

МИЗларнинг бошқа резидентларига сотиш шарти билан);

5) МИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун МИЗ резиденти томонидан жалб қилинган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Беларусь Республикасида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун махсус рухсатномалар бериш учун давлат божи тўлашдан озод қилиш.

6) МИЗ резидентининг инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган муҳандислик-транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларини устувор тартибда Давлат инвестиция дастурида ва маҳаллий бюджетларда назарда тутилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш: МИЗ резиденти инвестиция лойиҳасини 10 миллион рублдан ортиқ эълон қилинган инвестиция лойиҳасини амалга оширган тақдирда [7].

МИЗда солиққа тортиш хусусиятлари банклар ва суғурта ташкилотларига, умумий овқатланиш, кимор ўйинлари соҳасидаги фаолиятга, электрон интерактив ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолиятга, қимматли қоғозлар билан операцияларга тадбиқ этилмайди; ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, тақдим этилиши) тўлиқ ёки қисман МИЗ резидентига тегишли бўлган асосий воситалардан ёки бошқа мулкӣ ҳуқуқлардан ҳамда (ёки) ходимлар меҳнатидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган товарларни (ишларни, хизматларни) сотиш.

**Товарларни МИЗ ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда қўлланиладиган божхона имтиёзлари:**

1. МИЗ резидентлари МИЗ божхона режимига жойлаштирилган хорижий товарлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган (қабул қилинган) товарларни ички истеъмол учун чиқариш божхона режимига жойлаштиришда божхона органлари томонидан ундириладиган қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш;

2. Тайёр маҳсулотларни Иттифокнинг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда импорт божхона тўловларини, солиқларни тўлашдан озод қилиш [8].

**Ўзбекистон махсус иқтисодий зоналарида қўлланиладиган солиқ сиёсати.**

Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар” тўғрисидаги Қонунига мувофиқ, махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари куйидагиларни тўлашдан озод этилади:

- республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва инвестиция битимига мувофиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қурилиш даврида белгиланган тартибда олиб кирилган қурилиш материаллари учун божхона тўловларини (бундан қўшимча қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно);

- тасдиқланган рўйхат бўйича технологик ускуналарнинг ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиганини олиб киришда божхона тўловларини (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно) [9].

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни экспортга реализация қилиш учун фойдаланадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда божхона тўловлари (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно) тўланмайди.

Махсус иқтисодий зона иштирокчилари товарларни импорт қилганда қўшилган қиймат солиғини 120 кунгача муддатга кечиктириб тўлаши мумкин.

Ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олинмайдиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ошириб кетиши натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ўрни эркин иқтисодий зона иштирокчисига етти кун давомида соддалаштирилган тартибда қоплаб берилади.

Тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси махсус иқтисодий зона иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда қоплаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида” ПФ-6011-сон Фармонида асосан [10] 2020 йил 1 октябрдан бошлаб, махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига Солиқ кодекси ва “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда алоҳида солиқлар бўйича имтиёзларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилиши белгиланди.

2020-2021 йилларда МИЗларда рўйхатдан ўтган корхоналар қарийб 242,2 млрд. сўм миқдорида фойда солиғи бўйича имтиёздан фойдаланган.

Жумладан, 2020 йил давомида 117 та корхона имтиёздан фойдаланган бўлиб, фойдаланилган имтиёз суммаси қарийб 104 млрд. сўмни ташкил этган. 2021 йил давомида корхоналар сони 68 тани

ташкил этиб, фойдаланилган имтиёз суммаси 138 млрд. сўмдан ошган.

Жумладан, Навоий иқтисодий зонасида фаолият кўрсатувчи акфа ромлари ишлаб чиқарувчи “Akfa Extrusions” масъулияти чекланган жамият 2020 йилда 45 млрд. сўм ва 2021 йилда 62 млрд. сўмлик фойда солиғи имтиёзидан фойдаланган [11].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 августда тадбиркорлар билан ўтказилган очик мулоқотида МИЗ иштирокчилари томонидан билдирилган таклифлар инobatга олиниб, “Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор (ПҚ-5243) қабул қилинди.

Фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг фойдаланилмай қолган қисми 2020 йил 1 октябрга қадар махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилган иштирокчилар учун киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, улар

реестрга киритилган санадан бошлаб 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатларда тўлиқ қўлланилиши белгиланди [12].

Худди шундай, Сирдарё иқтисодий зонасида фаолият кўрсатувчи “ПЭНГ ШЭНГ” МЧЖ қўшма корхонаси 2020 йилда 3,1 млрд.сўм ва 2021 йилда 3,3 млрд.сўмлик фойда солиғи имтиёзидан фойдаланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорига мувофиқ, махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига 2021 йил 15 сентябрдан бошлаб махсулот ишлаб чиқариш ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни импорт қилганда қўшилган қиймат солиғи ва божхона божини фоизлар ҳисобланмаган ва уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунгача муддатга кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилди [13].

#### 1-жадвал

#### Махсус иқтисодий зоналарда қўлланиладиган солиқлар

№	Солиқ тури	Ставкаси	Имтиёзли ҳолатлар
1	Қўшилган қиймат солиғи	Умумий ставка - 15%; 0% ставка маълум ҳолатлар учун амал қилади	1) Махсус иқтисодий зона иштирокчилари товарларни импорт қилганда қўшилган қиймат солиғини 120 кунгача муддатга кечиктириб тўлаши мумкин. 2) Солиқ кодексининг 75-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларига асосан солиқ имтиёзлари Солиқ кодекси билан тақдим этилади. Бунда айрим солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари, ушбу модданинг олтинчи қисми қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан фақат белгиланган солиқ ставкасини кўпи билан 50 фоизга камайтириш тарзида ва кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин.
2	Акциз солиғи	Нархлар товарлар/хизматлар турига қараб ўзгаради	
3	Даромад солиғи	дивиденд, фоизлар -10%; суғурта мукофотлари - 10%; телекоммуникация, транспорт - 6%; бошқа (роялти, ижара ва бошқалар) - 20%	
4	Фойда солиғи	15 %	киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йилгача фойда солиғи тўловидан озод этилган.
5	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	12% - солиқ резидентлари учун; 20% - солиқ норезидентлари учун	

6	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар учун ер солиғи	23-220 млн сўмгача (гектарига боғлиқ)	киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йилгача ер солиғи тўловидан озод этилган.
7	Мол-мулк солиғи	1,5%; Баъзи ҳолларда икки барабар ставка қўлланилиши мумкин	Солиқ кодексининг 473-моддасига асосан эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, мол-мулк солиғидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган муддатга озод қилиш тарзида солиқ имтиёзлари берилди.

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига фойда солиғи бўйича имтиёз бериш муддатлари белгиланди.

**Унга қўра, имтиёз муддати инвестиция ҳажмига қараб қуйидаги тартибда белгиланди:**

3 млн. АҚШ долларидан – 5 млн АҚШ долларигача инвестиция учун – 3 йил;

5 млн. АҚШ долларидан – 15 млн АҚШ долларигача инвестиция учун – 5 йил;

15 млн. АҚШ доллари ва ундан кўп инвестициялар учун – 10 йил муддатга фойда солиғидан озод қилинади [13].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, МИЗ резидентлари даромадининг ўртача 20 фоизини солиқ ва йиғимлар учун тўлайди. Бошқа мамлакатлар билан қиёслаганда бу юқори кўрсаткич.

**Хулоса ва таклифлар. МИЗларда солиқ сиёсатини хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда оптималлаштириш йўналишлари:**

МИЗларнинг назарияси ва амалиёти бўйича жаҳонда ягона қабул қилинган концепция йўқлигини ҳисобга олганда ҳар бир давлат МИЗлар учун ўз иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда имтиёзларни белгилаши мантиқан тўғри. Лекин хорижий инвестициялар орқали иқтисодиётни ва маълум ҳудудни ривожлантириш масаласига келганда қанча кўп имтиёз ва преференциялар тақдим этилса, шунча кўп инвестициялар кириб келишини тушуниш лозим. Жумладан, қуйидаги йўналишларда имтиёзларни тақдим этиш муҳим:

- МИЗ ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нисбатан ҚҚСни қўлламаслик. Бу ушбу маҳсулотларнинг нархлари нисбатан арзон бўлиб, рақобатбардошлиги ортишида муҳим аҳамият касб этади.

- МИЗ резидентларининг олиб кирган инвестицияси ҳажми билан бирга яратган янги иш жойларига боғлиқ ҳолда, солиқ имтиёзларини тақдим этиш керак. Масалан, 100 дан ортиқ иш жойларини

яратганлар учун фойда солиғининг пасайтирилган ставкаларини қўллаш.

### *Манба ва адабиётлар*

1. World FZO Outlook Report 2020. [https://www.worldfzo.org/Portals/0/Open\\_Content/Files/614/WorldFZOOutlookReport2020.pdf](https://www.worldfzo.org/Portals/0/Open_Content/Files/614/WorldFZOOutlookReport2020.pdf)

2. Сулейманов Магомед Магомедович, Кравцова Наталья Ивановна Свободные экономические зоны как инструмент реализации эффективной налоговой политики // *Налоги и налогообложение*. 2017. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/svobodnye-ekonomicheskie-zony-kak-instrument-realizatsii-effektivnoy-nalogovoy-politiki> (дата обращения: 17.07.2022).

3. Громов В.В. Проблемы и пути развития резидентов ОЭЗ на федеральном уровне // *Финансовый журнал*. 2018. №1 (41). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-i-puti-razvitiya-nalogooblozheniya-rezidentov-oez-na-federalnom-urovne> (дата обращения: 17.07.2022).

4. Magdalena, Jasiniak; Koziński, Jakub (2017) : *Tax incentives as an instrument attracting investors to special economic zones, e-Finance: Financial Internet Quarterly, ISSN 1734-039X, University of Information Technology and Management, Rzeszów, Vol. 13, Iss. 2, pp. 36-44, https://doi.org/10.1515/fiqf-2016-0021*

5. [https://www.paih.gov.pl/why\\_poland/investment\\_incentives/sez](https://www.paih.gov.pl/why_poland/investment_incentives/sez)

6. Pastusiak, Radosław & Bolek, Monika & Jasiniak, Magdalena & Keller, Jakub. (2018). *Effectiveness of special economic zones of Poland*. 36. 263-285. 10.18045/zbefri.2018.1.263.

7. Osipov, Vladimir. (2018). *Special economic zones as a resource for intensification of economic development: Russian and Belarusian experience. Russian journal of resources, conservation and recycling*. 5. 10.15862/04ECOR418.

8. Свободные экономические зоны Беларуси. Источник: <https://uzbekistan.mfa.gov.by/ru/investment/d9923e92aea6976f.html> © При использовании материалов сайта ссылка на МИД Беларуси обязательна. <https://uzbekistan.mfa.gov.by/ru/investment/d9923e92aea6976f.html> (Мурожсаат қилинган сана: 28.07.2022)

9. Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни. 17.02.2020 йилдаги ЎРК-604-сон. <https://lex.uz/docs/4737511>

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида” Фармони. 19.06.2020 йилдаги ПФ-6011-сон. <https://lex.uz/docs/4861558>

11. Эркин иқтисодий зона иштирокчиларига фойда солиғи имтиёзини қўлланиши юзасидан Давлат солиқ қўмитасининг АХБОРОТИ. <https://soliq.uz/press-services/news/show/erkin-iqtisodiy-zona-ishtirokchilariga-foйда-soligi-имтиёзини-qollanishi-yuzasidan-davlat-soliq-qomitasining-ahboroti> (Мурожсаат қилинган сана: 28.07.2022)

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 14.09.2021 йилдаги ПҚ-5243-сон. <https://lex.uz/docs/5633649>

13. <https://kun.uz/news/2022/07/13/maxsus-iqtisodiy-zonalar-ishtirokchilariga-foйда-soligi-boyicha-имтиёз-berish-muddati-belgilandi>

14. Вохидова М. (2020). Эркин иқтисодий ҳудудларда замонавий усулларни қўллаш зарурияти. Иқтисодиёт ва таълим, 1(4), 190–194. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4534](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4534)

15. <https://perepost.uz/oz/news/24889>

## Махсус иқтисодий зоналарда солиқ сиёсати

**Меҳри Вохидова,**

PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),  
Тошкент давлат шарқишунослик университети  
ўқитувчиси

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакат махсус иқтисодий зоналарида қўлланиладиган солиқ сиёсати тадқиқ этилган. Тадқиқот натижасида Ўзбекистон махсус иқтисодий зона

резидентлари тўлайдиган солиқ турлари ва ставкалари ўрганилиб, ушбу тизимни такомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсифлар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** махсус иқтисодий зона, имтиёз ва преференциялар, солиқ имтиёзлари, қўшилган қиймат солиғи, ер солиғи, фойда солиғи, солиқ ставкаси.

## Налоговая политика в специальных экономических зонах

**Меҳри Вохидова,**

PhD (по экономическим наукам),  
преподаватель Ташкентского государственного  
университета востоковедения

**Аннотация:** в статье исследуется налоговая политика, применяемая в особых экономических зонах Узбекистана и зарубежных стран. В результате исследования были изучены виды и ставки налогов, уплачиваемых резидентами особой экономической зоны Узбекистана, сформулированы предложения и описания по совершенствованию данной системы.

**Ключевые слова:** особая экономическая зона, льготы и преференции, налоговые льготы, налог на добавленную стоимость, земельный налог, налог на прибыль, налоговая ставка.

## Tax policy in special economic zones

**Mehri Vokhidova,**

PhD (in Economics),  
Teacher of Tashkent State University of Oriental  
Studies

**Abstract:** the tax policy used in the special economic zones of Uzbekistan and foreign countries is studied in the abstract. As a result of the research, the types and rates of taxes paid by the residents of the special economic zone of Uzbekistan were studied, proposals and descriptions were formulated for the improvement of this system.

**Keywords:** special economic zone, privileges and preferences, tax credits, value added tax, land tax, profit tax, tax rate.

УЎК: 631.1628.179

**Комилжон ҚЎЗИЕВ,**  
*PhD (иқтисодий фанлари бўйича),*  
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти*  
*лойиҳа раҳбари,*  
E-mail: ceep@yandex.ru

## **Худуднинг ер ва сув ресурслари салоҳиятини баҳолаш асосида ўсиш драйверларини аниқлаш (Бўка тумани мисолида)**

**Кириш.** Сўнгги йилларда худудларни (вилоят, шаҳар, туман) ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ўсиш драйверларини аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда [1]. Жумладан, туман даражасида ўсиш драйверларини аниқлаш ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, Тошкент вилояти Бўка туманининг ер ва сув ресурслари салоҳиятини баҳолаш асосида қишлоқ хўжалигида ўсиш драйверларини аниқлаш ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш мазкур тадқиқот ишининг асосий фокус мақсади қилиб олинган.

Таҳлил методикаси. Қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўсиш драйверларини аниқлашда ер ва сув ресурсларининг салоҳиятига оид (ер фонди ва унинг таркиби), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга оид (йиллик ўсиш суръати, аҳоли жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми), тармоқ таркибининг диверсификацияланганлиги ҳамда тупроқ унумдорлиги, ҳосилдорлик каби кўрсаткичларнинг таққослама таҳлили ўрганилади [2].

Асосий қисм. Бўка туманининг умумий майдони 58,9 минг гектарни ташкил этади. Бу майдоннинг 73,3% и қишлоқ хўжалигига яроқли бўлиб, уларнинг асосий қисмини экин майдонлари (81%) ташкил қилади. Умумий майдоннинг 18 фоизини захира ерлари, 8,5 фоизини томорқа ерлари эгаллайди.

Туманнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар таркибида яйловларнинг улуши 13,4 фоизни ташкил этади. Бу ерларда пичанзорлардан фойда-

ланиш ҳисобига чорва бош сонини яна ҳам ошириш имкониятлари бор.

Бўка туманида барча манбалардан 2017 йилда 271 млн м<sup>3</sup> сув олинган бўлса, 2021 йилда 206 млн м<sup>3</sup> ни ташкил қилган. Жами олинган сув ресурсларининг 95% (196 млн. м<sup>3</sup>) суғоришда, 5%и (10 млн. м<sup>3</sup>) коммунал хўжаликда ишлатилади. Туманда 33,5 минг гектар суғориладиган майдонларнинг катта қисми Қорасув дарёси ҳавзасидан, қолган қисми Тошкент магистрал канали, Тошкент сув омбори ўнг қирғоқ канали ва кичик каналларидан сув ичди. Ички ирмоқлар 15-20% майдонни суғориб бериши мумкин. Туман ҳавза оқимининг куйи қисмида жойлашганлиги сабабли, сув билан таъминланганлик даражаси 80% ни ташкил этади [4].

Туманда қишлоқ хўжалиги тармоқларининг 2017-2021 йиллардаги ўзгаришларини таҳлил қилиш натижасида куйидагилар аниқланди.

Туман қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, йилига санат тармоқларига нисбатан 3,8 баравар, хизматлар соҳасига нисбатан 2,9 баравар кўп маҳсулот етиштирилади. Туман қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари маҳсулотининг ялпи ҳажми 2017-2021 йиллар давомида 1,9 мартага ортган. Жумладан, 2017 йилдаги 844,7 млрд. сўмдан 2021 йилда 1,6 трлн сўмга етган. Бу вилоят ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 5,7%ини ташкил этмоқда [3].

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 100,2% бўлиб, вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан (100,4%) кичикроқ.




Бўка тумани Тошкент вилоятининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 5,6%ини етиштириб беради (4-ўрин). Шунингдек, вилоятда етиштирилган дон маҳсулотларининг 12%и (2-ўрин), пахта-нинг 14%и (4-ўрин), полиз маҳсулотларининг 14%и (2-ўрин), овланган балиқларнинг 4,5% и (5-ўрин) туман ҳиссасига тўғри келади. Туманнинг узум, саб-завот, картошка, гўшт, сут, паррандачилик маҳсу-лотлари етиштириш бўйича вилоятдаги улуши (0,8-2%) юқори эмас. Чорвачиликда йирик шохли қора-моллар (шу жумладан, сигирлар) бош сони бўйича Бўка тумани вилоятда етакчилик қилсада, гўшт ва сут етиштиришда маҳсулдорликка эриша олмаган.

Бу биринчидан, чорва бош сонини ҳисобга олишда-ги муаммолар билан ҳамда ҳар бир бош чорвадан олинаётган сут ва гўшт маҳсулотлар ҳажми кичик-лиги билан изоҳланади.

Туманда аҳоли жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 13,4 млн.сўмга тенг бўлиб, 2017-2021 йил-ларда бу кўрсаткич 1,6 бараварга ортган.

Бу кўрсаткич бўйича Бўка тумани вилоятнинг 15 та туманлари орасида 10- ўринни эгаллайди. Бу бўйича Бўка билан вилоятнинг энг илғор ту-мани ўртасидаги тафовут 1,6 баробарни кўрсат-моқда (1-расм).



1-расм. Тошкент вилояти туманларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг аҳоли жон бошига кўрсаткичи (2021 й. млн. сўмда) [3].

Бўка тумани қишлоқ хўжалиги асосан чорвачи-лик ва деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган ҳисобланади. Шунинг билан бирга ривожланиши бўйича ўртача даражадаги худудлар гуруҳига киради.

**Қишлоқ хўжалигининг тармоқ таркибини баҳолашда қуйидаги ҳолатлар ва ўзгаришлар аниқланди:**

- туманда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари-нинг 55,3% ини чорвачилик, 44,7 % ини деҳқончи-лик маҳсулотлари ташкил этади;

- туман ялпи қишлоқ хўжалигида гўшт етишти-риш (55,8%и бўрдоқчилик) ва сут етиштиришнинг улуши бошқа тармоқларга нисбатан юқори бўлиб, бу ўз навбатида тармоқ таркибининг диверсифика-циялашуви даражаси паст эканлигини кўрсатади.

Масалан, туманда вилоятдаги йирик шохли қора-молларнинг 7,8 фоизи (75,5 минг бош), жами қўй ва эчкиларнинг 5,6 фоизи (54,1 минг бош), жами пар-рандаларнинг 3,2 фоизи (324,2 минг бош) парва-ришланмоқда. Чорва молларининг аксарият қисми (95%) деҳқон (уй) хўжаликларига тегишли бўлиб, қолган қисми фермер хўжаликлари ва қишлоқ хў-жалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар тасарруфидадир;

- туманда 2017-2021 йилларда гўшт етиштириш 1,4 мартага ўсган. Вилоятда етиштирилган гўшт маҳсулотларининг 5,9 фоизи Бўка тумани ҳиссасига тўғри келган ҳолда, 9-ўринни эгаллайди;

- туманда сут етиштириш ҳам 1,6 мартадан ор-тиқроққа кўпайган. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган сутнинг 5,3 фоизи туман ҳиссасига тўғри келади;

- туманда тухум етиштириш ҳам 1,5 мартадан ортиқроққа кўпайган. Вилоятда етиштирилган тухумларнинг 3,8 фоизи туман ҳиссасига тўғри келади;

- кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 71,3 %и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 25,7 %и – фермер хўжаликларига, 3,0 %и – кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келмоқда;


- туманда деҳқончилик (ўсимликчилик) маҳсулотларининг ялпи кишлоқ хўжалиги маҳсулот ҳажмидаги улуши 2017 йилдаги 50,9%дан 2021 йилда 44,7% гача пасайиб кетган. Экин майдонининг катта қисми деҳқончилик билан шуғулланаётган субъектлар тасарруфида бўлиб, ердан фойдаланиш самарадорлиги юқори эмаслиги кўринмоқда.

Шунингдек, Бўка тумани тупроқ унумдорлиги билан ҳосилдорлик ўртасида боғлиқлик кўрсаткичи бўйича бошқа туманларга нисбатан ижобий

натижа кўрсата олмаяпти. Мисол учун, Бўка туманида тупроқ бонитети Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ ва Пискент туманларига нисбатан 2,1 баллга юқори бўлишига қарамадан, ўртача ҳосилдорлик мос равишда 0,2, 0,3 ва 0,6 центнерга пастдир.

Вилоятда етиштирилаётган ялпи пахта ҳосилининг 60 фоизга яқини ҳосилдорлиги энг паст бўлган Бекобод, Бўка, Қуйичирчиқ ва Ўртачирчиқ туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Бўка туманида пахта майдонларининг 15%и ҳосилдорлиги паст бўлган экин майдонларига тўғри келади. Шунингдек, туманда сабзавот ҳосилдорлиги вилоят ўртача кўрсаткичидан 1,1 баравар, картошка бўйича 1,3 баравар, полиз бўйича 1,1 баравар, мева ва резаворлар бўйича 1,2 баравар ва узум ҳосилдорлиги бўйича 1,2 баравар паст кўрсаткични акс эттирмоқда (2-расм).



2-расм. Туманлар кесимида тупроқ унумдорлиги ҳамда 2017-2021 йиллардаги ўртача пахта ҳосилдорлиги (балл, %)

Туманда интенсив деҳқончилик турлари (иссиқхоналар, парниклар) жуда суст ривожланмоқда. Масалан, Тошкент вилоятида иссиқхоналарда етиштирилаётган маҳсулотнинг 90 фоизга яқини Зангиота, Қибрай ва Янгийўл туманлари ҳиссасига тўғри келади. 2017-2021 йилларда 3,1 мингта иссиқхоналар ташкил этилган бўлса, уларнинг асосий қисми Қибрай, Зангиота, Янгийўл ва Чиноз туманларига тўғри келмоқда. Бўка туманида эса таҳлил даврида ташкил этилган иссиқхона ва парниклар вилоятнинг 3,2%ини қамраб олади.

**Хулоса ва таклифлар.** Туман кишлоқ хўжалигини ривожлантириш истикболлари.

1. 2017-2021 йиллардаги таҳлилларга кўра, Бўка тумани кишлоқ хўжалигининг чорвачилик (гўшт етиштириш) ва қорамолчилик (сут етиштириш) соҳаларига ихтисослашганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, кишлоқ хўжалигида донли экинлар ва техник экинлар салмоқли ўрин тутди. Маҳаллий деҳқонларнинг сабзавотчиликка ихтисослашишида ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу мазкур соҳа маҳаллий тадбиркорлар учун юқори даромадли бизнес турига айланиб бораётганлиги билан изоҳланади.

2. Туман иқтисодиётида кўшимча ўсиш драйвери сифатида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхши-

лаш ҳамда алмашлаб экишни (озуқа экинлар) йўлга қўйиш орқали ҳосилдорликни ошириш, бўш ерларни оборотга қайтаришни кўрсатиш мумкин.

3. Тумандаги 1,2 минг гектар лалми ерларда худуднинг табиий-иқлим шароитига мослашган ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ривожлантириш вилоят озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўйиш имкониятларини очади. Шунингдек, Бўка туманида ерлар таркибида 10,7 минг гектар захира ерлар мавжуд бўлиб, қўшимча ер ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш ва маҳсулот олиш мумкин. Туманда узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиққан 3 минг 400 гектар ер ресурслари мавжуд. Бу ерлардаги тупроқ-иқлим шароитларини, ер ости сув захираларини ҳисобга олган ҳолда, қайта ўзлаштириш ҳисобига экспортбop қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда қўшимча қиймат занжирини кенгайтириш имкониятлари мавжуд. Жумладан, агротехник тадбирлар ўз вақтида бажариб борилса, 1 га майдондан 200-250 ц кўк масса ёки 15-20 ц дон ҳосили олиш мумкин. Масалан, ҳисоб-китобларга кўра, ҳар 100 гектар озуқабop экинлар майдони ҳисобига: 33 гектар (33 %) беда майдонидан 4950 ц беда пичани ва 8085 ц беда сенажи, 17 гектар (17 %) арпа майдонидан 510 ц арпа сомони, 17 гектар (17 %) донли маккажўхори майдонидан 850 ц дон ва 1700 ц пояси, 50 гектар (50%) маккажўхори майдонидан 17500 ц силос массаси, 50 гектар (50%) оралик экинлар майдонидан 9240 ц сенаж ва 5950 ц силос массаси олиш мумкин.

4. Тумандаги уй хўжаликларидан томорқачиликни, хусусан уларда иссиқхоналар қуриш, деҳқончиликнинг интенсив турларига ихтисослаштириш, чорвачиликнинг маҳсулдор турлари, паррандаци-

---

**Бўка туманида ерлар таркибида 10,7 минг гектар захира ерлар мавжуд бўлиб, қўшимча ер ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш ва маҳсулот олиш мумкин.**

---

лик, мўйначилик каби соҳаларни ривожлантириш учун иқтисодий ва молиявий кўмаклашиш ҳамда консалтинг хизматларини йўлга қўйиш лозим.

5. Туман қишлоқ хўжалиги тармоғида қишлоқ хўжалиги техника таъминотини ошириш орқали самарадорликка эришиш, замонавий тежамкор қишлоқ хўжалиги техникаларини жорий этиш, шу жумладан, сув тежамкор технологияларни жорий этиш, уруғчилик ва наслчиликни ривожлантириш каби омиллар қўшимча ўсиш драйвери бўлиши мумкин.

**Бўка тумани қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш учун қуйидаги йўналишлар ўсиш драйверлари бўлиши мумкин:**

- туманда наслчилик, ветеринария хизматлари, эчкичилик, озуқа ва ем етиштириш, асаларичилик, парранда гўштини етиштириш ҳажмини ошириш;
- деҳқон хўжаликлари билан қайта ишловчилар ўртасида кооперациялашув асосида боғдорчилик ва узумчиликни, иссиқхоналарни ривожлантириш;
- туманда аҳоли томорқачилигида, иссиқхона хўжаликларидан резаворлар етиштиришни ривожлантириш;
- кластерлаштириш орқали туманларда пахта-ғалла етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва уларни қайта ишлашни янада чуқурлаштириш;
- ўсимликларни турли зараркурандалар ва касалликлардан ҳимоя қилишда курашнинг замонавий органик усуллари кўллаш марказини ташкил этиш.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й.*
2. *Туман (шаҳар) иқтисодийнинг ўсиш драйверларини аниқлаш: методология ва амалиёт / муаллифлар жамоаси – Тошкент: “Фирдавс-шоҳ” нашриёти, 2022. – 224 б.*
3. *Тошкент вилоят статистика бошқармасининг 2017-2022 йиллардаги даврий нашрлари. <https://toshvilstat.uz/uz/rasmiy-statistika/macro-indicators-2>*
4. *Государственный водный кадастр. Ежегодное издание (Выпуски 18, 19, 20). - г. Ташкент: Узгидромет, 2018-2022 гг.*

**Худуднинг ер ва сув ресурслари салоҳиятини баҳолаш асосида ўсиш драйверларини аниқлаш (Бўка тумани мисолида)**

**Комилжон Қўзиев,**

*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),  
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари*

**Аннотация:** мақолада Тошкент вилояти Бўка туманининг ер ва сув ресурслари салоҳиятини баҳолаш асосида қишлоқ хўжалигида ўсиш драйверларини аниқлаш ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш масалалари ёритилган. Тадқиқот натижасида туман қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари ҳамда ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун туртки бўладиган ўсиш драйверлари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги тармоқлари, ер ва сув ресурслари, ўсиш драйверлари, ўртача йиллик ўсиш суръати, чорвачилик, деҳқончилик, тармоқнинг диверсификацияланганлиги, тупроқ унумдорлиги, ҳосилдорлик.

**Определение драйверов роста на основе оценки потенциала земельных и водных ресурсов региона (на примере Букинского района)**

**Кузиев Комилжон,**

*PhD (по экономическим наукам)  
Руководитель проекта Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** в статье освещены вопросы определения драйверов роста в сельском хозяйстве и

разработки механизмов их реализации на основе оценки земельного и водного потенциала Букинского района Ташкентской области. В результате исследования предложены перспективные направления развития сельского хозяйства района и драйверы роста, которые дадут толчок для дальнейшего развития данной отрасли.

**Ключевые слова:** отрасли сельского хозяйства, земельные и водные ресурсы, драйверы роста, среднегодовые темпы роста, животноводство, растениеводство, диверсификация отраслей, плодородие почвы, продуктивность.

**Identifying growth drivers based on the assessment of the potential of land and water resources in the region (on the example of the Boka district)**

**Komiljon Kuziev,**

*PhD (in Economics),  
Lead of Project of the Institute for Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** the article highlights the issues of identifying growth drivers in agriculture and developing mechanisms for their implementation based on the assessment of land and water potential in the Boka district of the Tashkent region. As a result of the study, promising directions for the development of agriculture in the region and growth drivers are proposed, which are serving as a factor for the further development of this industry.

**Keywords:** agricultural sectors, land and water resources, growth drivers, average annual growth rates, stock raising, crop production, sectoral diversification, soil fertility, productivity.

УЎК: 338.45

**Мирзохид АБДУЛЛАЕВ,**  
*Андижон давлат университети*  
*Иқтисодиёт кафедраси докторанти,*  
**E-mail: mirzo1972@mail.ru**

## **Андижон вилояти енгил саноат корхоналарида персоналдан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили**

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти таркибий тузилишида бугунги кунда енгил саноат тармоғининг улуши асосий тармоқ ва соҳалар қаторида сезиларли улушга эга. Республикада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида яратилаётган енгил саноат маҳсулотлари ҳажми ортиб бормоқда. Бундай ўзгаришларнинг асосий сабаби сифатида иқтисодиётнинг миллий ва ҳудудий кесимида саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг жадал суръатларда ривожланаётганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин [1].

Республикада олиб борилаётган ислохотлар доирасида соҳада олиб борилаётган ривожлантириш бўйича муҳим ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5989-сон, 2022 йил 24 январдаги «Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-99-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 53-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.02.2021 йил 23 февралдаги ««Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 93-сон фармонларида соҳа фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган [2].

2019 йил охирида дунё давлатларини иқтисодий жиҳатдан танг ҳолатга туширган глобал пандемия шароитида мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири енгил саноат тармоғи бўлганлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳудудлар бўйича енгил саноат тармоғида юз бераётган ўзгаришлар асосида уни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки, аҳоли бандлигини оширишда ҳамда шу асосда уларнинг даромадларини таъминлашда енгил саноат тармоғининг аҳамияти катта.

Адабиётлар шарҳи. Саноат ҳар бир мамлакатда етакчи тармоқ бўлганлиги боис уни ривожлантириш ва самарали бошқаришнинг илмий-назарий, услубий ва амалий жиҳатлари доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Саноат корхоналарида персонални бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари хорижлик олимлардан И.Ансофф, Л.Водачек, Ф.Тейлор, О.Водачкова, П.Друккер, М.Мескон, Б.Карлоф, Р.Уотермен, Ли Якокка, П.Друкер, М.Мескон, Д.Томпсон, Ф.Хедуори, В.Л.Ереми<sup>1</sup> ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

МДХ давлатларининг иқтисодчи олимларидан В.К.Потемкин, А.П. Добровинский, Т.Ю. Базаров,

1 Igor N. Ansoff. Strategic Management. 1979. Игорь Ансофф. Стратегическое управление. -М., 1989. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. -20.02.2012. URL: <https://gtmarket.ru/laboratory/basis/4155>; Водачек Л. - Управление производством в объединении: интегрированный подход; «Принципы научного менеджмента», Ф. Тейлор, М., 1991. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. - 03.06.2010. URL: <https://gtmarket.ru/laboratory/basis/3631>; «Друкер на каждый день. 366 советов успешному менеджеру» Питер Фердинанд Друкер; «Основы менеджмента» М.Мескон, М.Альберт, //672 стр, 2017; В поисках эффективного управления Уотермен Р// 525 стр, 1986; «Карьера менеджера» Ли Якокка, стр 482

В.Е.Быстрицкий, С.Д. Ильенкова, А.А.Кибанов, Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, С.И.Сотникова, А.И.Кочеткова, В.В.Травин, О.С.Виханский, Б.М.Генкин, Г.Г.Зайцев, Ю.Д.Красовский, А.Л.Слободской, Э.А.Уткинлар<sup>2</sup> илмий ишларида саноатда персонални бошқаришни такомиллаштириш масалалари илмий асосда ўрганилган.

Ушбу масалалар Ўзбекистонлик олимлардан Ш.Зайнутдинов, С.С.Ғуломов, Қ.Ҳ.Абдурахмонов, Ш.Р.Холмўминов, Н.Қ.Йўлдошев, Н.Маҳмудов, Д.С.Қосимова, Д.Н.Раҳимова, Н.С.Исмоилова, А.А.Рахимов, Б.А.Абдукаримов, Б.Н.Уринов, О.К.Норинбаев, Д.А.Азларова, Д.Р.Тўхтасинова<sup>3</sup> ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўрганиб чиқилган.

Персонални бошқариш муаммоларининг назарий ва айрим амалий жиҳатларига бағишланган илмий ишланмаларнинг хилма-хиллигига қарамай корхоналарда кадрларни бошқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш, хусусан, саноат корхоналарида персонални бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва ишлаб чиқаришнинг бошқариш фаолиятига таъсир кўрсатаётган жиҳатлари етарлича ўрганилмаганлиги тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

**Асосий қисм.** Иқтисодиётнинг саноат тармоғида персонални бошқаришнинг ҳолатини аниқлаш, бу йўналишнинг ривожланиш тенденциясини аниқлаб олиш учун, ушбу тармоқнинг республикамиз иқтисодиётида тутган ўрни, ЯИМдаги ҳиссаси, ўргани-

лаётган ҳудуднинг республика ЯИМдаги улуши, унда ўрганилаётган тармоқнинг тутган ўрни, унинг ўзгариш динамикаси, ўзгариш ҳолатлари, унга таъсир этувчи омилларни ҳар томонлама, чуқур ўрганиш муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилояти бўйича 2011-2021 йилларда саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар миқдорининг ўзгаришини таҳлил қилиш учун 1-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бандлар сони 11919,1 минг кишини, шундан саноатда бандлар сони 1640,7 минг кишини ташкил этган. Саноатда банд бўлган ходимлар сони жами банд бўлганларнинг 13,7 фоизини ташкил этган. 2021 йилда республика бўйича жами банд бўлганлар сони 13609,1 минг кишини, саноатда бандлар сони 1903,5 минг кишини ташкил этган. 2021 йилда саноатда банд бўлган ходимлар сони жами банд бўлганларнинг 14,0 фоизини ташкил этган. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, саноатда банд бўлган ходимлар сони ва унинг умумий банд бўлган ходимлар ичидаги улуши йиллар давомида ортиб бормоқда. 2011 йилда республика бўйича жами енгил саноатда бандлар сони 594 минг кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич жами саноатда банд бўлган ходимларнинг 36,2 фоизини ташкил этган. 2021 йилга келиб эса, республика бўйича жами ен-

2 Потемкин В. К. Управление персоналом: Учебник для вузов. — СПб.: Питер, 2010. — 432 с.: ил. — (Серия «Учебник для вузов»). Управление персоналом в организации: учебное пособие / А.П.Добровинский; Томский политехнический университет. — Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2011. — 416 с. Управление персоналом: Учебник для вузов / Под ред. Т.Ю. Базарова, Б.Л. Еремина. — 2-е изд., перераб. и доп. — М: ЮНИТИ, 2006. — 560 с. Управление промышленным предприятием и персоналом в условиях инновации / В. Е. Быстрицкий, С. В. Поляков. — Ульяновск: УлГТУ, 2011. — 243 с., «Проблемы развития управления общественным производством» //1991, Виханский О.С Москва; «Управление человеческими ресурсами»// Б. М. Генкин, И. А. Никитина// учебник ,2015 Москва; Зайцев Г. Г. Управление деловой карьерой: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / Г. Г.Зайцев, Г. В.Черкасская. М.: Издательский центр «Академия», 2007. — 256 с.; Красовский Ю. Д. Управление поведением в фирме: эффекты и парадоксы: (на материалах 120 российских компаний): практическое пособие / Ю. Д. Красовский. - Москва: ИНФРА-М, 1997; Слободской А.Л. Обучение персонала организаций, СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2013. — 124 с. — ISBN 9785731029148; «Мотивационный менеджмент» Э. А.Уткин, 2004// ISBN5-7218-0652-4.

3 Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Хайитов А.Б., Акбаров А.М. «Персонални бошқариш» (Дарслик) – Т.: ТДИУ, 2014. 294 бет Ғуломов С.С. ва б. Бозор иқтисодиёти моделлари. Ўқув қўлланма. – Т., 1995.; Н.Қ.Йўлдошев. В.И.Набоков «Менежмент назарияси» (Дарслик)-. Т.: ТДИУ, 2013. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш. иқт. фан. док. дисс. автореф. - Т.: ТДИУ. 2000. - 20 б. Уринов Бобур Насиллоевич. Корхоналарда персонални бошқаришнинг корпоратив усулидан фойдаланиш самарадорлиги. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертация автореферати. Тошкент – 2018 йил. 52 бет. Норинбаев О.К. «Бозор муносабатлари шароитида банк персонали бошқарувини такомиллаштириш» Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент – 2020 йил. 55 бет. Азларова, Д.А. «Ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришни такомиллаштириш». Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент – 2020 йил. 58 бет. Тўхтасинова Д.Р. «Корхоналарда ходимларни бошқаришда инновацион усуллардан фойдаланишни такомиллаштириш» Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент – 2020 йил. 60 бет.

гил саноатда бандлар сони 774,7 минг кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич жами саноатда банд бўлган ходимларнинг 40,7 фоизини ташкил этган. Таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, республика бўйича олинганда энгил саноатда банд бўлган ходимлар сони жами саноатда банд бўлган ходимлар таркибидан аста-секин ўсиб бориш тенденциясига эга.

Андижон вилоятида 2011 йилда жами иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 1169,1 минг кишини ташкил этган. Шундан саноат тармоғида банд бўлганлар сони 810,3 минг кишини таш-

кил этган. Бу нисбий кўрсаткичларда 69,3 фоизни ташкил этади. Саноатда банд бўлган ходимлардан 310,8 минг ходим энгил саноат тармоғида банд бўлган. Бу нисбий кўрсаткичларда 38,3 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2021 йилгача аста-секин ўсиб бориш тенденциясига эга ва 2021 йилда 46,0 фоизни ташкил этган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Андижон вилоятида энгил саноатни янада ривожлантириш асосида бу тармоқда банд бўлган ходимлар сонини ва уларнинг турмуш даражасини янада ошириш мумкин [7].

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилояти бўйича 2011-2021 йилларда саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар миқдорининг ўзгариши


№	Кўрсаткичлар	Йиллар										
		2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1	Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм	103232,6	127590,2	153311,3	186829,5	221350,9	255421,9	317476,4	424728,7	529391,4	602551,4	734587,7
2	Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти (млрд. сўм)	6183,4	7623,8	9918,6	11872,3	13914,0	16115,6	19753,0	27144,4	33802,1	38531,0	43790,8
3	Мамлакат ўрсаткичидаги улуши (%)	6,0	6,0	6,5	6,4	6,3	6,3	6,2	6,4	6,4	6,4	5,9
4	Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бандлар сони, киши	11919,1	12223,8	12523,3	12818,4	13058,3	13298,4	13520,3	13273,1	13541,1	13236,4	13609,1
5	Шундан: саноатда бандлар сони, киши	1640,7	1669,5	1703,1	1736,5	1768,7	1802,4	1826,8	1802,9	1821,5	1809,5	1903,5
6	Шундан: энгил саноатда бандлар сони, киши	594,0	617,7	643,8	661,6	684,5	702,9	717,8	708,1	730,4	731,1	774,7
7	Энгил саноатда бандларнинг саноатда бандлар ичидаги улуши, %	36,2	37,0	37,8	38,1	38,7	39,0	39,3	39,2	40,0	40,4	40,7
8	Андижон вилояти иқтисодиётида бандлар сони, киши	1169,1	1196,4	1201,3	1242,5	1236,6	1274,3	1 319,2	1266,8	1284,5	1 225,9	1310,9
9	Шундан: саноатда бандлар сони, киши	810,3	836,4	869,3	874,4	864,2	845,6	874,6	846,3	862,3	869,7	872,1
10	Шундан: энгил саноатда бандлар сони, киши	310,8	342,5	362,4	352,8	354,3	365,4	378,6	365,7	381,7	388,4	401,7
11	Энгил саноатда бандларнинг саноатда бандлар ичидаги улуши, %	38,3	40,9	41,7	40,3	41,0	43,2	43,3	43,2	44,3	44,5	46,0
12	Андижон вилоятида мавжуд саноат қорхоналари сони	26299	26389	26674	26974	27315	27916	28112	28449	28698	29617	32 806
13	Шундан: энгил саноат қорхоналари сони	4350	5012	5367	5687	5963	6065	6210	6344	6465	6645	6985
14	Энгил саноат қорхоналарининг саноат қорхоналари ичидаги улуши, %	16,5	19,0	20,1	21,0	21,8	21,7	22,0	22,3	22,5	22,4	21,3

Манба: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2>

1-жадвалдаги асосий кўрсаткичлардан яна бири бўлган тармоқда банд бўлган меҳнат ресурслари сонининг ўзгариш даражаси ҳудуд саноати ривожланишининг сифат жиҳатларини ўзида акс эттириб, саноат тармоғида бевосита меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгариш хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Таҳлилий маълумотлардан кўриш мумкинки, вилоят ҳудудий иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар

натijasида саноат тармоғида банд бўлган меҳнат ресурслари сони миқдор жиҳатидан ва улуш жиҳатидан ортиб борган. Бу ҳолат, бир томондан, ҳудудий тармоқнинг маълум даражада интенсив ривожланиб боришини таъминласа, иккинчи томондан, аҳоли зичлиги мамлакат даражасида энг тифиз бўлган вилоятда саноат тармоғида банд бўлган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш борасидаги бандлик муаммосини маълум даражада юмшатади.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилояти бўйича енгил sanoatда бандларнинг sanoatда бандлар ичидаги улуши, %.**

Енгил sanoat тармоғида банд бўлган персонал ва ундан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш учун Андижон вилоятидаги айрим енгил sanoat корхоналари, жумладан, «ХО’JAOBOD FAZO» МЧЖ, «Bunyodkor Zamin», «Асел-Ривож» хусусий корхоналари бўйича ходимларнинг умумий сони, персонал ҳаракати, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини таҳлил қиламиз.

«ХО’JAOBOD FAZO» МЧЖда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш учун 2-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз. Бунинг учун меҳнат унумдорлигини аниқлаш формуласидан фойдаланамиз.

$$MU_{\text{Й}} = \frac{Q}{Ис} \quad 4$$

3 Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси дарслик. Тошкент: Ўқитувчи. 2014 й.

Бу ерда: МУЙ – йиллик меҳнат унумдорлиги;  
Q – маҳсулот ҳажми;

Ис – маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашган ишчилар сони.

Меҳнат унумдорлигига асосан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот ишлаб чиқаришда иштирок этадиган ишчилар сони, маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт миқдори таъсир кўрсатади. Sanoat корхоналарида йиллик, кунлик, соатлик меҳнат унумдорлиги даражаларини аниқлаш мумкин.

2015 йилда корхонада йиллик меҳнат унумдорлиги 45,5 млн.сўмни ташкил этган. 2016 йилда бу кўрсаткич пасайган ва 38,3 млн.сўмни ташкил этган. 2016 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда меҳнат унумдорлиги ортиб борган. 2021 йилда бу кўрсаткич 204,2 млн.сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2021 йилда 2015 йилга нисбатан 158,8 млн.сўмга ёки 4,5 бараварга юқори бўлган. Кунлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг ўзгариб боришини таҳлил қиламиз. 2015 йилда кунлик меҳнат унумдорлиги 198,7 минг сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич ҳам 2016 йилда пасайган ва 153,6 минг сўмни ташкил этган. 2016 йилдан 2018 йилгача бу кўрсаткич ўсиб борган. 2019 йилда камайган. Ўрганилаётган давр ичида энг юқори кўрсаткич 2020 йилда бўлган ва 783,2 минг сўмни ташкил этган. 2021 йилга келиб эса, 708,9 минг сўмни ташкил этганлигини таҳлил маълумотлари кўрсатиб турибди. Кунлик меҳнат унумдорлиги 2021 йилда 2015 йилга нисбатан 510,2 минг сўмга ёки 3,5 бараварга юқори бўлган.

**2-жадвал**

**«ХО’JAOBOD FAZO» МЧЖ, «Bunyodkor Zamin», «Асел-Ривож» корхоналарида асосий иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили**

№	Йиллар	Товар маҳсулот амалдаги баҳолари, млн. сўм	Ходимлар сони, киши	Меҳнат унумдорлиги	Маҳсулот таннаҳхи, млн сўм	Соф фойда, млн. сўм	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм	Иш ҳақи фонди, млн.сўм	Ўртача иш ҳақи, минг сўм
«ХО’JAOBOD FAZO» МЧЖ									
1	2015	4506,5	99	45,5	3385,6	120,2	1075,2	298,4	251,2
2	2016	5137,6	134	38,3	3969,6	131,9	7652,2	635,8	395,4
3	2017	22600,9	188	120,2	10018,3	161,7	9346,2	726,9	322,2
4	2018	35165,7	194	181,2	31047,2	152,7	14239,1	955,0	410,2
5	2019	34094,8	202	168,8	30088,2	206,9	19092,5	2421,6	999,0
6	2020	44247,8	220	201,1	38747,5	455,4	30323,5	2198,6	832,8



7	2021	51042,7	250	204,2	44662,3	723,8	40218,7	3097,2	1032,4
«Bunyodkor Zamin» хусусий корхонаси									
1	2015	1282,6	68	18,86	991,2	101,5	790,4	231,2	283,3
2	2016	2229,1	83	26,86	1651,5	309,7	1091,7	352,5	353,9
3	2017	3403,1	106	32,10	2456,4	275,6	2393,1	545,2	428,6
4	2018	6348,9	125	50,79	5526,4	1134,4	8842,9	743,1	495,4
5	2019	7768,3	70	110,9	5754	665,4	9656,7	811,7	966,3
6	2020	7863,1	74	106,2	6526,5	812,6	8423,4	819,6	922,9
7	2021	11763,5	68	172,9	7637,3	1589,3	11838,5	1006,3	1234
«Асел-Ривож» хусусий корхонаси									
1	2015	1100,6	60	18,3	870,2	50,6	770,8	182,5	253,4
2	2016	2202,1	78	28,2	1100,6	120,8	1200,7	281,1	300,3
3	2017	3303,1	100	33,0	1430,4	170,4	2102,2	490,1	408,4
4	2018	6248,9	95	65,7	2200,6	375,8	4100,4	560,5	491,7
5	2019	7550,3	63	119,8	3500,8	510,2	5210,9	718,3	950,2
6	2020	7600,2	70	108,6	4601,2	615,3	5900,8	765,2	910,9
7	2021	7801,2	80	95,5	4905,4	650,5	6511,3	912,3	950,3

**Манба:** «ХО'JAOBOD FAZO» МЧЖ, «Bunyodkor Zamin», «Асел-Ривож» корхоналари маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Кунлик меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари йиллик меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларидан пастроқ бўлган. Бу ҳолат ушбу корхонада бир кунлик иш давомида ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар (резервлар) мавжудлигидан дарак беради.

Корхонада соатлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини кўриб чиққанимизда 2015 йилда бу кўрсаткич 24,8 минг сўмни ташкил этган. Соатлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг ўзгариш тенденцияси ҳам худди кунлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи каби бўлган. 2021 йилда бу кўрсаткич 88,6 минг сўмни ташкил этган ва 2015 йилга нисбатан 63,8 минг сўмга ёки 3,6 бараварга юқори бўлган. Соатлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари йиллик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларидан пастроқ бўлганлиги кузатилади. Бу ҳолат корхонада ходимлар томонидан иш соатларидан фойдаланишда ички имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Демак, иш соатларидан янада самаралироқ фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини янада ошириш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «ХО'JAOBOD FAZO» МЧЖ тўқимачилик корхонасининг меҳнат унумдорлигини аниқлашда унга таъсир этувчи омиллар, яъни ходимлар сони, маҳсулот таннархи, соф фойда, асосий воситаларнинг ўртача йил-

лик қиймати, иш ҳақи фонди, ўртача иш ҳақидан фойдаланилган. Меҳнат унумдорлигини оптималлаштириш орқали «ХО'JAOBOD FAZO» МЧЖ тўқимачилик корхонасида кўп омилли регрессион тенгламалар усулидан фойдаланилган:

$$\ln(LP) = \beta_0 + \beta_1 * \ln(nEMP) + \beta_2 * \ln(PC) + \beta_3 * \ln(NP) + \beta_4 * \ln(AACFA) + \beta_5 * \ln(Pay) + \beta_6 * \ln(AS) \quad (2.1)$$

бунда: LP (labor productivity) – меҳнат унумдорлиги, %;

nEMP (number of employees) - ходимлар сони,

PC (product cost) - маҳсулот таннархи,

NP (net profit) - соф фойда,

AACFA (average annual cost of fixed assets) - асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати,

Pay (payroll) - иш ҳақи фонди,

AS (average salary) - ўртача иш ҳақи.

**3-жадвал**

**Тўқимачилик корхонаси меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар**

Йиллар	«ХО'ЖАОВОД FAZO» МЧЖ						
	LP (labor productivity)	nEMP (number of employees)	PC (product cost)	NP (net profit)	AACFA (average annual cost of fixed assets)	Pay (payroll)	AS (average salary)
2005	95,3	89	1381,6	102	2410,1	218,6	198,6
2006	105,2	109	1233,1	112,2	2651,2	265,3	205,6
2007	104,1	102	1351,4	114	2784,4	291,4	228,1
2008	114,1	101	1815,1	112,8	2978,2	322,8	235,8
2009	94,1	119	1921,2	103	3105,1	374,5	242,9
2010	103,1	120	2130,6	105,2	3807,5	388,4	269,5
2011	113,2	124	2233,6	108,1	3971,3	402,9	289,1
2012	98,1	109	2398,1	110,1	4012,3	428,5	302,4
2013	99,2	109,9	2685,2	109,1	4073,1	529,1	325,6
2014	108,4	110	2938,1	111	5171,2	598,1	342,3
2015	104,5	99	3385,6	120,2	6075,2	629,4	351,2
2016	113,8	134	3969,6	131,9	7652,2	635,8	395,4
2017	120,2	188	10018,3	161,7	9346,2	726,9	322,2
2018	181,2	194	31047,2	152,7	14239,1	955	410,2
2019	168,8	202	30088,2	206,9	19092,5	2421,6	999
2020	201,1	220	38747,5	455,4	30323,5	2198,6	832,8
2021	204,2	250	44662,3	723,8	40218,7	3097,2	1032,4

Меҳнат унумдорлигини оптималлаштиришда бир қатор омиллар таъсирини ўрганиб, уларнинг ҳар бирини таъсирчанлик коэффицентлари EViews-9 дастурий маҳсул орқали «ХО'ЖАОВОД FAZO» МЧЖ корреляцион ва регрессион омилларнинг боғланишини текшириб чиқамиз. Барча омилларнинг корреляцион боғлиқлиги текширилган (3-жадвалга қаранг).

**4-жадвал**

**«ХО'ЖАОВОД FAZO» МЧЖнинг меҳнат унумдорлигини ўзгаришига омилларнинг корреляцион боғлиқлик даражаси**

	LP	nEMP	PC	NP	AACFA	PAY	AS
LP	1						
nEMP	0.94	1					
PC	0.96	0.91	1				
NP	0.67	0.76	0.79	1			
AACFA	0.84	0.90	0.92	0.94	1		
PAY	0.8	0.86	0.89	0.84	0.94	1	
AS	0.74	0.78	0.83	0.76	0.87	0.98	1

Омилларнинг боғланиш натижалари таққосланганда меҳнат унумдорлигига маҳсулот таннархи (PC=0.96), ходимлар сони (nEMP=0,94) ва асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (AACFA=0,84) юқори зич боғлиқ, қолган омиллар иш ҳақи фонди (PAY=0,8), ўртача иш ҳақи (AS=0,74) ва соф фойда (NP=0,67) эса ўрта зичликда эканлиги аниқланди.

Ушбу жадвалдан иккита омилни, яъни асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (ААСФА) ва иш ҳақи фонди (РАУ)ни моделдан чиқариб қайтадан меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларни тўртта омилли регрессион модель орқали таъсирчанлик коэффициентларини аниқлаймиз.

## 5-жадвал

**«ХО'ЖАОВОД FAZO» МЧЖнинг 2005-2021 йиллардаги меҳнат унумдорлигининг  
регрессион модель натижаси**

Method: Least Squares				
Sample: 2005 2021				
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LN_NEMP_	-0.043867	0.229405	-0.191223	0.0515
LN_PC_	0.176544	0.068523	1.376429	0.0243
LN_NP_	0.160728	0.084783	1.895755	0.0823
LN_AS_	-0.075401	0.113408	-0.664862	0.0287
C	3.162963	0.743447	4.254459	0.0011
R-squared	0.922514	Mean dependent var		4.793941
Adjusted R-squared	0.896686	S.D. dependent var		0.264991
S.E. of regression	0.085175	Akaike info criterion		-1.848294
Sum squared resid	0.087057	Schwarz criterion		-1.603231
Log likelihood	20.71050	Hannan-Quinn criter.		-1.823934
F-statistic	3.61691	Durbin-Watson stat		2.147749
Prob(F-statistic)	0.000001			

**Манба:** муаллиф ҳисоб китоблари асосида  $LN(x)$  натижалари амалга оширилган.

**«ХО'ЖАОВОД FAZO» МЧЖдаги кўрсаткичларни аниқлаштириб олиш учун тўртта омилли регрессион моделга қўямиз:**

$$Ln(LP)=3,1629-0,043*Ln(nEMP)+0,1765*Ln(PC)+0,16*Ln(NP)-0,075*Ln(AS) \quad (2,2)$$

«ХО'ЖАОВОД FAZO» МЧЖнинг меҳнат унумдорлиги аддитив функция кўринишида кўриб олинган тўрт омилли модель натижалари аниқланган. «ХО'ЖАОВОД FAZO» МЧЖда детерминация коэффициенти ( $R^2$ ) 0,89 қийматига, Фишер мезони  $F$ -статистика=3,61га тенглиги аниқланган. Аммо, эркин даражалар ( $\alpha=0,05$ ,  $\alpha=0,10$ ) қиймат,  $t$ -стюдент мезони жадвал бўйича  $t=2.1098$  қийматга тенг.

**Бундан кўриниб турибдики,  $prob>t$  ёрдамида куйидаги натижалар олинган:**

**nEMP (number of employees)** – ходимлар сони 1%га ошганда меҳнат унумдорлиги 0,0515%га, **PC (product cost)** – маҳсулот таннари 1%га ошганда меҳнат унумдорлиги 0,0243%га, **NP (net profit)** – соф фойда 1%га ошганда меҳнат унумдорлиги 0.0823 %га, **AS (average salary)** – ўртача иш ҳақи 1%га ошганда меҳнат унумдорлиги 0.0287%га ортади. «ХО'ЖАОВОД FAZO» МЧЖда меҳнат унумдорлигини тўрт омилли регрессион модел орқали

омиллар аҳамиятлилик даражаси  $\alpha=0,05$  ва  $\alpha=0,10$  бўйича қиёсий таққосланган.

«Bunyodkor Zamin» хусусий корхонасида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари динамикасини таҳлил қиламиз. 2015 йилда корхонада йиллик меҳнат унумдорлиги 18,86 млн.сўмни ташкил этган. 2015 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда меҳнат унумдорлиги ортиб борган. 2021 йилда бу кўрсаткич 173,0 млн.сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2021 йилда 2015 йилга нисбатан 154,1 млн.сўмга ёки 9,2 бараварга юқори бўлган. Кунлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг ўзгариб боришини таҳлил қиламиз. 2015 йилда кунлик меҳнат унумдорлиги 83,6 минг сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич ҳам 2015 йилдан 2021 йилгача бўлган давр мобайнида узлуксиз ўсиб борган. 2021 йилга келиб эса 631,4 минг сўмни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Кунлик меҳнат унумдорлиги 2021 йилда 2015 йилга нисбатан 547,8 минг сўмга ёки 7,5 бараварга юқори бўлган. Кунлик меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари йиллик меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларидан пастроқ бўлган. Бу ҳолат ушбу корхонада бир кунлик иш давомида ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигидан дарак беради.

Корхонада соатлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини кўриб чиққанимизда, 2015 йилда бу кўрсаткич 10,45 минг сўмни ташкил этган. Соатлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг ўзгариш тенденцияси ҳам худди кунлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи каби бўлган. 2021 йилда бу кўрсаткич 78,9 минг сўмни ташкил этган ва 2015 йилга нисбатан 68,45 минг сўмга ёки 7,5 бараварга юқори бўлган. Соатлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари йиллик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларидан пастроқ бўлганлиги кузатилади. Бу ҳолат корхонада ходимлар томонидан иш соатларидан фойдаланишда ички имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Демак, иш соатларидан янада самаралироқ фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини янада ошириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, «Bunyodkor Zamin» хусусий корхонасида меҳнат унумдорлигининг ортиб боришига биринчидан, товар маҳсулоти ҳажмининг йиллар давомида ортиб бориши, иккинчидан ходимлар сонининг йиллар давомида камайиб бориши, учинчидан кунлик иш вақтидан унумли фойдаланиш ҳисобига эришилган.

«Асел-Ривож» хусусий корхонасида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг ўзгариб боришини таҳлил қиламиз. 2015 йилда корхонада йиллик меҳнат унумдорлиги 18,3 млн.сўмни ташкил этган. 2015 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда меҳнат унумдорлиги ортиб борган. 2020 йилга келиб камайиш бошланган. 2021 йилда бу кўрсаткич 97,5 млн.сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2021 йилда 2015 йилга нисбатан 79,2 млн.сўмга ёки 5,3 бараварга юқори бўлган. Кунлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг ўзгариб боришини таҳлил қиламиз. 2015 йилда кунлик меҳнат унумдорлиги

10,5 минг сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич ҳам 2015 йилдан 2019 йилгача бўлган давр мобайнида узлуксиз ўсиб борган. 2020 йилга келиб камайиш бошланган. Шу йили 411,4 минг сўмни ташкил этганлигини кўриш мумкин. 2021 йилда эса 353,3 минг сўмга тушиб қолган. Кунлик меҳнат унумдорлиги 2021 йилда 2015 йилга нисбатан 269,1 минг сўмга ёки 4,1 бараварга юқори бўлган. Кўрсаткичларнинг 2020 йилдан бошлаб камайишига асосан иккита омил таъсир кўрсатган бўлиб, буларнинг биринчиси ходимлар сонининг ортиши, иккинчиси маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларининг ходимлар сонининг ўсиш суръатларидан пастлиги бўлиб ҳисобланади. Ушбу корхонада ҳам кунлик меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари йиллик меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларидан пастроқ бўлган. Бу ҳолат ушбу корхонада бир кунлик иш давомида ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигидан дарак беради.

Корхонада соатлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини кўриб ўтамыз. 2015 йилда бу кўрсаткич 10,5 минг сўмни ташкил этган. Соатлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг ўзгариш тенденцияси ҳам худди кунлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи каби бўлган. 2021 йилда бу кўрсаткич 44,1 минг сўмни ташкил этган ва 2015 йилга нисбатан 33,6 минг сўмга ёки 4,2 бараварга юқори бўлган. Соатлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари йиллик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларидан пастроқ бўлганлиги кузатилади. Бу ҳолат корхонада ходимлар томонидан иш соатларидан фойдаланишда ички имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Демак, бу корхонада ҳам иш соатларидан янада самаралироқ фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини янада ошириш мумкин.

6-жадвал.

**«ХО'ЖАОВОД FAZO» МЧЖ, «Bunyodkor Zamin», «Асел-Ривож» корхоналарида  
меҳнат унумдорлиги динамикаси таҳлили**

№	Йиллар	Товар маҳсулот амалдаги баҳоларда, млн.сўм	Жами иш кунлари, кун	Жами иш соатлари, соат	1 та ходим томонидан 1 ойда ишланган кунлар	1 та ходим томонидан 1 йилда ишланган кунлар	Йиллик меҳнат унумдорлиги, млн.сўм	Кунлик меҳнат унумдорлиги, минг сўм	Соатлик меҳнат унумдорлиги, минг сўм
<b>«ХО'ЖАОВОД FAZO» МЧЖ</b>									
1	2015	4506,5	22681	181104	19,1	229,1	45,5	198,7	24,8
2	2016	5137,6	33446	264223	20,8	249,6	38,3	153,6	19,2
3	2017	22600,9	51888	310348	23,0	276,0	120,2	435,6	54,4

4	2018	35165,7	54009	322350	23,2	278,4	181,2	651,1	81,4
5	2019	34094,8	56964	529529	23,5	282,0	168,8	598,5	74,8
6	2020	44247,8	56496	442024	21,4	256,8	201,1	783,2	97,9
7	2021	51042,7	72000	562320	24,0	288,0	204,2	708,9	88,6
<b>«Bunyodkor Zamin» хусусий корхонаси</b>									
1	2015	1282,6	15341	122840	18,8	225,6	18,86	83,6	10,45
2	2016	2229,1	20617	165024	20,7	248,4	26,86	108,1	13,51
3	2017	3403,1	29001	232864	22,8	273,6	32,10	117,3	14,66
4	2018	6348,9	31800	254872	21,2	254,4	50,79	119,6	24,65
5	2019	7768,3	20160	199087	24,0	288,0	110,9	385,3	48,16
6	2020	7863,1	19536	139692	22,0	264,0	106,2	402,3	50,31
7	2021	11763,5	18629	149032	22,8	273,9	173,0	631,4	78,9
<b>«Асел-Ривож» хусусий корхонаси</b>									
1	2015	1100,6	13032	104256	18,1	217,2	18,3	84,2	10,5
2	2016	2202,1	18454	147638	19,7	236,6	28,2	119,2	14,9
3	2017	3303,1	25082	200640	20,9	250,8	33,0	131,6	16,4
4	2018	6248,9	24168	193344	21,2	254,4	65,7	258,2	32,2
5	2019	7550,3	17388	139104	23,0	276,0	119,8	434,0	54,2
6	2020	7600,2	18480	147840	22,0	264,0	108,6	411,4	51,4
7	2021	7801,2	22080	176640	23,0	276,0	95,5	353,3	44,1

**Манба:** «ХО'JAOBOD FAZO» МЧЖ, «Bunyodkor Zamin», «Асел-Ривож» корхоналари маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



**2-расм. «ХО'JAOBOD FAZO» МЧЖ, «Bunyodkor Zamin», «Асел-Ривож» корхоналарида йиллик меҳнат унумдорлиги динамикаси, млн. сўм.**

**Хулоса ва таклифлар.** Андижон вилояти ҳудудий иқтисодиёти ва унинг асосий таркибий қисмларида фаолият кўрсатаётган персоналдан фойдаланиш бўйича ўзгаришларни статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиш вилоят саноатида юз берган қуйидаги тенденцияларни ажратиш имконини берди:

1. Республикада Андижон вилояти бошқа вилоятларга нисбатан анча кам ҳудудни эгаллаган, шу билан

бирга аҳоли сони жиҳатидан тўртинчи ўринни эгаллайди. Аҳоли зичлиги бўйича мамлакат бўйича биринчи ўринда туради. Кўрсаткичларни таққослаш вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг умумий ўсиш даражаси мамлакат кўрсаткичидан юқори, ўртача ўсиш даражаси эса бир оз пастлигини кўрсатади.

2. 2011-2021 йиллар оралиғида вилоятда яратилган ҳудудий саноат маҳсулоти ҳажми 6,3 мартага ортган. Ушбу кўрсаткични мамлакат саноат тармоғида яратилган кўрсаткичнинг ўсиш суръатига таққосланганда, вилоят кўрсаткичи мамлакат даражасидаги кўрсаткичдан 3,2 марта камроқ ўсганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат вилоятда саноат тармоғида олиб борилаётган ишларда айрим камчиликлар мавжудлигидан дарак беради.

3. Вилоят ҳудудий иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар натижасида саноат тармоғида банд бўлган меҳнат ресурслари сони миқдор жиҳатидан ортиб борган. Бу ҳолат, бир томондан, ҳудудий саноат тармоғининг маълум даражада интенсив ривожланиб боришини таъминласа, иккинчи томондан, аҳоли зичлиги мамлакат даражасида энг тифиз бўлган вилоятда меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш борасидаги бандлик муаммосини маълум даражада енгиллаштиради.



4. prob>t ёрдамида куйидаги натижалар олинди: nEMP (number of employees) - ходимлар сони 1 %га ошганда меҳнат унумдорлиги 0,652974%га ортади, PC (product cost) - маҳсулот таннархи 1%га ошганда меҳнат унумдорлиги 0,003547 %га ошади, NP (net profit) - соф фойда 1 %га ошганда меҳнат унумдорлиги -0,076924 %га камаяди, AS (average salary) - ўртача иш ҳақи 1%га ошганда меҳнат унумдорлиги 0,033770%га камаяди.

5. Ишлаб чиқариш корхоналари персоналининг кўнимсизлиги юқори даражада. Кўнимсизликни камайтириш меҳнат унумдорлигининг ортишига олиб келади.

6. Корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш учун товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини иложи борича ошириш, ходимлар сонини мақбуллаштириш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, Андижон вилояти енгил саноат тармоғида банд бўлган персоналдан самарали фойдаланиш яқин ва узоқ муддатли келажақда ривожлантириш бўйича мақсадга мувофиқ ўрта ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш жараёнида юқоридаги таҳлиллар асосида аниқланган ўзгариш тенденцияларининг ҳисобга олиниши тармоқни илмий асосланган ҳолда ривожлантиришда бу тармоқда банд бўлган ходимлар сонини мақбуллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

#### *Манба ва адабиётлар*

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПҚ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори (<https://lex.uz/>).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги ПҚ-99-сон «Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (<https://lex.uz/>).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.02.2021 йил 23 февралдаги «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 93-сон фармони (<https://lex.uz/>).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари ([http://web.stat.uz/open\\_data/uz/](http://web.stat.uz/open_data/uz/)).

6. O`zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo`mitasi Andijon Viloyati Statistika Boshqarmasi (<https://andstat.uz/uz/>).

7. Абдуллаев, М. Г. (2020). Основные элементы эффективности системы управления персоналом, технологии социальной работы в различных сферах жизнедеятельности (pp. 222-227).

8. Абдуллаев, М. Г. (2017). Опыт развитых стран в развитии малого бизнеса и частного предпринимательства, и его особенности в Узбекистане. Научная дискуссия: инновации в современном мире, (11), 37-40.

9. Нурматов, Д. Н., & Абдуллаев, М. Г. (2014). Теоретические аспекты влияния социально-экологических факторов на эффективное использование трудовых ресурсов. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, (2), 30-31.

**Андижон вилояти энгил саноат  
корхоналарида персоналдан фойдаланиш  
самарадорлиги тахлили**

**Мирзохид Абдуллаев,**  
Андижон давлат университети  
Иқтисодиёт кафедраси докторанти

**Аннотация:** ушбу мақолада Андижон вилоятида саноат, шу жумладан энгил саноат тармогининг иқтисодий ривожланиш ҳолати, уларга таъсир қилувчи омиллар, вилоят энгил саноат тармоғида банд бўлган ходимлар, тармоқда персоналдан фойдаланиш ҳолати, унга таъсир қилувчи омиллар ўрганилган.

**Калит сўзлар:** саноат, энгил саноат, ялпи ички маҳсулот, ялпи ҳудудий маҳсулот, инвестиция, ҳудуд иқтисодиёти, персонал, персоналдан фойдаланиш, самарадорлик.

**Анализ эффективности использования  
персонала на предприятиях легкой  
промышленности Андижанской области**

**Абдуллаев Мирзохид,**  
Андижанский государственный университет  
докторант кафедры "Экономика"

**Аннотация:** в данной статье изучено состояние экономического развития промышленности, в том числе легкой промышленности, в Андижанской области, факторы, влияющие на них, численность занятых в отрасли легкой промышленности, состояние использования персонала в отрасли, факторы, влияющие на нее.

**Ключевые слова:** промышленность, легкая промышленность, валовой внутренний продукт, валовой региональный продукт, инвестиции, экономика региона, персонал, использование персонала, эффективность.

**Analysis of the efficiency of the use of staff and  
light industry enterprises in Andijan region**

**Mirzoxid Abdullaev,**  
Andijan State University  
doctoral student of the of Economics department

**Abstract:** in this country, the state of economic development of industry, including light industry, in the Andijan region was studied, factories affecting nix, the number of employees in the light industry department, the state of the factory use personnel in.

**Keywords:** industry, light industry, gross domestic product, grosses regional product, investment, regional economy, personnel, personnel utilization, and efficiency.

УЎК: 338.43.631.15

**Алексей КИМ,**  
старший научный сотрудник Института прогнозирования и  
макроэкономических исследований,  
E-mail: a.kim25@mail.ru

## Воздействие производства мяса на окружающую среду

**Введение.** С внедрением промышленного животноводства производство мяса в мире увеличилось втрое за последние 50 лет. По данным ФАО за 2020 год в мире насчитывалось более 1,5 млрд коров, 1,3 млрд овец, 1,1 млрд коз, 952,6 тыс. свиней, 450,3 тыс. индюшек и 33,1 млрд куриц, а производство мяса составило порядка 340 млн тонн [1]. Ожидается, что к 2050 году мировое потребление мяса вырастет на 76% [2]. В таком случае без снижения количества производства и потребления мяса и других продуктов животного происхождения будет уже почти невозможно достичь целей, согласованных в Париже, в частности, удержание роста глобальной средней температуры намного ниже 2 градусов Цельсия и приложение усилий для ограничения роста температуры величиной 1,5 градуса [4, 6].

**Методология.** Существуют различные способы оценки относительного воздействия на климат различных групп продуктов питания. В данном материале использованы данные крупнейшего мета-анализа глобальных продовольственных систем Джозефа Пура и Томаса Немечека (2018), опубликованного в журнале Science [5]. В этом исследовании были рассмотрены данные более чем 38 000 коммерческих ферм в 119 странах.

На приведенной ниже диаграмме (рис. 1) сравниваются средние выбросы парниковых газов на 1 кг различных пищевых продуктов. Так, при производстве 1 кг говядины выделяется почти 100 кг CO<sub>2</sub>-экв. Баранина выделяет чуть менее 40 кг CO<sub>2</sub>-экв, а выращенные на ферме креветки и свинина выделяют 26,87 и 12,31 кг CO<sub>2</sub>-экв. соответственно. Данное явление частично связано с биологией того, как эти животные переваривают пищу. Коровы и овцы являются «жвачными животными». Это означает, что их желудки содержат специальные бактерии,

способные переваривать жесткие и волокнистые материалы, такие как трава. В процессе пищеварения животные выделяют метан, парниковый газ, который примерно в 28-34 раза мощнее, чем CO<sub>2</sub>, за 100-летний период. Также стоит отметить, что производство говядины является более чем в 2 раза углеродоемко, чем производство баранины.



**Рис. 1. Выбросы парниковых газов на килограмм пищевого продукта, кг CO<sub>2</sub>-экв.**

**Источник:** Poore, J., & Nemecek, T. (2018). *Reducing food's environmental impacts through producers and consumers*. <https://ourworldindata.org/environmental-impacts-of-food>.

Выпас скота требует обильных запасов травы, а это означает, что фермеры часто используют азотные удобрения на своих полях для стимулирования роста растений. Производство азотных удобрений вызывает выбросы CO<sub>2</sub> и сильнодействующего парникового газа – закиси азота (N<sub>2</sub>O).



Ресурсоемкий характер выращивания крупного рогатого скота также объясняет, почему в среднем сыр и другие молочные продукты имеют более высокие климатические издержки, чем свинина и птица. Кроме того, куры и свиньи не являются жвачными животными и потому не производят столько метана.

По сравнению с мясом и молочными продуктами растительная пища имеет гораздо меньший углеродный след. В среднем выбросы от продуктов растительного происхождения в 10–50 раз меньше, чем от продуктов животного происхождения.

**Результаты.** Согласно данным Госкомстата Республики Узбекистан, в Узбекистане ежегодно производится более 2 000 тыс. тонн мяса (в живом весе). В 2020 году производство мяса крупного рогатого скота составило – 1 925,9 тыс. тонн, овец и

коз – 394,8 тыс. тонн, свиней – 3,9 тыс. тонн, птицы – 181,1 тыс. тонн. Воспользовавшись средними значениями выбросов парниковых газов, получаем, что в 2020 году при производстве одной лишь говядины выделено более 110 млн тонн CO<sub>2</sub>-экв. В целом за 2020 год объемы выбросов при производстве мяса составили 123,9 млн тонн CO<sub>2</sub>-экв. По сравнению с 2000 годом объемы выбросов парниковых газов за 2020 год увеличились почти в 3 раза. И хотя выбросы от мяса птицы увеличились в 10 раз по сравнению с 2000 годом, данный вид мяса наносит намного меньший вред окружающей среде в сравнении с говядиной и бараниной. В целом, в структуре выбросов ПГ за 2020 год наибольшая доля приходится на производство говядины 92,8%, баранины – 6,3%, мяса птицы – 0,87% и свинины – 0,03%.

Таблица 1

Выбросы парниковых газов от производства мяса, в тыс. тонн CO<sub>2</sub>-экв.

	2000 г.	2010 г.	2016 г.	2017 г.	2018 г.	2019 г.	2020 г.	2020 г. к 2000 г., %
Говядина	40 229,7	66 587,9	96 479,7	100 425,1	109 199,2	111 586,7	114 953,1	285,7
Баранина	2 744,7	5 370,1	8 259,8	8 559,7	8 130,7	7 576,6	7 840,7	285,7
Свинина	59,1	217,9	219,7	220,7	33,2	35,1	36,0	60,9
Мясо птицы	107,2	254,1	590,4	790,6	1 024,5	1 215,2	1 072,5	1 000,5
<i>Всего</i>	<i>43 140,6</i>	<i>72 430,0</i>	<i>105 549,6</i>	<i>109 996,0</i>	<i>118 387,6</i>	<i>120 413,6</i>	<i>123 902,3</i>	<i>287,2</i>

**Примечание:** за основу расчета взят убойный вес животных: КРС – 60%, овцы и козы – 50%, свиньи – 75%, птицы – 60%.

**Источник:** расчеты автора.

Может ли переход на вегетарианскую, веганскую или другую диету помочь уменьшить выбросы?

Учитывая, что влияние продуктов растительного происхождения на климат обычно в 10–50 раз меньше, чем влияние продуктов животного происхождения, из этого следует, что переход от преимущественно мясного питания к вегетарианской или веганской диете может помочь сократить выбросы.

На приведенной ниже диаграмме (рис. 2) показано, сколько парниковых газов можно было бы сократить, если бы в мире были приняты различные диеты.




Рис. 2. Потенциал сокращения парниковых газов за счет глобального принятия различных диет, Гт CO<sub>2</sub>-экв. в год

**Примечание:** столбики погрешностей показывают разброс результатов разных исследований.

**Источник:** адаптировано из доклада МГЭИК (2018 г.).

**Анализ основан на отчете Межправительственной группы экспертов по изменению климата (МГЭИК), независимой исследовательской группы, состоящей из ведущих ученых-климатологов мира. В отчете различные диеты, упомянутые в диаграмме выше, определяются следующим образом:**

- Веганство: полностью растительная диета;
- Вегетарианская: диета из злаков, овощей, фруктов, сахаров, масел, яиц и молочных продуктов и около одной порции мяса или морепродуктов в месяц;
- Флекситарианская диета, при которой 75% мяса и молочных продуктов заменяется кашами и бобовыми (включает не менее 500 г фруктов и овощей и не менее 100 г растительного белка в день, а также не более одной порции красного мяса в неделю);
- Здоровое питание: диета, основанная на глобальных рекомендациях по питанию, которая предполагает употребление меньшего количества мяса и большего количества фруктов и овощей;
- Пескетарианство: питание, включающее морепродукты.

В специальном отчете МГЭИК об изменении климата и земле [3] группа ученых проанализировала научные статьи, в которых рассматривается, как эти различные диеты могут помочь остановить выбросы парниковых газов.

На приведенной выше диаграмме показано общее количество парниковых газов, которое можно было бы ежегодно сокращать к 2050 году, если бы в мире была принята каждая из этих диет. Экономия достигается как за счет избавления мира от выбросов парниковых газов, связанных с животноводством, так и за счет экономии земли, которая в противном случае потребовалась бы для выращивания скота.

Анализ показывает, что глобальный переход на веганство обеспечит наибольшее сокращение выбросов из всех диетических изменений. Так, переход на веганство может сократить почти 8 млрд тонн CO<sub>2</sub>-эквивалента в год к 2050 году.

Второе место по сокращению выбросов будет достигнуто за счет глобального перехода к вегетарианству, которое по-прежнему включает около одной

порции мяса или рыбы в месяц. Согласно анализу, внедрение этой диеты может сэкономить 6 миллиардов тонн CO<sub>2</sub>-эквивалента в год к 2050 году.

Затем следует переход к «флекситарианству» – диете, в которой три четверти мяса и молочных продуктов заменены растительными альтернативами. Глобальный переход на эту диету может сэкономить чуть более 5 млрд тонн CO<sub>2</sub>-экв. в год к 2050 году.

Выводы. Ученые постоянно подчеркивают, что для того, чтобы избежать опасного глобального потепления, необходимо переосмыслить привычки питания. Однако не стоит впадать крайности и переходить сразу же на веганскую или вегетарианскую диету. Так или иначе, в продуктах животного происхождения содержится больше питательных веществ в расчете на одну калорию, чем в вегетарианских. Поэтому очень важно подобрать правильный рацион питания. К тому же, мясо – важная часть истории, традиций и культуры, а мясные блюда стали проявлением культурной самобытности определенных регионов и народов. Достаточно заменить «парниковый» продукт более экологичным аналогом хотя бы раз в день и это поможет сохранить Землю «зеленой».

### **Источники и литература**

1. *Our World in Data*. // URL: <https://ourworldindata.org/meat-production>.

2. *Every bite of burger boosts harmful greenhouse gases: UN Environment Agency*. // URL: <https://news.un.org/en/story/2018/11/1025271>.

3. *IPCC, 2019: Climate Change and Land: an IPCC special report on climate change, desertification, land degradation, sustainable land management, food security, and greenhouse gas fluxes in terrestrial ecosystems*. In press.

4. *Ильина, Д. Н. Выбросы парниковых газов в сельском хозяйстве Узбекистана: оценка текущего состояния и возможности их снижения / Д. Н. Ильина, А. И. Ким // Стратегические инициативы и практические рекомендации по устойчивому развитию экономики: потенциал и риски: Материалы XIII Форума экономистов, Ташкент, 05 октября 2021 года / Институт прогнозирования и макроэкономических исследований при Министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан. – Ташкент: 2021. – С. 156-163. – EDN RONWDW.*

5. Poore, Joseph & Nemecek, Thomas. (2018). *Reducing food's environmental impacts through producers and consumers*. *Science* (New York, N.Y.). 360. 987-992. [10.1126/science.aaq0216](https://doi.org/10.1126/science.aaq0216).

6. РусКлиматФонд «Чем грозит изменение климата» <https://rusclimatefund.ru/news/what-are-the-risks-of-climate-change.html> (Дата обращения: 25.08.2021г.)

7. IPCC, 2021: *Climate Change 2021: The Physical Science Basis. Contribution of Working Group I to the Sixth Assessment Report of the Intergovernmental Panel on Climate Change* [Masson-Delmotte, V., P. Zhai, A. Pirani, S. L. Connors, C. Péan, S. Berger, N. Caud, Y. Chen, L. Goldfarb, M. I. Gomis, M. Huang, K. Leitzell, E. Lonnoy, J. B. R. Matthews, T. K. Maycock, T. Waterfield, O. Yelekçi, R. Yu and B. Zhou (eds.)]. Cambridge University Press. In Press.

8. United Nations (UN). 1992. 'United Nations Framework Convention on Climate Change', FCCC/INFORMAL/84 GE.05-62220 (E) 200705.

9. Paris Agreement Paris, 12 December 2015.

10. Duxbury, J.M. *The significance of agricultural sources of greenhouse gases*. *Fertilizer Research* 38, 151–163 (1994). <https://doi.org/10.1007/BF00748775>.

11. Chapman, J., Power, A., Chandra, S. et al. *Meat Consumption and Green Gas Emissions: a Chemometrics Analysis*. *Food Anal. Methods* 12, 469–474 (2019). <https://doi.org/10.1007/s12161-018-1378-8>.

12. McMichael AJ, Powles JW, Butler CD, Uauy R (2007) *Food, livestock production, energy, climate change, and health*. *Lancet* 370:1253e1263. [https://doi.org/10.1016/S0140-6736\(07\)61256-2](https://doi.org/10.1016/S0140-6736(07)61256-2).

13. Fetzel T, Havlik P, Herrero M, Erb K-H (2017) *Seasonality constraints to livestock grazing intensity*. *Glob Chang Biol* 23:1636–1647. <https://doi.org/10.1111/gcb.13591>.

14. Foresight (2011) *The future of food and farming: challenges and choices for global sustainability*. The Government Office for Science, London.

15. Caro D, Davis SJ, Bastianoni S, Caldeira K (2014a) *Global and regional trends in greenhouse gas emissions from livestock*. *Clim Chang* 126(1–2):203–216.

16. Godber OF, Wall R (2014) *Livestock and food security: Vulnerability to population growth and climate change*. *Glob Chang Biol* 20(10):3092–3102.

17. Carlsson-Kanyama A, González AD (2009) *Potential contributions of food consumption patterns to climate change*. *Am J Clin Nutr* 89(5):1704S–1709S.

18. Macdiarmid JI, Kyle J, Horgan GW, Loe J, Fyfe C, Johnstone A, McNeill G (2012) *Sustainable diets for the future: can we contribute to reducing greenhouse gas emissions by eating a healthy diet?* *Am J Clin Nutr* 96(3):632–639.

## Воздействие производства мяса на окружающую среду

Алексей Ким,

старший научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований

**Аннотация:** в статье рассматривается вопрос о влиянии выбросов парниковых газов от продуктов растительного и животного происхождения на изменение климата, какие типы питания (диет) способны сократить выбросы в атмосферу, а также проведена оценка выбросов парниковых газов от производства мяса в Узбекистане.

**Ключевые слова:** изменение климата, выбросы парниковых газов, питание, производство мяса, растительная продукция.

## Go'sht yetishtirishning atrof-muhitga ta'siri

Aleksey Kim,

Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti katta ilmiy xodimi

**Annotatsiya:** maqolada o'simlik va hayvonot mahsulotlaridan chiqadigan issiqxona gazlari chiqindilarining iqlim o'zgarishiga ta'siri, qanday ovqatlanish turlari (parhez) atmosferaga chiqindilarni kamaytirishi mumkinligi, shuningdek, O'zbekistonda go'sht ishlab chiqarishdan yuzaga keladigan issiqxona gazlari chiqindilariga baho berildi.

**Kalit so'zlar:** iqlim o'zgarishi, issiqxona gazlari chiqindilari, ovqatlanish, go'sht ishlab chiqarish, o'simlik mahsulotlari.

## Environmental impact of meat production

Aleksey Kim,

Senior Researcher of the Institut for forecasting and macroeconomic research

**Abstract:** the article discusses the impact of greenhouse gas emissions from plant and animal products on climate change, what types of nutrition (diet) can reduce emissions into the atmosphere, and an assessment of greenhouse gas emissions from meat production in Uzbekistan was also carried out.

**Keywords:** climate change, greenhouse gas emissions, nutrition, meat production, plant products.

УЎК: 332.12(575.1)

**Сухроб МАХМУДОВ,**  
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),*  
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар*  
*институтининг бош илмий ходими,*  
**E-mail: smahmudov01@gmail.com**

## **Қашқадарё вилояти иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар: ҳудудий ва тармоқ таҳлили**

**Кириш.** Минтақавий ўсиш ва иқтисодиёт таркиби бир-бирига боғлиқдир. Турли тармоқлар турли ўсиш суръатларига эга бўлиб, минтақанинг иқтисодий тараққиётига алоҳида ҳисса қўшади. Минтақа иқтисодиёти тармоқларининг ривожланиши миллий ва минтақавий даражада иқтисодиётнинг тузилишига боғлиқ. Шундай экан, миллий ва минтақа иқтисодиёти тармоқ тузилмалари ўртасидаги фарқлар ва маҳаллий ресурсларнинг мавжудлиги минтақадаги ўсиш суръатини белгилаб беради. Минтақавий иқтисодиёт динамикаси таҳлилида ҳар бир минтақа иқтисодиёти тармоқларини бутун иқтисодиёт ва жами тармоқлар ривожланиши билан таққослаб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда ишлаб чиқариш жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш ва меҳнатни ташкил этиш, иқтисодиётнинг янги, илм-фанга асосланган тармоқларини ривожлантириш орқали иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “сўнгги тўрт йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислохотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат” [1]. Шундай экан, таркибий ўзгаришлар натижасида минтақалар иқтисодиёт тармоқларида самарадорлик кўрсаткичларининг ортиши иқтисодий тараққиёт ва фаровонликни яхшилашга хизмат қилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали иқтисодий

тараққиётга эришиш назарияси дастлаб А. Люис [2] томонидан ишлаб чиқилган ҳамда бу назария Г.Ранис ва Ж.Фей [3] томонидан такомиллаштирилган. Назария ривожланаётган мамлакатларга хос бўлиб, икки тармоқли иқтисодиёт (dual-economy) нуқтаи назаридан ёндашувга асосланади. Унга кўра, замонавий тармоқда жамғариш, инновация ва унумдорликнинг ўсиши рўй бериб, анъанавий тармоқ технологик жиҳатдан орқада ва турғун ҳолатда қолади. Шундай қилиб, иқтисодий тараққиёт ресурсларнинг анъанавий тармоқдан замонавийсига “кўчиб” ўта олиш даражасига боғлиқ бўлади.

Баумол [4] ҳам иқтисодиётни шартли равишда Люис каби икки тармоқ (нопрогрессив ва прогрессив)га бўлади. Биринчи тармоқда меҳнат унумдорлиги ўзгармас, иккинчи тармоқда эса бу кўрсаткич ошиб борувчи хусусият касб этади. Швейцариялик иқтисодчи Йохен Хартвиг [5] Баумол талқинидаги «прогрессив» тармоқни ишлаб чиқариш, «нопрогрессив» тармоқни эса хизматлар соҳаси деб ҳисоблайди.

Россиялик олим А.Мошковга кўра, саноатнинг ҳудудий-тармоқ тузилмаларидаги таркибий ўзгаришлари деганда маълум ҳудуддаги ўзаро боғлиқ бўлган объектларнинг (саноат, корхоналар, бўлинмалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг бутун мажмуаси, уларнинг турли функционал блоклари) ички ва ташқи алоқалари билан биргаликда ўзгариши ва ривожланишининг бизнес, аҳоли ва минтақа ҳокимиятининг мувозанатли манфаатларига эришишга қаратилган узлуксиз жараёни тушунилади [6]. Ўзбек олими А.Низамовнинг фикрича, минтақадаги таркибий ўзгаришлар минтақада мавжуд салоҳият доирасида ресурслар-

ни бир тармоқдан бошқасига йўналтириш орқали амалга оширилиши керак [7].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда Қашқадарё вилояти иқтисодиёт тармоқлари салоҳияти портфолио матрицаси ёрдамида гуруҳланган. Портфолио матрицаси бир ўзгарувчининг бошқа ўзгарувчига нисбатан ривожланишини акс эттирувчи график восита бўлиб, тадқиқ қилинаётган кўрсаткичнинг абсцисса ўқидаги ва у билан ордината ўқида кесишувчи кўрсаткичнинг график тасвирини ифодалайди. Графикда тўртта чорак (“Сўроқ белгилари”, “Юлдузлар”, “Омадсизлар” ва “Соғин сигирлар” деб номланади) бўлиб, улар ўрганилаётган объектнинг самарадорлигини тасвирлайди. “Аммо портфолио матрицаси, масалан, минтақа ёки миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграциясини таҳлил қилиш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Бунда  $X$  ўқи жаҳон бозори улушининг ошиши ва  $Y$  ўқи жаҳон савдосининг ўсишини ифодалайди” [8]. Шунингдек, минтақадаги тармоқлар ўсишини миллий иқтисодиётда бу соҳаларнинг ялпи ўсиши билан таққослаш мумкин.

Шу билан бир қаторда, таркибий ривожланиш даражасини баҳолашда индивидуал кўрсаткичлардан фойдаланиш имконияти чекланганини инобатга олиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган баҳолашнинг интеграл кўрсаткичидан фойдаланишни таклиф этамиз. Таркибий ривожланиш индекси

---

**Вилоят ЯХМи таркиби  
2010-2020 йилларда  
сезиларли даражада  
ўзгарган. Қишлоқ, ўрмон ва  
балиқчилик хўжалигининг  
улуши 2020 йилда  
2010 йилга нисбатан  
қарийб 1,5 баробарга ўсиб  
41,9 фоизга етган.  
Бу даврда биргина саноат  
тармоғининг улушида камайиш  
кузатилиб, 2010 йилдаги  
40,4 фоиздан 2020 йилда  
17,9 фоизга тушиб қолган.**

---

( $TPI$ )ни ҳисоблашда турли иқтисодий кўрсаткичларни умумлаштириш мақсадида уларни трансформация қилиш, яъни коэффициент шаклига келтириш лозим бўлади. Бунинг учун тармоқларнинг самарадорлик даражаси индекси ( $CI$ )ни аниқлаш талаб этилиб, индекс тармоқнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот (хизматлар) кўрсаткичини мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичга бўлиш орқали аниқланади.  $TPI$  тармоқлар бўйича натижаларнинг ўртачасини ҳисоблаш орқали аниқланади. Бу ҳолда 1 дан кичик кўрсаткичга эга ҳудудлар (ёки тармоқлар) ривожланиш даражаси паст, 1 дан қанча катта бўлса, шунча юқори даражада ривожланган, индекснинг 1 га тенг бўлиши ривожланиш даражаси меъёрида, деб ҳисобланади.

$$TPI = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n CI_i \quad (1)$$

$$CI_i = \frac{X M_i}{M M_i} \quad (1.1)$$

бунда  $TPI$  – ҳудуд иқтисодиётининг таркибий ривожланиш индекси;

$CI_i$  – ҳудуддаги  $i$ -тармоқнинг самарадорлик даражаси;

$X M_i$  – ҳудудда аҳоли жон бошига тўғри келадиган  $i$ -тармоқ маҳсулоти ҳажми;

$M M_i$  – миллий иқтисодиёт бўйича  $i$ -тармоқ маҳсулот ҳажмининг аҳоли жон бошига тақсимланиши.

Шунингдек, вилоят ҳудудларида таркибий ислохотлар самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилган тадқиқотда SWOT таҳлил усулидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Иқтисодиёт тузилмаси маълум мезонларга кўра иқтисодиётнинг таркибий қисмларга ажратилиши ва бу қисмлар орасида муносабатлар ўрнатилишини ифодалайди. Ўзбек олими А.Солиевга кўра, иқтисодиёт тармоқ ва ҳудудий тузилмадан таркиб топади [9]. Иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмаси – миллий иқтисодиётнинг ягона тизимида ўзаро таъсирда бўлган ҳудудлар бўйича ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ҳолатини назарда тутати. Иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси эса миллий иқтисодий комплекснинг муайян нисбатлар ва муносабатлар билан тавсифланувчи тармоқлари мажмуидир.


Қашқадарё вилояти иқтисодиётининг ҳудудий тузилмаси Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари, Ғузор, Дехқонобод, Қамаш, Қарши, Косон, Китоб, Ми-

ришкор, Муборак, Нишон, Касби, Чирокчи, Шахрисабз ва Яккабоғ туманларидан таркиб топган. Ер майдони жиҳатидан Деҳқонобод тумани (4,0 км.кв., вилоят ҳудудининг 14,0 фоизи), аҳоли сони жиҳатидан Чирокчи тумани (419,6 минг киши, вилоят аҳолисининг 12,6 фоизи) етакчилик қилади. Қарши (1 км.кв.га 3692,4 киши) ва Шахрисабз (1 км.кв.га 2889,6 киши) шаҳарлари аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлар саналади.

Вилоят ЯҲМи таркиби 2010-2020 йилларда сезиларли даражада ўзгарган. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 2020 йилда 2010 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробарга ўсиб 41,9 фоизга етган. Бу даврда биргина саноат тармоғининг улушида камайиш кузатилиб, 2010 йилдаги 40,4 фоиздан 2020 йилда 17,9 фоизга тушиб қолган. Таҳлил даврида қурилиш тармоғининг улуши 0,8 фоиз пунктига, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хиз-

матлар улуши 2,8 фоиз пунктига, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари улуши 1,1 фоиз пунктига ва хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқларининг улуши 4,6 фоиз пунктига ортган.

Қашқадарё вилояти бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида банд аҳолининг улуши ЯҲМда тармоқлар улушининг тақсимланишида кузатилган ҳолатга тескари равишда 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 0,5 фоиз пунктига камайган. Бу даврда иқтисодий фаолият турларида банд аҳоли улушининг камайиш ҳолати саноат (1,7 фоиз пунктига), қурилиш (0,1 фоиз пунктига), савдо, яшаш ва овқатланиш хизматлари (2,9 фоиз пунктига), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа (1,0 фоиз пунктига) тармоқларида ҳам кузатилган. Фақат хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқларида 6,2 фоиз пунктига ўсиш кузатилган.



1-расм. Қашқадарё вилояти иқтисодиёт тармоқларининг таркибий тузилмаси (жамига нисбатан фоизда)

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.


Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Нишон, Ғузор туманлари ва Қарши шаҳри етакчилик қилади. 2020 йил маълумотларига кўра, вилоятда ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотларининг 59,3 фоизи (Нишон тумани 20,6 фоиз, Қарши шаҳри 20,2 фоиз, Ғузор тумани 18,5 фоиз) ҳиссасига тўғри келган. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича Қарши шаҳри (31,2 фоиз) ва Шахрисабз (9,2 фоиз) ва Яккабоғ (8,8 фоиз) туманлари етакчилик қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда

Чирокчи (12,7 фоиз), Косон (9,9 фоиз) ва Қамаш (9,0 фоиз) туманлари илғор ҳудудлар ҳисобланади.

Вилоят бўйича жами чакана савдо ҳажмининг 51,7 фоизи Қарши шаҳри (24,6 фоиз), Чирокчи (9,3 фоиз), Косон (9,2 фоиз) ва Қамаш (8,6 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Қарши шаҳри жами хизматлар ҳажмида 44,5 фоиз улушга эга бўлиб, бу тармоқда яққол етакчи ҳудуд ҳисобланади. Қашқадарё вилоятининг ташқи иқтисодий фаолияти таҳлили натижаларига кўра, вилоят жами экспорт ҳажмининг 57,9 фоизи Қарши шаҳри, Қарши

ва Ғузор туманлари (мос равишда 30,8; 14,6 ва 12,5 фоиз), жами импорт ҳажмининг 55,9 фоизи Касби, Муборак, Ғузор туманлари ва Қарши шаҳри (мос равишда 18,3; 15,9; 10,5 ва 11,2 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.

Тадқиқот доирасида Қашқадарё вилоятида таркибий ўзгаришларни амалга оширишдаги имкониятлар ва заиф жиҳатларни аниқлаш ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида иқтисодиёт тармоқларида ихтисослашув даражасининг ортиши ва уларнинг минтақавий ривожланишига қўшган ҳиссаси портфолио матрицаси<sup>1</sup> воситасида таҳлил қилинди. 2-расмда Х ўқида Қашқадарё вилоятида тармоқларнинг ихтисослашуви ва Y ўқида минтақавий ўсиш ҳолати тасвирланган.



2-расм. Ихтисослашув ва минтақавий ўсиш матрицаси

Матрица 2015-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Қашқадарё вилояти бўйича ЯИМ (ЯХМ) таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги; саноат; қурилиш; савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар; ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари ҳамда хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқларининг қўшилган қиймати асосида тузилди.

“Сўроқ белгилари” (I чорак:  $X < 1, Y > 0$ ) миллий иқтисодиётдаги улуши паст, лекин ўсиш суръати юқори. “Сўроқ белгилари”нинг келажакда “Юлдуз”га айланиш имкониятларини тадқиқ қилиш

лозим. Қашқадарё вилоятида қурилиш, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа ҳамда хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқлари ушбу тоифага киради.

“Юлдузлар” (II чорак:  $X > 1, Y > 0$ ) – ишлаб чиқариш ҳажмининг жадал ўсиши ва миллий иқтисодиётдаги юқори улуш. “Юлдузлар” жуда даромадли бўлиб, бунда мавжуд улушни сақлаб қолиш ва кўпайтириш лозим. Бу тармоқнинг жозибadorлигига қарамай, унинг соф пул оқими анча паст, чунки у юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун катта сармоя киритади. Қашқадарё вилоятида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ушбу тоифага мансуб.

“Омадсизлар” (III чорак:  $X < 1, Y < 0$ ) – ўсиш суръати ҳам, миллий иқтисодиётдаги улуши ҳам паст, одатда, паст рентабеллик даражасига эга бўлиб, тубдан ислоҳ этилиши лозим. Қашқадарё вилоятида бундай тармоқ мавжуд эмас.

“Соғин сигирлар” (IV чорак:  $X > 1, Y < 0$ ) – миллий иқтисодиётдаги улуши юқори, лекин ўсиш суръати паст. “Соғин сигирлар”ни иложи борича ҳимоя ва назорат қилиш лозим. Уларнинг жозибadorлиги қўшимча инвестицияларни талаб қилмаслиги ва айни пайтда яхши даромад бериши билан изоҳланади. Бу фаолиятдан олинган даромад “Омадсизлар”ни ривожлантириш ва “Юлдузлар”ни қўллаб-қувватлаш учун ишлатилиши мумкин. Қашқадарё вилоятида саноат тармоғи ушбу тоифага киради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг барқарор асоси ҳисобланади. Қашқадарё вилояти иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар тармоқларда бу соҳа улушининг ортиб боришида ҳам ўз аксини топмоқда. Вилоятда 2020 йилда 26088 та кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 10198 нафарга кўп. Шу жумладан, 2020 йилда фаолият юритаётган субъектлар сони 25297 тани ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 10427 нафарга ортган. 2015-2020 йиллар давомида кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражаси ҳам ортиб борган. Вилоятда рўйхатга олинган кичик бизнес субъектларининг 2015 йилда 93,6 фоизи фаолият юритган бўлса, фаоллик даражасининг ортиб бориши натижасида 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 97,0 фоизни ташкил этган.

Қашқадарё вилоятида республиканинг бошқа ҳудудлари каби қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши энг юқори. Бу тармоқда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари

<sup>1</sup> Дастан, портфолио матрицаси Бостон Консалтинг Груп (Boston Consulting Group) томонидан маркетингдаги маҳсулот линиялари фаолиятини таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган бўлиб, ўсиш улуши матрицаси деб ҳам аталади.

сони 2015 йилда 2483 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 4823 тага етди ва жами субъектларнинг 19,1 фоизини ташкил этиб, бу жиҳатдан вилоят бўйича рейтингда 2-ўриндан жой олди.

Вилоят саноат тармоқларида кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликнинг улуши бошқа соҳалар билан солиштирганда энг кичик қийматларни ташкил этади (2020 йилда 34,7 фоиз). Аммо кичик бизнес субъектлари сони 2020 йилга келиб 2015 йилга нисбатан 2,0 баробарга ортган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Қашқадарё вилояти иқтисодиёт тармоқлари таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўзгариш динамикаси (фоизда)**

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
<b>ЯҲМ</b>	55,0	56,2	51,4	51,4	51,5	61,5	64,8	64,9	71,1	69,5	69,9
<b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги</b>	99,1	99,0	98,9	99,0	99,4	99,5	99,3	99,4	99,4	99,6	98,7
<b>Саноат маҳсулотлари</b>	29,1	16,0	15,7	21,9	24,4	25,1	27,0	23,1	22,0	20,0	34,7
<b>Қурилиш ишлари</b>	75,2	77,6	68,4	72,7	74,0	64,0	72,8	75,4	83,1	83,1	86,9
<b>Савдо</b>	87,5	91,2	91,2	90,1	89,3	91,5	94,2	92,8	92,5	96,8	93,5
<b>Хизматлар</b>	77,7	74,6	72,4	71,3	72,9	73,5	75,0	72,2	70,7	71,2	68,4
<b>Экспорт</b>	8,7	12,1	18,0	28,8	14,1	9,0	25,9	38,2	38,0	39,7	56,6
<b>Импорт</b>	17,2	14,1	34,4	58,1	10,2	6,1	14,6	17,7	24,6	68,7	52,3
<b>Бандлик</b>	74,8	76,1	77,0	77,9	78,7	79,6	79,9	80,0	79,0	78,6	77,6

**Манба:** Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Савдо тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши юқори бўлиб, 2020 йилда товар айланмасининг 93,5 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келган. Кичик бизнес субъектларининг энг кўп миқдори ҳам ушбу тармоққа тўғри келади. 2020 йилда уларнинг сони 2015 йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпайиб, 7712 тани ташкил этди.

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотда амалга оширилган тармоқларнинг самарадорлик даражасини баҳолаш (1-формулага қаранг) натижалари шуни кўрсатдики, қишлоқ ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 2010-2020 йиллар оралиғида 2012 йилдагина ижобий кўрсаткич ( $СИ=1,017$ ) қайд этилиб, қолган йилларда тармоқнинг самарадорлик даражаси паст ( $СИ<1$ ) бўлган. Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси 2010-2013 йилларда нисбатан юқори бўлиб ( $СИ>1$ ), 2014 йилдан бошлаб пастайиш майлида ҳаракатланган ва 2020 йилга келиб энг кичик қиймат ( $СИ=0,411$ )ни ташкил этган.


Таҳлил этилаётган даврда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш вилоятдаги энг сустривожланган тармоқ бўлган. Бу соҳа 2016 йилда ўзининг энг юқори самарадорлик даражаси ( $СИ=0,556$ )га эришган. Инвестициялар ва қурилиш фаолияти вилоят иқтисодиёти таркибидаги энг ривожланган соҳа бўлиб, унда 2010-2020 йиллар оралиғида  $СИ>1$  кўрсаткичи қайд этилиб, 2017 йилда энг юқори самарадорлик даражаси ( $СИ=1,608$ )га эришган. Энг



**3-расм.** Қашқадарё вилоятида иқтисодиёт тармоқлари ривожланиш даражаси



кичик кўрсаткич (СИ=1,012) эса 2020 йилда қайд этилган. Мазкур даврда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларида ривожланиш даражаси юқори қийматга эришмаган.



**4-расм. Қашқадарё вилояти иқтисодийнинг таркибий ривожланиш даражаси**

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Қашқадарё вилоятида иқтисодийнинг таркибий ривожланишини баҳолаш натижалари вилоятда таркибий ўзгаришлар самарадорлигининг пастлигидан далолат берди. 2010-2020 йилларда  $TRI > 1$  қийматга умуман эришмаган. 2020 йилда таркибий ривожланиш даражаси энг паст қиймат ( $TRI = 0,655$ )ни ташкил этган (4-расм).

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридаги таҳлиллар асосида иқтисодий тармоқларида таркибий ўзгаришлар самарадорлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудлари бўйича SWOT таҳлили ўтказилди (2-жадвал).

Таҳлил натижаларидан кўриш мумкинки, саноат тармоғи Қашқадарё вилоятининг кам сонли ҳудудларида ривожланган. Вилоятда мавжуд хом ашё захираларидан фойдаланган ҳолда, Деҳқонобод, Китоб, Қамаши, Чирокчи, Яккабоғ туманларида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини яратиш имконияти мавжуд. Саноатнинг истеъмол моллари ишлаб чиқариш фаолият тури

**2-жадвал**

**Қашқадарё вилояти иқтисодий тармоқларининг SWOT таҳлили**

S – кучли томонлар	W – заиф томонлар
<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Қарши шаҳри, Ғузор, Муборак ва Нишон туманлари; истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари, Шаҳрисабз тумани; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Қамаши, Қарши, Косон, Китоб, Миришкор, Муборак, Нишон, Касби ва Шаҳрисабз туманлари; чакана савдо тармоғида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари, Деҳқонобод, Косон, Миришкор, Муборак ва Нишон туманлари; хизмат кўрсатиш соҳаларида Қарши шаҳри ва Муборак туманлари; қурилиш тармоғида Қарши шаҳри, Ғузор, Деҳқонобод, Муборак ва Нишон туманлари юқори самарадорлик кўрсаткичларига эга;</li> <li>➤ Меҳнат ресурслари миқдори бўйича республика ҳудудлари орасида 3-ўринда туради;</li> <li>➤ инвестициялар ҳажми ҳамда уларнинг аҳоли жон бошига тақсимланиши бўйича ҳам республика ҳудудлари орасида юқори ўринлардан жой олган.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ вилоятнинг 15 ҳудудидан 11 тасида иқтисодийнинг таркибий ривожланиш даражаси вилоят бўйича ўртачадан паст;</li> <li>➤ саноат маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш вилоят ҳудудлари бўйича нотекис тақсимланган. 12 та ҳудудда вилоят бўйича жами саноат маҳсулотининг 40,9 фоизи, 11 та ҳудудда вилоят бўйича жами истеъмол молларининг 44 фоизи ишлаб чиқарилади;</li> <li>➤ вилоят иқтисодий ривожланиш ва тармоқларнинг самарадорлик кўрсаткичлари бўйича республика ҳудудлари орасида энг куйи ўринлардан жой олган;</li> <li>➤ иқтисодийнинг таркибий ривожланиш даражаси энг юқори (Муборак тумани) ва энг кичик (Чирокчи тумани) ҳудудлар орасидаги тафовут 7 баробарга тенг.</li> </ul>
O – имкониятлар	T - таҳдидлар
<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ вилоят 261,3 млн. тонна цемент хом ашёси, 18,7 млн. тонна гипс, 33,3 млн. тонна ойна хом ашёси, 15,6 млн. метр куб табиий қопламабоп тошлар, 12 млн. метр куб қум-шағал, 19,8 млн. метр куб қурилиш тошлари, 18,7 млн. метр куб керамзит хом ашёси захираларига эга;</li> <li>➤ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Деҳқонобод, Қарши ва Яккабоғ туманлари; истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича Косон, Муборак ва Яккабоғ; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Ғузор, Деҳқонобод ва Чирокчи туманлари; чакана савдо тармоғида Қамаши ва Косон туманлари; хизмат кўрсатиш соҳаларида Қарши шаҳридан бошқа барча ҳудудларда; қурилиш тармоғида Қарши ва Миришкор туманларида самарадорлик кўрсаткичларини ошириш имкониятлари мавжуд;</li> <li>➤ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича вилоятнинг республикадаги улуши ортмоқда.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ вилоят иқтисодийнинг барча тармоқларида самарадорлик индекси республика бўйича меъёрдан паст қийматларни ташкил этади;</li> <li>➤ 2010-2020 йилларда вилоятнинг таркибий ривожланиш даражаси республика бўйича меъёрдан паст қийматларни ташкил этиб, йиллар давомида пасайиб бормоқда;</li> <li>➤ саноат маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқаришда вилоят бўйича самарадорлик кўрсаткичлари барқарор пасайиб, вилоятнинг бу тармоқдаги мамлакат бўйича улуши кескин камайиб бормоқда;</li> <li>➤ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида самарадорлик пасайиб бормоқда.</li> </ul>

**Манба:** муаллиф ишланмаси.



асосан шаҳар ҳудудларида марказлашган бўлиб, бу ҳудудларда ҳам самарадорлик кўрсаткичлари пасайиб бормоқда. Вилоятда аҳоли жон бошига кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш республика бўйича кўрсаткичдан кичик бўлса-да, самарадорлик кўрсаткичлари вилоятнинг аксарият ҳудудларида ўсиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, хизматлар соҳаси ҳам вилоятнинг деярли барча ҳудудларида паст самарадорлик кўрсаткичларини ташкил этади. Шундай экан, мавжуд афзалликлар ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш вилоят иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришга хизмат қилади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил. Манба: <https://president.uz/oz/lists/view/4057>
2. Lewis W.A. *Economic development with unlimited supply of labor* // *Journal of the Manchester school of economics and social studies*. – 1954. № 22(2), P. 139–191.
3. Fei J.C.H., Ranis G. *A theory of economic development*. // *The American Economic Review*. – 1961. № 51(4), P. 533–565.
4. Baumol W. *Macroeconomics of unbalanced growth: the anatomy of urban crisis* // *American Economic Review*. – 1967. № 57(3), P. 415–426.
5. Hartwig J. *Productivity growth in service industries - Has “Baumol’s disease” really been cured?*. – Zurich: KOF Working papers 06-155, KOF Swiss Economic Institute, 2006. – 24 p.
6. Мошков А. В. *Структурные изменения в территориально-отраслевых системах промышленности российского Дальнего Востока: Автореф. дис. ... доктора географических наук*. – Владивосток: Дальневосточное отделение Тихоокеанский институт географии., 2005. – С.8.
7. Низамов А.А. *Минтақа иқтисодиётини таркибий жиҳатдан такомиллаштириш йўллари (Бухоро вилояти мисолида): И.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати*. – Т.: ПМТИ, 2021. – Б.12.
8. Baker P. et al. *Analytical tools for enhancing the participation of developing countries in the multilateral trading system in the context of the Doha Development Agenda* // *AUSSENWIRTSCHAFT-ZURICH*-. – 2002. – Т. 57. – №. 3. – P. 343–372.
9. Салиев А. С., Қурбанов Ш. Б., Ражабов Ф. Т. *Сдвиги в отраслевой и территориальной структуре экономики Узбекистана* // *Социально-экономическая география. Вестник Ассоциации российских географов-обществоведов*. – 2016. – №. 5. – С. 209–218.

**Қашқадарё вилояти иқтисодиётида  
таркибий ўзгаришлар:  
худудий ва тармоқ таҳлили**

**Сухроб МАХМУДОВ,**

*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),  
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий  
тадқиқотлар институти бош илмий ходими*

*Аннотация: мақола Қашқадарё вилояти иқтисодиётининг худудий ва тармоқ таркиби таҳлиliga бағишланган. Иқтисодиётнинг таркибий ривожланиши даражасини баҳолаш натижалари вилоятда таркибий ўзгаришлар самарадорлигининг настлигидан далолат берди. Шуларни инобатга олган ҳолда, вилоят шаҳар ва туманларининг салоҳияти, уларнинг иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришлар самарадорлигини ошириш имкониятлари тадқиқ қилинган.*

**Калит сўзлар:** *худуд, иқтисодиёт тармоқлари, таркибий ўзгариш, портфолио матрицаси, таркибий ривожланиш индекси.*

**Структурные изменения в экономике  
Кашкадарьинской области:  
территориальный и отраслевой анализ**

**Сухроб Махмудов,**

*PhD (по экономическим наукам),  
главный научный сотрудник Института  
прогнозирования и макроэкономических  
исследований*

**Аннотация:** *статья посвящена анализу территориальной и отраслевой структуры экономики Кашкадарьинской области. Результаты оценки уровня структурного развития экономики свидетельствуют о низкой эффективности структурных изменений в регионе. С учетом этого были исследованы потенциалы городов и районов области, возможности повышения эффективности структурных изменений в их отраслях экономики.*

**Ключевые слова:** *территория, секторы экономики, структурные изменения, матрица портфолио, индекс структурного развития.*

**Structural changes in the economy of Kashkadarya region: territorial and sectoral analysis**

**Sukhrob Makhmudov,**

*PhD (no economic sciences),  
Chief researcher of the Institute of Forecasting and  
Macroeconomic Research*

**Abstract:** *the article is devoted to the analysis of the territorial and sectoral structure of the economy of the Kashkadarya region. The results of the assessment of the level of structural development of the economy indicated the low efficiency of structural changes in the region. With this in mind, the potential of the cities and districts of the region, the possibilities of improving the efficiency of structural changes in their sectors of economy were studied.*

**Keywords:** *territory, economic sectors, structural changes, portfolio matrix, structural development index.*

УЎК: 338.012.63

**Бахромжон РЎЗИМОВ,**  
*Андижон давлат университети таянч докторанти,*  
Email: bahromjon7174@inbox.ru

## **Андижон вилоятида озиқ-овқат кластерлари корхоналарининг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар**

**Кириш.** Озиқ-овқат саноати корхоналари мамлакат иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли иқтисодий адабиётда ушбу соҳа рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ этиш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб масалалар қаторига киради. Жумладан, озиқ-овқат саноати ўзига хос бўлган қатор хусусиятлари билан саноатнинг бошқа тармоқларидан ажралиб туради.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси бўйича ҳудудларда 110 та мева-сабзавотчилик кооперациялари ва 35 та ғаллачилик кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бунда, кластерларнинг мева-сабзавот ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда экспортдаги улушини 2 бараварга ва иш ўринларини 3 бараварга ошириш зарур. Жумладан, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари бозорида таклифни ошириш ва мавсумий тақчилликларни бартараф этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари захира-сини яратиш ва ички бозорда интервенция қилиш ҳажмлари кўрсаткичларини ошириш керак. Натижада, 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн. тоннага, қайта ишлаш даражасини сут бўйича 32 фоизга, гўшт бўйича – 25 фоизга, мева-сабзавот бўйича – 28 фоизга ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари асортиментини (қайта ишланган гўшт-сут, мева-сабзавот, ёғ-мой ва бошқалар) 898 тадан 1100 тага етказиш режалаштирилган [15].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, саноат корхоналари фаолиятида мулкка нисбатан ижтимоий фикр-лашнинг ривожланганлиги; саноат корхоналарида

озиқ-овқат хомашёсини қайта ишлаш жараёнларига илм-фан ютуқларини жорий этиш, соҳада инновацион технологиялардан фойдаланишнинг сезиларли даражада пастлиги; қишлоқ хўжалигида ишчи кучи таклифининг юқори даражаси ва соҳада иш ўринларининг етишмаслиги; озиқ-овқат саноати корхоналари моддий-техника базасининг техник ва технологик жиҳатдан маънавий эскирганлиги, корхоналарнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичининг пастлиги, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан модернизациялаш учун ички молиявий имкониятларнинг етишмаслиги; озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини ривожлантиришда молиявий муаммолар, жумладан, субсидия ва дотациялаш, кредитлаш, лизинг, инвестицияларнинг етишмаслиги қайд этилмоқда [1, 2, 3].

Адабиётлар шарҳи. Озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлиги кўрсаткичига таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ этишга бағишланган аксарият илмий изланишлар ички ва ташқи омилларга ажратилган ҳолда ўрганилган. Шу билан биргалликда, саноатнинг бошқа тармоқларида бўлгани сингари, озиқ-овқат саноатида ҳам унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичига таъсир кўрсатувчи бево-сита ва билвосита омиллар ўзаро фаркланади.

В.Ф. Цахилова томонидан амалга оширилган тадқиқотларда озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлиги кўрсаткичига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар ўзаро гуруҳланган бўлиб, ички омиллар қаторига қуйидагиларни киритиб ўтади: [4] озиқ-овқат саноати корхонасидаги ташкилий-бошқарув тизими; корхонанинг маркетинг фаолияти ва истеъмолчиларни қамраб олиш

имкониятларидан фойдаланиши; корхонанинг персонали таркиби, жумладан, кадрлар салоҳияти, ёлланма ишчилар таркибида олий, ўрта махсус ва ўрта таълим даражасига эга бўлган ходимлар улуши ва ҳ.к.; корхонанинг ижтимоий, иқтисодий ва молиявий имкониятлари, жумладан, корхонадаги меҳнат шарт-шароитлари, унинг моддий-техник базаси, ишлаб чиқариш самарадорлиги, ишчиларнинг ишлаб чиқариш қуроллари билан таъминланганлиги, корхона даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатлар каби кўрсаткичлар.

Шу билан биргаликда, олима мамлакатда амалга оширилаётган сиёсат, инновациялар, экология, ижтимоий-демографик ҳолат, бозор конъюнктураси, ресурслар, маданият (масалан, мусулмонлар чўчка гўштини истеъмол қилмаслиги) кабиларни ташқи муҳит омиллари сифатида баҳолайди [4].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган омиллар барча турдаги корхоналарнинг хўжалик фаолияти юритиш самарадорлиги, унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичларига таъсир қилувчи умумий омиллар ҳисобланади. Корхоналар рақобатбардошлиги кўрсаткичига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишда аввало уни ташкил этувчи кўрсаткичларни аниқлаш лозим бўлади.

**В.А. Сальников ва Д.И. Галимовлар фикрича, қуйидаги кўрсаткичлар озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлиги кўрсаткичига сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади:**

- соҳанинг жаҳон бозоридаги тутган ўрни, жумладан, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришга ихтисослашганлик даражаси;

- ички бозордаги корхонанинг мақеи – бунда корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот билан биргаликда унга ўхшаш бўлган ёки унинг ўрнини босувчи импорт маҳсулотларининг бозордаги сотув ҳажмлари ўртасидаги нисбатлар;

- инвестицион фаолликнинг интенсивлиги – корхонага жалб этилган инвестициялар ҳажми, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларида ифодаланадиган корхонанинг технологик даражаси ва ҳ.к.;

- бозордаги концентрациялашув даражаси – яъни катта озиқ-овқат саноати корхоналарининг глобал даражада хорижий компаниялар билан рақобатлаша олиш имкониятлари;

- хом ашё билан таъминланганлик даражаси, озиқ-овқат саноати корхоналари ўртасида коопера-

тив алоқаларнинг ривожланганлик даражаси (озиқ-овқат саноати корхоналарининг миллий рақобатбардошлик кластерида бирлаштирилиши);

- истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳеч қандай иккиланишларсиз танлаши (яъни, истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчиларга тарихий «бирикиши») ва ҳ.к. [5].

**Асосий қисм.** Янги Ўзбекистон тараққиёти стратегиясини ривожлантириш шароитида ҳар қандай корхонанинг жумладан, озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлиги кўрсаткичини ошириш уларга бозордаги мақеини яхшилаши билан биргаликда юқори иқтисодий даромад келтириши лозим бўлади. Яъни, фаолият соҳасининг даромадлилик кўрсаткичи бошқа соҳаларга нисбатан юқори бўлиши лозим бўлади.

Озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг жаҳон амалиёти таҳлилга кўра, тараққий этган мамлакатларда замонавий техника-технологиялар билан қуроллантирилган агрокластерларни ривожлантиришга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Шу билан биргаликда, ушбу мамлакатларда ташкил этилган агрокластерларда жамланган озиқ-овқат саноати корхоналари мунтазам равишда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этиб борадилар. Хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатлари (Германия, Франция, Италия, Болгария, Греция, Голландия, Англия, Швейцария, Дания ва бошқа мамлакатлар) юқори технологияли агрокластерларни ривожлантириш бўйича етакчилик қилишса, АҚШнинг Калифорния, Вашингтон, Оклахома, Луизана штатларида дунёдаги энг йирик ҳудудий агрокластерлар жойлашган ҳисобланади. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, жумладан, Хитой, Сингапур, Япония ва шу каби бошқа мамлакатларда озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини ошириш мақсадида агрокластерлар фаолиятини ташкил этишнинг инновацион ва ҳудудий шакллари аралаш ҳолда қўллашга устуворлик қаратилмоқда [6]

Юқоридаги вазиятларни инобатга олган ҳолда, Андижон вилояти озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини баҳолашда кластерли ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Озиқ-овқат кластерларини ташкил этиш ва уларнинг инвестицион самарадорлигини ошириш зарур. Вилоят иқтисодиётида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта

ишлаш тизимида қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи аксарият иқтисодий субъектларнинг ҳажми нисбатан кичик бўлиб, улар томонидан етиштирилаётган ва қайта ишланаётган маҳсулотнинг сифат стандартларига қўйиладиган талабнинг тармоқ бўйича ягона тизими шакллантирилмаган. Шу билан бир қаторда, уларнинг фаолиятидаги таъминот занжири тўлиқ тизимлаштирилмаган. Натижада, йиғим-терим мавсумида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлаш ва уларни узок муддат сақлаш имконини берувчи омборларнинг етишмаслиги сабабли, ушбу маҳсулотларнинг катта ҳажмдаги қисми бозорларга сотиш учун чиқарилади. Бунинг оқибатида бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таклифининг унга бўлган талабдан ортиқчалиги вужудга келиб, мева ва сабзавот маҳсулотлари нархларининг тушиб кетишига олиб келади. Шу билан биргаликда, сотилмай қолган маҳсулотларни сақлаш имконияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли, уларнинг катта ҳажмдаги қисми нобуд бўлиб, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи иқтисодий субъектлар маълум даражада зарар кўришига олиб келади.

**Жаҳонда интеграцион жараёнларнинг глобаллашуви ва чуқурлашуви шароитида озиқ-овқат саноатини кластерли модел асосида ривожлантиришга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Бунда соҳанинг ички ва ташқи жиҳатдан заиф ва устунлик жиҳатлари чуқур таҳлил қилиниб, уни ривожлантириш имкониятлари ва мавжуд рисклар (хавф-хатарлар) аниқланади. Андижон вилоятида озиқ-овқат саноатини кластер асосида ривожлантириш модели жаҳон амалиётида иқтисодий гуруҳни, худуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш дастаги сифатида баҳоланади. Иқтисодий адабиётда озиқ-овқат саноати корхоналарини кластер асосида ривожлантириш модели учун қуйидаги хусусиятлар хос ҳисобланади: [7].**

- озиқ-овқат кластери корхоналарининг ташқи бозорларни эгаллаш имкониятларининг юқорилиги;

- озиқ-овқат кластери корхоналарини барқарор ривожлантириш учун улар жойлашган худудда барча шарт-шароитларнинг яратилиши мавжудлиги;

- озиқ-овқат кластерига аъзо бўлган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг таъ-

сирчан механизми яратилганлиги ва гуруҳга аъзо корхоналар иқтисодий фаолияти самарадорлигининг юқори даражаси.

Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини кластер асосида ривожлантириш бўйича жаҳонда кенг қўлланиладиган усуллар бу ихтисослашган ва нуқтали кластерлар фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади. Ихтисослашган кластерлар – кластерга жамланган саноат корхоналари фаолиятини аниқ бир хил турдаги истеъмол товарлари бозорига йўналтирилишини назарда тутди. Бу турдаги кластерлаштириш вертикал (харид ва сотиш занжири) ва горизонтал йўналишлардаги алоқалардан кенг фойдаланиш имкониятини беради. Ихтисослашган озиқ-овқат саноати корхоналари жамланган кластерлар бутун бир мамлакат, шу билан биргаликда, турли хорижий мамлакатларда ўз филиалларини очиш орқали озиқ-овқат тармоғини яратишга эришишлари мумкин.

Андижон вилоятида жойлашган озиқ-овқат саноати корхоналари ўртасида ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг барқарорлашиши натижасида рақобатбардошликнинг ортиши, худудда ишлаб чиқарилаётган қўшилган қиймат яратиш ҳажмини ошириш ва бозорда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилиши учун имкониятлар яратиш нуқтали кластерлар фаолиятини ташкил этишни англатади. Бу турдаги кластерлар фаолиятини ташкил этиш орқали мамлакат худудини маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашувини оширишга эришилади [7].

Саноат корхоналари рақобатбардошлиги интеграл кўрсаткич ҳисобланиб, хўжалик юритиш фаолияти билан боғлиқ бўлган қатор омилларнинг ўзаро алоқадорлигида ўз аксини топади. Фикри-мизча, озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлиги кўрсаткичига таъсир кўрсатувчи омилларни кластерли ёндашув асосида маҳсулот рақобатбардошлиги бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу турдаги рақобатбардошлик кўрсаткичига таъсир кўрсатувчи омилларни гуруҳлаш 1-расмда келтирилган тартибда амалга оширилиши лозим.

Бугунги кунда Андижон вилоятида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Жумладан, вилоятда “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини ривожлантириш стратегиясида [10] ва 2021-2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва

инновациялар тизимини устувор ривожлантириш концепциясида [11] белгиланган устувор вази-фалар республиканинг озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга қаратилган ҳисобланади. Шу билан биргаликда, мамлакатимиз озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси» [12] ташкил этилди.

**Жамғарма томонидан озиқ-овқат саноати корхоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:**

- харажатларнинг 50 фоизи миқдорда;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлашга, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда;



**1-расм. Озиқ-овқат кластерлари корхоналарининг рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг гуруҳланиши [8]**

- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг инфратузилмасини яратишга, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда;


- озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасига хорижий экспертларни жалб қилишга, лекин ҳар бир лойиҳа учун 50 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда.

**Қўйидагиларни назарда тутувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб берилади:**

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб беришга субсидиялар ажратишга доир тартиб-таомиллар;
- ташаббускорларнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари;
- ташаббускорларга субсидия ажратишни рад этишнинг асослари ҳамда уларнинг ариза билан қайта мурожаат қилиш ёхуд юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқи [13].

Сўнгги йилларда Андижон вилояти озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлиги даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларда республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича ихтисослаштиришга устуворлик қаратилмоқда. Натижада вилоят бўйича 6 та туман мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилди [14], (2-расмга қаранг).

**Андижон вилоятида  
жойлашган озиқ-овқат  
саноати корхоналари ўртасида  
ўзаро ижтимоий-иқтисодий  
муносабатларнинг барқарорла-  
шиши натижасида рақобатбардо-  
шликнинг ортиши, ҳудудда ишлаб  
чиқарилаётган қўшилган қиймат  
яратиш ҳажмини ошириш ва  
бозорда ишлаб чиқарилган  
маҳсулотлар сотилиши учун  
имкониятлар яратиш нуқтали  
кластерлар фаолиятини ташкил  
этишни англатади.**



**2-расм. Инновацион йўналишдаги озиқ-овқат саноати ҳудудий ихтисослашган кластери**  
**Манба:** муаллиф томонидан ишланган.

Андижон вилоятида озиқ-овқат саноати корхоналарини кластерли ривожлантиришнинг инновацион йўналишдаги ҳудудий ихтисослашган кластерини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Озиқ-овқат саноати тармоқларида иқтисодий ўсишга, асосан унумдорлик кўрсаткичларини ошириш ҳисобига эришиш муайян вақт ўтиб бориши билан тобора юқорироқ натижа бериб боради. Ўз навбатида озиқ-овқат саноати тармоқларида унумдорлик кўрсаткичларининг аҳамиятининг ўсиши ва ҳисобланиши ўзининг долзарблигини оширади. Чунки ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий самарадорликка экстенсив омилларининг таъсири нисбатан пасайиб бориш тенденциясига эга.

**1-жадвал**

**Андижон вилояти озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлиги даражасини баҳолашнинг эконометрик усулида фойдаланиладиган кўрсаткичлар**

Йиллар (T)	Иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индекси (Y)	Меҳнат унумдорлиги (млн сўм) (X <sub>1</sub> )	Фондлар қиймати (млн. сўм) (X <sub>2</sub> )	Фондлар билан қуролаш даражаси (млн. сўм) (X <sub>3</sub> )
2016	0,71	182,3	2,03	89,8
2017	0,73	234,2	2,42	96,7
2018	1,00	237,1	2,43	97,6
2019	1,07	254,4	2,52	100,9
2020	1,09	275,5	2,83	102,3
2021	1,12	314,1	2,91	105,1

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индекси 2016-2021 йилларда қарийб 1,6 марта ортган ҳолда, мос равишда 0,71 дан 1,12 коэффицентга етди. Вилоят озиқ-овқат саноати тармоқларида хўжалик фаолияти юритаётган корхоналарнинг рақобатбардошлиги даражасининг ортишида айнан қай-

си омиллар муҳим аҳамият касб этаётганини баҳолаш лозим.

Танланган кўрсаткичларда натижавий ва унга таъсир этувчи омиллар ўзаро турли бирликларда келтирилган, логарифмик функция асосида уларни ўзаро бир хил қийматдаги кўрсаткичларга келтирилди.



## 2-жадвал

## Логарифмик функция асосида ҳисобланган кўрсаткичлар

T	LN Y	LN X <sub>1</sub>	LN X <sub>2</sub>	LN X <sub>3</sub>
1	-0,34249	5,205654	0,708036	4,497585
2	-0,31471	5,456175	0,883768	4,571613
3	0	5,468482	0,887891	4,580877
4	0,067659	5,538908	0,924259	4,61413
5	0,086178	5,618588	1,040277	4,62791
6	0,113329	5,749711	1,068153	4,654912

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индексининг (Y) ривожланишига таъсир кўрсатувчи меҳнат унумдорлиги (X<sub>1</sub>), фондлар қиймати (X<sub>2</sub>), фондлар билан қуролланиш даражаси (X<sub>3</sub>) омиллар ўртасидаги корреляцион ва регрессион таҳлил

орқали аниқланади. Жумладан, танланган кўрсаткичлар ўртасидаги ички боғлиқлик озиқ-овқат саноати корхоналарининг фондлар билан қуролланиш даражасида бошқа кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлиб, уни тавсифловчи корреляция коэффициенти 0,77 га тенг бўлди.

## 3-жадвал

2016-2021 йилларда Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индекси билан унга таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги ички боғлиқлик баҳолашнинг корреляцион-регрессион таҳлили натижалари

Корреляцион-регрессион таҳлил кўрсаткичлари	Меҳнат унумдорлиги (млн сўм) (X <sub>1</sub> )	Фондлар қиймати (млн. сўм) (X <sub>2</sub> )	Фондлар билан қуролланиш даражаси (млн. сўм), (X <sub>3</sub> )
Бир нечта R	0,832609123	0,825463779	0,875959626
R-квадрат	0,693237951	0,681390451	0,767305266
Нормаллаштирилган R-квадрат	0,616547439	0,601738063	0,709131583
Стандарт хатолик	0,128656644	0,131117541	0,112053308
“Y” коэффициенти	-5,27303477388542	-1,282853602	-15,22638868
“X” коэффициенти	0,945838989073569	1,325576472	3,30229079
Кузатувлар даври	6	6	6

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида иқтисодий ўсиш даражаси умумий индекси билан меҳнат унумдорлиги (корреляция коэффициенти 0,69) ва фондлар қиймати (корреляция коэффициенти 0,68) ўртасидаги ички боғлиқлик кўрсаткичлари деярли бир хиллигини кўриш мумкин.

Амалга оширилган корреляцион-регрессион таҳлиллар натижаларига асосланган ҳолда, ўрта муддатли истиқболда Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида иқтисодий ўсиш даражаси умумий индексининг ривожланишига оид прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Таҳлилларга кўра, кейинги йилларда вилоятда озиқ-овқат саноати корхоналарининг фондлар билан қуролла-

ниш даражасини ошириш ҳисобига юқори иқтисодий ўсиш даражасига эришиш мумкин бўлади (4-жадвалга қаранг).



4-жадвал

**Ўрта муддатли истиқболда Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида иқтисодий ўсиш даражаси умумий индексининг ривожланишига оид прогноз кўрсаткичлар**

Иқтисодий ўсиш даражаси умумий индексини ривожлантириш йўналишлари	2022 й*	2023 й*	2024 й*	2025 й*	2026 й*
Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига $Y = 1,5179\ln(X) - 0,4226$	1,3	2,3	3,2	4,2	5,1
Корхоналарнинг фондлари қийматини ошириш ҳисобига $Y = 5,5544\ln(X) - 3,478$	8,0	9,3	10,6	12,0	13,3
Фондлар билан қуролланиш даражасини ошириш ҳисобига $Y = 8,0119\ln(X) - 5,6395$	7,9	11,2	14,5	17,8	21,1

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Хулоса ва таклифлар.** Озиқ-овқат саноатини кластерлаштириш орқали соҳанинг глобал даражадаги рақобатбардошлиги кўрсаткичи ортиши билан биргалликда қуйидаги хулосаларга эришилади:

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агробизнес субъектларини замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш;
- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини халқаро даражага мос равишда стандартлаштириш;
- импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- озиқ-овқат саноати корхоналарида инновацион лойиҳаларни ўз амалиётига татбиқ этишини рағбатлантириш;
- соҳада кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича талабларни жаҳон стандартлари асосида такомиллаштириш зарур.

**Манба ва адабиётлар**

1. Керашев А.А., Байбекова Р.А.. Организационно-экономические аспекты создания и эффективно функционирования вертикально-интегральных формирований в АПК // Вестник Адыгейского гос ун-та, 2007. № 1. с. 54-60;
2. Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунова Ш.А. Аграр сийёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги: Ўқув қўлланма. – Т.: «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси» босмаҳонаси нашриёти, 2016. 12-б.

3. Каримов М.А. Озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқариш механизмига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. «Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar» илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2020 й. 118-126 бетлар.

4. Цахилова В.Ф. Развитие организационно-экономического механизма хозяйствования промышленных предприятий. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. к.э.н. Москва – 2010. с. 24

5. Сальников В.А., Галимов Д.И. Конкурентоспособность отраслей Российской промышленности – текущее состояние и перспективы. [Электронный ресурс] Текст. с. 55-84. <https://ecfor.ru/wp-content/uploads/2006/fp/2/04.pdf>

6. Лусин М. Н. Создание инфраструктуры регионального кластера субъектов малого предпринимательства АПК в форме аграрного инфраструктурного парка // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2013. № 4. С. 83.

7. Umarov, I. Y. (2019). Social And Economic Essence And Main Objectives Of Food Market. In World Science: Problems And Innovations (pp. 121-123).

8. Васильев К.А. Развитие кластеров в аграрной сфере региона и оценка их эффективности / Экономика и предпринимательство. 2017. № 4 (ч. 2). с. 333-338.

9. Колесниченко Е.А., Савинова О.В. Кластерный подход как инструмент создания благоприятного инвестиционного и делового климата в системе обеспечения конкурентоспособности территории // Социально-экономические явления и процессы. 2016. № 2 (60). с. 45-47.

10. Умаров, И. Ю., & Бурибоевой, И. А. (2019). Пути повышения конкурентоспособности предпри-

ятий пищевой промышленности. *Zbiór artykułów naukowych recenzowanych.*, 39.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишини янада ривожлантириши тўғрисида”ги ПФ-6159-сон Фармонида 1-илова, 03.02.2021 й. <https://lex.uz/docs/5262596>

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириши ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4821-сонли Қарори. 09.09.2020 й. <https://lex.uz/docs/4990322>

13. Umarov, I. Y. (2019). *Forecasting the economic efficiency of entrepreneurship activity in the food industry by means of econometric models. ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ*, (2 (122)), 20.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришига ихтисослаштириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4709-сон Қарори, 11.05.2020 й. <https://lex.uz/docs/4810300>

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. // [lex.uz](https://lex.uz)

**Андижон вилоятида озиқ-овқат кластерлари корхоналарининг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар**

**Баҳромжон Рўзимов,**

Андижон давлат университети  
таянч докторанти

**Аннотация:** Мақолада озиқ-овқат кластерлари корхоналарининг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Шунингдек, соҳанинг жаҳон бозоридаги ўрни, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришига ихтисослашганлиги, ички бозорда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот билан биргаликда унга ўхшаш бўлган, яъни ўрнини босувчи импорт

маҳсулотларининг бозордаги сотув ҳажмлари ўртасидаги нисбатлар ҳам очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** рақобатбардошлик, ишлаб чиқариш, импорт маҳсулотлари бозори, сотув ҳажми, агрокластер, озиқ-овқат кластери, ақлли қишлоқ хўжалиги, рақобат муҳити.

**Факторы, влияющие на конкурентоспособность предприятий продовольственного кластера Андижанской области**

**Баҳромжон Рўзимов,**

докторант Андижанского государственного университета

**Аннотация:** в статье исследованы факторы, влияющие на конкурентоспособность предприятий продовольственного кластера. Также выявлены положение отрасли на мировом рынке, специализация на экспортоориентированном производстве, соотношение между объемом продаж импортной продукции, аналогичной ей, т.е. заменителей внутреннего рынка.

**Ключевые слова:** конкурентоспособность, производство, рынок импорта, объем продаж, агрокластер, продовольственный кластер, умное сельское хозяйство, конкурентная среда.

**Factors affecting the competitiveness of food cluster enterprises in Andijan region**

**Bakhromjon Ruzimov,**

Doctoral student of Andijan State University

**Abstract:** the article examines the factors affecting the competitiveness of food cluster enterprises. The position of the industry in the world market, specialization in export-oriented production, the ratio between the volume of sales of imported products similar to it, i.e. substitutes for the domestic market.

**Keywords:** competitiveness, production, import market, sales volume, agricultural cluster, food cluster, smart agriculture, competitive environment.

УЎК: 338.43.01

**Дарья ИЛЬИНА,**  
*руководитель проекта Института прогнозирования и  
макроэкономических исследований,*  
**E-mail: daryailina@gmail.com,**  
**Алексей КИМ,**  
*старший научный сотрудник Института прогнозирования и  
макроэкономических исследований,*  
**E-mail: a.kim25@mail.ru**


## Мировая продовольственная ситуация: как реагировать Узбекистану?

**Введение.** Мировой рынок продовольствия в настоящее время весьма нестабилен. Резкий рост мировых цен на продовольствие начался с пандемии коронавируса в мае 2020 года и по настоящее время цены находятся на достаточно высоком уровне.

Конфликты в мире и отсутствие продовольственной безопасности всегда сопутствуют друг другу. Стабильное и устойчивое развитие продовольственных систем просто невозможно без мира. Тем более в глобализованном мире конфликт в одном регионе оказывает влияние на всю планету. Результат текущей нестабильной геополитической обстановки мы все можем уже увидеть в динамике мировых продовольственных цен.

**Текущая ситуация на мировом рынке продовольствия**

В марте 2022 года, по данным ФАО, цены на продовольствие достигли самого высокого уровня с 1990 года (т.е. с начала проведения их мониторинга). Это было обусловлено рекордным повышением цен на растительные масла, зерновые и мясо и значительным ростом цен на сахар и молочную продукцию. После “первого шока” цены медленно стали спускаться. При этом в июле 2022 года отмечено резкое снижение среднего значения Индекса продовольственных цен ФАО, которое составило 140,9 пункта, что на 8,6% ниже показателя июня; однако этот показатель все еще на 3,9% выше показателя января и на 13,1% выше, чем год назад [1].



**Рис. 1. Динамика индекса цен ФАО на продовольствие (2014-2016=100)**

**Источник:** составлено на основе данных ФАО.

В 2007-2008 годах, когда мировые цены на продовольственные товары резко возросли, глобальные запасы продовольствия были низкие, а цены на нефть – высокие. При очередном резком взлёте цен на продовольствие в 2010-2011 годах, производство продовольственных товаров в крупнейших странах-экспортерах из-за погодных катаклизмов существенно снизилось.

Во время пандемии коронавируса производство важнейших продовольственных культур (пшеницы, риса, кукурузы) было выше среднего, нефтяные цены упали, а запасы продовольствия в мире как никогда велики. Таким образом, в мире было достаточно продовольствия, чтобы удовлетворить спрос населения, но цены все же росли. Эконо-

мическую ситуацию ухудшали в первую очередь ограничительные меры, которые во всем мире правительства вводили, чтобы остановить распространение коронавируса. Закрытие границ, карантин и нарушение функционирования рынков, цепочек поставок и торговли ограничивали доступ людей к достаточным/разнообразным и питательным источникам продовольствия, особенно в странах, сильно пострадавшим от вируса или уже ранее столкнувшимся с высоким уровнем отсутствия продовольственной безопасности.

В настоящее время мировое производство также достаточно высоко. Например, в июле FAO увеличила прогноз по мировому производству зерновых в 2022 году на 7 млн тонн относительно прогноза, сделанного месяцем ранее: ожидается, что урожай достигнет 2792 млн тонн, но это на 0,6% ниже рекордного уровня 2021 года и в тоже время превышает уровни предыдущих 3 лет (2018-2020 годы) [2].

Однако, фермеры многих стран мира высказывают свои производственные затруднения в связи с небывалым ростом цен на удобрения, топливо, электроэнергию, комбикорма, что окажет негативное последствие на будущие урожаи.

Также, в разных странах мира потребители, беспокоясь о будущем и стремясь сделать запасы продуктов питания для своих семей, делают закупки «про запас», что приводит к невиданному спросу на некоторые товары и росту цен.

*Примером, такого массового ажиотажа в Узбекистане может быть «погоня за сахаром», наблюдающаяся в мае-июне этого года. Причиной являлась сезонность, умноженная на наблюдающуюся нестабильность на мировом рынке, что привело к отсутствию у населения определенности и уверенности в достаточности сахара на внутреннем рынке и стабильности цен на него в перспективе. Дополнительным фактором, вытекающим из закона спроса и предложения (выше спрос – выше цена), послужило желание продавцов получить большие прибыли на пустом месте. Таким образом, самый резкий рост сахарных цен был отмечен в период с 10 мая по 10 июня – на 45%. Начиная с 13 июня ситуация на рынке сахара начала нормализоваться - по результатам торгов котировки сахара снизились на 17,7% по отношению к результатам предыдущих торгов. 14 июня биржевая цена на сахар вернулась на уровень цен, наблюдающийся в республике в середине мая.*

### **Риски на мировом рынке продовольствия**

В ближайшей перспективе (2022 год) реальный риск для мирового рынка продовольствия, прежде всего, представляют решения многих стран увеличить запасы продовольствия, вводимые торговые ограничения, разрыв прежних цепочек поставок и логистические проблемы в результате возникшего конфликта, а не недостаток продовольствия.

Представители России, Украины, Турции и ООН 22 июля подписали соглашение о вывозе украинского зерна через Черное море. Действие соглашения о вывозе зерна из портов Украины составляет 120 дней и будет автоматически продлен, если ни одна из сторон не сообщит, что хочет его прекратить. На фоне подписания соглашения о возобновлении поставок украинского зерна цена фьючерсов на поставку зерна в сентябре на чикагской бирже упала почти на 5%, а цена мукомольной пшеницы – больше чем на 3%. Утром 1 августа из Одесского порта (Украина) вышло первое с 24 февраля судно с кукурузой. За 9 дней работы зернового коридора из портов Черного моря вышло 12 судов, которые вывезли более 370 тыс. тонн агропродукции в 7 стран мира<sup>1</sup>. Отправка пшеницы в период с 1 по 9 августа еще не осуществлялась, в основном были отправки кукурузы, растительного масла и сои. Чтобы вывезти все экспортное зерно, как было запланировано (до 24 февраля), необходимо примерно 527 судов, а вывоз зерна неморскими путями нерентабелен для украинских фермеров. Поэтому сейчас трудно сказать сохранит ли Украина экспорт зерновых на уровне близком к прошлому году.

Как будет развиваться ситуация на мировом рынке в дальнейшем пока не очевидно. На это окажет влияние продолжительность военного конфликта, его интенсивность и географические масштабы.

Военный конфликт уже нанес огромный ущерб аграрному сектору Украины. Это вызывает серьезные опасения относительно способности страны продолжать производить и экспортировать продукты питания в будущем.

Хотя никаких последствий для сельскохозяйственного производства в Российской Федерации не предвидится, международные санкции, введенные против страны, могут прямо или косвенно нанести экономический ущерб российскому сельскому хозяйству в будущем. Последствиями могут быть: потеря части экспортных рынков, со-

1 <https://www.apk-inform.com/ru/news/1528629>

кращение производства экспортоориентированных культур, меньшее использование импортных семян и пестицидов<sup>2</sup> приведет к сокращению посевных площадей, урожайности и/или качества продукции.

Согласно Индексу цен на продовольствие ФАО, мировые цены на продовольствие уже были высокими до начала конфликта. Военный конфликт усилил давление на цены. Хотя котировки некоторых сырьевых товаров с марта 2022 года снижаются, мировые цены на продовольствие в целом остаются довольно высокими.

Мировой рынок удобрений также столкнулся с ростом цен из-за конфликта. Например, международные котировки на мочевину (N), фосфаты (P) и калий (K) достигли рекордно высокого уровня в апреле 2022 года, особенно калий, который с начала года вырос более чем на 150% [3]. Высокие цены снижают доступность и использование удобрений в производстве, что в дальнейшем приведет к снижению урожайности сельхозкультур и ухудшению качества продукции (например, к более низкому уровню белка в продовольственной пшенице).

Сельское хозяйство потребляет большое количество энергии как напрямую, за счет использования топлива, газа и электричества, так и косвенно, за счет использования сельскохозяйственных химикатов, таких как пестициды, ГСМ и удобрений. Россия также является ключевым игроком на мировом энергетическом рынке. Её поставки угля, нефти и газа составляют соответственно 18, 11 и 10% мирового экспорта. Резкий рост цен на энергоносители, сопровождавший конфликт, также может привести к росту использования сельскохозяйственного сырья для производства биотоплива.


Таким образом, в ближайшей перспективе предпосылок для резкого снижения продовольственных цен на мировом рынке нет. Возможно снижение мирового сельскохозяйственного производства в предстоящие ближайшие годы.

### Ситуация в Узбекистане

Рост индекса потребительских цен (ИПЦ) на продовольственные товары в июле 2022 года к декабрю 2021 года составил 107,7%. Основным дви-

жущим фактором продуктовой инфляции является рост цен на продукцию на мировом рынке и соответственно поступающее на рынок Узбекистана импортное продовольствие. К примеру, согласно данным Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике, цены на сахар-песок с начала 2022 года возросли на 50,1%, муку пшеничную – 36,9%, на подсолнечное масло – на 12,0%.

Однако, стоит отметить, что благодаря предпринимаемым мерам, Узбекистану удалось, в отличие от многих других стран региона, сдержать продовольственную инфляцию на уровне ниже 10,0%.



**Рис. 2. Динамика ИПЦ на продовольственные товары за январь-июль 2022 г., в % к декабрю 2021 года**

**Источник:** составлено на основе данных Госкомстата РУз и ЕАЭС.

Дополнительную поддержку доступности питания в республике и диверсификацию питания обеспечивает развитие импорта продовольственной продукции. За январь-июнь 2022 года объем импорта продовольственных товаров составил 1 617,8 млн. долл. США, увеличившись по сравнению с аналогичным периодом 2021 года на 35,8%.

Основной объем импорта в денежном эквиваленте за данный период приходится на пшеницу – 375,4 млн долл США (доля в продовольственном импорте – 23,2%), тростниковый сахар-сырец – 185,3 млн долл. США (11,5%), маргарин и комбиджир – 155,7 млн долл. США (9,6%), мясо крупного рогатого скота – 98,6 млн долл. США (6,1%), муку пшеничную – 63,4 млн долл. США (3,9%) и картофель – 55,5 млн долл. США (3,4%) [7].

В целях обеспечения потребностей населения нашей республики в отдельных видах продовольственных товаров с 1 мая 2022 года по 1 января 2023 года установлены нулевые ставки таможенных пошлин [4] на ввоз 22 видов потребительских

тов,  
,  
и  
19 млн.

и продовольственных товаров, в т.ч. на рыбу, молочную продукцию, бананы, цитрусовые плоды, кофе, сливочное масло, яйца и др. Также до конца текущего года установлены нулевые ставки таможенной пошлины при ввозе мяса домашней птицы, пшеничной муки, зерна и подсолнечного масла.

### **Риски для Узбекистана**

Вводимые ограничения странами -основными торговыми партнерами несут риск дефицита на внутреннем рынке отдельных продовольственных товаров, по которым преимущественно весь объем импорта покрывается одним поставщиком, без принятия своевременных мер. Так в 2021 году Казахстан поставил в Узбекистан 99,4% всей импортируемой пшеницы и 97,2% пшеничной муки, Россия – 73,1% растительного масла, 80,8% маргарина, 82,3% шоколада и какао содержащих продуктов. При этом, Казахстан в апреле 2022 года ограничил экспорт зерна и муки, введя квоты изначально до 15 июня текущего года, которые были продлены до 30 сентября. Также Россия с 15 апреля до 31 августа 2022 г. ввела квоту на экспорт подсолнечного масла в объеме 1,5 млн тонн, а с 1 апреля введен запрет на поставки за рубеж подсолнечника и рапса.

Аналитики аграрного рынка подчеркивают<sup>3</sup>, что в 2022/23 маркетинговом году экспортный потенциал у Казахстана в сегменте пшеницы (включая продукты переработки в пересчете на зерно) сократится до 8 млн тонн против 8,2 млн тонн в предыдущем сезоне, что также обусловлено низкими начальными запасами.

В части растительного масла, экспортные ограничения в рамках Таможенного Союза могут сформировать четырехкратное сокращение запасов подсолнечного масла в Узбекистане к концу текущего маркетингового года, что является минимальным показателем с сезона-2017/18 [5].

Сохранение высоких мировых продовольственных цен будет оказывать давление на цены на продовольственные товары на внутреннем рынке Узбекистана. В первую очередь это относится к импортируемому продовольствию. Применяемые методы регулирования цен (отмена таможенных пошлин, НДС, запреты на экспорт) имеют ограничения и могут удержать цены на уровне более близком (+расходы на транспортировку и др. расходы при осуществлении импорта) к цене страны-поставщика.

Вследствие возможного роста цен за ним последует увеличение доли расходов на продовольственные товары в доходах населения. В настоящее время 40-50% доходов населения Узбекистана и так тратится на продукты питания. При этом, рост цен на продукты питания сильнее отразится на бюджете жителей с наименьшими доходами.

### **Что делать в сложившейся ситуации?!**

Несмотря на нестабильную ситуацию на мировом рынке продовольствия, поводов для серьезных беспокойств нет. Населению не стоит закупаться впрок продовольствием, так как цены в перспективе могут также продолжить тенденцию к снижению, а всплески ажиотажного спроса только усилят давление на цены на внутреннем рынке.

В целях развития и улучшения состояния продовольственной безопасности, обеспечения населения продуктами питания рекомендуется дальнейшее наращивание предложения продовольствия на внутреннем рынке, как за счет роста собственного производства по возможным продовольственным позициям, так и наращивания импорта по адекватным ценам. Необходимо также постепенно преодолеть зависимость поставок отдельных товаров (пшеницы, мяса, растительного масла) от одной страны - традиционного поставщика, т.е. обеспечить диверсификацию поставок и проработать наиболее оптимальные маршруты для импорта [6].

Например, одним из возможных альтернативных вариантов крупных поставок мяса является Индия (15-ый крупнейший экспортер мяса в мире), которая имеет опыт больших поставок мяса (халяль) в такие страны, как Египет, Ирак, ОАЭ, Саудовская Аравия, Алжир, Оман и другие.

В части импортных тарифов рекомендуется ввод временных сезонных ставок для обеспечения населения свежими фруктами по максимально доступным ценам вне зависимости от времени года. Также необходимо усилить меры по мониторингу цен на внутреннем рынке и недопущению необоснованного роста цен. Предпринимателям рекомендуется не ставить значительную наценку на “социальное” продовольствие – формовой хлеб, муку, растительное масло, сахар.

Необходимо рассмотреть вопрос усиления социальной помощи малоимущим и уязвимым слоям населения при возникновении ситуаций резкого роста цен на основные продовольственные товары.

### Источники и литература

1. Индекс цен Продовольственной и сельскохозяйственной организации ООН (ФАО). <https://www.fao.org/worldfoodsituation/foodpricesindex/ru/>.
2. Публикуемая ФАО сводка предложения зерновых и спроса на зерновые. <https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru/>.
3. FAO. 2022. Food Outlook – Biannual Report on Global Food Markets. Rome. <https://doi.org/10.4060/cb9427en>.
4. Указ Президента Республики Узбекистан от 31.05.2022 г. №УП-145 «О дополнительных мерах по обеспечению стабильности цен на потребительских рынках и повышению действенности антимонопольных мер».
5. Еженедельный информационно-аналитический журнал «АПК-ИНФОРМ» № 26 | 9 июля 2022г.
6. Ильина Д.Н. «Состояние продовольственной безопасности в Узбекистане и возможные риски на перспективу». Журнал «Экономика: анализы и прогнозы» №1(17) январь-март 2022 с. 49-59.
7. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Структура импорта продовольственных товаров за январь-июнь 2022 года. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novostigoskomstata/24816-struktura-importa-prodovolistvennykh-tovarov-za-yanvar-iyun-2022-goda>.

### Мировая продовольственная ситуация: как реагировать Узбекистану?

**Дарья Ильина,**  
руководитель проекта Института  
прогнозирования и  
макроэкономических исследований,  
**Алексей Ким,**  
старший научный сотрудник Института  
прогнозирования и  
макроэкономических исследований

**Аннотация:** в настоящее время мировой продовольственный рынок весьма нестабилен. Последствия пандемии коронавируса, а также новые конфликты усугубили продовольственный кризис, что привело к росту цен во всем мире. В статье проведен анализ текущей продовольственной ситуации в мире и Узбекистане, выявлены риски и факторы, влияющие на рост цен, а также даны рекомендации, как действовать в сложившейся ситуации.

**Ключевые слова:** продовольственная безопасность, сельское хозяйство, продовольственное обеспечение, производство продуктов питания, импорт, цены на продовольствие, инфляция.

### Jahonda oziq-ovqat mahsulotlari bilan bog'liq vaziyat: O'zbekiston qanday yo'l tutmog'i lozim?

**Darya Iina,**  
Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar  
instituti loyiha rahbari,  
**Aleksey Kim,**  
Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar  
instituti katta ilmiy xodim

**Аннотация:** hozirgi vaqtda jahon oziq-ovqat bozori juda beqaror. Koronavirus pandemiyasining oqibatlari, shuningdek, yangi mojarolar oziq-ovqat inqirozini yanada kuchaytirdi va butun dunyo bo'ylab narxlarni oshirdi. Ushbu maqolada dunyo va O'zbekistondagi oziq-ovqat mahsulotlari bilan bog'liq joriy vaziyat tahlil qilindi, narxlarning ko'tarilishiga ta'sir etuvchi xavf-xatar va omillar aniqlandi, shuningdek, bunday vaziyatda qanday harakat qilish bo'yicha tavsiyalar berilgan.

**Калит so'zlar:** oziq-ovqat xavfsizligi, qishloq xo'jaligi, oziq-ovqat bilan ta'minlash, oziq-ovqat ishlab chiqarish, import, oziq-ovqat narxlari, inflyatsiya.

### World food situation: how should Uzbekistan react?

**Darya Iina,**  
Project Manager of the Institute of Forecasting and  
Macroeconomic Research  
**Aleksey Kim,**  
Senior Researcher of the Institute of Forecasting and  
Macroeconomic Research

**Abstract:** currently, the global food market is very unstable. The effects of the coronavirus pandemic, as well as new conflicts, have exacerbated the food crisis, leading to rising prices around the world. The article analyzes the current food situation in the world and Uzbekistan, identifies risks and factors affecting price increases, and gives recommendations on how to act in this situation.

**Keywords:** food security, agriculture, food supply, food production, import, food prices, inflation.



УЎК: 338.2.65.011

**Дониёрбек САРИМСАҚОВ,**  
*Андижон машинасозлик институти*  
*"Транспорт ва Логистика" факультети декани,*  
**Email: Asiqtisod@gmail.com**

## Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини ошириш

**Кириш.** Ўзбекистонда сўнгги йилларда инновацион иқтисодиётни шакллантириш, уни ривожлантириш бўйича кенг кўламли иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли, «Иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиқиб илмий фаолият натижалари, инновацион маҳсулотлар ва хизматлар, шу жумладан янги қурилмалар, материаллар ҳамда технологияларни яратиш, жорий этиш, кўпайтириш ва уларни тижоратлаштириш[1]» масалалари амалга оширилиши зарур.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда инновацион бошқарувни ташкил этиш тамойиллари ва усулларини такомиллаштириш, саноат корхоналарининг инновацион бошқарув самарадорлигини баҳолаш, инновацион бошқарув стратегияси ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2021 йил 1 апрелдаги ПҚ-5047-сон «Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида мавзунинг долзарблигини очиб берадиган асосий вазифалар амалга оширилган.

**Адабиётлар шарҳи.** Саноат корхоналарига инновацияларни жорий этиш, уларни ривожлантириш, бошқариш жараёнларини самарали ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилган. Жумладан, иқтисодчи Ю.В.Вертакова фикрича “инновация тушунчаси ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги

янгиликларни жорий этиш бўйича интеллектуал фаолият натижасидир”, деб ҳисоблаб, унинг қуйидаги белгиларини ажратиб кўрсатган: “янгилик, яъни янги сифат кўрсаткичлари; янгиликларни амалиётга татбиқ этиш орқали истеъмолчилар нуқтаи назаридан нафтлилик ва хавфсизлик даражасининг ортишига эришиш; юқори иқтисодий самарадорликка эришиш; корхона ёки маҳсулотнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичининг такомиллашуви” [2].

П.Н. Завлин ўз тадқиқотларида корхоналар инновацион бошқарувининг уч жиҳатини ажратиб кўрсатган: “инновацияларни бошқариш санъати ва у билан боғлиқ бўлган фан; корхонадаги инновациялар жараёнида бошқарув қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлган фаолият тури; корхонанинг инновацияларни бошқаруви аппарати” [15].

А.В.Полукеева эса корхонанинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган ички эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда инновацион бошқарув мақсадлари қуйидагиларда ўз аксини топади, деган фикрни билдирган. Булар: ишлаб чиқариш босқичлари тизимини тўлиқ янгилаш ҳисобига унинг самарадорлигини ошириш; корхонанинг илмий, илмий-техник, интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятларидан ўзаро муносибликда самарали фойдаланиш асосида унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичини ошириш [8].

К.Н.Горпинченко, А.Г. Прудниковлар илмий тадқиқотларида корхонанинг “инновацион бошқарув мақсадлари дарахти”ни шакллантиришда инновацион бошқарув даражаларини таҳлил этиш талаб этилади ва мақсадлар дарахти даражалари инновацион бошқарув даражаларига мос ҳолда ташкил топади, деган фикрни билдирганлар. Шунингдек, инновацион бошқарувни икки даражага

ажратган, яъни: стратегик инновацион бошқарув – бу корхонанинг узок муддатли даврда иқтисодий ўсиш ва ривожланишининг стратегик йўналишларини аниқлатади; функционал (оператив, тезкор) инновацион бошқарув – бунда эътибор корхонадаги инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, инновацион ишланмалар, инновацияларни амалиётга татбиқ этиш, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади [3].

**Асосий қисм.** Мамлакатимиз саноат корхоналарида инновацион бошқарув самарадорлигини оширишда корхонанинг стратегик ривожланиш мақсадларида инновацион фаолиятга оид ривожланиш йўналишларини шакллантириш, инновацияларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда инновацион бошқарув мақсадлари дарахтини шакллантиришда юқорида таклиф этилган усулдан фойдаланиш юқори

самарадорликка эришиш билан бир қаторда, корхонанинг инновацион ривожланишининг барқарорлигини таъминлаш учун замин яратади.

Саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқариш самарадорлиги, унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичининг яхшиланишига қандай дастаклар орқали таъсир этиши мумкинлиги 1-расмда келтириб ўтилган.

**Саноат корхоналарида инновацион бошқарув самарадорлигини умумий ҳолда баҳолаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди:**

$$ИБХС_{\text{коэф}} = \sum \frac{ИБСК}{1000} * 100\% \quad (1)$$

Бу ерда:

$ИБХС_{\text{коэф}}$  – саноат корхонасининг инновацион бошқаруви ҳолати ва унинг самарадорлиги коэффициенти.

$\sum ИБСК$  – саноат корхонасининг инновацион бошқарув ҳолати ва самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича қайд этган натижаларининг йиғиндиси.



**1-расм. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқаришнинг рақобатбардошлик даражасининг ортишига таъсири**

**Манба:** муаллиф томонидан ишланган.

Саноат корхоналари инновацион фаолиятини бошқариш самарадорлигини баҳолашда янги технологияларни ўзлаштириш, кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш харажатлари ҳамда прогрессив техникаларнинг ўртача йиллик қиймат омилларини

ҳисобга олган ҳолда аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Саноат корхоналарини инновацион салоҳиятини баҳолашда рейтинг усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунинг учун рейтинг усулини корхона, тармоқ ва соҳалар кесимида ёки

худудларнинг инновацион салоҳиятини баҳолашда фойдаланиш мумкин. Бундай рейтингли баҳолаш усулини амалиётга жорий этиш натижасида корхоналар фаолиятини ривожлантириш, рақобатбардошлик даражасини ошириш борасида янги имкониятларни излаб топишдан иборатдир (1-жадвал).

Биз томондан таклиф этиладиган рейтинг усулида салоҳият бошқа усулларга ўхшаб 0 дан 100 балгача бўлган ораликда баҳоланади. Ушбу услубиётдаги баҳолаш кўрсаткичларини аниқлашда мезонларга асосланган ҳолда рейтингни белгилаш талаб этилади.

## 1-жадвал

## Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш рейтинг мезонлари

Рейтинг мезонлари	Баллар
<b>1. Инновацион муҳит</b>	<b>0-30</b>
Инновацион корхона	0-10
Инновацион салоҳият	0-10
Корхонанинг рақобатбардошлик даражаси	0-5
Ишлаб чиқариш даражаси	0-5
<b>2. Ишчи ходимлар учун ажратилган капитал</b>	<b>0-15</b>
Корхонада банд бўлган ишчилар сони	0-5
Ишчи ходимларнинг меҳнат салоҳияти	0-5
Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ходимлар сони	0-5
<b>3. Инновацион фаолият натижадорлиги</b>	<b>0-20</b>
Илмий ишланма ва таклифларни бажарадиган ходимлар сони	0-5
илмий тадқиқот ва ишланмалар сони	0-5
илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган саноат корхоналар сони	0-5
саноат корхоналари бўйича жорий қилинган технологик инновациялар сони	0-5
<b>4. Инновацион фаолият учун сарфланган маблағлар</b>	<b>0-15</b>
илмий ишланма ва таклифлар учун харажатлар	0-5
маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар	0-5
техника-технологиялар учун инновацияларга харажатлар	0-5
<b>5. Корхонанинг иқтисодий ривожланиш ҳолати</b>	<b>0-20</b>
Инновацион фаол корхоналарнинг улуши	0-5
корхонанинг рентабеллик даражаси	0-5
корхонанинг меҳнат унумдорлиги даражаси	0-5
корхонанинг ялпи саноат маҳсулотларидаги улуши	0-5
<b>Жами:</b>	<b>100</b>
<b>Рейтинг мезонлари</b>	<b>Баллар</b>

**Манба:** муаллиф томонидан ишланган.

**Миллий рейтинг мезонлари бўйича саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни баҳолаш кўрсаткичларини бир неча босқичга бўлинади:**

1. Саноат корхоналарини инновацион салоҳиятни белгиловчи бошланғич маълумотлар  $k_{ij}$  кўринишидаги матрица орқали жадвал тузилади, устун кўрсаткичлари ( $i=1,2,3\dots n$ ) ва қаторида корхоналар номи ( $j=1,2,3,\dots m$ ) ёзилади.

2. Ҳар бир кўрсаткич бўйича максимал миқдор топилиб, эталон сифатида алоҳида белгилаб қўйилади.

$k_{ij}$  кўринишидаги матрица орқали бошланғич маълумотлар эталон кўрсаткичига нисбатан ифодаланади:

$$x_{ij} = \frac{k_{ij}}{\max_j} \quad (2)$$

3. Ҳар бир  $j$ - саноат корхонанинг рейтинг баҳоси қуйидагича баҳоланади:

$$R_j = \sum_{i=1}^n \sqrt{(1-x_{ij})^2} \quad (3)$$

4.  $R_j$  кўрсаткичи энг кичик бўлган саноат корхонасининг рейтинг баҳоси энг баланд бўлади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самардорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда унга миқдорий баҳо бериш орқали саноат корхонасининг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига оид омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқловчи уч омилли регрессия функцияси тузилди:

$$Y=f(YATOX, KOKOX, KPTOYQ) \quad (4)$$

Бу уч омилли функцияга таъсир этувчи омилларни ўрганган ҳолда саноат корхонасининг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми модели куйидагича кўринишга эга:

$$\ln(Y) = \beta_0 + \beta_1 * \ln(YATOX) + \beta_2 * \ln(KOKOX) + \beta_3 * \ln(KPTOYQ) + \mu, \quad (5)$$

Бу ерда:

$Y$  – саноат корхонасининг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

$YATOX$  – янги технологияларни ўзлаштириш харажатлари;

$KOKOX$  – кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш харажатлари;

$KPTOYQ$  – корхонадаги прогрессив техникаларнинг ўртача йиллик қиймати;

$\beta_0, \beta_1, \beta_2, \beta_3$  – регрессион коэффициентлар;  $\mu$  – ўртача хатолик даражаси.

Андижон вилояти иқтисодиётининг турли соҳаларида, яъни текстиль ва тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари саноатида фаолият олиб бораётган саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви самардорлигини баҳолаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда юқорида таклиф этилган баҳолаш услуги (ИБХС<sup>коэф</sup>) асосида турли саноат корхоналарининг 2017-2020 йиллардаги инновацион бошқаруви самардорлигини қиёсий таққослашни амалга оширдик (2-жадвал).

2-жадвал

**Айрим саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви самардорлигининг (ИБХСкоэф) ривожланиш тенденциялари**

№	Саноат корхоналари номи / йиллар	Инновацион бошқарув самардорлиги кўрсаткичи (ИБХСкоэф)			
		2017	2018	2019	2020
<b>Текстиль ва тўқимачилик саноати</b>					
<b>Юқори (80-100%) даража</b>					
1.	«Digital Prime Textiles» МЧЖ	78,2	80,3	81,2	84,0
2.	«Нил Гранит» МЧЖ	65,0	75,4	80,2	86,4
<b>Ўрта (40-79%) даража</b>					
1.	«GLOBAL ORIENT TEXTILES» МЧЖ	62,3	63,3	63,3	66,1
2.	«Хўжаобод Гранд текстил» МЧЖ	70,2	74,3	75,2	75,2
<b>Қуйи (0-39%) даража</b>					
1.	«Чин илҳом» МЧЖ	33,3	36,3	36,3	37,1
2.	«Best tekstile» МЧЖ	35,2	35,0	35,0	33,2
<b>Фармацевтика саноати</b>					
<b>Юқори (80-100%) даража</b>					
1.	«Макрофарм Андижон» МЧЖ	75,0	73,2	79,1	89,6
2.	«Gold Andijon Pharma» ҚК	78,7	83,2	88,1	90,1
<b>Ўрта (40-79%) даража</b>					
1.	«Gold Medicine Farm Andijan» МЧЖ	55,3	56,0	57,2	60,1
2.	«Soft Care Hy Giene» МЧЖ	44,0	46,6	50,2	53,4

Қурилиш материаллари саноати					
Юқори (80-100%) даража					
1.	«Марҳамат метан газ» МЧЖ	50,3	60,2	68,6	80,0
2.	«Sunlight Co LTD» МЧЖ ҚК	–	–	78,7	83,3
3.	«METCO PROFI» ХК	78,1	82,2	83,3	85,2
4.	«Элдаз Дизайн» МЧЖ	66,3	71,9	80,2	80,2
Ўрта (40-79%) даража					
1.	«Илғор йигирувчи» МЧЖ	–	55,3	56,0	57,2
2.	«Анджон Козимжон мраморлари» МЧЖ	–	62,3	63,1	63,5
3.	«Qurilish imkon fayz» МЧЖ	62,1	66,6	75,2	81,1
Қуйи (0-39%) даража					
1.	«Мустафо савдо қурилиш» МЧЖ	–	–	33,3	35,1
2.	«BERNINO LYUKS» МЧЖ	–	–	38,6	37,9

**Манба:** муаллиф томонидан ишланган.

Анджон вилоятидаги саноат корхоналари маълумотларидан фойдаланган ҳолда саноат корхоналари-даги инновацион муҳит кўрсаткичлари рейтингини ҳисоблаб чиқамиз. Бунинг учун корхоналарни 18 та индикатор бўйича баҳоладик (3-жадвал).

Жадвалдаги ҳар бир мезон бўйича қўйилган балларнинг энг каттасини (max) эталон сифатида белгилаб оламиз ва (2) формулага мувофиқ  $x_j$  ни ҳисоблаймиз.

### 3-жадвал

#### Анджон вилоятидаги айрим текстиль ва тўқимачилик саноати корхоналарининг инновацион салоҳият даражасини рейтинг мезонлари бўйича баҳолари, (2020 йил якунларига кўра)

Рейтинг мезонлари (i)	Корхоналар (j)	«Чин илҳом» МЧЖ	«Digital Prime Textiles» МЧЖ	«Best textile» МЧЖ	«Хўжабод Гранд текстил» МЧЖ	«Бобур ХБК» МЧЖ	«KhanTex group» МЧЖ	«Хаит текс инвест» МЧЖ	«Анджон Силк ко» МЧЖ	«Водий саноат фахри» МЧЖ	«Хатекс» МЧЖ	«GLOBAL ORIENT TEXTILES» МЧЖ	«Нил Гранит» МЧЖ	max индикатор
1	Инновацион корхона	6	8	8	8	8	7	8	8	6	6	9	8	10
2	Инновацион салоҳият	7	10	10	7	7	6	7	5	5	7	9	10	10
3	Корхонанинг рақобатбардошлик даражаси	5	5	3	3	3	4	5	5	3	3	4	5	5
4	Ишлаб чиқариш даражаси	3	5	4	2	4	4	3	3	3	3	5	5	5
5	Корхонада банд бўлган ишчилар сони	3	3	4	3	4	5	2	3	3	3	4	4	5
6	Ишчи ходимларни меҳнат салоҳияти	4	5	4	3	3	4	4	3	2	2	5	5	5
7	Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ходимлар сони	2	5	4	3	2	4	5	4	2	3	5	5	5
8	Илмий ишланма ва тақлифларни бажарадиган ходимлар сони	4	4	4	4	4	4	4	3	3	3	5	4	5
9	Илмий тадқиқот ва ишланмалар сони	3	5	4	3	3	4	5	3	3	2	4	5	5
10	Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган саноат корхоналар сони	4	4	4	3	3	5	4	3	4	4	4	4	5
11	Саноат корхоналари бўйича жорий қилинган технологик инновациялар сони	3	4	4	3	3	4	5	4	2	2	4	4	5

12	Илмий ишланма ва таклифлар учун харажатлар	3	4	4	3	3	4	5	4	3	4	5	4	5
13	Маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар	3	4	3	3	3	4	4	4	3	4	5	4	5
14	Техника-технологиялар учун инновацияларга харажатлар	2	3	4	2	2	5	4	3	4	4	5	3	5
15	Инновацион фаол корхоналарнинг улуши	2	5	3	2	2	5	4	2	3	4	5	5	5
16	Корхонанинг рентабеллик даражаси	3	4	3	3	4	5	3	4	2	3	3	4	5
17	Корхонанинг меҳнат унумдорлиги даражаси	3	4	4	3	3	5	4	5	3	4	3	4	5
18	Корхонанинг ялпи sanoat махсулотларидаги улуши	3	3	3	3	3	5	4	4	3	2	4	4	5

**Манба:** Андижон вилояти sanoati корхоналарининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб.

Натижада sanoat корхоналари кесимида стандартлаштирилган рейтинг кўрсаткичлари 4-жадвалдаги матрица кўринишида ҳосил бўлади.

4-жадвалда Андижон вилоятидаги айрим текстиль ва тўқимачилик sanoati корхоналарининг инновацион салоҳият кўрсаткичлари асосида рейтинг баҳоси (3) формула орқали ҳисобланган. Sanoat корхоналари рейтингини аниқлаш услубиётига кўра,  $R_j$  нинг қиймати энг кичик бўлган корхона рейтинг баҳоси энг юқори бўлади.

**4-жадвал**

**Андижон вилоятидаги айрим текстиль ва тўқимачилик sanoati корхоналарининг инновацион салоҳияти стандартлаштирилган рейтинг кўрсаткичлари**

$i$	$x_{ij}$	«Чин илхом» МЧЖ	«Digital Prime Textiles» МЧЖ	«Best textile» МЧЖ	«Хўжабод Гранд текстил» МЧЖ	«Бобур ХБК» МЧЖ	«Khantex group» МЧЖ	«Ханг текс инвест» МЧЖ	«Андижон Силк ко» МЧЖ	«Водий sanoat фахри» МЧЖ	«Хатекс» МЧЖ	«GLOBAL ORIENT TEXTILES» МЧЖ	«Нил Гранит» МЧЖ	ТШПТ
1	$x_{1j}$	0,6	0,8	0,8	0,8	0,8	0,7	0,8	0,8	0,6	0,6	0,9	0,8	1
2	$x_{2j}$	0,7	1	1	0,7	0,7	0,6	0,7	0,5	0,5	0,7	0,9	1	1
3	$x_{3j}$	1	1	0,6	0,6	0,6	0,8	1	1	0,6	0,6	0,8	1	1
4	$x_{4j}$	0,6	1	0,8	0,4	0,8	0,8	0,6	0,6	0,6	0,6	1	1	1
5	$x_{5j}$	0,6	0,6	0,8	0,6	0,8	1	0,4	0,6	0,6	0,6	0,8	0,8	1
6	$x_{6j}$	0,8	1	0,8	0,6	0,6	0,8	0,8	0,6	0,4	0,4	1	1	1
7	$x_{7j}$	0,4	1	0,8	0,6	0,4	0,8	1	0,8	0,4	0,6	1	1	1
8	$x_{8j}$	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	0,6	0,6	0,6	1	0,8	1
9	$x_{9j}$	0,6	1	0,8	0,6	0,6	0,8	1	0,6	0,6	0,4	0,8	1	1
10	$x_{10j}$	0,8	0,8	0,8	0,6	0,6	1	0,8	0,6	0,8	0,8	0,8	0,8	1
11	$x_{11j}$	0,6	0,8	0,8	0,6	0,6	0,8	1	0,8	0,4	0,4	0,8	0,8	1
12	$x_{12j}$	0,6	0,8	0,8	0,6	0,6	0,8	1	0,8	0,6	0,8	1	0,8	1
13	$x_{13j}$	0,6	0,8	0,6	0,6	0,6	0,8	0,8	0,8	0,6	0,8	1	0,8	1
14	$x_{14j}$	0,4	0,6	0,8	0,4	0,4	1	0,8	0,6	0,8	0,8	1	0,6	1
15	$x_{15j}$	0,4	1	0,6	0,4	0,4	1	0,8	0,4	0,6	0,8	1	1	1
16	$x_{16j}$	0,6	0,8	0,6	0,6	0,8	1	0,6	0,8	0,4	0,6	0,6	0,8	1
17	$x_{17j}$	0,6	0,8	0,8	0,6	0,6	1	0,8	1	0,6	0,8	0,6	0,8	1
18	$x_{18j}$	0,6	0,6	0,6	0,6	0,6	1	0,8	0,8	0,6	0,4	0,8	0,8	1

**Манба:** муаллиф томонидан ишланган.

5-жадвал маълумотига кўра,  $R_j$  ни қиймати энг кичик бўлган корхона «Нил Гранит» МЧЖ бўлиб,  $R_1=0,64$  га тенг. Ушбу кўрсаткич «Digital Prime Textiles» МЧЖда 0,72 га, «Бобур ХБК» МЧЖда 0,75 тенг бўлган. Ушбу корхоналар ичида «Нил Гранит» МЧЖнинг рейтингини энг юқори деб баҳоланди. Кейинги ўринлар «Digital Prime Textiles» МЧЖ, «Бобур ХБК» МЧЖ ҳиссасига тўғри келган.  $R_j$  натижасига қараб, саноат корхонасида инновацион муҳит шаклланган, инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда корхона рақобатбардошлик даражасини оширишга қаратилган бўлади.

Илмий мақолада уч турдаги омиллар инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири ва улар асосида уч хил вариантдаги сценарий ишлаб чиқилган.

### 5-жадвал

#### Андижон вилоятидаги айрим текстиль ва тўқимачилик саноати корхоналарининг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари рейтинги

№	Текстиль ва тўқимачилик саноати корхоналари	$R_j$	Рейтинг кўрсаткичи	$R_j$ нинг қиймати энг кичик бўлганда унинг рейтинг баҳоси энг юқори
1.	«Нил Гранит» МЧЖ	$R_1$	0,64	(0-1,0) «инвестицион»
2.	«Digital Prime Textiles» МЧЖ	$R_2$	0,72	
3.	«Бобур ХБК» МЧЖ	$R_3$	0,75	
4.	«Khantex group» МЧЖ	$R_4$	0,81	
5.	«Хўжабод Гранд текстиль» МЧЖ	$R_5$	1,01	1,01-1,65 «рақобатбардош»
6.	«Водий саноат фаҳри» МЧЖ	$R_6$	1,11	
7.	«Хатекс» МЧЖ	$R_7$	1,43	
8.	«GLOBAL ORIENT TEXTILES» МЧЖ	$R_8$	1,63	
9.	«Чин илҳом» МЧЖ	$R_9$	1,66	1,65-2,0 «салоҳият»
10.	«Андижон Силк ко» МЧЖ	$R_{10}$	1,74	
11.	«Хаит текс инвест» МЧЖ	$R_{11}$	1,84	
12.	«Best tekstile» МЧЖ	$R_{12}$	1,90	

**Манба:** муаллиф томонидан ишланган.

Натижада «Нил гранит» МЧЖда янги технологияларни ўзлаштириш, кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш ва прогрессив техниканинг ўртача йиллик қиймати омили ва манбаларидаги ўзгариш тенденцияларига асосланиб, инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг уч хил сценарий инерцион, фаол ва мақсадли вариантлари асосида прогноз кўрсаткичлари аниқланган (6-жадвалга).

Биринчи сценарий бу инерцион вариант ҳисобланиб, прогноз вақт омили ( $t$ ) ўзгариши бўйича олинган ва бошқа омилларнинг таъсирчанлик даражаси ҳисобга олинмаган. Ушбу прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланилган кўп омилли функция қуйидаги тартибда ифодаланган:

$$\ln(Y) = -0,992139219663 \cdot \ln(X_1) + 1,48880990817 \cdot \ln(X_2) + 0,514826442101 \cdot \ln(X_3) + 9,78238093453 \quad (7)$$

Инерцион корхона инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сценарий варианты ҳисобланади (1-вариант). Ушбу сценарий асосида корхона инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жорий ривожланиш тенденциясида мос ҳолда ўзгарган.



6-жадвал

«Нил гранит» МЧЖнинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, унга таъсир этувчи омилларнинг сценарий варианты ва прогноз кўрсаткичлари

Инновацион маҳсулот ҳажми ва унга таъсир этувчи омил турлари	Прогноз тури	Йиллар (прогнози)					Ўртача ўсиш коэффициенти
		2022	2023	2024	2025	2026	
Корхонанинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Инерцион	2013631	2631304	3438445	4493129	5871378	2,92
	Фаол	1504305	1665164	1826024	1986883	2147743	1,43
	Мақсадли	<b>1754367</b>	<b>1966778</b>	<b>2122432</b>	<b>2414568</b>	<b>2743879</b>	<b>1,56</b>
Янги технологияларни ўзлаштириш харажатлари (млн. сўмда)	Инерцион	260,1	371,8	531,5	759,8	1086,2	4,18
	Фаол	213,4	240,8	268,1	295,5	322,8	1,51
	Мақсадли	<b>243,5</b>	<b>274,3</b>	<b>302,1</b>	<b>329,3</b>	<b>385,7</b>	<b>1,58</b>
Кадрларни ўқитиш ва квалификациясини ошириш харажатлари (млн. сўмда)	Инерцион	91,0	120,9	160,6	213,4	283,5	3,12
	Фаол	75,3	84,2	93,2	102,2	111,2	1,48
	Мақсадли	<b>82,1</b>	<b>91,2</b>	<b>109,6</b>	<b>120,1</b>	<b>131,5</b>	<b>1,60</b>
Корхонадаги прогрессив техникаларнинг ўртача йиллик қиймати (млн. сўмда)	Инерцион	958,1	1410,9	2077,7	3059,5	4505,3	4,70
	Фаол	784,5	887,8	991,2	1094,5	1197,8	1,53
	Мақсадли	<b>878,3</b>	<b>987,3</b>	<b>1099,1</b>	<b>1234,7</b>	<b>1456,2</b>	<b>1,66</b>

**Манба:** муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

Бунда корхонанинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этаётган омил ва манбаларидаги ўзгаришлар аввалдан амал қилган даражада қолиб, инновацион маҳсулот турлари амалдаги даражада мос ҳолда ўзгариб ривожланган.

*Иккинчи сценарий варианты* бу фаол сценарий ҳисобланади (2-вариант). Бундай сценарий варианты эса аввалги сценарий (1-вариант)га қараганда кўшимча равишда корхонанинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми омил ва манбаларидан фойдаланишни инновацион маҳсулот турлари асортиментининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатади. Лекин бу сценарий вариантыда корхонанинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сифат жиҳатидан оптималлаштирилади.

*Учинчи сценарий мақсадли* (3-вариант) варианты бўлиб, аввалги сценарийлар (2-вариант)дан фарқ қилади. Чунки бу сценарий вариантыда нодавлат сектори улуши кескин ортиши ҳамда маҳаллий инновацион тизим кенгайишига асосланади. Шу сабабли, мазкур оптимал ишлаб чиқариш ҳажми сценарийси замирида жаҳон саноати бозори жадал

ривожланиши асосида республикада фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига бўлган талаб ортади. Натижада ушбу товарлар саноат бозоридаги нархи ўсган. Шу сабабли, бугунги саноат корхонасининг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ишлаб чиқилган сценарий ичида корхона фаолияти ва унинг рентабеллик даражасини инобатга олганда энг мақбули 3-вариант ҳисобланади. Чунки мазкур вариант асосида инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун бугунги кунда саноат корхоналари ичида турли инновациядан фойдаланаётганлар учун қулай ҳисобланади.

Бунда инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш, бир тармоқда фаолият юритаётган кичик ва ўрта саноат корхонасини инновацион ривожланиш йўлидаги ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали, мавжуд муаммоларни тадқиқ этишда олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш назарда тутилади. Саноат корхонасининг инновацион фаолияти,



унинг ривожланишидаги мавжуд муаммоларини мониторинг қилиш ҳудудий инновацион саноат марказлари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, саноат корхоналарининг узоқ муддатли давр учун мўлжалланган инновацион ривожланиш дастурлари ва уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлари ҳудудий саноат корхоналарини ривожлантириш марказлари томонидан ўрганилиб, уларни молиялаштириш ва тегишли имтиёзлардан фойдаланиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий мақолада қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

Корхоналар инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолаш амалиёти корхонанинг инновацион фаолияти, унинг таркибий қисмларини тўлиқ, комплекс тарзда баҳолаш имконини бериши лозим. Бугунги кунга қадар корхоналар инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг ягона, умумқабул қилинган услубиёти шаклланмаган бўлиб, ҳар бир мамлакат ўз ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолда аниқлаши мумкин. Шунингдек, саноат корхонасининг инновацион бошқаруви ҳолати ва уни бошқаришнинг самарадорлигини таҳлил қилишда инновацион фаолият учун йўналтирилган инвестициялар рентабеллиги, инновацион лойиҳадан олинган соф даромадни баҳолаш каби услубиётларидан фойдаланилган.

Саноат корхоналари инновацион фаолиятини бошқаришнинг рақобатбардошлик даражасининг ортишига таъсирининг кўп омилли параметрларини баҳолаш  $Ln(Y)=9,8-0,9*Ln(YATOX)+1,5*Ln(KO KOX)+0,5*Ln(KPTOYQ)$  модели асосида инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўшимча ошириш имкониятлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Саноат корхонасининг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янги технологияларни ўзлаштириш, кадрларни ўқитиш ва малақасини ошириш ва корхонадаги прогрессив техникаларнинг ўртача йиллик қийматлари инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми мультипликатив функция сифатида олинган уч омилли модель натижалари жумладан, детерминация коэффициенти ( $R^2$ ) 0.737 қиймати, Фишер ( $F$ ) мезони 4,667 ( $F$  жадал=3.48) га тенг эканлиги аниқланди.

«Нил гранит» МЧЖнинг 2022-2026 йилларга инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг

уч хил сценарий вариантлари инерцион, фаол ва мақсадли сценарий варианты ишлаб чиқилган бўлиб, энг мақбул бўлган мақсадли сценарий бўйича корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртача 1,52 бараварга ортиши мумкин.

### Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги «Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5047-сон Қарори / lex.uz

2. Вертакова Ю.В. «Управления инновациями: теория и практика»/ Учебное пособие М.: - Эксмо, 2008 г. – С.12-13..

3. Горпинченко К.Н., Прудников А.Г. Концепция инновационного развития зернового производства региона //http://ecsocman.hse.ru/data/2013/02/01/1251414123/Gorhinchenko\_article.pdf.

4. Еремеева С.В. Инструменты оценки и управления развитием инновационного потенциала наукоемкого предприятия РКП. Дисс. к.э.н. -Красноярск 2015. –С.130.

5. Зайнуддинов Ш.Н., Расулов Н.М. Инновацион менеджмент (дарслик).-Т.: "Инновацион ривожланиш наириёт-матбаа уйи", 2020. -Б.540.; Абдуллаев Б.А. Инновацион фаолиятнинг бошқарувини такомиллаштириш: и.ф.н. дисс. Авторефер. –Т., 2002., -Б. 27.

6. Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташиқлий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш: и.ф.д. (DSc) дисс. авторефер. –Т.: ТДИУ, 2018, – Б.95.

7. Панчева Л.А. Формирование эффективной системы управления инновационным потенциалом промышленного предприятия на принципах инвестиционно-производственного менеджмента: автореф. дис. к.э.н. -Орел, 2006. –С.21.

8. Полукеева А.В. Развитие системы управления инновационной деятельностью предприятия. дисс. соис. уч. степ. канд. экон. наук. Воронеж 2017. 156 с.

9. Расулов Н.М. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш: (DSc) дисс. авторефер. –Т., 2021, -Б.81.

10. Солиев И.И. Развитие инновационных процессов в сфере связи и информатизации Узбекистана:

авторефер. дис... к.э.н. –Т.: Институт экономики АН РУз, 2010, – С.23.

11. Суязов В.Н. Комплексная оценка эффективности инновационного развития научно-производственных организаций: автореф. дис. к.э.н. – Саратов: СГТУ, 2011. – С.25.

12. Хасанова Г.Д. Саноат корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини ошириши: и.ф.н., дисс. авторефер. –Т., БухДУ, 2006, – Б.26.

13. Шаназарова Б.Г. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятини бошқариши механизмларини такомиллаштириши: PhD дисс. автор.. –Т.: 2018. – Б.56/

14. Эрназаров О.Э. Инновациялар асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириши: PhD дисс. автор.. –Т.: 2020. –Б.60.

15. [https://articlekz.com/article/5747#google\\_vignette](https://articlekz.com/article/5747#google_vignette)

### **Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини ошириш**

**Дониёрбек Саримсаков,**

Андижон машинасозлик институти  
"Транспорт ва Логистика" факультети декани

**Аннотация:** мақолада саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Шунингдек, инновацион бошқарувни таъминлаш этиш тамойиллари ва усуллари, саноат корхоналарининг инновацион бошқарув самарадорлигини баҳолаш жиҳатлари, саноат корхоналарининг инновацион бошқарув самарадорлигини оширишнинг асосий омиллари таҳлил қилинган, саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви таҳлили ва ҳозирги ҳолати бўйича мавжуд муаммолари ҳам очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** инновацион иқтисодиёт, инновацион бошқарув, бошқариш самарадорлиги, баҳолашнинг қўйи, ўрта, юқори даражалари, рейтинг мезонларининг «инвестицион», «рақобатбардош», «салоҳият» шкаллари, янги технология, инерцион, фаол, мақсадли.

### **Повышение эффективности управления инновационной деятельностью промышленных предприятий**

**Даниёрбек Саримсаков,**

Декан факультета «Транспорт и логистика»  
Андижанского машиностроительного института

**Аннотация:** в статье рассматриваются факторы, влияющие на повышение эффективности управления инновационной деятельностью промышленных предприятий. Также анализируются принципы и методы организации инновационного управления, аспекты оценки эффективности инновационного управления промышленными предприятиями, основные факторы повышения эффективности инновационного управления промышленными предприятиями, раскрываются существующие проблемы анализа инновационного управления промышленными предприятиями также их текущее состояние.

**Ключевые слова:** инновационная экономика, инновационный менеджмент, эффективность управления, нижний, средний, высший уровни оценки, шкалы рейтинговых критериев «инвестиции», «конкурентоспособность», «компетентность», новая технология, инерционные, активные, целевые.

### **Increasing the efficiency of innovative activity management in industrial enterprises**

**Daniyorbek Sarimsakov,**

Dean of the Faculty of "Transport and Logistics"  
of the Andijan Machine-Building Institute

**Abstract:** the article examines the factors affecting the improvement of the efficiency of management of innovative activities in industrial enterprises. Also, the principles and methods of organizing innovative management, aspects of evaluating the efficiency of innovative management of industrial enterprises, the main factors of increasing the efficiency of innovative management of industrial enterprises are analyzed, the existing problems of the analysis of innovative management of industrial enterprises and their current state are also revealed.

**Keywords:** innovative economy, innovative management, management efficiency, lower, middle, higher levels of evaluation, rating criteria "investment", "competitive", "competence" scales, new technology, inertial, active, target.

**Инвестиция, рақамли ва инновацион технологиялар / Инвестиции, цифровые и инновационные технологии / Investment, Digital and Innovative Technologies**

УЎК: 330.322

**Дилором ТАДЖИБАЕВА,**  
*иқтисодиёт фанлари доктори,*  
*Тошкент молия институти кафедраси профессори,*  
**E-mail: dtajiboeva@mail.ru**

## **Хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш имкониятларининг тенденцияси: институционал ёндашув**

**Кириш.** Ижтимоий ҳимоя камбағаллик муаммосини еча олмайди. Чунки, халқимиз бекорга “Кўлдан берганга куш тўймас” - демаган. Камбағалликни кескин равишда қисқартиришнинг бош йўли бу иш ўринлари яратишдир. Иш ўринлари яратиш учун эса жаҳон тажрибаси кўрсатдики, иқтисодиётга инвестиция қилиш лозим. Инвестиция иш ўринлари яратиш учун ишлаб чиқариш воситалари ёки назарияга кўра ер, капитал (N; K) ва бу воситалардан фойдаланиб, маҳсулот яратувчи мутахассис кадр (L) тайёрлашга инвестиция қилиш зарур. Инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар, айниқса, республикамиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки республикамизда яширин ишсизлик юқори, буни 27% атрофидаги ишловчиларнинг қишлоқ хўжалигида бандлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Иш ўринлари яратиш жиҳатидан ҳозирги аҳоли жон бошига яратилаётган миллий даромаднинг жаҳон миқёсидаги ўртачадан паст – 1800 доллар даражасида эканлиги иқтисодий нуқтаи назардан энг оптимал вариант иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишдир.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар уни қабул қилувчи мамлакат учун: биринчидан, хорижий маблағ эвазига иш ўринлари яратилади; иккинчидан, мулк ҳуқуқи ва назорат тўлиқ инвесторнинг зиммасида бўлгани сабабли, эришилган натижа ҳам унинг зиммасида; учинчидан, янги технология, маркетинг, менежмент-бошқариш бўйича билим, тажриба кириб келиши, интеграция орқали синергетик самара туфайли иқтисодиётнинг ўсиш

суръати жадаллашади; тўртинчидан, ахборот йиғиш, ҳамкорлар қидириш ва бошқа мақсадларда сарфланадиган трансакцион харажатлар тежаллади; бешинчидан, маҳаллий мутахассислар ва ишчиларнинг малакаси, компетенциясини оширишга олиб келади; олтинчидан, хорижий инвестициялар ёрдамида илмий тадқиқот, тажриба синов ишларининг олиб борилиши, рақобатнинг кучайиши туфайли иқтисодиётда инновацион ривожланиш жадаллашади.

Ж.М.Кейнс таъкидлаганидек, иқтисодий тизимлардаги гистерезис (юнонча – орқада қолиш, кечга қолиш) эҳтимолини ҳисобга оладиган бўлсак, унда самарали институционал аралашув ва фаол давлат сиёсатисиз вазият узоқ вақт давомида салбий бўлиб қолиши мумкин. Жаҳон иқтисодиёти интеграллашувининг замонавий даврида инвестицион инкирозлар миллий иқтисодиётдан даромадларнинг бир қисмини олиб қўйиш деярли қайтариб бўлмайдиган тарзда - хорижий активларга инвестициялар шаклида содир бўлиши билан ҳам мураккаблашади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатларини дастлаб машҳур олимлар Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, М. Блауг, Й. Шумпетер ва бошқалар ҳозирда ҳам иқтисодчилар ўз тадқиқотларида таянадиган инвестициялар ва уларнинг самарадорлиги, такрор ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий тизимнинг барча йўналишлари ўзаро боғлиқлигини асословчи назарий концепциялар ишлаб чиққанлар [1-4].

Нобель мукофоти лауреатлари П. Самуэльсон (АҚШ), К. Эрроу (АҚШ) иқтисодий ўсиш сабаблари ва механизмларини илмий таҳлил қилганлар [5,6], К. Эрроу барқарор иқтисодий ўсишнинг ташқи омиллари, капиталнинг умумий захираси ва билимлар (ингл. knowledge spillover) натижаси, қайтими эвазига барқарор иқтисодий ўсиш имкониятини кўрсатувчи Эрроу—Ромер моделининг асосчиси сифатида ҳам танилган [7]. Чизикли дастурлаш муаллифи Л.В. Канторович (собиқ СССР) эса ресурсларни оптимал тақсимлаш назариясини яратишдаги қўшган улкан ҳиссаси учун Нобель мукофотига сазовор бўлган [8].

Инвестицияларнинг кўп қирралилигини ҳисобга олиб республикамызда ўқув жараёнида кенг қўлланиладиган К.Р.Макконелл ва С.Л.Брюларнинг “Экономикс”, С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензиларнинг “Экономика” дарсликлари талабаларда инвестицион жараёнларни таҳлил қилишни ўрганишда ўзига хос ўрин тутди [9,10],

Кейинги йилларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, тадқиқотлар ниҳоятда кенг қамровли турли-туман фикрлар билдириляётган, муҳокамага тақдим этиляётган мавзуга айланди. Табиий, илмий нашрларда ҳам хорижий инвестицияларга бағишланган мақолалар энг кўп мурожаат қилинаётган мавзулардан бири ҳисобланади. Лекин республикамыз тадқиқотчилари томонидан бу масалани институционал нуқтаи назардан ҳали етарлича диққат қаратилмаган қирралари талайгина.

Инвестицияларнинг аҳоли бандлигини ва фаровонлигини таъминлашда нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили инвестицияларга, инвестицион муҳит яратилишига нафақат ҳар бир мамлакат, балки халқаро миқёсда БМТ Бош Ассамблеясининг савдо ва тараққиёт конференцияси (UNCTAD) томонидан алоҳида диққат-этибор берилади. UNCTAD тадқиқотчилари томонидан тайёрланган дунё миқёсида инвестицияларга бағишланган маъруза ва унинг чуқур таҳлил қилинган шарҳлари (World Investment Report) 1991 йилдан бошлаб эълон қилинади. Мазкур маърузада инвестициялар, жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар глобал ва худудий ўзгаришлар ҳамда тенденциялар халқаро миқёсда миллий иқтисодиётда инвестицион сиёсат бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, таҳлили эълон қилинади [11].

Ҳар йили Жаҳон банки (World Bank Group), Халқаро валюта фонди (International Monetary Fund), БМТ Бош Ассамблеясининг савдо ва тараққиёт конференцияси (UNCTAD/United Nations Conference on Trade and Development) тадқиқотчилари томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) бўйича дунё мамлакатлари ва худудларининг глобал рейтинги (жорий нархларда АҚШ доллари номинал қиймати бўйича ҳисобланади) аниқланади ва эълон қилинади [12].

Хорижий ва республикамыз тадқиқотчилари томонидан мазкур мавзуда олиб бориляётган ва эълон қилинган илмий изланишлар миқдор жиҳатдан ҳам ниҳоятда кўп ва қамров жиҳатдан ниҳоятда кенг. Илмий журналларда охириги йилларда чоп этилган айрим мақолаларни таҳлил қилсак, М. Алимарданов, А.Хайдаров, А.Бозоров, Н.Шариповаларнинг изланишлари Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишда солиқларнинг ролини кўрсатишга қаратилган [13]. Ж. Каримкулов тадқиқоти эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва уларга чет эл инвестицияларини жалб этиш нуқтаи назаридан ўрганилган [14]. Ж.Р. Ҳошимов эса чет эл инвестициялари, уларни жалб этиш шакллари ва Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини ўрганишга диққат қаратган [15]. Д. Тожибоева томонидан инвестицион жараёнларга институционал нуқтаи назардан ёндашилиб, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда инвесторларда капитал қўйишга мотивацияни шакллантириш учун институционал муҳит яратиш жараёни таҳлил этилган [16]. Ғ.Сафаров, М.Имомалиева изланишларида иқтисодиётда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўрни билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Улардан мақсадли фойдаланиш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар тизимлаштирилган [17]. Ж. Жамолов хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг мамлакат инвестицион фаолиятига таъсири ўрганилган [18].

**Асосий қисм.** Инвестиция назарияси иқтисодиёт фанида, айниқса ғарбда микроиқтисодий, шунингдек, макроиқтисодий ёндашувда ҳам марказий масала сифатида ёндашилади. Микроиқтисодий нуқтаи назардан корхона миқёсида инвестицион қарорлар қабул қилишга ва бунда тадбиркорлар учун аниқ илмий асосланган методлар таклиф қилиш, оптимал инвестицион сиёсатни шаклланти-

ришга диққат қаратилса, макромикёсда эса давлат инвестицион сиёсати бандликни таъминлаш ва даромадлар ҳамда уларнинг тақсимоли жиҳатидан ёндашилади.

Иқтисодий ўсиш ҳақидаги барча концепциялар амалда – бу биринчи навбатда инвестициялар ҳажмининг ўсишини назарда тутлади. Иқтисодчилар томонидан тан олиниб, ижобий баҳо берилганларидан масалан, Самуэльсон-Хикс модели иқтисодиётни ўсишини “тезлаштирувчи” автоном инвестициялар мавжудлигини асослаб берса, барқарор ўсишнинг Домар модели инвестицияларнинг мультипликацион самараси ва унинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга таъсирини кўрсатади. Харрод моделида даромадларнинг ўсиши билан боғлиқ инвестициялар ўсиши баҳоланади. Инновацион ўсишнинг замонавий моделларида (П. Ромер, Р. Лукас) ишлаб чиқаришдаги янгиликларни фан ва инсон капиталига инвестицияларга асосланган эндоген хусусиятларга эга эканлиги асосланади.

Тадқиқотчилар томонидан таклиф этилаётган функциялар бўйича инвестицияларни турли гипотезаларга асосланган бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Улардан асосийлари инвестицияларнинг акселерация назарияси; фойда олиш мотивациясига асосланган назария; инвестиция қилиш қарорларини қабул қилишда ликвидликнинг ҳал қилувчи роли ҳақидаги гипотезага асосланган назария; инвестициялар ҳажми ва фоиз ставкаси қиймати ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олишга диққат қаратилган назария ва бошқалар.

Шу билан бирга умумий тарзда барча гипотезаларга классик, неоклассик ва институционал ёндашув нуқтаи назаридан қараш мумкин. Классик ва неоклассик назария намоёндалари инвестицияларни иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида асосий ва инсон капиталига инвестициялар қўйиш нуқтаи назаридан қарашга устуворлик беришади.

Институционал назарияда эса инвестицияларга институтларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда амал қилиш самарадорлигини ошириш натижаси сифатида ёндашилади. Инвестициялар туфайли инновациялар яратиш ва билим даражаси кўтарилиши ва таълим сифатини оширишга олиб келишига диққат қаратилади [16, с. 20].

Институционал иқтисодиётда расмий ва но-расмий институтларга устунлик берилади, чунки, улар ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг ҳуқуқий асосини яратадики, инвестициялар,

айниқса, инновацион инвестицияларга, юқори ма-лакали кадрлар тайёрлаш учун жалб этиш кучини оширувчи институционал муҳит шаклланади.

Бозор иқтисодиётида инвестицион жараён барқарор ишловчи бозор институтларига таянади. Улардан энг муҳимлари мулкни, жумладан, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, ҳалол, адолатли рақобат қоидаларини, банк тизими, уюшган фонд бозорлари ишини яхши ташкил этиш ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, уларни узлуксиз равишда модернизация қилиш, мукамаллаштириб бориш зарур,

Миллий иқтисодиётнинг ҳам, жаҳон иқтисодиётининг ҳам барқарор ривожланиши, тараққиётини таъминлаш турли воситалар орқали узлуксиз равишда инвестицион жараённи амалга оширишни талаб қилади. Бунда давлатнинг асосий вазифаси инвестицион жараёнларни ташкил этиш ва ҳам ички, ҳам ташқи инвесторларни рағбатлантириш учун зарур институционал муҳит яратиш ҳамда мавжуд халқаро институтлар фаолиятида ҳамкорлик қилиш ва янги халқаро институтларни яратишда қатнашиш ҳисобланади.

Инвестицион фаолият субъектлари ўртасида юз берадиган ўзаро фаолият яратилган институционал муҳитга боғлиқ бўлиб, уларнинг натижалари – ҳудудларга киритилган инвестициялар ҳажми – бу жараённинг ҳар икки томон: бир томондан инвестицион жараённинг алоҳида қатнашчилари, иккинчи томондан кредит ҳамда реал инвестицион капитал бозорларидаги вазиятга бу муҳитнинг таъсир қилиши билан боғлиқ. Бу ҳудудлар миқёсида ҳам инвестицион фаолиятни минтақавий даражада тартибга солиш воситалари ва ёндашувларга, бошқача айтганда, институционал муҳитга инвестицион фаолиятни рағбатлантириш, ТТХИ қўйишнинг салбий жиҳатларини бартараф этиш, ижобий таъсирини кучайтиришни қўллаб қувватлаш – нуқтаи назаридан қараш имконини беради.

Иқтисодиётни ривожлантиришда инвестициялар етакчи роль ўйнайди, сабаби, инвестиция орқали корхоналар капитал жамғарилишига, натижада мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва иқтисодий ўсишга эришилади. Айнан инвестициялар туфайли макроиқтисодий силжиш – ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш амалга оширилади.

Инвестициялар нафақат иш ўринлари яратиш, балки, такрор ишлаб чиқаришда иқтисодиётнинг

таркибий тузилишини ўзгартириш, такомиллаштириш, инновацион ғояларнинг тажриба-синаш ишларини олиб бориш, натижаларини амалиётга жорий қилиш орқали барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг асосий манбаи сифатида намоён бўлади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув шароитида Ўзбекистон учун айниқса, инвестиция ва инвестицион жараёнларни амалга ошириш рақобатбардошликни таъминлаш ва мамлакатлар орасида ўз позициясини, ўрнини мустаҳкамлаш учун асосдир.

Иқтисодиётнинг ривожланишида инвестицияларнинг ролини XX асрнинг буюк иқтисодчиларидан Ж.М.Кейнс “мультипликатор (кўпайтирувчи) эффекти” орқали кўрсатиб берган. Муҳими, у бандликка таъсир кўрсатади. Умуман олганда, мультипликатор принципини инглиз иқтисодчиси Ричард Кэн 1931 йили ҳали Ж. М. Кейнснинг “Бандлик, процент ва пулнинг умумий назарияси” китоби нашр қилингунга қадар тасвирлаб берган [19, с. 431].

Кейнс кўрсатиб берадики, иқтисодиётга инвестициянинг камайиши макроиқтисодий мувозанатга аввалги ҳажмидан камайган даржадан кўра кўпроқ хавф туғдиради, ишлаб чиқариш инвестиция пасайган даражада эмас, балки ундан 4-5 марта кўпроқ қисқаришига, инвестиция сарфини кўпайиши эса, аксинча, ишлаб чиқаришнинг шунча 4-5 марта кўпайишига олиб келади.

Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда фақат ўз маблағлари эвазига иқтисодиётга инвестицияларни йўналтириш қўйилган мақсадларни амалга оширишга етарли даражада имкон бермайди. Буни аҳоли жон бошига яратилган миллий даромад бўйича глобал рейтинг кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди. Ўзбекистон 2019 йили ва 2021 йили 1800 долл. (номинал қиймати жорий нархлар бўйича АҚШ долл.) билан мазкур рейтингда 152 ва 154-ўринни [20] эгаллагани ҳам мамлакатимизнинг иқтисодиётга инвестиция қилиш учун имкониятлари чекланганлигини кўрсатади. Ўзбекистон 2019 йили ТТХИ бўйича 6,24 млрд. долл. инвестиция билан глобал индексда 103 ўринни эгаллаган бўлса, 2021 йили унинг ҳажми 8,6 млрд. долларга етди.

Республикамизда инвестицион фаолликни таъминлашда институционал муҳит яратиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, алоҳида эътибор бериш бошланди. Дастлаб, 1998 йилда “Инвестиция фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон

Республикаси қонуни қабул қилинди. 2014 йил 29 октябрда эса унга Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан 2014 йил 13 ноябрда маъқуллангани асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қонун 27 январь 2020 йилдан ҳужжат кучини йўқотган бўлсада, у республикамизда инвестицион фаолликни кучайтиришда албатта, муҳим роль ўйнади.

Республикамизда инвестицион муҳитни янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида, 2005 йили 11-апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3594-сонли Фармони [21], 2012 йил 10-апрелда эса “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилгани, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланганлиги, натижада республикада ҳар йили 3,0 миллиарддан кўпроқ, асосан ТТХИлар ўзлаштирилаётгани, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилингани ва муваффақиятли фаолият юритаётгани, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келиши, бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истикболларига кизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далолат бериши таъкидланади [22].

Фармонда эришилган ютуқлар билан бирга мавжуд камчиликлар аввалги ПФ-3594-сонли

Фармонга ўзгартириш ва кўшимчалар киритишни тақозо этаётгани кўрсатилиб, максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш кўзда тутилаётгани қайд этилади. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқлари рўйхати келтирилади.

Қабул қилинган қонун ва расмий ҳужжатларда инвестициялар ва инвестиция фаолиятининг асо-

сий принциплари, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари, инвестицион фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган имтиёз ҳамда преференциялар, божхона божидан озод этиш тарзидаги тариф имтиёзлари ва уларни қўллаш тартиби белгилаб қўйилди. Уларнинг иқтисодиётда зарур институционал муҳит яратиш учун хизмат қилиши натижасини қуйидаги жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

1-жадвал

**Ўзбекистон иқтисодиётида инвестициялар ва уларнинг ўзгариш тенденцияси  
(2010 йил баҳоларида, %да) [23]**

Йил	Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиши, ўтган йилга нисбатан	Асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМ даги улуши	Жами чет эл инвестициялари ва кредитлари ўсиши, ўтган йилга нисбатан	ТТХИларнинг ўсиши, ўтган йилга нисбатан,	Жами чет эл инвестиция-ялари ва кредитлари-нинг асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги салмоғи	ТТХИларнинг хорижий инвестиция ва кредитлардаги салмоғи	Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан
1	2	3	4	5	6	7	8
2010	100	20,8	100	100	26,4	86,9	100,0
2011	102,7	19,8	76,9	71,4	19,8	80,6	107,8
2012	110,6	20,4	106,1	102,5	20,0	77,9	107,4
2013	111,3	21,1	106,0	106,9	18,1	78,6	107,6
2014	109,8	21,6	112,2	109,1	18,5	76,4	107,2
2015	109,4	22,0	109,3	103,1	18,5	72,0	107,4
2016	104,1	21,6	116,4	75,0	20,7	46,4	106,1
2017	119,4	24,7	137,2	187,3	23,8	63,3	104,5
2018	129,9	30,5	132,6	67,6	24,3	32,3	105,1
2019	138,1	40,0	247,7	257,8	43,6	33,6	105,5
2020	95,6	37,5	93,6	90,3	42,7	32,4	101,9
2021	102,9	35,9	101,9	114,5	42,3	36,4	107,4

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2010 йили 16463,7 млрд. сўм бўлса, 2021 йилга келиб, 54786,4 млрд сўмга<sup>1</sup> етди ёки 3,3 марта ўсди. Асосий капиталга йўналтирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 4346,4 млрд. сўмдан 23174,6 млрд сўмга етди ёки 5,3 мартага ортди, жумладан ТТХИлар ҳажми 2010 йили 3777 млрд. сўм бўлса, 2021 йили 8435,5 млрд. сўмга етиб, 2,23 мартага ўсди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан, 2-устун) зиг-заг тарзида бўлиб, 2019 йили энг юқори 138,1 %га етган. Энг паст даража 2020 йили пандемия туфайли – 95,6 %ни ташкил этган. Шунингдек, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларда ТТХИларнинг ўсиш суръатига кўз ташласак, зиг-заг тарзида ўсиш тенденцияси ҳукмронлигини кўрамыз. Умуман олганда иқтисодиётга қўйиладиган инвестицияларга теб-

1 Ҳисоблар 2010 йил баҳоларида

нишлар хос. Бунга Ж.М. Кейнс алоҳида диққат қаратиб, уни иқтисодий тушкунликлар юз беришининг асосий сабабларидан бири, деб ҳисоблаб, хусусий инвестицияларнинг етишмаслигини давлат харажатлари билан қоплаш зарурлигини асослаб берган.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМ даги улуши 2010-2017 йиллар давомида 19,8 - 24,7 орасида майда қадамлар билан ўзгарди. Иш ўринларини яратиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун инвестициялар ҳажмини ошириш зарур эди (3-устун).

Республикада хорижий инвестициялар учун қулай имконият ва бунинг учун институционал муҳит яратишни таъминлаш мақсадида 17 январь 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4933-сонли Фармони, 2018 йил 1 августда “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сонли Фармони, 2019 йил 29 апрелда “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли Қарори, 2019 йил 25 декабрда “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” РҚ-598-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2020 йил 27 сентябрда “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6075-сонли Фармони ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Натижада институционал муҳит яратилиши туфайли иқтисодиётга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг кескин равишда ортишига олиб келди. 2018 йили 2017 йилга нисбатан 129,9%, 2019 йили эса, 2018 йилга нисбатан 138,1 % га ортиди. 2020 йили пандемия туфайли инвестицион фаоллик бирмунча пасайди. 2021 йилдан яна аввалги йилга нисбатан ўсиш бошланди.

Ҳуқуқий ҳужжатлар албатта, хорижий инвестиция ва кредитлар ўсишига ҳам туртки бўлди. Жами чет эл инвестициялари ва кредитлари 2011 ва 2020 йил (пандемия туфайли)лардан ташқари аввалги йилга нисбатан ўсиш тенденциясига эга. 2016 йилга қадар 106,0 -116,4% оралиғида ўзгарган бўлса,

кейинги 2017-2019 йиллар орасида 132,6-247,7%га ўсди (4-устун). Республикада учун ТТХИларнинг ўсиш суръати алоҳида аҳамиятга эга. Шу йиллар давомида уларнинг ўсиши эгиз-заг тарзида юз берган. ТТХИларнинг ўсишида 2017 ва 2019 йиллар юқори даражаси билан алоҳида ажралиб туради. 2019 йили уларни аввалги йилга нисбатан деярли 2,6 марта ўсгани “World Investment Report 2020”да ҳам қайд этилди. Бу хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига капитал қўйишига қизиқиши ортиб бораётганидан далolat беради (5-устун).

Жами чет эл инвестициялари ва кредитларининг асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги салмоғи тенденцияси ҳақида фикр юритадиган бўлсак (6-устун), унга 2010 йилдан 2016 йилгача яққол пасайиш ва депсиниш тенденцияси хос. 2017, 2018 йиллари аввалги йилларга нисбатан ўсиш, 2019 йилдан кескин равишда ўсиш юз бериб, 2019 йили 43,6 %ни, 2020 йили 42,7%ни, 2021 йили 42,3 %ни ташкил этган.

Жадвал маълумотлари мамлакатимизда хорижий инвестициялар охириги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг чет эл инвестициялари динамикасига ҳам ижобий таъсир қилганини кўрсатади. Хорижий инвестициялар ўсиш тенденциясига эга эканлигини ва шу билан бирга инвестициялар асосан ички манбалар эвазига жалб этилаётганини жадвалнинг 6-устуни маълумотлари кўрсатиб турибди. Агар 2010 йили асосий капиталга ўзлаштирилган жами инвестицияларда ўз маблағларимиз 76,6%ни ташкил этган бўлса, 2019 йили 56,4%, 2020 йили 65,8% ни ташкил этди.

ТТХИларнинг иқтисодий ривожланишдаги ролини юқорида қайд этиб ўтдик. Улар мамлакатнинг инвестицион иқлими шароитини ҳам кўрсатади. Айнан ТТХИларнинг хорижий инвестиция ва кредитлардаги салмоғига кўра унга баҳо беришимиз мумкин. Жадвал маълумотлари (7-устун) 2010-2020 йиллар орасида умуман олганда уларнинг пасайиб борганини акс эттиради. Бу хорижий инвестицияларни жалб этишда ечишимиз зарур бўлган навбатдаги муаммолардан бирига киради.

ТТХИлар ҳозирда хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмининг деярли 1/3 қисмини ташкил этади. Хорижий инвестициялар энг юқори бўлган 2019 йили тўғридан-тўғри инвестициялар 8158,8 млрд. сўм бўлгани ҳолда чет эл кредитлари 24282,2 млрд сўмни ташкил этди, яъни тўғридан-тўғри инвестицияларга нисбатан деярли 3 марта кўп.



Маълумки, инвестициялар натижаси уни қўйган мулк-маблағ эгаси зиммасида бўлса, кредитлар натижа қандай бўлишидан қатъий назар эгасига тўлови билан қайтарилиши керак. Давлат қафолати остидаги кредитларнинг кўпайиши ўз навбатида унга хизмат қилиш харажатларини, демак, трансакцион харажатларни кўпайтиради.

Жадвал маълумотларига кўра чет эл инвестициялари ва кредитлари таркибида ТТХИларнинг салмоғи пасайиб бориш тенденциясига эга, айниқса кейинги йилларда, жумладан 2020 йили кредитлар салмоғи янада ортиб, 67,6 %ни ташкил этди. 2021 йили кредитлар ҳажми бирмунча пасайиб, ТТХИлар ҳажми 36,4 %ни ташкил этди.

2021 йили асосий капиталга инвестицияларнинг барча кўрсаткичлари ўсиш томонга ўзгарди, жумладан, ТТХИлар 114,5 %га, ЯИМ 107,4%га ўсди.

Жаҳон амалиёти кўрсатадики, сарфланган капитал-инвестиция эвазига натижа – қайтимни таъминлаш инвестицияни жалб қилишдан ҳам муҳимроқ. Чунки 80-йилларда собиқ Иттифокда ҳам инвестицияларнинг ЯИМ даги улуши Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг ҳозирги даражасида – 30% атрофида бўлган. Лекин инвестициянинг қайтими тамомила бошқача: биринчисида турғунлик ҳукм сурган бўлса, ЖШО мамлакатларида иқтисодий ўсиш 6-10 %ни ташкил этган. Шу нуқтаи назардан ёндашсак, натижа сифатида ЯИМ нинг ўсиш суръати билан инвестицияларнинг ўсиш суръатини қиёслаш асосида хулоса чиқаришимиз мумкин.



**1-расм. Ўзбекистонда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, ТТХИлар ва ЯИМ ўсиш суръатлари тенденцияси [23]**

1-жадвал ҳамда 1-расм маълумотларига кўра инвестицияларнинг ўсиш суръати ЯИМ ўсиш суръатига нисбатан юқори. 2010-2021 йиллар давомида ЯИМ нинг ўсиш суръати 2020 йилдан ташқари

деярли бир маромда 104.5-107,8% орасида бўлган. 2010 йили ЯИМ ҳажми 78 936,6 млрд сўм бўлса, 2021 йилга келиб, 152327,2 млрд сўмга етди. ЯИМ ҳажми 1,9 мартадан ортик ўсган. Шу йиллар давомида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларга нисбатан ЯИМ нинг ўсиши доимо орқада қолган. 2010 йили асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 16463,7 млрд. сўм бўлса, 2021 йилга келиб, 54786,4 млрд. сўмга етди, яъни асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 3,3 мартага ўсган, яъни ЯИМ ўсиши даражаси инвестиция даражасидан 1,7 марта, 2017 йилдан эса 2 марта паст бўлган. Ваҳоланки, синергетик эффект туфайли ЯИМ ўсиш даражаси анча юқори бўлиши зарур. Агарда иқтисодий ўсиш суръати киритилаётган инвестицияга мос равишда ошмаса киритилаётган инвестицияларнинг самарадорлиги пасайиб бораётгани ёки яратилаётган маҳсулотнинг капитал сифимининг ортиб бораётганини кўрсатади.

Шаклланган чет эл инвестициялари ва кредитлари таркиби бўйича тенденциянинг салбий жиҳатларини ўзгартириш мақсадида 2020 йил 28 декабрда Ўзбекистон Президентининг ПҚ-4937 сонли Қарори қабул қилинди ва унга кўра ишлаб чиқилган 2021–2023 йилларда капитал қўйилмаларни ўзлаштириш бўйича йиғма прогноз параметрларида мақсадлар ва уларни амалга оширувчи субъектлар ва аниқ манзиллар белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси негизида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Президентимизнинг ПҚ-4135-сон Қарорига асосан [24], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорига [25] мувофиқ мазкур вазирлик ҳузурида Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги ташкил этилишининг ҳам ижобий таъсири бор. Бошқарувдаги янги бўғин ўз навбатида макро миқёсда трансакцион харажатларни кўпайтиради. Унинг фаолиятига баҳо беришга ҳали эрта, бунинг учун вақт керак.

Бу расмий институтлар, республикада иш ўринлари яратишда, инновацияларни жорий қилишда инвестицияларнинг, жумладан, хорижий инвесторларга нақадар муҳимлигини, бунда институционал муҳит алоҳида роль ўйнашини ҳисобга олиб, масалага алоҳида диққат қаратилаётганидан далолат беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Олиб борган тадқиқотимиз бўйича қуйидагича хулосалар чиқаришимиз мумкин.

**1. Мамлакатимизда иқтисодийга инвестицияларни жалб этиш учун яратилган институционал муҳит туфайли қуйидаги тенденциялар:**

\* асосий капиталга ўзлаштирилаётган инвестицияларнинг ўсиши;

\* чет эл инвестициялари ва кредитларининг ўсиши;

\* ЯИМга нисбатан асосий капиталга инвестициялар улушининг ўсиши;

\* ЯИМ га нисбатан чет эл инвестициялари ва кредитлари салмоғининг ортишини иқтисодийга ичимиз учун ижобий тенденция сифатида баҳолаймиз.

\* чет эл инвестиция ва кредитлари ҳажмида ТТХИлар салмоғининг пасайиши;

\* инвестициялар, жумладан хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръатига нисбатан уларнинг натижаси ЯИМ нинг ўсиш суръатининг инвестициялар ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатини кутилган даражада таъминлай олмаётганидир. Демак, олдимизда бу тенденцияни ижобий томонга буриш, мувофиқ равишда институционал муҳитни узлуксиз такомиллаштириш вазифаси турибди.

2. Биринчи муаммони 2021—2023 йилларда капитал қўйилмаларни ўзлаштириш бўйича йиғма

прогноз параметрлари ва бошқа қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирларни реал ҳаётда амалга ошириш орқали кўзланган мақсадга етиш мумкин бўлса, иккинчи муаммони ҳар бир инвестицион лойиҳани чуқур таҳлил қилиш орқали самарадорликнинг ортишига нималар тўсқинлик қилаётганини аниқлаш ва мувофиқ суратда чоралар қўллаш билан ҳал қилиш лозим. Инновацион лойиҳаларга, венчур капиталга инвестицияларни йўналтиришга устунлик бериш лозим.

Инвестицион фаолиятни чет эл инвесторлари ва маҳаллий секторга бўлиб таҳлил қилиш, тармоқ соҳага хорижий инвестиция жалб этишнинг максимал даражаси (критик нуқтаси) борми, қайсики шу соҳага йўналтирилаётган хорижий капиталнинг оптимал ҳажмидан ортса унинг самараси пасайишига олиб келадиган даражасини ва инвестиция қўйиладиган соҳа, ҳудуд, майдончаларни, инфратузилма ҳолатини аниқлаш ва бунинг учун ёш тадқиқотчилар: талабалар, магистрлар, докторантларни жалб этиш ва бунда Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги етакчи бўлиши зарур.

3. ТТХИларни иқтисодийга жалб этишда норасмий нормалар, энг муҳими инвестицион ишонч ва бизнес этикаси қоидалари муҳим аҳамиятга эга. Лекин бизнеснинг норасмий қоидалари ўз-ўзича тезда иқтисодий ютуққа эришишни таъминламайди. Бунинг учун вақт ва институционал муҳитни яратиш зарур. Бу жараёнда сўзсиз давлат бошқаруви сифати индекси муҳим ўрин тутди, чунки, унинг пастлиги инвесторларни чўчитади. Давлат бошқаруви сифатини акс эттирувчи кўрсаткичлар Ўзбекистонда 2018 йили WGI индикатори бўйича салбий зонада, кейинги йилларда ҳали кескин ўзгаришлар юз бергани йўқ [26]. Давлатнинг мамлакат иқтисодийга инвестиция қилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки стратегик ривожланишни таъминлаш, шундай зарур объектларни барпо қилишга фақат давлат қодир. Бу жараёнда коррупцияни кескин равишда қисқартиришнинг муҳимлиги ҳам ундан қолишмайди. Бу масалани ҳал этишда ҳам давлат асосий роль ўйнаши лозим.

Давлат иқтисодий ривожланишни институционал қўллаб-қувватлашда бошқарув самарадорлигини оширишга юридик ва жисмоний шахсларга мотивация яратиш; ижтимоий неъматлар яратиш, ижтимоий лойиҳаларни давлат-хусусий шерикчилиги асосида қўллаб-қувватлаш бозор институтла-

---

**Давлатнинг мамлакат иқтисодийга инвестиция қилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки стратегик ривожланишни таъминлаш, шундай зарур объектларни барпо қилишга фақат давлат қодир. Бу жараёнда коррупцияни кескин равишда қисқартиришнинг муҳимлиги ҳам ундан қолишмайди. Бу масалани ҳал этишда ҳам давлат асосий роль ўйнаши лозим.**

---

рини ривожлантиришга, рағбатлантирувчи иқтисодий-ижтимоий сиёсатни олиб боришга диққат қаратиши лозим.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Кейнс Дж. М. *Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. Пер. с англ.* – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.

2. Маршалл А. *Принципы экономической науки, Пер. с англ.* – М.: Эксмо, 2007. – 832 с

3. Блауг М.М. *Экономическая мысль в ретроспективе.* – М.: Дело ЛТД, 1994. – 720 с.

4. Шумпетер Й. *Теория экономического развития. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия /Перевод с немецкого: М. – «Эксмо», 2008. -864 с.*

5. Самуэльсон П. [= 18-е изд Экономика] = *Economics.* / П. Самуэльсон, В. Нордхаус. - М.: «Вильямс», 2006. – С. 1360.

6. Arrow K. J. *The Economic Implications of Learning by Doing // The Review of Economic Studies* (англ.)рус. – 1962. – Vol. 29, № 3. – P. 155-173

7. Эрроу К. Дж. *Возможности и пределы рынка как механизма распределения ресурсов // THESIS, 1993, вып. 1. – С. 53-68.*

8. Л. Канторович. *Развитие оптимизационных методов в СССР // Л. Канторович, В. Лассманн, Х. Шилар, К. Шварц, С. Брентъес. Экономика и оптимизация.* М., Наука, 1990, – С. 5-65.

9. Макконнелл К. Р., Брю С.Л. *Экономикс. Тринадцатое издание, Перевод с английского. Учебник.* -Москва. «Инфра», 1999. – 905 с.

10. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. *Экономика (Economics). Перевод с английского. Учебник.* -Москва. «Дело», 1999. – 864 с.

11. *Доклад о мировых инвестициях 2020 [Электронный ресурс].*

[https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020\\_overview\\_ru.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020_overview_ru.pdf)

12. *Рейтинг стран мира по уровню прямых иностранных инвестиций. Сайт исследования: <http://worldbank.org/>; <https://gtmarket.ru/ratings/foreign-direct-investment-index>*

13. Алимарданов М., Хайдаров А., Бозоров А., Шарипова Н. *Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишда соликларнинг роли. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 2017 йил. №5, октябрь.*

14. Каримқулов Ж. *Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишининг макроиқтисодий тенденциялари таҳлили. / Молия 2019, №4. – Б. 58-72.*

15. Ҳошимов Ж.Р. *Чет эл инвестицияларини жалб қилиш – иқтисодий тараққиёт гарови. / Молия 2020, №6. – Б. 98-108.*

16. Таджибаева Д. *Особенности аграрного сектора и роль институтов в инвестиционной деятельности. /Региональные проблемы преобразования экономики. 2020 № 4. – С. 18-26.*

17. Сафаров Ф., Имомалиева М. *Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири. / “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. № 3, июнь, 2021 йил.*

18. Жамолов Ж. Ж. *Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари. / Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар (Economics and Innovative Technologies) илмий электрон журнали. 2022 йил № 1, 89-98-бетлар.*

19. *Курс экономической теории. Учебник. 7-е издание. Под общей редакции проф. Чепурина М.Н и Киселевой Е. А. Киров, “АСА”, 2010. - 880 с.*

20. <https://gtmarket.ru/ratings/gross-national-income-ranking>

21. <https://lex.uz/docs/555778>

22. <https://lex.uz/docs/1994789>

23. *Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2018. -Тошкент 2019. – 272 б. ва <https://stat.uz/uz/nashrlar-menu/risolalar> <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/investments> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

24. <https://lex.uz/docs/4182334>

25. <https://lex.uz/acts/3555474>

26. [www.govindicators.org](http://www.govindicators.org)

**Хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш имкониятларининг тенденцияси: институционал ёндашув**

**Дилором Таджибаева,**  
*иқтисодиёт фанлари доктори,  
Тошкент молия институти кафедраси профессори*

**Аннотация:** инвестициялар хўжалик юритувчи субъектлар, мамлакат миқёсида иқтисодий ўсиш, ривожланишининг асоси ҳисобланади. Иқтисодиёт-

ни истиқболдаги юксалишини таъминлаш учун инвестицион жараёни амалга оширишда расмий ва норасмий институтлар – институционал муҳит асосий роль ўйнайди. Мазкур мақоланинг мақсади мамлакатимизда институционал муҳитнинг яратилиши бу жараёнга қандай таъсир кўрсатмоқда ва у қандай тенденцияларда акс этишини аниқлаш ҳамда мувофиқ равишда хулоса чиқариб, таклифлар беришдан иборат.

**Калит сўзлар:** инвестиция, хорижий инвестиция ва кредитлар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, институционал муҳит, иқтисодий ўсиш, тенденция, институционал ёндашув.

### **Тенденции привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистана: институциональный подход**

**Дилором Таджибаева**

доктор экономических наук,  
профессор кафедры Ташкентского финансового института

**Аннотация:** Инвестиции являются основой экономического роста и развития хозяйствующих субъектов и национальной экономики. Для обеспечения стабильного роста экономики в реализации инвестиционного процесса ключевую роль играют формальные и неформальные институты – инсти-

туциональная среда. Целью данной статьи является, исследуя влияние институциональной среды на этот процесс определить тенденции их отражения, сделать соответствующие выводы и предложения.

**Ключевые слова:** инвестиции, иностранные инвестиции и кредиты, прямые иностранные инвестиции, институциональная среда, экономический рост, тенденция.

### **Trends in attraction of foreign investments in the economy of Uzbekistan: institutional approach**

**Dilorom Tadjibaeva**

*DsC ( in Economics)*

*Professor of the Department of Tashkent  
Financial Institute*

**Abstract:** Investments are the basis of economic growth and development of economic entities and economy. To ensure stable economic growth in disposal of investments, formal and informal institutions - the institutional environment plays a key role. The purpose of this article is to study the influence of the institutional environment on the process, to identify reflecting trends, to draw appropriate conclusions and proposals.

**Keywords:** investment, foreign investment and credit, direct foreign investment, institutional environment, economic truth, trend.

YŷK: 369.330.322(575)

**Kiran NASEER,**  
**Ramsha Nazeer MEMON,**  
**Muhammad JUNAID,**  
*Graduate students of Shaheed Benazir  
Bhutto University, Shaheed Benazirabad,*  
**E-mail: ramshanazeer31@gmail.com,**  
**Nawaz AHMAD,**  
*Associate Professor, Shaheed Benazir Bhutto  
University, Shaheed Benazirabad,*  
**E-mail: drnawazahmad@sbbusba.edu.pk**

# Trend Analysis of Cryptocurrency using Time Series

## 1. Introduction

### 1.1 Background of the study

Innovations play a significant part in boost up the economy. Most organizations use financial innovations, however, the internet has transformed the working process of the economy cost-effective way through which several users can share and exchange information with each other. The transactions via the internet are cost-effective in a certain way, however, there are also organizations that work as a mediator that in turn raises the transaction cost. (Bartos, 2015)

According to the World Bank, Cryptocurrency can be defined as a method of digital currency that is different from electronic money. It is a form of digital payment that is centered on the notion of cryptography. (Bilal, 2021). Cryptocurrency is a method for secure transactions and interchanging digital currencies in a decentralized way by using cryptography. Bitcoin was the first Cryptocurrency. It was difficult for the two parties to make transactions digitally without intermediaries till the introduction of Bitcoin.

Cryptocurrency is a virtual currency that is based on Blockchain Technology. Rather than physical money transactions, it is a system through which transactions can be made digitally by anyone at any place. It is a decentralized Technology in which many computers help to complete the transactions and verify the transaction. The cause of decentralization is that no third party is involved (government, Banks). As it uses Blockchain Technology, information written once cannot be edited,

changed, or hacked. It will remain the same. All the transactions will be recorded and stored on computers and blocks are made in the blockchain. As discussed earlier, it is independent of banks and governments so, to store, one needs to have a digital wallet and for access have a private key. Private Key acts as verification that you are the owner of that currency. For instance, if you have a Bitcoin in your digital wallet and you have your private key then you are the owner of that currency, however, if you have Bitcoin currency without the private key then it will not show your ownership.

According to coinmarketcap.com, there are 7,812, Cryptocurrencies with a total market capitalization of \$324.716 billion (as of January 20, 2021). The trade value of the factories seemed to surpass large technology firms and few worldwide economies. Due to crypto currency's value Bitcoin is considered a big hit. (Today's Cryptocurrency Prices by Market Cap)

Bitcoin is digital money that looks nothing like physical coins or banknotes. The Bitcoin system has many users communicating through their Bitcoin protocols. As Bitcoin protocol is an application through which the Bitcoin users trade the Cryptocurrencies. It is free application software for Bitcoin users. The transactions are operated via the Bitcoin mining process. (Vranken, 2017)

Bitcoin was the first Cryptocurrency introduced in the market by a pseudonymous entity named Satoshi Nakamoto, Bitcoin started working in January 2009. It is the first decentralized Cryptocurrency. There are

more than hundreds of Cryptocurrencies today that are traded and have market value. Most Cryptocurrencies are Bitcoin or other currencies' clones. (Hileman & Rauchs, 2017) So, to avoid any losses, we must choose one of the best Cryptocurrencies available. We must choose a high price currency in the Cryptocurrency market because high price currency leads to high profits. Aside from this, numerous additional factors can influence your Cryptocurrency trading.

Crypto supporters considered Bitcoin as a barrier in contradiction to inflation. According to (Handagama, 2021) the reason behind this is, that Bitcoin has a limited range of creating about 21 million coins which counter the rate of inflation. Besides that, the more money the central bank is printing, the rate of inflation will be increased resulting in a decline in the worth of the money.

### **1.2 Objective of the Study:**

A basic motive of this study is to know nearly the future of Cryptocurrencies in general. The following are the study's particular goals:

- To do a trend analysis of previous major Cryptocurrencies' prices and volumes.
- To predict the future prices of Cryptocurrencies

### **1.3 Scope of the Study:**

Because of the surge in interest in Cryptocurrencies like Bitcoin, there is serious concern about the currency's ability to replace the monetary system by overcoming its problems. To assess replacement capability, several factors must be addressed. The paper will examine market price patterns for key Cryptocurrencies.

## **2. Literature Review**

The trade and worth of cryptocurrency have been advanced in a very short period. Cryptocurrency is an alpha numeric-based system through which users can make virtual payments for their goods and services. This virtual system is based on spreading information and applying different methods to make the transactions distinct Bitcoin makes advancements in the Cryptocurrency market. Transactions can be done by firms and individuals digitally through the coin and make a network. (Farell, 2015) Furthermore, the investors and forecasters seek help from Bitcoin in identifying the abilities of money, as Bitcoin is now being normally applied as an opportunity to cash. However, in some nations around the world, buying and selling Bitcoin is illegal. (Sikandar & Ahmad)

A Cryptocurrency market differs from the stock exchange market in many ways as the Stock exchange

market has its price dealing sessions, they only work from 9 am to 10 pm a day and they do not work on holidays or any special occasions. While the Cryptocurrency market is accessible 24/7 and at any time currencies' prices can be up or down that's why traders should be online constantly so, they don't miss any opportunity. (Kwon, Kim, Heo, Kim, & Han, 2019)

Predicting the price of Cryptocurrency is most important if we want to make more money from the Cryptocurrency market. Fundamental and technical analyses are the types of trend analysis, these two trend analysis methods are used for forecasting the future price of any Cryptocurrency. Firstly, Fundamental analysis is the trendiest type of analysis that can be used for forecasting the future price of any Cryptocurrency. In this method, traders use external factors that may affect prices but this method does not provide the exact results. Secondly, Technical analysis is a second popular type of trend analysis. The main feature of this method is forecasting the price of any Cryptocurrency getting an accurate result. Various exporters use this method daily for predicting the future price of Cryptocurrency (Popular Trend Analysis Methods for Cryptocurrencies, 2021)

The blockchain lies on the continuous order of blocks where each of the blocks carries new information regarding Bitcoin transactions. The maximum time between each of the blocks is 10 minutes. The first block was created in 2009 and the 494600 block is the most recent in the chain. Because, many people download a Blockchain. Everyone has their ledger and does not have any right to keep accounts. For instance, there are the predefined rules and a chance to people that to supervise the other participants to follow the regulations. (Berentsen & Schär, 2018).

With the help of hash functions, members of the Bitcoin market can develop trustworthy associations by forming blockchains formulated on techniques of cryptography. The Bitcoin attributes acquired from the technologies of blockchain have been shown useful in broad practical interest in economics as well as in cryptography and machine learning. (Jang & Lee, 2017) After the success of machine learning in the forecasting of the stock market, it was observed that some of the methods would be useful in the prognosis of Cryptocurrency prices. The machine learning algorithm application in the Cryptocurrency trade has been bounded for scanning Bitcoin prices. (Alessandretti, ElBahrawy, Aiello, & Baronchelli, 2018)

An unlike tactic includes examining the money-related action of digital currencies as well as portraying them according to a financial perspective. Chan et al. (2017) examine some crypto coins (Bitcoin, Dash, Dogecoin, Litecoin, MaidSafeCoin, Monero, and Ripple), which displayed weighty followed dissemination, that fitted the summed up exaggerated circulations. (Lorenzo & Arroyo , 2022)

The Cryptocurrency value changes concerning the concept of supply and demand. This concept is based on the relationship between the products supplied to the customer and the customer's needs. So the value of Cryptocurrency can be determined through this relationship. If the supply of Cryptocurrency increases by the coin holders in the market, the value of Cryptocurrency comes to decrease. Contrariwise, if the demand for Cryptocurrency increases by buying and storing the number of Cryptocurrencies by the traders in the market, the value of Cryptocurrency comes to decrease. This is because buying and storing the currency leads to insufficiency of coins so the demand increases. (Bilal , 2021)

The increase in awareness of Cryptocurrency is due to some reasons. The success of Cryptocurrency has been the most disputed and vague innovation from the last few generations in the modern world of the economy (Miciuła & Kazojć, 2019). The changes in Cryptocurrency prices and the absence of handling of the transfer of Cryptocurrency in the growing countries and the buyers of this type of currency have shown increasing in the incredulity of the shareholder. (Nasirtafreshi, 2022)

The aim of shareholders in investing in any project is to get maximum profit in a short time and the minimum probability of loss.

Recently, the global pandemic COVID-19 has caused distraction in businesses across the globe. It causes economic fall down and the consequences of COVID-19 also affect the market prices of Bitcoin, Ethereum along with other Cryptocurrencies. (Sarkodie, Ahmed, & Owusu, 2022)

However, the COVID-19 pandemic has caused a profound effect on the proficiency of Cryptocurrencies exceptionally Bitcoin, and Ethereum yet toward the finish of March 2020 its efficiency improved quicker. (Naeem, Bouri, Peng, Shahzad, & Vo, 2021).

Cryptocurrency values are extremely volatile, posing a considerable risk for investing purposes. It is vital to make such digital currencies more safe

and accessible to boost their trustworthiness. People must be informed, and the regulatory issue must be addressed. Technical issues, the lack of a central body creating and overseeing this digital currency, and controversies such as frauds, theft, and hacking have all contributed to the Cryptocurrencies volatile pricing. These digital currencies have yielded significant profits, but they are also exceedingly risky due to their unknown future. (Shah & B.Pandya, 2019; Shah & B.Pandya, 2019).

Cryptocurrencies can be used to hedge global foreign currency risks additionally working as a simple way of trade. The price volatility that detractors decry acts as an effective obstruction contrary to overseas interchange dangers, compensating dealers with substantial incomes of the threat they have to face and are efficient in comparison with gold. Due to the susceptibility to the worldwide economy and governmental risks, gold may not be as effective as previously imagined. Finally, contrary to textbook explanations, natural hedges such as diversifying one's currency holdings are ineffective because other Cryptocurrencies are observed less frequently. (Cheong, 2019).

The instability of the Cryptocurrency trade appears to be an analytically important driver for all Cryptocurrencies in both the long and short terms. The impact sign is negative, indicating that in the increased market volatility results in Bitcoin falling by 0.15 units, Ethereum by 0.15 units, Dash by 0.02, Litecoin by 0.02 units, and Monero by 0.01 units in the end. Ultimately, the effects are multiplied, which says Cryptocurrencies react severely toward market instability temporarily. (Sovbetov, 2018).

BTC price dynamic research has revealed new information about the interaction between several variables. We discovered evidence of different effects between countries over time in terms of Bitcoin's demand in the form of currency or asset, with a remarkable unease in Brazil and the US throughout the rise in Bitcoin price, and the positive impression of Russia at the start of 2016. It has been thought, that Bitcoin is approaching a new phase, and the increasing effect of attraction could be an indicator of such a scenario. In terms of macro-financial considerations, the price of Bitcoin is distressed due to exchange rates as compared to the price of gold or stocks. In general, Bitcoin has been discovered to act as a financial instrument with a proclivity toward becoming a speculative asset. (Poyser, 2017).

Cryptocurrencies can no longer lurk in the shadows of Reddit forums with a total market capitalization of \$1.7 trillion. The asset class's remarkable expansion calls for caution as well as joy. Even though Cryptocurrencies have created entire parallel economies from the ground up in just 14 years—a remarkable achievement—the decentralized infrastructure of Cryptocurrencies continues to erect significant barriers to real-world use cases. As a result, Cryptocurrencies are still a very new, highly concentrated, and volatile investment option. We believe that, rather than a quick takeover, future adoption rates in the domain will be determined by integration with current systems in financial services and other industries. If that route is followed, the possibilities for investors will grow faster than the risks. (Hume & Pagan, 2022).

Traditional asset classes such as equities, currencies, and commodities have little exposure to crypto returns. Findings have challenged that popular theories have suggested that Cryptocurrencies behave like stocks as a stake in the future of blockchain technology in the form of accounts like currency or in the form of storing value like precious metal commodities. At the same time, two market-specific indicators, momentum and investor interest, might help predict Bitcoin profits. (Liu & Tsyvinski, 2018).

### 2.1 Hypotheses

H1: The Trend observed by Bitcoin is insignificant.

H2: The Trend observed by Ethereum is insignificant.

H3: The Trend observed by Binance Coin (BNB) is insignificant.

H4: The Trend observed by Tether (USDT) is insignificant.

### 3. Methodology

For this research study, Secondary Data has been used that was collected from <https://finance.yahoo.com/>. On this website, authentic information regarding all the Cryptocurrency's prices is easily available. Our primary interest is Bitcoin Cryptocurrency because of its larger popularity in the Cryptocurrency market. Also, we have chosen other three Cryptocurrencies (USD Tether, Ethereum, and Binance Coin). Among all, these four major Cryptocurrencies are traded internationally. The data set crossed 2014 to 2022. This research is based on daily basis data and then the data was treated with SPSS software to compute trend analyses through Linear and Exponential models.

### 4. Results and Discussion

#### 4.1 Descriptive Analysis

Descriptive Statistics							
	N	Mean	Std. Deviation	Skewness		Kurtosis	
	Statistic	Statistic	Statistic	Statistic	Std. Error	Statistic	Std. Error
<b>Eth</b>	1574	1001.0679	1221.54580	1.470	.062	.864	.123
<b>Usdt</b>	1574	1.0019	.00618	1.984	.062	23.684	.123
<b>Btc</b>	2723	11426.6131	16170.11428	1.826	.047	2.136	.094
<b>Bnb</b>	1574	116.0435	182.72934	1.531	.062	.815	.123
<b>Valid N (listwise)</b>	1574						




Over the period, the average value of Ethereum price is 1001.0679 which is less than Std. Deviation (SD=1221.54) Statistics. So, it is not suitable for risk-averse investors. Over the period, the average value of USDT is 1.0019 which is greater than Std. Deviation (SD=.00618). So, it is suitable for risk-averse investors.

Over the period, the average value of Bitcoin is 11426.6131 which is less than Std. Deviation (SD=16170.11428). So, it is not suitable for risk-averse investors. Over the period, the average value of Bnb is 116.0435 which is less than Std. Deviation (SD=182.72934). So, it is not suitable for risk-averse investors.



4.2 Inferential Analysis


4.3 Ethereum



Model Summary and Parameter Estimates							
Dependent Variable: eth							
Equation	Model Summary					Parameter Estimates	
	R Square	F	df1	df2	Sig.	Constant	b1
Linear	.480	1452.578	1	1572	.000	-465.647	1.862
Exponential	.367	910.703	1	1572	.000	151.735	.002

According to the graph, two models were run; linear and exponential to capture the trend observed by Ethereum’s daily prices. F-statistics is the benchmark to compare models, the one with the higher F-statistics is considered a better model. Here, the linear model has the higher F-statistics (F=1452.578) so it captures better the price trends. It has explained variations of 48 percent (R2= 0.480). Moreover, its average daily rate of change is \$1.862 (b1=1.862) which is significant at 1 percent as the significance value is less than 0.01 (Significance = 0.000).


Bitcoin



Model Summary and Parameter Estimates							
Dependent Variable: BTC							
Equation	Model Summary					Parameter Estimates	
	R Square	F	df1	df2	Sig.	Constant	b1
Linear	.581	3778.400	1	2721	.000	-9931.889	15.682
Exponential	.903	25233.541	1	2721	.000	202.445	.002


According to the graph, two models were run; linear and exponential to capture the trend observed by Bitcoin’s daily prices. F-statistics is the benchmark to compare models, the one with the higher F-statistics is considered a better model. Here, the exponential model has the higher F-statistics (F=25233.54) so it captures better the price trends. It has explained variations of 90.3 percent (R2= 0.903). Moreover, its growth is 0.2 per cent (b1=0.002) on the daily basis which is significant at 1 percent as the significance value is less than 0.01 (Significance = 0.000).

BNB



Model Summary and Parameter Estimates							
Dependent Variable: BNB							
Equation	Model Summary					Parameter Estimates	
	R Square	F	df1	df2	Sig.	Constant	b1
Linear	.549	1913.849	1	1572	.000	-118.545	.298
Exponential	.734	4336.425	1	1572	.000	3.566	.003

According to the graph, two models were run; linear and exponential to capture the trend observed by the Bnb’ daily prices. F-statistics is the benchmark to compare models, the one with the higher F-statistics is considered as a better model. Here, the exponential model has the higher F-statistics (F=4336.425) so it captures better the price trends. It has explained variations of 73.4 percent (R2= .734). Moreover, its growth is 0.3 percent (b1=0.003) on the daily basis which is significant at 1 percent as the significance value is less than 0.01 (Significance = 0.000).



Model Summary and Parameter Estimates							
Dependent Variable: USDT							
Equation	Model Summary					Parameter Estimates	
	R Square	F	df1	df2	Sig.	Constant	b1
Linear	.022	35.519	1	1572	.000	1.004	-2.020E-6
Exponential	.022	34.631	1	1572	.000	1.003	-1.980E-6

According to the graph, two models were run; linear and exponential to capture the trend observed by the USDT's daily prices. F-statistics is the benchmark to compare models, the one with the higher F-statistics is considered a better model. Here, the linear model has the higher F-statistics (F=35.519) so it captures better the price trends. It has explained variations of 2.2 per cent (R2= 0.022). Moreover, its average daily rate of change is negative \$0.000002 (b1=\$0.000002) which is significant at 1 percent as the significance value is less than 0.01 (Significance = 0.000).

#### 4.4 Hypotheses Assessment Summary

Hypotheses	Statement	Sig	Decision
H <sub>1</sub>	The Trend observed by Bitcoin is insignificant.	0.000	Rejected
H <sub>2</sub>	The Trend observed by Ethereum is insignificant.	0.000	Rejected
H <sub>3</sub>	The Trend observed by Binance Coin (BNB) is insignificant.	0.000	Rejected
H <sub>4</sub>	The Trend observed by Tether (USDT) is insignificant.	0.000	Rejected

### 5. Conclusion, Limitations & Recommendations

#### 5.1 Conclusion

Our research highlights the trend analysis of the market of Cryptocurrency. Cryptocurrency is a computer-generated currency formulated on Blockchain Tech. As it is using Blockchain Technology, the information written once cannot be edited, changed or hacked. It will

remain the same. Most Cryptocurrencies are Bitcoin or other currencies' clones. So, to avoid any losses, we must choose one of the best Cryptocurrencies available.

Due to the continuous improvement in the Cryptocurrency market, the worth of new currencies is increasing, however, the current currencies are boosting up. The main purpose of this research is to learn about the future prices of Cryptocurrencies. Among all, we choose these four major Cryptocurrencies, (Bitcoin, Ethereum, Binance Coin, and Tether). For our research, we use secondary data on currencies to predict the future prices of Cryptocurrencies. The data set crossed 2014 to 2022. This research is based on daily basis data and then the data was treated with SPSS Software to compute trend analysis through Linear and Exponential models. According to Descriptive Statistics, the result shows that USDT is more suitable for risk-averse investors rather than the other three Cryptocurrencies. According to Inferential Statistics, it has been found that the Linear and the Exponential graph of Bitcoin, Binance Coin, and Tether is fluctuating in price order except for the USDT, as it has maintained its value with a slight increase or decrease in its worth that's why the relation of USDT is negative to the rest of currencies. As per result, USDT has a "Stablecoin" status in the high level more extensive market. Our results have a suggestion for existing and potential financial investors in the Cryptocurrency market and would give them some understanding of market elements, which could be an aid in settling on speculation choices across various economies and advanced resources.

#### 5.2 Limitations

The limitations are that this study is only based on Trend Analyses of Cryptocurrencies and does not involve other factors in it. Another one is that this research worked only on four Cryptocurrencies (Bitcoin, Ethereum, Binance Coin, and Tether) out of thousands of Cryptocurrencies while other researchers may work on more Cryptocurrencies. Last is that structural breakdown can also be considered, for instance, many changes can be seen in eight years of data.

#### 5.3 Recommendations

For new investors, the Prices of Cryptocurrencies arises a question about their choices during investment decisions, causing such investors to choose to withdraw themselves from the markets to avoid the risk. It is recommended to such investors to invest in tether (USDT) Cryptocurrency as it is suitable for risk-averse investors rather than the other three Cryptocurrencies (Bitcoin, Ethereum, Binance Coin) as they are not suitable for risk-averse investors.

## References

1. Handagama, S. (2021, Sep). *Bitcoin and Inflation: Everything You Need to Know*. Retrieved from <https://www.coindesk.com/:https://www.coindesk.com/markets/2021/01/28/bitcoin-and-inflation-everything-you-need-to-know/>
2. Alessandretti, L., ElBahrawy, A., Aiello, L. M., & Baronchelli, A. (2018). *Anticipating Cryptocurrency Prices Using Machine Learning*. *Complexity*.
3. Bartos, J. (2015). *DOES BITCOIN FOLLOW THE HYPOTHESIS OF EFFICIENT*. *International Journal of Economic Sciences*.
4. Berentsen, A., & Schär, F. (2018). *A Short Introduction to the World of Cryptocurrencies*. 5.
5. Bilal, M. (2021). *Legalization of Cryptocurrency in Pakistan*. 7-8.
6. Cheong, C. (2019). *Cryptocurrencies vs Global foreign exchange risk*. *Journal of Risk and Financial Management*, 2-20.
7. Farrell, R. (2015). *An Analysis of the Cryptocurrency Industry*. 4.
8. Hileman, G., & Rauchs, M. (2017). *GLOBAL CRYPTOCURRENCY*. 15.
9. Hume, C. M., & Pagan, J. (2022). *Understanding trends in the Cryptocurrency market in 7 charts*. Retrieved from [Morningstar.com](https://Morningstar.com).
10. Jang, H., & Lee, J. (2017, December). *An Empirical Study on Modeling and Prediction of Bitcoin Prices With Bayesian Neural Networks Based on Blockchain Information*. Retrieved from <https://www.ieee.org/:https://ieeexplore.ieee.org/document/8125674>
11. Kwon, D. H., Kim, J. B., Heo, J. S., Kim, C. M., & Han, Y. H. (2019). *Time Series Classification of Cryptocurrency Price Trend*. *J Inf Process Syst*, 1-2.
12. Liu, Y., & Tsyvinski, A. (2018). *Risk and returns of Cryptocurrency*. *National Bureau of Economic Research*, 25-40.
13. Lorenzo, L., & Arroyo, J. (2022). *Analysis of the cryptocurrency market using different prototype-based clustering techniques*. 3.
14. Miciuła, I., & Kazojć, K. (2019). *THE GLOBAL DEVELOPMENT OF CRYPTOCURRENCIES . RESEARCH PAPERS OF WROCLAW UNIVERSITY OF ECONOMICS*, 4-5.
15. Naeem, M. A., Bouri, E., Peng, Z., Shahzad, S. H., & Vo, X. V. (2021). *Asymmetric efficiency of cryptocurrencies during COVID19*. *Physica A: Statistical Mechanics and its Applications*.
16. Nasirafreshi, I. (2022). *Forecasting cryptocurrency prices using Recurrent Neural Network and Long Short-term Memory*. *Data & Knowledge Engineering*.
17. Poyser, O. (2017). *Exploring the dynamics of bitcoin's price: A Bayesian structural time series approach*. Retrieved from [Research.gate](https://Research.gate).
18. Ryan, f. (2015). *An analysis of cryptocurrency industry*.
19. Sarkodie, S. A., Ahmed, M. Y., & Owusu, P. A. (2022). *COVID-19 pandemic improves market signals of cryptocurrencies—evidence from Bitcoin, Bitcoin Cash, Ethereum, and Litecoin*. *Finance Research Letters*.
20. Shah, P., & B.Pandya, D. H. (2019). *Trends Analysis of CryptoCurrency Prices*. *International Journal of Engineering and Management Research*, 9 (2), 1-13.
21. Sikandar, S., & Ahmad, N. (n.d.). *Assessing Bitcoin Volatility using GARCH Model: A Comparative Study in the Pakistani Context*. 2.
22. Sovbetov, Y. (2018). *Factors in Influencing Cryptocurrency prices: Evidence from Bitcoin, Ethereum, Dash, Litecoin and Monero*. *Journal of Economics and Financial Analysis*, 2 (2), 8-23.
23. *Today's Cryptocurrency Prices by Market Cap*. (n.d.). Retrieved from <https://coinmarketcap.com/>
24. Unni, M. V., & S, R. (2022). *Crypto-Currencies: Can Investors Rely on Them as investment avenue*. *Social Science Research Network*, 1-9.
25. Vranken, H. (2017). *Sustainability of bitcoin and blockchains*. *Current Opinion in Environmental Sustainability*.

## Trend Analysis of Cryptocurrency using Time Series

**Kiran Naseer,  
Ramsha Nazeer Memon,  
Muhammad Junaid,**

*Graduate students of Shaheed Benazir  
Bhutto University, Shaheed Benazirabad,*

**Nawaz Ahmad,**

*Associate Professor, Shaheed Benazir Bhutto  
University, Shaheed Benazirabad*

**Abstract:** over recent years, the word digital currency has been used several times. Cryptocurrency is based on Blockchain Technology. Rather than physical money transactions, transactions can be made digitally by anyone at any place through a system. It is a decentralized Technology. Cryptography transactions make sure payments are sent and received safely. There are more than 18000 Cryptocurrencies in existence as of March 2022. This paper is descriptive

research, based on secondary data. The fundamental goal of this research is to learn about the future of Cryptocurrencies including Bitcoin, Ethereum, Tether (USDT), and Binance Coin (BNB), and analyze the price trends volumes, and studied the future prices of Cryptocurrencies. This study determines the linear or exponential growth and interpretation link features such as volume of trade, and prices to be an important determining factor for the rest of the four Cryptocurrencies. According to descriptive statistics, our study indicates that in all four Cryptocurrencies show that over the period, the average value of Bitcoin is 11426.6131, Ethereum is 1001.0679, Tether is 1.0019 and Binance Coin is 116.0435. Only USDT is more suitable for risk-averse investors.

**Keywords:** Cryptocurrency, Financial Innovation, Bitcoin, pseudonymous, Blockchain, Price Trends, Descriptive Statistics.

#### **Vaqt seriyasidan foydalangan holda kriptovalyutaning trend tahlili**

**Kiran Nasir,**

**Ramsha Nazir Memon,**

**Muhammad Junayd,**

*Shahid Benazir Bhutto universitetining  
magistratura talabalari, Shahid Benazirobod,*

**Navoz Ahmad,**

*Shahid Benazir Bhutto universiteti  
dotsenti, Shahid Benazirobod*

**Annotatsiya:** so'nggi yillarda raqamli valyuta so'zi tez-tez foydalanilmoqda. Kriptovalyuta blokcheyn texnologiyasiga asoslangan bo'lib, jismoniy pul operatsiyalari o'rniga, tranzaksiyalar tizim orqali istalgan joyda raqamli ravishda amalga oshirilishi mumkin bo'lgan tizimdir. Bu markazlashtirilmagan texnologiya bo'lib, kriptografiya operatsiyalari to'lovlarning xavfsiz yuborilishi va qabul qilinishini ta'minlaydi. 2022-yil mart oyi holatiga ko'ra 18000 dan ortiq kriptovalyutalar mavjudligi aniqlangan. Ushbu maqola ikkilamchi ma'lumotlarga asoslangan tavsifiy tadqiqotdir. Ushbu tadqiqotning asosiy maqsadi kriptovalyutalarning kelajagi, jumladan Bitcoin, Ethereum, Tether (USDT) va Binance Coin (BNB) haqida ma'lumot olish va narx tendensiyalari hajmlarini tahlil qilish va kriptovalyutalarning kelajakdagi narxlarini o'rganishdan iboratdir. Ushbu tadqiqot chiziqli yoki eksponensial o'sish va talqin bog'lanish xususiyatlarini aniqlaydi, masalan, savdo hajmi va narxlar qolgan to'rtta kriptovalyuta uchun muhim hal qiluvchi omil bo'ladi. Ta'riflovchi statistik ma'lumotlarga ko'ra, bizning

tadqiqotimiz shuni ko'rsatmoqdaki, barcha sanab o'tilgan yuqoridagi to'rttala kriptovalyutada ushbu davr mobaynida Bitcoinning o'rtacha qiymati 11426,6131, Ethereum 1001,0679, Tether 1,0019 va Binance Coin 116,0435 ni tashkil qiladi. Faqatgina USDT riskni yoqtirmaydigan investorlar uchun ko'proq mos kelar ekan.

**Kalit so'zlar:** kriptovalyuta, moliyaviy innovatsiyalar, bitkoin, blokcheyn, narx tendensiyalari, tavsiflovchi statistika.

#### **Анализ тенденций криптовалюты с использованием временных рядов**

**Киран Назир,**

**Рамша Назир Мемон,**

**Мухаммад Джунаид,**

*выпускники Университета Шахид  
Беназир Бхутто, Шахид Беназирабад,*

**Наваз Ахмад,**

*доцент, Университета Шахид Беназир  
Бхутто, Шахид Беназирабад*

**Аннотация:** за последние годы слово цифровая валюта использовалось много раз. Криптовалюта основана на технологии блокчейн. В отличие от транзакций с физическими деньгами, транзакции могут совершаться в цифровом виде кем угодно в любом месте через систему. Это децентрализованная технология. Криптографические транзакции обеспечивают безопасную отправку и получение платежей. По состоянию на март 2022 года существует более 18000 криптовалют. Эта статья представляет собой описательное исследование, основанное на вторичных данных. Основная цель этого исследования – узнать о будущем криптовалют, включая Биткойн, Эфириум, Tether (USDT) и Binance Coin (BNB), а также проанализировать объемы ценовых тенденций и изучить будущие цены на криптовалюты. Это исследование определяет, что линейный или экспоненциальный рост и интерпретация таких характеристик, как объем торговли и цены, являются важным определяющим фактором для остальных четырех криптовалют. Согласно описательной статистике, наше исследование показывает, что во всех четырех криптовалютах за указанный период средняя стоимость биткойнов составляет 11426,6131, Ethereum - 1001,0679, Tether - 1,0019, а Binance Coin - 116,0435. Только USDT больше подходит для инвесторов, не склонных к риску.

**Ключевые слова:** криптовалюта, финансовые инновации, биткойн, блокчейн, ценовые тенденции, описательная статистика.

УЎК: 33.338.334.75

**Фархад РАҲИМОВ,***техника фанлари доктори,**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги,**Иқтисодиёт тармоқларида инновацион технологияларнинг**жорий этилишини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи,***E-mail: fraximov@mineconomy.uz,****Назимахон ЗАРИПОВА,***Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги,**Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий шароитларини яратиш**бошқармаси етакчи мутахассиси,***E-mail: nzaripova@mineconomy.uz,**

## Технопарклар фаолиятининг айрим жиҳатлари

**Кириш.** 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш асосида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида соҳалар кесимида барча ҳудудларда кенг қўламли ислохотлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-307-сонли қарори барчамизнинг зиммамизга қатор вазифаларни юклади [1-3].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Жаҳон ҳамжамияти тажрибасидан маълумки, ҳар қандай мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши фан, олий таълим ва бизнес тузилмалар самарали интеграциялашуви, соҳалар кесимида инновацияларнинг роли, аҳамиятини теран англаниши, инновацияларга йўналтирилган мақсадли фаолият ҳамда жамиятда мазкур фаолият учун яратилган муқобил ҳуқуқий, ташкилий жиҳатларнинг жамоавий уйғунлашуви даражаси билан боғлиқ. Тармоқлар кесимида эса махсус инновацион ривожланиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, прогнозлаштириш ва аналитик тадқиқотлар бўлим-

лари, технопарклар, технологиялар трансфери марказлари, инновацион кластерлар, венчур ташкилотлар, инновация марказлари, бизнес-инкубаторлар ва акселераторлар каби инновацион инфратузилма субъектлари фаолиятини йўлга қўйилиши билан кечади. Бунда, рақамли технологиялар бизнес субъектларида кооперация ва интеграцияни жадаллаштиради, инновацияларни тезлаштиради, самардорликни оширади, харажатларни камайтиради, бизнесда мижоз ва инвестор шерикчилигини муқобиллаштиради ҳамда халқаро интеграциялашувга кенг йўл очади [4, 5].

Соҳа олимларининг фикрича жаҳонда “Технологик парк”, “Технополис”, “Тадқиқотлар парки” каби атамалар бир-бирига яқин тушунчалар сифатида қаралади. Технологик парк (технопарк) – фан, таълим ва ишлаб чиқаришни илмий ташкилотлар, лойиҳа-конструкторлик бюrolари, ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмаси кўринишидаги ҳудудий интеграциялаш шаклидир [6, 7].

**Технопаркларнинг стратегик вазифаси** – маҳаллий ҳокимият, илм-фан ва олий таълим муассасалари, банклар ва бошқа ташкилотларни ягона платформада бирлаштириб, инновацион фаолиятни жадаллаштиришдир [8]. Ушбу жараёнларда технопаркларнинг асосий мақсади маҳсулот сифатини яхшилаш билан фойдани ошириш, таннархни камайтириш, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш, ички ва ташқи бозорда маҳсулот сотиш ҳажмини кўпайтириш, хомашё ва материаллардан самарали

фойдаланиш, иш ўринларини яхшилаш, зарарли чиқиндиларни камайтириш ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, улар илм-фан ва олий таълим муассасалари ва бизнес суъектлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши, резидентларини махсус ускуналар билан таъминлаш, имтиёзлардан фойдаланиш, грантлар ва бошқа молиявий кўмаклар берилишига шарт-шароит яратиши керак.

О.В.Стулов, Н.Е.Чевичеловалар [9] технопаркларни керакли асбоб-ускуналар ва юқори малакали кадрлар билан таъминланган, ахборот ва экспериментал база асосида тадбиркорларни илмий-техник соҳада ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратувчи инновацион инфратузилма субъекти деб қараганлар. Бунда технопарклар самарали ишлашининг асосий шартлари сифатида яхши илмий-техник салоҳиятга эга университетлар, ривожланган алоқа ва транспорт коммуникацияси, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси, лаборатория ва тажриба ишлаб чиқариш хоналари, илмий-техник ходимлар учун офислар, яшаш инфратузилмаси (яшаш жойлари, тиббий хизмат, савдо ва овқатланиш тармоқлари) ва ижобий ижтимоий муҳит лозимлигини келтириб ўтганлар.

В.С.Лазарев жаҳон иқтисодиётида индустриал технопаркларга оид жиҳатлар, хориж тажрибаси, Россия Федерацияси технопарклари ташкилий моделларининг ўзига хосликлари, фаолияти натижалари ва ривожланишидаги муаммоларни таҳлил қилган [10, 11].

Ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий изланишларида ҳам мавзуга оид муаммолар ва уларнинг ечимларини топишга турли ёндашувлар мавжуд. Х.М.Абдусатторов [12] ишида инновацион стратегия, уни ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. И.Ю.Умаров, С.С.Саидкаримова ва Ш.Б.Облақуловларнинг ишида [13] инновацион стратегия, унинг мақсади, таркиби, ишлаб чиқишнинг хусусиятлари, саноат корхонасининг инновацион салоҳияти, кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш ўрганилган. Ф.Эргашев, Д.Рахимова, А.Сагдуллаев ва бошқалар [14] ҳамда Н.Қ.Йўлдошев, Ш.К.Мирсаидова, Е.Д.Гольдманларнинг дарсликларида [15] инновацион фаолиятни ташкил этиш, бошқариш масалалари ва инновацион инфратузилма элементлари ёритиб берилган.


**Тадқиқотларда келтирилишича технологик парклар минтақа илмий ва техник маданиятини бойитиш билан бир қаторда соҳа ва соҳалараро интеграциялашувга ҳам салмоқли таъсир кўрсатади:**

*технологик инкубаторлар* – тижорат ишланмаларини яратишга ихтисослаштирилган тузилма бўлиб, аксарият ҳолларда технопарклар ҳажмида фаолият кўрсатади;

*илмий (тадқиқот)* – парклари университетлар билан технопаркларга нисбатан янада жипсрок ҳамкорликда ишловчи тузилма бўлиб, унда маҳоратли мутахассислар томонидан илмий ҳажмдор тадқиқотлар ўтказилади;

*технологик ареаллар* – бир географик ҳудудда жойлашган, ягона ёки ўзаро кооперациялашган тармоқда фаолият кўрсатувчи бир-бирига боғлиқ корхоналар тизими бўлиб, бунда меҳнат бозори, хизмат кўрсатиш ва хавф-хатарлари ўхшаш бўлган инфраструктура шаклланади.

Туркияда 2001 йил, Украинада 2007 йил, Тожикистонда 2010 йилда технопарклар билан боғлиқ қонунлар қабул қилинган. Ҳозирги кунда дунёда 3000 га яқин йирик технопарклар фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг ярмидан ортиқроғининг (54%) мамалакатлараро тақсимоти 1-расмда келтирилган. Бунда, етакчилар: Европа 24%, АҚШ 12%, Япония 5%, Хитой 4%, Ҳиндистон 3%, Туркия ва Россия Федерацияси 4%. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, Туркиядаги 63 та технопаркнинг 49 таси давлат томонидан берилган қатор имтиёзлар асосида иш фаолиятини йўлга қўйган.



**1-расм. Технопаркларнинг мамлакатлараро тақсимоти**

**Манба:** [https://studexpo.net/204529/mirovaya\\_ekonomika/obzor\\_zarubezhnyh\\_tehnopolisov\\_tehnoparkov\\_mahlumotlari\\_асосида\\_mualliflar\\_ишланмаси](https://studexpo.net/204529/mirovaya_ekonomika/obzor_zarubezhnyh_tehnopolisov_tehnoparkov_mahlumotlari_асосида_mualliflar_ишланмаси).

**Асосий қисм.** Жаҳон тажрибасидан технопаркларни ривожлантиришнинг умумий ҳолда 4 хил моделини, яъни АҚШ, Япония, Европа ҳамда


Россия Федерацияси моделини ажратиб кўрсатиш мумкин.

**АҚШ моделида** илм-фан, таълим ва бизнеснинг самарали интеграциясини таъминлаш мақсадида технопарклар университетлар атрофида тадқиқот парклари сифатида ташкил этилади. Технопаркларни ташкил этиш ташаббускори сифатида, асосан, олий таълим муассасалари, қисман, хусусий корхоналар, тижорат банклари ва давлат ташкилотлари иштирок этади. Шунингдек, технопаркларнинг аксарияти иккита функционал блоклардан, яъни кичик инновацион корхоналар ва уларга хизмат кўрсатиш бўлимларидан иборат бўлади.

**Япония моделида** технопарклар “Технополис” (технологик шаҳарчалар) сифатида ихтисослаштирилган ҳудуд бўлиб, у ерда ўзаро интеграциялашган илмий-тадқиқот лабораториялари, олий таълим муассасалари, марказлаштирилган техник таъминот нуқталари, экспериментал ишлаб чиқариш, илмий-техник ишланмалар билан шуғулланадиган саноат корхоналари фаолияти йўлга қўйилади. Давлат томонидан технопаркларни ривожлантириш мақсадида субсидиялар ва паст фоизли кредитлар шаклида молиявий имтиёзлар, технопарклар ҳудудида паст фоизли ижара саноат объектлари тақдим этилади.

**Европа моделида** технопарклар “Илмий парк” ёки “Саноат парки” сифатида ташкил этилади ҳамда илмий ҳажмдор технологиялар ва корхоналар учун хизмат кўрсатади. Бунда, технопарклар орқали венчур бизнес (таваккалчилик) асосида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларини кичик ва ўрта инновацион корхоналар даражасига чиқариш таъминланади. Асосан Европа мамлакатларида тарқалган мазкур моделдаги технопаркларнинг таркибий тузилмасида асосий ўринни олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари, лаборатория мажмуалари, венчур компаниялар ва жамғармалар, илмий ишлаб чиқариш кооперативлари ташкил этади.

**Россия Федерацияси моделида** технопарклар технополис, илмий парк, илмий шаҳар, киберпарк, юқори технологик парк, инновацион марказ, илмий тадқиқотлар парк, университет-тадқиқот парк, тадқиқот ва технология парк, бизнес инкубатор каби шаклларда ташкил этилади. Ҳар бир технопаркнинг мақсад ва вазифалари, уларга берилган имтиёзлар алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилади. 1990-2017 йилларда Россия Федерацияси технопаркларининг яратилиш динамикаси 2-расмда келтирилган [10].



**2-расм. Россия Федерацияси технопаркларининг 1990-2017 йилларда яратилиш динамикаси**  
Манба: <https://www.tadviser.ru> маълумотлари.

Россия Федерацияси кластер ва технопарклар Ассоциацияси директори Андрей Шпиленкнинг келтиришича, технопарк – резидентларнинг жойлаштирилиши ва ривож билан боғлиқ мукамал хизмат кўрсатишни амалга оширувчи коммунал, транспорт ва технологик инфраструктурани бошқарувчи компания ҳисобланади.

Технопарклар саноат технопарклари ва юқори технологиялар йўналишидаги технопаркларга бўлинади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам саноат маҳсулотлари ва технологияларни ишлаб чиқариш, бозорга юбориш учун зарур бўлган биналар, тузилмалар, қурилма ва жиҳозларга эга комплекс объектларидир.

Саноат технопарклари технологик жараёнлар: илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари (“НИОКР”); тажриба ишлаб чиқариш; кичик ҳажмли ишлаб чиқариш; саноат ҳажмидаги серияли ишлаб чиқариш. Ундан фарқли тарзда юқори технологиялар йўналишидаги технопаркларда: ғоя; илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари (“НИОКР”); номоддий активлар (дастурий таъминот, технологик ва конструкторлик ҳужжатлари, юқори технологик хизматлар)ни яратиш тизими босқичлари бажарилади.

### **Юқоридаги технопарклар ривож буйича кўриб чиқилган моделларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари қуйидагича:**

- таркибдаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан ютуқларини тижоратлаштирувчи университет технопарклари (АҚШ, Европа), турли фаолиятларга жойни ижарага берувчи ва имтиёз тақдим қилувчи индустриал технопарклар (Россия Федерацияси), ҳудуд ва тармоқ технопарклари (Япония) шаклида ташкил этилади;

- технопарклар фаолиятини тартибга солиш учун умумий талаблар ва тартиб қамраб олинган ягона меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади.

Бизнес жараён иштирокчиларига маълум имтиёзлар бериладиган ҳудудлар “Эркин иқтисодий зона”лар, ишлаб чиқариш, савдо, экспорт-импорт, транзит, банк ва бошқа хизматларни кўрсатиш фаолиятини юритадиган “Технополис”, “Агрополис”, “Туристик зона”, “Оффшор зона”, “Махсус иқтисодий зона” ва бошқалар, тармоқларда эса ҳудудий ёки соҳавий кластерлар, махсус инновацион ривожланиш бўлимлари (янгиликлар хизмати, илмий-тадқиқотлар ёки инновациялар маркази), илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (лаборатория ва устахона) тузилмалари, прогнозлаштириш ва аналитик департаментлар, ривожлантириш бўлимлар (“келажак офислари”)и, билимларни бошқаришга ихтисослашган технопарк ёки технологиялар трансфери агентлиги кабир тузилмалар фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳам шулар жумласидандир.

### **Ўзбекистонда технопарклар фаолияти 2017 йилдан бошланган. Бугунги кунда уларнинг сони 10 тадан (филиаллари билан бирга) ошди:**

- “Mirzo Ulugbek Innovation Center” инновация маркази;

- Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-Park);

- “Яшнобод” инновация технопарки;

- Ўзбекистон-Корея ўқув амалий тўқимачилик технопарки;

- Ёшлар технопарклари;

- Махсус саноат зонаси шаклидаги (Юнусобод, Сирғали ва Яккасарой технопарклари ва электро-техникага ихтисослаштирилган индустриал технопарклар);

- “Технопарк” МЧЖ кабилар.

Бунда, қайси технопарклар, қайси илм-фан ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиши керак? деган саволнинг пайдо бўлиши ўринли. Жаҳон тажрибасидан маълумки, технопарклар ички интеграциялашувда даставвал ҳудудий, қолаверса, мамлакатдаги таянч илм-фан ва олий таълим муассасалари билан ҳамда ташқи интеграциялашувда тегишли ихтисослик ва мутахассисликлар йўналишидаги хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатадилар.

Мамлакатимиз технопаркларининг барчаси Республика Президентининг алоҳида фармон ва қарорлари асосида ташкил этилган бўлиб, уларга алоҳида солиқ ва божхона имтиёзлари берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги “Республика ҳудудларида ёшлар технопаркларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 313-сон қарори билан 2020-2023 йилларда республиканинг ҳар бир ҳудудида Ёшлар технопаркларини ташкил этиш белгилаб берилган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил Тошкент, Самарқанд ва Андижон вилоятларида ўқувчи ва талабаларнинг, техника йўналишидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг муҳандислик соҳасига қизиқишини ошириш, бор билимларини мустаҳкамлаш ва амалиётга жорий этиш мақсадида Ёшлар технопарклари барпо этилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги маблағлари ҳисобидан замонавий лаборатория ускуналари ҳамда техникалар харид қилинди. Ушбу технопаркда ёшлар компьютер саводхонлиги, робототехника, 3D прототиплаштириш, 3D моделлаштириш, дастурлаш каби келажак касблари бўйича таълим олиш йўлга қўйилган.

Кейинги босқичларда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ҳамда Сирдарё вилоятларида, 2022 йилда Бухоро, Наманган ва Фарғона вилоятларида, 2023 йилда эса Хоразм, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида Ёшлар технопаркларини ташкил этиш ишларининг режали давом этири-



лиши кутилмоқда. Мазкур технопарклар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар академияси томонидан мувофиқлаштирилиши белгиланган.

Республикада фаолият юритаётган технопарклар ва уларнинг резидентларига тақдим қилинган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳажми 2019 йилда 141,6 млрд. сўмни (133,3 млрд. сўм солиқ ва 8,3 млрд. сўм божхона) ташкил қилган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 80,9%га ошиб, 256,1 млрд. сўмни (158,6 млрд сўм солиқ ва 97,5 млрд. сўмлик божхона) ташкил қилган. Бунда, ушбу даврда технопарклар ва уларнинг резидентлари томонидан солиқ имтиёзларидан фойдаланиш 18,9%га ошган бўлса, божхона имтиёзларидан фойдаланиш 11,7 баробарга ортган.

**Республикада технопарклар фаолияти таҳлилига кўра улардаги резидентларнинг аксарияти илмий тадқиқотлар билан боғланмаган ва асосан тижорат ишлаб чиқариш йўналишидадир. Шунингдек, технопарклар ривожланишида ҳал этилиши лозим бўлган қуйидаги масалалар мавжуд:**

- технопаркларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги, ҳар бир ташаббус учун алоҳида ва фарқли норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги (масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни ва ундан келиб чиқувчи қонун ости ҳужжатлари);

- технопарклар фаолиятининг олий таълим ва тадқиқот муассасалари билан узвий боғланмаганлиги (масалан, “Яшнобод” технопарк, “Технопарк” МЧЖ ва бошқалар);

- технопарклар фаолиятида илмий ва инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ва тижоратлаштириш, илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар яратиш, стартап корхоналарни рақобатга тайёрлаш вазифалари бажарилиши.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистонда технопарклар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини тартибга солувчи, умумий талаблар ва тартибни қамраб олган, ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ҳамда технопарклар ва



уларнинг резидентларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сон Фармонининг 5-банди билан ИТ-парк резидентларига берилган имтиёзлар (ижтимоий солиқдан ташқари) ва преференцияларни татбиқ этиш таклиф этилади.

**Бунда, бизнингча технопарклар ташкил этилиши, фаолиятининг асосий талаб ва шартлари сифатида куйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:**

- уларда инновацион ишланмалар ва технологиялар яратувчиси бўлган инсон капитални янада ривожлантириш учун илм-фан ва олий таълим муассасаларининг мавжудлиги ҳамда иштирокини таъминлаш;

- резидентларнинг инновацион ва стартап лойиҳаларини молиялаштиришнинг манбаларини диверсификация қилиш учун маҳаллий ва хорижий инвестор ва венчур жамғармалар иштирокини таъминлаш;

- технопарклар фаолияти самарадорлигини даврий баҳолаб бориш, шу жумладан, улар томонидан илм-фан ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштирилиши натижадорлигини, тақдим этилаётган имтиёзларга мутаносиблигини баҳолаш (масалан, амалиётга жорий этиш режалаштирилаётган (ўрганилаётган), жорий этилаётган (амалга оширилаётган), интеллектуал мулк объектлари билан химояланган илмий-инновацион ишланмалар сони, мутлоқ ёки номутоқ лицензион шартномалар асосида жорий этилаётган, тажриба синовдан ўтказилаётган ва серияли ишлаб чиқарилаётган илмий ҳажмдор инновацион маҳсулотлар сони ҳамда ҳажми каби мезонлар асосида баҳолаш).

Шунингдек, ҳудудларда ёш олимлар, мутахассисларнинг яратувчанлик ва интеллектуал тафаккурини ўстиришни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулк департаменти, ҳудудий “Интеллектуал мулк химояси маркази” ҳамда “Технология ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш маркази”, мутасадди вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширишни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бунда, ихтирочилар, рационализаторлар, бизнес жамоалар, таълим ва илм-фан ёшларига махсус ахборотлар базаси ҳамда бошқа ахборот ресурслардан фой-

даланишни ўргатувчи таълим семинарлари, тренинглар, давра суҳбатларини уюштириш ҳамда интеллектуал мулк хизматларини кўрсатиш самарасини янада ошириш лозим.

### **Манба адабиётлар**

1. Ш.М.Мирзиёев. *Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.* – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017 й.

2. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиши стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-307-сонли қарори.*

4. Б.Ш.Усмонов, Ф.Х.Рахимов. *Интеграция. Инновацион муҳитни шакллантириш ва иқтисодийни кластерлаштиришга комплекс ёндашув. Иқтисодий ва таълим.* 2019/4, 79-86-бетлар.

5. Ф.Х.Рахимов, Ю.С.Қучқаров. *Интеграция ва рақамлаштириш – самарали инновацион тараққиёт асоси. Иқтисодий ва таълим.* 2022/3. Тошкент давлат иқтисодий университети. 206-213-бетлар.

6. М.А.Бунин. *История возникновения технопарков в США и Японии.* <https://cyberleninka.ru/article/n/istoriya-vozniknoveniya-tehnoparkov-v-ssha-i-yaponii/viewer>

7. *Зарубежный опыт интеграции научно-го и промышленного сектора экономики.* <https://articlekz.com/article/5462>

8. *“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali.* № 3, may-iyun, 2021 yil 3/2021 (№ 00053) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>, 106-бет

9. О.В.Стулов, Н.Е.Чевычелова. *Технопарк как форма научно-технической модернизации экономики. Вестн. Моск. Ун-та, сер. 6. Экономика.* 2010. № 3.

10. *Технопарки России.* <https://www.tadviser.ru>.

11. В.С.Лазарев. *История и зарубежный опыт создания и деятельности технопарков и бизнес инкубаторов.* / В.С.Лазарев, Т.А.Демецик. – Минск: РУП “Технопарк БНТУ”. “Метолит”, 2007. – 357 с.

12. Х.М.Абдусатторов. *Инновация стратегияси. Ўқув қўлланма.* -Т: ТДИУ, 2011. 278 бет.

13. И.Ю.Умаров, С.С.Саидкаримова, Ш.Б.Облоқулов. *Саноат корхоналарининг инновацион са-*

лоҳияти кўрсаткичлари таҳлили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журна-ли. июль-август, 2015 й.

14. Ф.Эргашев, Д.Рахимова, А.Сагдуллаев, О.Партиев, Ш.Зайнутдинов. Инновацион менежмент. Дарслик. -Г.: Академия, 2005, 119 бет.

15. Н.Қ.Ўлдошев, Ш.К.Мирсаидова, Е.Д.Гольдман. Инновацион менежмент. Дарслик. -Т: Иқтисодиёт, ТДИУ. 2011 й., 312 бет.

### **Технопарклар фаолиятининг айрим жиҳатлари**

**Фархад Раҳимов,**

техника фанлари доктори,  
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий  
тараққиёт ва камбағалликни қисқартириши  
вазирлиги бўлими бошлиғи,

**Назимахон Зарипова,**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий  
тараққиёт ва камбағалликни қисқартириши  
вазирлиги бўлими етакчи мутахассиси

**Аннотация:** мақолада фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи интеграциялашуви жараёнлари, уни соҳалар кесимида кучайтириши асосида инновация, инновацион жараёнлар, инновацион корхона ва кичик бизнес субъектларининг самарали инновацион эко тизими, хусусан, жараён иштирокчиларига маълум имтиёзлар бериладиган ҳудудлар шаклидаги технопарклар фаолиятининг айрим жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси технопарклари фаолияти самарадорлигини ошириши бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** инновация, интеграция, инновацион ривожланиши, инновацион эко муҳит, инновацион корхона, инновацион кичик бизнес субъекти, технопарк, технологик инкубатор, резидент.

### **Некоторые аспекты деятельности технопарков**

**Фархад Раҳимов,**

доктор технических наук,  
начальник отдела Министерства экономического  
развития и сокращения бедности  
Республики Узбекистан,

**Назимахон Зарипова,**

ведущий специалист отдела Министерства  
экономического развития и сокращения бедности  
Республики Узбекистан

**Аннотация:** в статье освещена сущность и содержание формирования инноваций, инновационных процессов, эффективной инновационной эко системы на основе инновационного мышления, развития внутренней и внешней интеграции науки, образования и производства. Также выдвинуты некоторые предложения в целях повышения эффективности деятельности технопарков Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** инновация, интеграция, инновационное развитие, инновационная эко среда, инновационное предприятие, инновационный субъект малого бизнеса, технопарк, технологик инкубатор, резидент.

### **Some aspects of activity of technoparks**

**Farxad Rakhimov,**

DSc (in technical sciences),  
Head of Department, Ministry of Economic  
Development and Poverty Reduction  
Republic of Uzbekistan,

**Nazimaxon Zaripova,**

Leading Specialist of the Department of the Ministry  
of Economic Development and Poverty Reduction of  
the Republic of Uzbekistan

**Abstract:** the article highlights the essence and content of the formation of innovations, innovative processes, an effective innovative ecosystem based on innovative thinking, the development of internal and external integration of science, education and production. Some proposals have also been put forward in order to improve the efficiency of the technoparks of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** innovation, integration, innovative development, innovative eco-environment, innovative enterprise, innovative small business entity, techno park, technology incubator, resident.

УЎК: 330.336

**Нилуфар САФАРОВА,**  
*Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, докторант,*  
**E-mail: nilusafarova@gmail.com**

## **Тенденции цифровой инклюзивности в Узбекистане**

**Введение.** В нынешней гонке за экономическими и технологическими преимуществами цифровизация стала мощным ускорителем социально-экономического развития и инструментом расширения возможностей для обеспечения устойчивого развития и повышения качества жизни людей. В то время, когда огромная преобразующая сила цифровизации изменила бизнес-модели, институты и общество в целом, неравномерное распределение преимуществ «революции информационных технологий», по-видимому, создает риски «цифрового разрыва» как между развитыми и развивающимися странами, так и внутри обществ.

- оплаты обучения предприятиями и организациями по долгосрочному договору на оказание образовательных и консалтинговых услуг;
- реализация интеллектуальной собственности соискателя в виде продажи лицензий на право использования ноу-хау, получения кредитов под залог ценных бумаг, выпуска ценных бумаг под обеспечение нематериальными активами, получение доходов в виде роялти по внедренным разработкам;
- гранты на конкурсах проектов министерств, ведомств, фирм, целевых образовательных фондов как отечественных, так и зарубежных;
- спонсорские взносы (частных, юридических лиц) и стипендии одаренным исследователям из фондов Президента и Правительства России, Минобрнауки России, региональных органов власти, общественных организаций, выдающихся ученых и общественных деятелей.

Небольшая доля подготовки аспирантов по заказам фирм (3,3%) выявляет слабость научно-технических и инновационных связей университета с реальным сектором экономики.

В 2019 году общий объем ассигнований составил 422,15 млрд рублей или 2,65% всех расходов федерального бюджета. Больше половины из них – 243,7 млрд рублей пошли на финансирование прикладных исследований, остальные – на фундаментальную науку.

По отношению к валовому внутреннему продукту затраты на гражданскую науку в последние годы не увеличиваются. Россия с 1,1% ВВП существенно отстает от ведущих стран мира и находится на

34 месте. Даже в условиях целевых параметров нацпроекта «Наука» расходы увеличатся к 2024 году до 1,2% ВВП. При том, что крупнейшие научно-технические страны тратят на эти цели больше 3% ВВП.

В Казахстане частные источники являются основным источником дохода для частных учебных заведений, где 88% студентов оплачивают все расходы на обучение самостоятельно или финансируются за счет негосударственных источников. Частные расходы на высшее образование составляют примерно 0,7% от ВВП. Действующая образовательная политика в настоящее время обеспечивает бесплатное высшее образование для 30000 студентов путем предоставления государственных грантов, но это составляет лишь около одной четверти группы учащихся, заканчивающих 11-й класс.

В 2019/20 учебном году госбюджет профинансировал 62 916 мест в вузах страны, в том числе 51 587 на бакалавриате, 9 765 на магистратуре и 1 564 на докторантуре (PhD). Исходя из национальных особенностей выделяются средства на естественно-технические специальности, затем как – на социальные.

В Грузии размер государственных грантов (ваучеров) составляет 100%, 70% или 50% от максимальной государственной платы за обучение (2,250 лари в 2017 году). Большинство студентов получают стипендию, покрывающую расходы на 50% (14%), 5% - стипендию на 70% и только 4% - стипендию на полное обучение. Гранты используются для оплаты обучения, как в государственных, так и в частных вузах. Существует ограниченное количество грантов на основе потребностей для студентов из неблагополучных семей. В 2017 году выде-

лено около 1100 грантов на основе потребностей, то есть 4% новых участников. Это число выросло с 750 в 2010 году. Общие расходы на науку в 2016 году составили около 0,6% ВВП, из которых около 50% было выделено университетам. Средние расходы составляют 2,3% ВВП в странах ОЭСР. Грузия имеет 0,6 % ВВП по сравнению со странами с наименьшими расходами, такими как Чили, Латвия и Мексика.

В Украине вузы обладают одной из самых слабых финансовых автономий, которая очень ограничена с точки зрения привлечения и расходования средств. Европейская ассоциация университетов (EUA) определила основные проблемы украинской системы высшего образования, а именно «неадекватные методы финансирования», «критически низкий уровень государственного финансирования высшего образования», «несбалансированные источники дохода для университетов».

В Японии - 782 университета, 603 из которых уже являются частными. 93 национальных университета и 86 местных государственных университетов также работают в образовательном секторе. Общие государственные расходы на образование в 2018 году составили почти 4% ВВП, и это один из самых низких показателей среди стран ОЭСР. Между тем, доля государственных расходов на высшее образование в том же году была эквивалентна 0,4% ВВП.

В Южной Корее согласно базе данных Всемирного банка, в 2017 году расходы на высшее образование составили 20,44% от общего объема государственных расходов на образование. Большая часть финансирования послевузовского образования (около 80%) поступала из частных источников. Южная Корея является второй страной в списке стран с наибольшим объемом расходов на исследования в процентах от ВВП. На самом деле, почти две трети расходов на исследования и разработки поступают из частных источников в стране.

Индия в 2019-2020 годах выделила 643 миллиона рупий (88 миллиардов долларов) государственных средств на образование. Из этой суммы центральное правительство выделило 56 537 миллиона рупий (7,74 миллиарда долларов) на 5,25 миллиарда долларов школьное образование - 60% - и 38 317 миллион рупий на высшее образование. В сумме на Центр приходится 15% расходов на образование. Остальные прибыли из штатов и союзных территорий.

Во Вьетнаме по сравнению с соседями с доходом выше среднего, общий показатель приема в высшие учебные заведения относительно низок и составляет 28,3%; в Малайзии и Таиланде, например, этот показатель составляет 44,1% и 49,3% соответственно. Нехватка профессиональных навыков часто упоминается как серьезное препятствие для бизнеса. На высшее образование приходилось лишь 5% государственных расходов на образование и профессиональную подготовку, или 0,25% ВВП. В 2019 году Вьетнам выделил 20% государственного бюджета на образование, что позволило инвестировать значительные средства в качественное обучение, включая целенаправленную учебную программу и увеличение инвестиций в учителей. Вьетнамские учителя получают более высокий уровень профессионального развития, чем большинство стран ОЭСР. В настоящее время учащийся во Вьетнаме имеют более высокие результаты тестов, чем их 15-летние сверстники в США и большинстве стран ЕС.

Заключение и рекомендации. Исходя из зарубежного опыта для Узбекистана целесообразно: пересмотреть законодательство о частных вузах, чтобы повысить подотчетность в управлении и финансировании частных учебных заведений (опыт Японии); регулярно проводить переоценку своих финансовых стратегий получения высшего образования в контексте национальных целей. Этот процесс должен проходить при активном участии широкого круга заинтересованных сторон для гарантирования достоверности и прозрачности данных; выделять особую важность пост-аудита, который должен позволить учебным заведениям сохранять и накапливать средства в течение долгого времени в целях укрепления их финансовой устойчивости и гибкости, а также обеспечить стимулы для повышения эффективности и действенности; ввести исследование финансирования вузов по принципу «деньги следуют за студентом», который является прозрачным и дает студентам возможность выбирать учебное заведение и программу, которые соответствуют их предпочтениям и возможностям, так как эта система не изучена в достаточной степени. В некоторых странах выявлено, что действующий механизм финансирования не включает стимулы к успеваемости, которые побуждают университеты вносить свой вклад в достижение национальных стратегических целей, таких как высококачествен-

ное образование, соответствующее рынку труда и также стимулы для развития НИОКР (опыт Грузии); предоставлять субсидии, для студентов, дифференцированно в зависимости от дохода семьи (опыт Англии); снизить процентную ставку кредитов для студентов дифференцированно в зависимости от дохода семьи (Южная Корея); выделять гранты на обучение в вузе членам семьи из малообеспеченных семей (опыт Финляндии, Грузии); привлечь средства профсоюзов и религиозных органов на финансирование содержание своих учреждений непрерывного образования, гарантируя максимально широкий доступ к непрерывному образованию, устанавливая плату за обучение на соответствующем уровне (опыт Германии); совершенствовать три механизма финансирования, которые помогают студентам финансировать свое обучение в вузе: гранты на основе заслуг (по баллам вступительных экзаменов), гранты на основе потребностей (заказы отраслевых министерств) и бесплатные места в приоритетных областях (опыт Грузии); расширить целевые стипендии на обучение для наиболее талантливых выпускников по дефицитным предметам (опыт Англии); разработка Пакта о качестве преподавания (опыт Германии); совершенствовать право на получение финансовой помощи студентам дневной формы обучения жилищного пособия для проживающих в съемных квартирах в зависимости от региона (опыт Финляндии); обеспечить эффективную практику оценки студентов, которая содействует подготовке квалифицированных выпускников; помочь привлечь и удержать таланты для формирования сильной системы высшего образования; уменьшить искусственно созданные барьеры высшего образования; выделять финансы больше прикладным наукам (опыт России); расширить связи отраслевых министерств, предприятий, компаний научно-исследовательскими учреждениями и увеличить количество заказов с финансированием, модернизировать механизмов со финансирования совместными усилиями государства, домашних хозяйств и бизнеса, уделять внимание на высшее образование, увеличив объем инвестиций.

### **Источники и литература**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стра-*

*тегияси тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармони . <https://lex.uz/docs/5841077> [18.04.2022].*

2. *One Dollar Invested In Youth Skills Can Pay Back Fifteen-Fold In Economic Growth | United Nations Educational, Scientific And Cultural Organization. [online] Unesco.org. [http://www.unesco.org/new/en/communication-and-information/resources/news-and-in-focus-articles/all-news/news/one\\_dollar\\_invested\\_in\\_youth\\_skills\\_can\\_pay\\_back\\_fifteen\\_fol/](http://www.unesco.org/new/en/communication-and-information/resources/news-and-in-focus-articles/all-news/news/one_dollar_invested_in_youth_skills_can_pay_back_fifteen_fol/) [18.04.2022].*

3. *Economic Growth In Developing Countries: Education Proves Key. [online] iiasa.ac.at. <https://iiasa.ac.at/web/home/resources/publications/IIASAPolicyBriefs/pb03.html> [12.04.2022].*

4. *Role of Educational Investment on Economic Growth and Development in Kenya. [online] Files.eric.ed.gov. <https://files.eric.ed.gov/fulltext/EJ1112756.pdf> [06.06.2022].*

5. *Образование и экономический рост: зарубежный опыт, прогнозы для Узбекистана // Информационно-аналитический обзор. -Ташкент: Институт бюджетно-налоговых исследований (ИБНИ) при Министерстве финансов Республики Узбекистан, 2020. -48с.*

6. *Education, The Economic Development Pillar. [online] sciencedirect.com. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877042815014846> [21.06.2022].*

7. *The Role Of Education Quality For Economic Growth: Policy Research Working Papers. [online] Elibrary.worldbank.org. <https://elibrary.worldbank.org/doi/abs/10.1596/1813-9450-4122> [14.06.2022].*

8. *Grant, C., 2017. The Contribution Of Education To Economic Growth. [online] Ids.ac.uk. <https://www.ids.ac.uk/publications/the-contribution-of-education-to-economic-growth/> [14.06.2022].*

9. *Investment in human capital <https://www.jstor.org/stable/1818907> [19.06.2022].*

10. *Переведено из английского на русский язык к.э.н. Ш.Махкамовой, Х.Рузубоевой и Ш.Фахриддинхужаевым на базе данных An Overview of State Higher Education Funding Approaches Lessons and Recommendations (2022) <https://sr.ithaka.org/publications/an-overview-of-state-higher-education-funding-approaches/>*

11. *Переведено из английского на русский язык к.э.н. Ш.Махкамовой и Ш.Фахриддинхужаевым на базе данных Expenditure on higher education as a share of GDP in selected countries worldwide in 2017*

(2022). <https://www.statista.com/statistics/707557/higher-education-spending-share-gdp/>

12. Аналитический обзор на тему «Финансирование высшего, после высшего образования и науки: зарубежный опыт» отправлен в Министерство финансов РУз в 2021г. -Ташкент: ИБНИ, 2021. -103с.

13. *Funding in Education (2021)*. [https://eacea.ec.europa.eu/national-policies/eurydice/content/funding-education-25\\_en](https://eacea.ec.europa.eu/national-policies/eurydice/content/funding-education-25_en)

14. *Introduction – Finances of Higher Education 2016/17 (2018)*. <https://www.hesa.ac.uk/data-and-analysis/publications/finances-2016-17/introduction>

### **Зарубежный опыт механизма государственного финансирования высшего образования**

**Шахло Махкамова,**

кандидат экономических наук,  
начальник отдела Института Бюджетно-налоговых исследований при Министерстве Финансов Республики Узбекистан

**Аннотация.** в данной статье анализированы механизмы финансирования зарубежных вузов, разработаны предложения, по совершенствованию законодательных актов о финансировании вузов Республики Узбекистан, по введению системы пост-аудита, проведению исследований «деньги следуют за студентом», предоставлению субсидии, привлечению средств профсоюзов и религиозных организаций в вузы, совершенствованию механизмов финансирования вузов: в частности выделению грантов по баллам; увеличению грантовых мест в приоритетных областях исходя из потребностей экономики.

**Ключевые слова:** охват молодежи высшим образованием, государственно-частное партнерство, методы финансирования, оценка механизмов.

### **Олий таълимни давлат томонидан молиялаштириш механизмнинг хорижий тажрибаси**

**Шахло Махкамова,**

иқтисодиёт фанлари номзоди,  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
хузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари  
институтини бўлим бошлиғи

**Аннотация:** мақолада хорижий олий таълим муассасаларини молиялаштириш механизмлари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикасида университетларни молиялаштириш ҳақидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, пост-аудит тизимини жорий этиш, “пул талабани кузатиб боради” тадқиқотини ўтказиш, субсидиялар бериш, қасаба уюшмалари, диний ташиқлотлар маблағларини таълим муассасаларига жалб этиш, такомиллаштирилган молиялаштириш: балл асосида, эҳтиёжга асосланган грантлар, устувор йўналишларда бепул ўринлар бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** ёшларни олий таълим билан қамраб олиш, давлат-хусусий шериклик, молиялаштириш усуллари, механизмларни баҳолаш.

### **Foreign experience of the mechanism of state financing of higher education**

**Shahlo Makhkamova,**

PhD (in Economics),  
Head of Department, Institute for Fiscal Study under the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan

**Abstract:** this article the mechanisms of financing foreign universities have been analyzed, proposals have been developed to improve legislative acts on the financing of universities of the Republic of Uzbekistan, to introduce a post-audit system, conduct research "money follows the student", provide subsidies, attract funds from trade unions and religious organizations to universities, improve the mechanisms of financing universities: in particular, the allocation of grants by points; increase grant places in priority areas based on the needs of the economy.

**Keywords:** coverage of youth with higher education, public-private partnership, financing methods, evaluation of mechanisms.



УЎК: 330.16.(575.1)

**Ботир АБДУЛЛАЕВ,**  
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий  
тадқиқотлар институти гуруҳ раҳбари,*  
E-mail: abs1965@mail.ru

## **Аҳоли фаровонлик даражаси ва эҳтиёжларининг қондирилишини баҳолаш (Фарғона вилояти мисолида)**

Кириш. Жойларда, аҳоли фаровонлигини ўрғанишда, расмий статистик маълумотлар йўқлигини эътиборга олган ҳолда сўров ўтказиш усулидан фойдаланиш, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, энг самарали ҳисобланади.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан бевосита сўровнома орқали маҳаллалардаги аҳоли турмуш даражасини баҳолаш, тадбиркорлик ва янги иш жойларини ташкил этиш, мақсадли ижтимоий ҳимоя асосида камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаларини тизимли ўрганиш йўлга қўйилган.

Институт ходимлари томонидан маҳаллабай ишлаш тизимининг қўлланилишини эътиборга олган ҳолда 2022 йил апрель – май ойларида Фарғона вилояти туман ва маҳаллаларида аҳоли билан бевосита мулоқот асосида сўровнома ўтказилди.

**Тадқиқотнинг асосий мақсади шаҳар, туман ва маҳаллалар кесимида аҳоли фаровонлиги ва камбағаллик даражасининг мониторингини амалга оширишга қаратилган. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланган:**

- маҳаллаларда аҳоли фаровонлигини таъминлашдаги асосий натижалар ва мавжуд муаммоларни аниқлаш;
- кўрсатилаётган ижтимоий хизматлардан аҳолининг қониқиш даражасини баҳолаш;
- маҳаллада камбағалликни рўйхатга олишни тизимлаштириш, субъектив ва объектив камбағаллик даражасини аниқлаш;

- вақтинча иш билан банд бўлмаган камбағал оила аъзосининг бандлигини таъминлаш имкониятларини баҳолаш.

Тадқиқот натижалари ижтимоий хавф-хатарлик рейтинги аниқланган энг қолоқ туманлар ва маҳаллаларда муаммоли ижтимоий масалаларни мақсадли ҳал қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш имконини беради.

**Тадқиқот методологияси.** Ижтимоий тадқиқот махсус тайёрланган сўровнома асосида амалга оширилган. Ҳисоб-китобларга ва танланма қоидаларига таянган ҳолда, туман даражасида 100 тагача уй хўжалигини ўрганиш 0,95 ишончилилик эҳтимолида нисбий хатоликлар 15% дан юқори бўлмаслигини таъминлайди. Бундай хатолик даражаси ижтимоий тадқиқотлар ўтказадиган халқаро ташкилотларнинг ҳулосасига кўра туман миқёсида қабул қилиш мумкин, деб эътироф этилган<sup>1</sup>. Ҳар бир туман ва шаҳарга тўғри келадиган танланманинг энг кам миқдори 60 - 100 та уй хўжаликларидан иборат.

Аҳоли сўровномаси учун – вилоятнинг танланган ҳар бир туман ва шаҳарда келтирилган маълумотлар (худуддаги аҳоли ва маҳаллалар сони ҳамда туманнинг иқтисодий кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда) асосида 6 та маҳалла танлаб олинган. Бунда маҳаллаларнинг туман марка-зигача масофаси, аҳоли сони, унинг турли ижтимоий гуруҳлари эътиборга олинган. Аниқланган

<sup>1</sup> Турмуш даражаси тадқиқотларини режалаштириш ва амалга ошириш йўриқномаси. – ТДИТ. № 126 R иш ҳужжати. Жаҳонбанки. 1999й.

махаллалардан ҳар бирдан 12 та уй хўжалиги танлаб олинган.

Саволнома уй хўжалиқларининг даромадлари ва харажатлари, саломатлиги, фаровонлиги, ижтимоий табақалашув ва камбағаллик, хонадон аъзоларининг иш билан бандлиги, турар-жой шароитлари, ижтимоий ҳимояси, мулкый активлари, кўрсатилаётган хизматлар тўғрисидаги батафсил маълумотларни олиш имконини беради.

Танловни шакллантириш учун умумий аҳоли сони Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида уй хўжалиқларини танлаш ҳудудий шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг танлови асосида амалга оширилди. Сўровномага Фарғона шаҳри ва вилоятдаги 5 туманда (Данғара, Олтиариқ, Риштон, Кува ва Бағдод) жойлашган 36 та маҳалланинг 432 та хонадони танлаб олинди.

**Асосий қисм.** Сўровномада қатнашган респондентларнинг ёши, оилавий аҳволи, таълим олганлик даражаси, бандлик ҳолати ва асосий бандлик тармоқлари турли ҳудудларда яшашига қараб, уларнинг ижтимоий - иқтисодий портрети шакллантирилган.

Фарғона вилояти бўйича сўровномада жами 2237 нафар аҳоли қамраб олинган. Иштирок этганларнинг ёши бўйича тақсимланишига кўра 0-15 ёшгача бўлганлар 31,1%, 16-29 ёшгача бўлганлар 19,5%, 30 ва ундан катта ёшдагилар 49,4%ни ташкил этади.



**1-расм. Уй хўжалиқлари аъзоларининг маълумоти ва оилавий аҳволи, %**

**Манба:** сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

Уй хўжалиқларининг оилавий аҳволи бўйича таркиби ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Оила қурмаганларнинг улуши 16,7% уйланганлар 72,0%ни ва турмуш қурган аёллар 69,7%ни ташкил этган.

Ажрашган ва бева аёлларнинг улуши нисбатан юқори (18,1%) эканлигини кўриш мумкин. Уй хўжалиқларида таълим олганлик даражаси билан бандлик муаммоси ўртасидаги маълум даражада боғлиқлик борлигини кузатишимиз мумкин (1-илова). Оилаларда ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларини тамомлаганлар 47,8%ни, тўлиқ ўрта маълумотлиларнинг улуши 35,0%ни, олий маълумотлиларнинг улуши эса нисбатан кам, 9,6%ни ташкил этади (1-расм).



**2-расм. Уй хўжалиқлари аъзоларининг бандлик ҳолати, %**

**Манба:** сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

Маҳаллалар аҳолисининг жами бандлик ҳолатини, шу жумладан, ёш гуруҳлари бўйича таҳлил қилинганда куйидагилар аниқланган. Ишлайдиганлар 40,4%, уй бекалари 5,6%, пенсионерлар 17,1%, 3 ёшгача бола парвариши билан бандлар 6,3% ни ташкил этган. Аҳоли, асосан қишлоқ хўжалигида – 26,2%, қурилишда – 14,5%, улгуржи ва чакана савдода – 11,8%, таълим соҳасида – 10,6%, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида – 9,0%, саноатда эса – 8,5% банд эканлиги кузатилган (2-расм).

Аҳоли фаровонлигини ошириш манбалари оралида бандлик муҳим ўрин тутди. Бандлик ва аҳоли турмуш даражаси ўртасида, иш ҳақи элементларининг қийматлари ва аҳоли даромадлари даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд (2-илова).



**3-расм. Аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг яхшиланганлик ҳолати, %**

**Манба:** сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур сўровда асосий эътибор аҳоли фаровонлиги ҳолати, бандлик тенденциялари ва тузилмасини ўрганиш орқали даромадлар, яъни аҳоли фаровонлигини шакллантиришнинг асосий омилларини аниқлашга қаратилган.

**Аҳоли фаровонлиги рейтинг.** Фарғона вилоятида сўнгги йилларда (2021-2022 йиллар) аҳоли эҳтиёжларининг қондирилишини ҳисобга олган ҳолда ислохотларнинг натижадорлиги ва аҳоли турмуш даражасидаги бўлаётган ўзгаришлар баҳоланган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, вилоят туманлари ва маҳаллаларида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилганлиги жойларда аҳоли томонидан қайд этилган (3-расм).

Вилоят маҳаллаларида сўнгги икки йилда ижтимоий соҳада сифатли ўзгаришлар, аввалом бор ҳоким ёрдамчилари хизматлари (74,1%), маҳаллаларда хизматларнинг ташкил этилиши (62,4%), маиший хизмат ва автотранспорт билан боғлиқ хизматлар (57,5%), электр энергия таъминоти (54,5%), маҳаллаларда муҳтож ва ногирон оилаларни рўйхатга олиш (58,7%), тиббиёт (КВП) фаолияти (52,4%) аҳоли томонидан ижобий баҳоланган.

Давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлиги аҳолига кўрсатилаётган

ижтимоий хизматлардан қониқиш даражаси билан баҳоланади. Фарғона вилоятида ўтказилган сўровларда баҳолаш қониқарли, шунингдек қисман қониқарли, қониқарсиз кўрсаткичлари бўйича олинган.


Электр энергияси (74,4%), янги иш жойлари ташкил этиш (59,8%), ичимлик суви (58,0%) ва суултирилган газ (57,7%) билан таъминлаш, касбга ўқитиш (58,7%) бўйича доимий муаммо бўлиб келган йўналишларнинг аҳоли томонидан ижобий баҳоланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълум ижобий натижалар билан бир қаторда, охириги йилларда деярли ўзгаришлар юз бермаганлиги, ҳозирда кўрсатилаётган баъзи хизматлар сифатининг қониқарсиз ҳолатлари сўровнома вақтида аниқланган.

Жумладан, аҳоли охириги йилларда юз бераётган ўзгаришларни ҳис қилмаётган соҳалар қаторига асосан дори воситалари билан таъминлаш (47,6%), ичимлик сувига бўлган талаб (46,9%), иш билан таъминланганлик (46,2%), тиббиёт хизматлари (44,3%) кўрсатилган.

Ҳозирда қониқарсиз хизматларга эса асосан иш билан таъминланганлик (19,2%) ва ичимлик суви билан (14,5%) таъминлашдаги муаммолар акс эттирилган.

Сўровномалар натижасида аҳоли ва маҳалла раҳбарлари томонидан олинган маълумотларни умумлаштирган ҳолда хизматлардан қониқмаслик даражасига кўра уларнинг рейтинги аниқланган (4-расм).



**4-расм. Аҳолига кўрсатилаётган хизматлардан қониқмаслик рейтинг**

**Манба:** сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

Сўровнома натижаларига кўра, хизматлардан қониқмаслик даражасига рейтингда биринчи ўринда – аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш (19,2%), иккинчи – ичимлик суви билан таъминлаш (14,5%), учинчи – дори воситалари билан таъминлаш (8,1%), тўртинчи – тиббиёт хизматлари (6,2%), бешинчи – электр энергия билан таъминлаш (5,5%) турибди.

#### **Хизматлардан қониқмасликнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:**

- аҳоли бандлигини таъминлашда доимий иш ўринларининг етишмаслиги (31,3%);

- ичимлик суви билан таъминлашда асосий муаммо – таъминланганлик мунтазам эмаслиги (23,8%);

- дори воситалари билан таъминлашдаги камчиликлар, жойларда дорихоналар йўқлиги ва дори нархларида кескин фарқлар мавжудлиги (57,1%);

- тиббиёт хизматлари бўйича жойларда ҚВП ларнинг йўқлиги (40,7%);

- электр энергия билан таъминлашдаги муаммолар – жадвалга асосан ўчирилиши (50,0%).

Аҳолининг кўрсатилаётган хизматлардан қониқмаслик сабаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, туманлар ва маҳаллаларда қўшимча чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва йўл хариталарида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, сўровнома ўтказилган вилоят туманлари ва маҳаллаларида 2022 йилда амалга оширилаётган дастурлар ва йўл хариталарига айрим ўзгартиришлар киритиш, биринчи навбатда жойлардаги энг муаммоли масалаларни ҳал қилишга эътибор қаратиш лозим.

**Камбағаллик, унинг сабаблари ва қисқартириш йўллари.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 15 январда ўтказилган видеоселекторда ҳар бир маҳалладаги хонадонларни 4 та тоифага ажратилган ҳолда қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш топширилган<sup>2</sup>. Биринчи тоифа – оилавий даромади кам, ишсиз аъзолари бўлган, ўз ишини бошлашга қизиқиши катта, шунингдек даромад топишга, касб ўрганишга ҳаракат қилаётган хонадонлар. Иккинчи тоифа – доимий даромадга эга, қўшимча даромад топиш истагидаги хонадонлар. Учинчи тоифа –

ижтимоий ҳимояга мухтож, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган хонадонлар. Тўртинчи тоифа – иқтисодий аҳоли яхши ва ўзига тўқ хонадонлар.

Фарғона вилоят ҳокимлигининг 2022 йил 1 – чорак натижаларига кўра, маҳаллаларда хонадонбай ўтказилган сўровномаларда қуйидаги маълумотлар олинган. Ўрганилган ҳудудлар бўйича хонадонларнинг иқтисодий ҳолати: 1 – тоифадаги хонадонлар улуши 8,5%, 2 – тоифа 57,4%, 3 – тоифа 5,7% ва 4 – тоифа 28,6% эканлиги аниқланган. Агарда биринчи ва учинчи тоифадаги хонадонларни шартли равишда камбағаллар қаторига киритилса, камбағаллик даражаси 14,2% га тенглигини кўриш мумкин<sup>3</sup>.

Тадқиқот натижаларига (Фарғона шаҳар ва бешта туманда ўтказилган сўровнома) кўра вилоятда субъектив, объектив ва ўта камбағаллик даражаси аниқланган. Субъектив камбағаллик бевосита хонадонлар (уй хўжаликлари) томонидан берилган саволга олинган жавоблар асосида шаклланган. Ўрганилган туман ва маҳаллаларда камбағаллик даражаси 17,6% ни ташкил этган (расмий маълумот бўйича вилоятда хонадонбай кузатишлар орқали аниқланган камбағаллик даражаси 14,2%). Сўровнома натижасида субъектив камбағаллик нисбатан юқори бўлишини аҳолининг ўз манфаатларини кўпроқ ҳимоя қилиши, мавжуд ҳолатни яширмасдан кўрсатиш, маҳаллаларда олиб борилаётган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”ида кўзда тутилган имтиёзларнинг мавжудлиги билан тушунтириш мумкин. Ҳудудлар кесимида энг юқори субъектив камбағаллик Бағдод (18,1%) туманида аниқланган.

Сўровнома натижалари асосида камбағал оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий портрети шакллантирилган. Камбағал оилалар бир қатор кўрсаткичлар орқали ўрта ҳол ва бой аҳолидан фарқ қилади. Таълим салоҳиятининг пастлиги (олий маълумотлилар улуши – 1,7%), оилавий аҳоли ижтимоий ноқулай вазиятда бўлганлар нисбатан кўплиги, яъни оиладаги нотинчлик ва нобарқарорлик, ажрашганлар ва бевалар сонининг нисбатан юқори даражада эканлиги (32,2%). Бандлик соҳасида камбағал оилалар аъзоларининг доимий иш билан таъминланмаганлиги (16,6%), оилада пенсионерлар (19,4%), ногиронлар (3,5%), сурункали касаллиги борларнинг (2,2%) кўплиги билан ажралиб туради. Уй аъзоларининг ёши бўйича камбағал оилалар

2 15 январь 2022 йил Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидан. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/15/president/>

3 Фарғона вилоят ҳокимлигини 2022 йил 1 – чорак натижаларига кўра ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳаллаларда хонадонбай ўтказилган сўровнома натижалари

0 – 15 ёшгача бўлганларнинг улуши юқори (44,1%), меҳнатга лаёқатлиларнинг эса камлиги (44,4%) билан бошқа табақаларга нисбатан фарқланади.

Сўровномада қатнашган оилаларнинг камбағаллик тоифасига тушиб қолишининг асосий сабаблари аниқланган.

**Олинган маълумотлар таҳлиliga кўра, камбағалликнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:**

- доимий иш жойларини йўқлиги, ишсизликнинг юқори даражаси (32,0%);
- улар фаолият юритаётган корхонада даромад (иш ҳақи)нинг пастлиги (31,1%);
- оилада ногиронлар, жумладан ногирон боланинг борлиги (21,3%);
- иш билан банд бўлиш учун бирор касб ёки мутахассисликка эга эмаслиги (19,7%);
- аёлларнинг уй ишлари, томорқада бандлиги (16,4%);
- оилада сурункали касалга чалинганларнинг борлиги (15,6%);
- оилавий муносабатлардаги нотинчлик (4,1%).

Умуман камбағалликнинг асосий сабаблари ва унинг давомийлиги туманларда турлича кўринишга эга бўлиб, маълум даражада фарқланади. Шу сабабли, камбағаллик сабаблари ва давомийлигини аниқлаш, унга қарши аниқ чора-тадбирларни ҳар бир туман ва маҳаллалардаги ўзига хос хусусиятни билган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Камбағал оилалар муҳтожликдан чиқиш йўли бўйича бир қатор саволларга жавоб берганлар.

Уларга кўра, муҳтожликдан чиқишнинг асосий йўли тадбиркорлик билан шуғулланиш (27,1%), томорқада деҳқончилик қилиш (18,6%), қорамол ва парранда боқиш (8,5%), бошқа касбни ўрганиш (5,1%), чет элга ишга бориш (3,4%). Шунингдек, камбағал оилалар хозирча ҳеч қандай режаси йўқлиги (27,1%) ва бирор нарса билан шуғулланиш учун имконият йўқлигини (10,2%) айтиб ўтганлар.

Камбағал оилаларнинг берган жавобларига кўра, даромадни кўпайтириш учун бошқа касбга қайта тайёрлаш имкониятларини кенгайтириш (11,9%), тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мақсадли имтиёзли кредитлар ажратиш самарадорлигини таъминлаш (23,7%), муносиб иш ҳақлари кафолатланган иш жойларини ташкил қилиш (52,5%), кўшимча ер участкаларини ажратиш (8,5%) ва олий ўқув юртларида ўқиш имкониятларини оширишдан (3,4%) иборат. Бунинг учун даромадни оширишга тўсқин бўлаётган муаммоларни ҳал қилиш лозим. Улар қуйидагилардан иборат: малака ва билимнинг етишмаслиги (52,5%), яшаш жойида даромадни ошириш имконияти чекланганлиги (16,9%), бизнесни ташкил қилишда бошланғич капиталнинг йўқлиги (30,5%) ва ниҳоят, инфратузилма объектларининг барқарор фаолият кўрсатмаслиги (электр, газ, сув ва бошқалар) (5,1%).

Сўровнома натижаларига кўра, камбағаллик мураккаб ва комплекс жараён бўлиб, унга қарши курашишда маҳалладаги ҳар бир оила билан доимий ишлаш, мавжуд сабабларни чуқур ўрганган ҳолда оилабай чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

**1-илова.**

**Уй ҳўжалиги аъзоларининг таълим даражаси бўйича бандлик ҳолати, %  
(уй ҳўжаликларида ўтказилган сўров натижалари, 2022 йил 25-30 апрель)**

Таълим даражаси	Бандлик ҳолати, %										
	Жами	Ишлайди	Вактинчалик иш билан бандлар	Хорижга ишлашга кетган	Ишсиз	Уй бекаси ва 3 ёшгача бола парваришда бандлар	Мактаб, лицей, коллеж ўқувчиси	ОўЮ талабаси	Пенсионер	Ногирон	Бошқа *
Тугалланмаган умумий ўрта (8/9 синф)	100,0	30,7	1,8	0,9	-	0,9	42,1	1,8	14,9	4,4	2,6
Тўлиқ ўрта (10/11 синф)	100,0	29,3	11,3	3,3	2,4	14,3	3,5	3,3	22,6	4,1	5,7
Ўрта махсус, касб-хунар (лицей, коллеж)	100,0	46,9	8,1	3,8	3,1	13,7	1,4	3,9	12,3	2,4	4,2
Олий	100,0	56,8	3,4	-	2,0	2,7	-	6,8	23,0	0,7	4,7

\* **Бошқа** – (ўқийди ва ишлайди, ишлайдиган пенсионер ва б).

**Манба:** сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

2-илова.

**Уй хўжалиги аъзоларининг таълим ва фаровонлик даражаси кесимида шаклланган ўртача ойлик даромадлари (уй хўжаликларида ўтказилган сўров натижалари, 2022 йил 25-30 апрель)**

Таълим даражаси	Жами, (минг сўм)	Оилаларнинг фаровонлик даражаси,		
		юқори фаровонлик	ўрта фаровонлик	кам таъминланган
Тугалланмаган умумий ўрта (8/9 синф)	1500,1	1616,7	1541,3	985,0
Тўлиқ ўрта 10/11 синф	1464,1	3417,7	1545,1	1047,9
Ўрта махсус (лицей, коллеж)	1804,3	3596,1	1726,0	945,8
Олий	2719,8	3600,0	2588,7	1005,0

**Манба:** сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

**Хулоса ва таклифлар.** Фарғона вилояти туманлари (шаҳар) ва маҳаллаларида ўтказилган уй хўжаликлари сўровнома натижалари асосида куйидаги хулосаларга келинган:

- вилоят аҳолиси томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва ислохотлар натижалари бўйича асосан ижобий жавоб берган. Ушбу ижобий ўзгаришлар кўлами Институт томонидан 2021-2022 йилларда ҳудудларда ўтказилган натижаларга нисбатан ҳам юқори бўлиб, айниқса аҳолини сурункали муаммоларни ҳал қилишдаги натижалардан билиб олиш мумкин. Жумладан, аҳолини электр энергияси таъминотидан қониқиш даражаси бўйича жавоб 74,4%, янги иш жойларини ташкил қилишда – 59,8%, ичимлик суви билан таъминлашда 58,0% ва суюлтирилган газ таъминотида 57,7% эканлигини кўриш мумкин;

- аҳолига кўрсатилаётган хизматлардан қоникмаслик рейтинги бўйича биринчи ўринда иш билан бандлик, иккинчи ўринда ичимлик суви таъминоти, учинчи ўринда дори воситалари билан таъминланганлик, тўртинчи ўринда тиббиёт хизматлари сифати, бешинчи ўринда электр энергияси билан узлуксиз таъминланмаганлик кўрсатилган. Тадқиқотда ушбу муаммоларнинг аниқ сабаблари туманлар ва маҳаллалар кесимида аниқланган;

- сўровнома натижаларига кўра, вилоят, туманлар, шаҳар ва маҳаллалар кесимида субъектив (17,6%), объектив (13,6%) ва ўта камбағаллик (0,6%) даражалари ҳисобланган. Камбағалликнинг ушбу кўринишлари туманлар ва маҳаллаларда турлича бўлиб, уни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда эътиборга олиш лозим;

- тадқиқотда вилоятдаги камбағал оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий портрети, уларнинг маълумоти, оилавий аҳоли, бандлиги, ижтимоий нафақа билан таъминланганлиги, оила аъзолари ёши

бўйича таркиби, оилалардаги болалар сони асосида шакллантирилган. Ушбу йўналишлар бўйича камбағал оилаларнинг ўртача ва юқори фаровон оилаларга нисбатан фарқланиши ва ўзига хос хусусиятлари борлиги кўрсатилган.

**Тадқиқот натижасида аниқланган тизимли муаммолардан келиб чиқиб куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:**

- маҳаллалар кесимида камбағалликни қисқартириш бўйича дастур ва йўл хариталарни тайёрлашда ҳар бир маҳаллада шаклланган камбағалларнинг ижтимоий-иқтисодий портрети, камбағаллик даражаси, сабаблари ва давомийлиги, ижтимоий табақалашув даражаси каби омилларни ҳисобга олган ҳолда оилабай ишлаш тизимини самарали ташкил қилиш;

- туманлар ва маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича дастур ва йўл хариталарини ишлаб чиқишда жойлардаги аҳоли ва тадбиркорлар томонидан берилган таклифларни эътиборга олиш мумкин;

- сўровнома натижаларига кўра маҳаллий ташаббусларнинг асосий қисми иш билан таъминлаш, ирригация ва мелиорация ишларининг самардорлигини ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш учун қўшимча қулайликлар яратиш, ижтимоий инфратузилма объектларига бўлган эҳтиёжни қаноатлантиришдан иборат.

Жумладан, артезиан кудукларини қазишни тизимли равишда амалга ошириш, ариқ ва каналларнинг сув ўтказиш қобилиятини ошириш, кичик техникаларни (мотокультиватор, ўт ўриш машиналари, перфораторлар, дурадгорлик, тикув ускуналари ва бошқалар) лизингга беришни амалга ошириш; чиқиндини қайта ишлаш цехини ташкил этиш, пахта ва ғаллачиликда такрорий экиш кўламини янада кенгайтириш; қишлоқ маҳаллаларидаги мак-

таблардаги ўқув сифатини ошириш; маҳаллаларда ва қишлоқ жойларда янги инновацион технологиялар қўллаш, электрон савдо хизматларидан фойдаланиш қўламини кескин ошириш таклиф этилади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. 2022 йил 15 январдаги Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли бандлигини таъминлаш масалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/15/president/>

2. Турмуш даражаси тадқиқотларини режа-лаштириш ва амалга ошириш йўриқномаси. ТДИТ. №126 Р иш ҳужжати. Жаҳон банки. 1999й.

3. Фаргона вилоятида ўрганилган шаҳар ва туманларнинг уй хўжаликларида ўтказилган сўров натижалари 2022 йил апрель-май.

4. Фаргона вилоят ҳокимлигининг 2022 йил 1 – чорак натижаларига кўра ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳаллаларда хонадонбай ўтказилган сўровнома натижалари.

### **Аҳоли фаровонлик даражаси ва эҳтиёжларининг қондирилишини баҳолаш (Фаргона вилояти мисолида)**

**Ботир Абдуллаев,**

*Прогнозлаштириш ва макроқўтисодий тадқиқотлар институти гуруҳ раҳбари*

**Аннотация:** мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий натижаси, бу аҳолини рози қилиш, унинг эҳтиёжлари ва талабларини қондиришдан иборат.

Аҳоли фаровонлиги ва эҳтиёжларининг қондирилишини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқот давомида маҳаллаларда аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида эришилган натижалар, мавжуд муаммолар, аҳолининг кўрсатилаётган ижтимоий хизматлардан қанчалик қониқиш ҳосил қилаётгани, камбағаллик тоифасига тушиб қолиш сабаблари шунингдек, «маҳаллабай» ишлаш тизими жойларда қандай натижа бераётгани ўрганилди ва билдирилган таклиф – тавсиялар мумулаштирилди.

**Калит сўзлар:** маҳалла, уй хўжаликлари, тадқиқот, сўровнома, хизматлар, рейтинг, аҳоли фаровонлиги, камбағаллик, турмуш даражаси, қонқиқмаслик даражаси, ижтимоий табақалашув.

### **Оценка уровня благосостояния населения и удовлетворения потребностей (на примере Ферганской области)**

**Ботир Абдуллаев,**

*руководитель группы Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** главным результатом проводимых в нашей стране реформ, является удовлетворение населения и удовлетворение его нужд и потребностей.

В ходе проведения исследований по оценке благосостояния населения и удовлетворенности потребностей, достигнутых результатов в части обеспечения благополучия населения в махаллях, существующих проблем, насколько население удовлетворено предоставляемыми социальными услугами, изучены причины попадания в категорию бедных, а также результаты работы системы «махаллабай» и обобщены предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** махалля, домохозяйства, исследование, опрос, услуги, рейтинг, благосостояние населения, бедность, уровень жизни, уровень неудовлетворенности, социальное расслоение.

### **Assessing the level of well-being of the population and satisfaction of needs (on the example of Fergana region)**

**Botir Abdullaev,**

*Head of the Group of Institute of forecasting and macroeconomic research*

**Abstract:** the main result of the reforms carried out in our country is the satisfaction of the population and the satisfaction of its needs and requirements.

In the course of conducting research to assess the well-being of the population and satisfaction of needs, the results achieved in terms of ensuring the well-being of the population in mahallas, the existing problems, how satisfied the population is with the social services provided, the reasons for falling into the category of the poor, as well as the results of the mahallabay system, were studied and proposals were summarized and recommendations.

**Keywords:** mahalla, households, research, survey, services, rating, welfare of the population, poverty, standard of living, level of dissatisfaction, social stratification.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги  
“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш  
тўғрисида”ги ПҚ-4653-сон қарорига биноан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар  
институтини тузилмасига ўзгартириш киритилди

**ИНСТИТУТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА  
ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЭТИБ ҚУЙИДАГИЛАР  
БЕЛГИЛАНГАН:**



стратегик режалаштириш,  
макроиқтисодий ва ташқи иқтисодий  
фаолият индикаторларни яқин, ўрта  
ва узоқ муддатда  
прогнозлаштиришнинг илмий-амалий  
асосларини ишлаб чиқиш;



иқтисодиётнинг барқарор ўсишини  
таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини  
оширишга қаратилган фаол инвестиция  
сиёсатини амалга ошириш, унинг  
самарадорлигини баҳолаш, ўрта ва узоқ  
муддатли стратегияни ишлаб чиқиш  
услуглари бўйича илмий таклифлар  
тайёрлаш;



иқтисодиётнинг реал (саноат тармоқлари,  
агросаноат комплекси, инфратузилма  
ва логистика) секторидagi ҳолатни ва  
таркибий ўзгаришларни баҳолашнинг  
замонавий индикаторларини ишлаб  
чиқиш ва прогнозлаштириш;



асосий ижтимоий соҳаларни ислоҳ  
қилиш ва барқарор ривожлантириш,  
инсон капиталини яхшилашга  
қаратилган илмий асосланган  
чора-тадбирлар ишлаб чиқишда  
қатнашиш;



камбағалликни қисқартириш ва уни  
мониторинг қилиш борасида аҳоли  
турмуш даражасини таҳлил қилиш ва  
прогнозлаштиришнинг замонавий  
услугларини амалиётга тадбиқ  
қилишда иштирок этиш;



ҳудудларнинг табиий-иқтисодий  
салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда  
уларнинг нисбий устунликларини  
аниқлаш, ишлаб чиқариш кучларини  
жойлаштириш, ҳудудлараро  
табақалашувни камайтириш,  
урбанизацияни фаоллаштириш бўйича  
илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

**ИНСТИТУТГА ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАР  
БЕРИЛГАН:**



давлат ва бошқарув органлари  
мутахассисларини илмий-тадқиқот  
муассасалари ходимларини,  
олий ўқув юртлари, шу жумладан  
ҳалқаро ва хориж ўқув юртлари  
олимлари ва ўқитувчиларини  
шартнома асосида, эксперт  
сифатида тадқиқотларга  
жалб этиш;



ҳалқаро ва амалий ҳамкорликни  
амалга ошириш, олим ва  
мутахассисларни хорижий  
мамлакатларга хизмат сафарига  
юбориш, хорижлик олимлар,  
ҳалқаро жамоат, молия ва  
иқтисодиёт ташкилотлари  
вакиллари, хорижий фирмалар,  
банклар ва компанияларни таклиф  
қилиш ва қабул уюштириш;



иқтисодий йўналишлар бўйича  
фалсафа доктори (PhD) ва фан  
доктори (DSc) илмий даражасини  
берувчи илмий кенгаш фаолиятини  
юрйтиш;



белгиланган тартибда ноширлик  
ва полиграфия фаолиятини  
амалга ошириш, даврий нашрлар  
таъсис этиш;

**ИНСТИТУТДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ:**



макроиқтисодиёт, минтақавий  
иқтисодиёт ва саноат иқтисодиёти  
иҳтисосликлари бўйича фан доктори  
(DSc) ва фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини берувчи илмий  
кенгаш;



Олий аттестация комиссияси  
докторлик диссертацияларининг  
асосий илмий натижаларини чоп  
этиш тавсия этилган илмий нашрлар  
рўйхатига киритилган «Иқтисодиёт:  
таҳлиллар ва прогнозлар» журнали;



Камбағалликни қисқартириш  
ва аҳоли фаровонлигини ўрганиш  
илмий маркази.